

Д. БОБОЖОНОВА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОИЙ-
ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР
(70—80-ЙИЛЛАР МИСОЛИДА)**

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
вазирлиги умумтаълим мактаблари
ўқитувчилари учун қўлланма сифатида
тавсия этган*

4

Nizomiy nomdagi TDPU

KUTUBXONASI

4 58/В/3

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 1999

Тақризчилар:

*тарих фанлари доктори Г. ХОЛЛИЕВ,
тарих фанлари доктори Қ. УСМОНОВ,
тарих фанлари номзоди Ҳ. ЮНУСОВА*

Бобожонова Д.

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар (70—80-йиллар мисолида): Умумтаълим мактаблари ўқитувчилари учун қўлланма. — Т.: «Шарқ», 1999. — 160 б.

Ушбу қўлланма миллатлараро ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, жумладан, 70—80-йилларда Ўзбекистондаги мавжуд муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф этиш йўллари — ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш, пахта яккаҳокимлиги ва унинг оқибатлари, демографик жараёнлар ва уларнинг миллатлараро муносабатларга таъсири, аҳолини иш билан таъминлаш, миллий ишчи кадрлар тайёрлаш масалаларига бағишланган.

Қўлланма илмий-оммабоп йўналишда ёзилган бўлиб, тарих ва ижтимоий фанлар ўқитувчилари, олий таълим ва ўрта-махсус билим юртлари талабалари, умуман кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ББК 63.3 (5У) я 75

© «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
Бош таҳририяти,
1999 йил.

КИРИШ

Бугунги кунда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг мураккаб дамларини бошдан кечирмоқда ва шу билан бирга бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида шахдам қадам ташлаб бормоқда. Республикада асосий миллат — ўзбеклар билан бирга ўз маданияти ва анъаналарига эга бўлган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир тан, бир жон бўлиб ўзаро аҳилликда иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳаларда юз бераётган ижобий ўзгаришларда ўзларининг муносиб ҳиссалари билан қатнашиб фаоллик кўрсатмоқда. Улар мамлакат аҳолиси умумий таркибининг 20 фоизини ташкил этади.

Кўп миллатли республикамызда ана шу этник гуруҳлар ва миллатлар ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш мустақил миллий давлатчилик қарор топаётган даврда айниқса муҳим аҳамият касб этади. Бу муносабатларнинг илдизи жуда узоқ тарихий даврларга бориб тақалади, уларни уйғунлаштириш эса ҳамма вақт ҳам қийин кечган. Бу соҳадаги муаммоларни ҳал қилмаслик оғир оқибатларни юзага келтириши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бир неча бор таъкидлаб қайд этганидек: «Зийраклик ва нозиклик билан ёндашишни талаб қиладиган бу масала кўп элатли давлатлар жумласига кирувчи Ўзбекистон Республикаси учун жуда долзарбдир»¹.

Ҳозирги давр жамиятнинг ҳар бир аъзосидан янада самаралироқ, фаолроқ ҳаракат ва меҳнат қилишни талаб этмоқда. Чунки давлатимиз олдида «муваффақиятсиз, чиппакка чиққан тарихий тажрибанинг фожиали оқибатларини қисқа давр ичида бартараф этиш вазифаси турибди»².

Республикамыз мустақилликка эришгандан сўнг халқимиз тарихи ва миллат тақдири билан боғлиқ бўлган тарихий жараёнларни ўқитишга илгари сурилаётган янги талаблар шўролар даврининг 70—80-йилларидаги миллатлараро муносабатлар муаммолари, зиддиятлари ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш қийинчиликларини ўрганишга алоҳида масъулият билан ёндашиш, воқеликларни мукамал ёритиш, бирёқла-

¹ *Ислом Каримов*. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Тошкент, «Ўзбекистон», 1997, 71-бет.

² Ўша ерда, 4-бет.

маликдан холи бўлган тарихийлик, ворисийлик ва узвийлик тамойилларига амал қилиш вазифасини қўймоқда. Бу Ватанимиз тарихидаги энг мураккаб даврлардан биридир. Бу давр, бир томондан, ўта марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик, партиявий раҳбарлик ва Марказнинг йўналтирилган сиёсати туфайли халқларимизнинг огир меҳнати билан кечган йиллар, иккинчи томондан, жамият ва партия ҳаётида ҳал этилмаган муаммолар ва турғунлик воқеаларининг тўпланиб, инқироз олди вазиятига олиб келган вақт бўлди.

Ўтган ўн йиллар мобайнида миллатлараро муносабатлар ривожланиши билан боғлиқ бўлган муаммолар ва бу соҳада йўл қўйилган хатолар тўғрисида умуман фикр юритиш одат эмас эди. Шу сабабли бундай хатоларнинг кўринишлари панада қолиб кетаверди. Мана шуларнинг ҳаммаси салбий оқибатлар ва бузилишларга олиб келди.

Бу йилларда узоқ вақт тарих фанида ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни ҳар томонлама очиб беришга эмас, балки баёнчилик билан ёндашишга амал қилинди. Илмий асарларда, мактаб дарсликларида баённинг энг кўп қисмини съездлар ва пленумларнинг қарорларини шарҳлаш ташкил этар эди. Бу қарорларни амалга оширишдаги қийинчиликлар, зиддиятлар ва сиёсатдаги хатолар заиф очиб берилар, кўпинча лом-мим дейилмас эди. Тарихни ўқитиш кўпинча муаммоли — концептуал характерда бўлмас эди, яъни ижтимоий жараёнларнинг илдизларини ташкил этган, ўша даврда воқеалар ривожланишининг асосий моҳиятини белгилаб берган муаммога бўйсундирилмас эди.

Шубҳасиз, бу жараён иқтисодий онгни шакллантиришни, кенг мушоҳадалар ва қиёсий таҳлилларни кун тартибига қўяди. Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб узоқ йиллар давомида жамиятда ҳукм сурган маъмурий-буйруқбозлик тизими сиёсатининг миллатлараро муносабатларга, кишилар турмуш шароитига, ижтимоий ҳаётга ўтказган таъсирини, унинг салбий оқибатларини таъкидламаслик, уни илмий мушоҳада этмаслик мумкин эмас. Демократия ва ошкоралик жараёни рўй бераётган ҳозирги шароитда миллий ва миллатлараро муносабатларнинг ривожланишида рўй берган ижобий ҳолатлар билан бирга унинг салбий ва зиддиятли жараёнларини ҳам тадқиқ қилиш долзарб масала бўлиб турибди.

Ушбу мавзунини очиб беришда тарих ва ижтимоий фанлар ўқитувчилари олдида бир қатор қийинчиликлар пайдо бўлди. Бундай қийинчиликлардан бири шундан иборатки, бундан кейин ҳар томонлама ишлаб чиқиш талаб этиладиган кўпгина масалалар бўйича ҳозирча қатъий қарор топган ва бир хилдаги талқинлар мавжуд эмас.

Мустақиллигимиз шарофати билан қарор топган демократия ва ошкоралик туфайли яқин ўтмишимизга одилona баҳо берилмоқда. Бироқ янгича ёндашувлар ҳисобга олинганда на 70-йиллар, на 80-йиллар моҳият эътибори билан тўлалигича ўрганилган эмас.

Ҳозирги кунда ўз тарихимиз, ижтимоий-фалсафий меросимизни, жумладан, миллатлараро муносабатлар масаласини ўрганишга бўлган муносабат, ёндашув кескин ўзгарди, зеро, янгиланаётган, покланаётган жамият, янгича тафаккур айнан шундай жараённинг рўй беришини тақозо этади. Дарҳақиқат, «ўз Ватанидан, ўз заминидан, ўз тарихи ва халқидан фахрланиш туйғусига эга бўлган тақдирдагина»¹ бу вазифаларни амалга ошириш мумкин. Шунинг учун ҳам содда, енгил талқин қилишлардан воз кечиб, миллатлараро муносабатларда мавжуд бўлган қарашларнинг ижобий томонларини сақлаб қолиш, уларни умумлаштириш, кўпайтириш, инсонпарварлик мақсадларига ва умуминсоний қадриятларни бойитиш хизматига қаратиш миллий муносабатларни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида қаралмоқда. Бу эса илмий ва ижтимоий муаммоларни тарихий-фалсафий жиҳатдан янада ўткирроқ ҳамда мунтазам равишда мушоҳада қилишни тақозо этмоқда.

Умумдавлат, умумхалқ ва байналмилал манфаатлар рўкач қилиниб, айрим миллатларга нисбатан сталинча қатагон, адолатсизликлар қаттиқ қораланмади, олимлар халқимизнинг бой тарихига ва ҳозирги замонга ҳолисона баҳо беришда фаоллик кўрсата олмадилар, чунки кўп ҳолларда республикага хос ривожланиш йўллари ва шакллари билгиланиб борасидаги уринишлар «миллатчилик» сифатида баҳоланиб, уларга дарҳол чек қўйиларди. Эътироф этиш керакки, бундай шароитда ижтимоий фанлар ҳам ўз йўналиши ва мўлжалини йўқотиб қўйди.

Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар, айниқса унинг кейинги совет ўн йилликлари давридаги тарихининг фақатгина ютуқ ва муваффақиятлардан иборат қилиб кўрсатилиши, бизда миллий масаланинг зиддиятсиз эканлиги ва унинг тўлиқ ҳал этилганлиги тўғрисидаги сафсаталар асосан марказ илмий нашрлари хулосалари асосида баён этилиши ҳозирги кунда ҳаётни бир томонлама кўрсатувчи асарлардан воз кечиб, унинг ҳам ютуқлари, ҳам хато ва камчиликларини рўй-рост очиб берадиган етук илмий тадқиқотлар яратишни кескин талаб қилмоқда. Шу нуқтаи назардан тақдим этилаётган ушбу қўлланмада 70—80-йилларда Ўзбекистонда миллатлараро ижтимоий-иқтисодий муносабатларда рўй берган хатоликлар, камчилик ва нохуш ҳолатлар хусусида фикр юритилади.

Мазкур муаммонинг ёритилишида нуқсон ва камчиликлар, баҳс ва мунозарали жиҳатлар мавжуд бўлиши мумкин. Зеро, муаллиф бу муаммоларнинг барча қирраларини очиб беришни эмас, балки республикадаги мавжуд ҳал этилиши лозим бўлган айрим долзарб муаммоли жараёнларни таҳлил қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, холос.

¹ *Ислом Каримов*. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Асарлар, 5-жилд, «Ўзбекистон», 1997, 134-бст.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИДАН

Асрлар давомида орзу қилган ўз мустақиллигимиз йўлидан дадил боряпмиз. Республикамизнинг мустақилликка эришуви мустақил миллий сиёсатни шакллантириш ва изчиллик билан амалга ошириш муаммосининг долзарблигини кучайтирди. Чунки бир ярим асрча давом этган мустамлакачилик, истибдод, етмиш йилдан ортиқ ҳукмронлик қилган шўроларнинг мафкуравий сиёсати халқимизни миллат сифатида парокандаликка, миллий маънавиятимизни мажруҳ ҳолатга олиб келиб қўйган эди. «Ягона совет халқи», «ягона маданият» барпо этиш ниқоби остида империя рушлатириш сиёсатини олиб борди. Ҳамма нарсани марказдан бошқариш кучайди. Миллатлар империя сиёсатининг қулларига айлантирилиб, аянчли аҳволга солинди.

Шу боисдан ҳам, миллий тараққиётнинг ўзига хос хусусиятлари бугунги, мафкуравий маҳдудлик, мутелик руҳиятидан покланган, миллий қайта тикланиш, юксак маънавият ғоялари, бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизни ўзида ифодалаган, умуминсоний қадриятларга ва Ватанга муҳаббат руҳи сингдирилган мустақиллик даврида яқин ўтмишда, чунончи, мустабид шўро тизимининг ниқобланиб йўналтирилган мустамлакачилик сиёсати авж олган, мураккаб ва зиддиятли давр бўлган 70—80-йилларнинг ўрталарида Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар аҳволини, муаммоларини атрофлича илмий, ҳаққоний таҳлил этиш, бир ёқламаликдан холи бўлган тарихийлик, ворисийлик ва узвийлик тамойилларига амал қилган ҳолда мукамал ёритиш бугунги ниҳоятда долзарб мавзулардан бири эканлиги шубҳасиздир.

Маълумки, ҳозирда жаҳонда ўз маданий ва маънавий қадриятларига эга бўлган 1600 дан ортиқ этник гуруҳлар 200 дан ортиқ давлатда истиқомат қилади. Дунёнинг ҳақиқий бойлиги, маданият ва қадриятларнинг ўзаро таъсири, бир-бирини бойитиши ана шу гу-

руҳларнинг кўплиги ва турли-туманлигидадир. Айни пайтда ҳал қилиниши қийин бўлган муаммолардан бири ҳам шунга бориб тақалади, яъни мана шу гуруҳларнинг барчаси ҳам ўз миллий давлатчилигига эга эмас. Шундай экан, мана шу этнослар миллий ғурурининг, ўзлигини англашининг ўсиши яна узоқ вақтлар дунёдаги сиёсий вазиятни, унинг тараққиёт йўналишини белгилаб туради.

Ҳар бир давлатнинг номи берилган асосий миллат билан бу мамлакатда яшовчи бошқа миллатлар ўртасида ўзаро муносабатлар ана шу давлатнинг ички сиёсий барқарорлигини белгилаб берувчи асосий омил бўлиб қолаверади. Мамлакатдаги ички сиёсий барқарорлик, миллий хавфсизлик, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўп миллатли давлатда яшаётган бошқа миллатлар вакиллариининг хайрихоҳлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Агар мамлакатда яшаётган миллатлар ва элатлар ўзаро бир-бирларини тушуниб, ҳамжиҳатлик билан умумий тараққиёт учун ҳаракат қилсалар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш самарали бўлади. Бироқ, бу мамлакатларда этник гуруҳ ва ирқлар ўртасида маълум муаммолар туғилиши табиий ҳол. Лекин у тараққиётни тўхтата олмайди. Ўша маълум муаммолар ўз вақтида ҳал этилса, ёки унинг олди олинса, осойишталик сақланиб қолади.

Миллатларнинг ўзаро муносабатларидаги уйғунлик ва маданиятларнинг бир-бирини тўлдириб, таъсир этиб туриши шу ҳудудни тараққий эттиришга, бойитишга хизмат қилади.

Мустақилликнинг мураккаб йўли, адолатли демократик фуқаролик жамияти қурилиши ҳуқуқий асосларининг вужудга келиши, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётининг қарор топиши, маънавий-руҳий покланиш ва мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш учун қўйган собит қадамлари мустақил миллий сиёсатни шакллантириш ва изчиллик билан амалга ошириш муаммосининг долзарблигини кучайтирди. Бу сиёсатнинг муваффақияти шахс, миллатлар, давлат ва маънавиятли халқлар ҳамжиҳатлигининг қанчалик пухта ва ўзаро боғланган бўлишига бевосита алоқадордир. Мазкур сиёсатнинг муҳим йўналиши миллатлараро муносабатларнинг энг мақбул тарзда тартибга солиниши, миллатлараро барқарор ҳамжиҳатликнинг таъминланишидир.

Яқин ўтмишимиз тарихий тажрибаси шуни кўрсат-

дики, миллатлараро муносабатлар муаммосини назар-писанд қилмаслик, миллатлар ўртасида ўзаро мулоқотларнинг юқори маданиятига эришиш эҳтиёжларини унутиб қўйиш кўпмиллатли давлатлар учун кескин миллатлараро тўқнашувлар, жамиятнинг тарқалиб кетиш хавфини келтириб чиқариши мумкин.

Давлатимиз раҳбарияти истиқлолнинг бошиданок бундай хавф туғилишининг олдини олди. Мустақил ривожланишнинг дастлабки қадамлариданоқ байналмилал ва миллий хусусиятларнинг мустақам бирлигига эришиш шаклланаётган миллий истиқлол мафкурасининг, янги жамият барпо этиш соҳасидаги амалий ҳаракатларнинг устувор таркибий қисмига айланди. Президент Ислом Каримов бир неча бор таъкидлаганидек: «Мустақиллик ўзбек халқига ўз юртида қадр-қимматни, бўй-бастини, ўз маданияти ва анъаналарини, дину эътиқодини, тили ва маънавиятини қайта тиклаб олишга, миллий ғурур ва миллий тафаккур, Ватанга муҳаббат туйғуларини камол топтиришга замин туғдирди. Юртимизда яшайтган ҳар қайси инсон учун, унинг миллати, дину эътиқодидан қатъи назар, тенг бўлиб яшаш, ягона уйимиз бўлмиш Ўзбекистонимизнинг бугунги ва келажак ҳаётини куриш имконини яратди»¹.

Сўнгра, Ўзбекистоннинг миллий мустақиллигини мустақамлаш учун миллий муносабатларни уйғунлаштиришнинг кўп қиррали ҳамда катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга эканлигини назарда тутиб, Ислом Каримов бундай деб таъкидлаган эди: «Ватанпарварлик, фуқаролар яқдиллиги — ёш ва мустақил Ўзбекистон давлати барпо этилаётган негиздир. Айни шу нарса жамиятни қайта ўзгартириш йўлидаги қийинчиликларни енгиб ўтишга, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка эришишда ёрдам беради»².

Республика ҳудудида жамиятнинг тарихан қарор топган кўп миллатли таркибини сақлаб қолиш ва мустақамлаш, мазкур омилдан демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдан иборат аниқ пировард вазифаларни амалга ошириш учун фаоллик билан фойдаланишга таяниб, мантиқан ва тарихан қонуний ҳол бўлган шўролар иттифоқи тарқалиб кетгандан сўнг кўпгина мустақил давлатларнинг вужудга келиш жараёнида намоён

¹ *Ислом Каримов*. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби, 132-бет.

² *Каримов И. А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Нутқлар, мақолалар, суҳбатлар. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993, 82-бет.

бўлган миллатлараро можароларнинг ҳалокатли авж олишига барҳам беришга муваффақ бўлинди. Миллатлараро ҳамжиҳатлик, барқарорликнинг сақланиб қолиши ва байналмилал бирлик Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ислоҳотлар ўтказиш учун мустақкам шарт-шароит яратмоқда.

Мустақил давлат барпо этилиши шароитида инсоний муносабатларнинг қарор топган нормаларига баҳо беришда танқидий нуқтаи назардан янгича ёндашувлар, миллатлар ва элатлар ўртасида янгича ўзаро муносабатлар вужудга келмоқда. Бундай муносабатлар муштараклигининг ортиши, хусусан, турли миллатлар ва элатлар ўртасида жадал муносабатлар ўрнатилганлиги туфайли байналмилал ва миллий имкониятларнинг кенгайиши содир бўлмоқда.

Шу билан бирга, мустақил миллий сиёсат мафкура-си ва амалиёти ҳали илмий-методологик такомилга эришгани йўқ. Бундан ташқари, миллий сиёсат-миллатлараро муносабатлар муаммоларини адолатли, демократик, инсонпарварлик билан ҳал қилишнинг янги-ча йўл, усул ва шаклларини доимий равишда ижодий ўрганиш лозимлигини ҳам мудом эсда тутишимиз керак. Бу сиёсатни амалга ошириш, маълум даражада, ўтмиш ва ҳозирги тажрибанинг диалектик нисбатига, миллий қурилишнинг бундан олдинги амалиётидаги ижобий ва салбий жиҳатларини аниқ тушуниб етишга боғлиқдир. Бу жиҳатдан тарихни чуқур билиш илмий, амалий ва инсонпарварлик аҳамиятига моликдир. Тўп-ланган тажрибани ҳар томонлама холисона ўрганиш миллий сиёсатни ҳаққонийлик нуқтаи назаридан куриш, жамият ривожланишининг истиқболларини белгилаш, миллий ҳаракатларни ва муддаоларни маданий асосда уйғунлаштириш, ёшларни ватанпарварлик, умуминсонийлик, миллатпарварлик ва миллий истиқ-лол ғоялари руҳида тарбиялаш имконини беради.

Миллий тараққиётнинг ўзига хос хусусиятлари бу-гунги, мафкуравий маҳдудлик, мутелик руҳиятидан покланган, миллий тикланиш, юксак маънавият ғояла-ри, бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизни ўзида ифодалаган, умуминсоний қадриятларга ва Ва-танга муҳаббат руҳи сингдирилган Мустақиллик даври-да кўп миллатли Ўзбекистон аҳолисининг кейинги мус-табид шўро тузуми ўн йилликлари, хусусан, анча зид-диятли 70—80-йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ри-вожланиш тажрибасини ҳар томонлама чуқур тадқиқ

қилиш эҳтиёжини илгари сурди. Шубҳасиз, бу жараён янги ижтимоий-иқтисодий онгни шакллантиришни, коммунистик ақидаларга ва тарихни сохталаштиришга йўл қўймаслик, тарихий жараёнларни холисона баҳолаш лозимлигини, кенг мушоҳадалар ва қиёсий таҳлилларни, ўзаро фикр алмашув ва муҳокамаларни ҳам кун тартибига қўйди. Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, узоқ йиллар давомида жамиятда ҳукм сурган маъмурий-буйруқбозлик тизими сиёсатининг миллатлараро муносабатларга, аҳоли турмушига, ижтимоий ҳаётга ва маънавиятга ўтказган таъсирини, унинг салбий оқибатларини тадқиқ этмаслик, тегишли сабоқ, хулосаларни чиқармаслик мумкин эмас. Бинобарин, бу масалани уйғун равишда таҳлил қилишнинг долзарблигини бир қатор омиллар зарур қилиб қўйди.

Биринчидан, шўролар ҳукмронлиги давридаги, шу жумладан, 70—80-йиллардаги Ўзбекистоннинг тарихий тажрибаси жиддий салбий омиллар, тамойилларга эгадир. Коммунистик тузумнинг кўп миллатли республика иқтисодиёти, фани, маданияти соҳаларида ўтказиб келган мустамлакачилик сиёсати моҳиятини очиб ташлаш ва уни янгича ўрганиш ялпи бузгунчиликни барҳам топтиришга, жонли эволюцион йўл билан олға томон ҳаракат қилишни таъминлашга ёрдам беради.

Иккинчидан, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳалардаги ҳозирги муаммоларнинг кўпгина қисмининг манбалари назорат қилиб бўлмайдиган даражада инқирозга юз тутган, ниқобланиб йўналтирилган шўро тузumi миллий сиёсатининг хатолари ва нуқсонларига бориб тақалади, бу миллий сиёсат тор синфий йўналишга эга бўлган марксча-ленинча таълимотга ва коммунистик мафкура тамойилларига асосланар эди. Бу эса республикамизни, унинг кўп миллатли халқини оғир ҳаёт шароитига, ҳамманинг умумий камбағаллигига, бартараф этиш ниҳоятда қийин бўлган ижтимоий-иқтисодий аҳволга солиб қўйди. Ваҳоланки, вужудга келган ижтимоий-иқтисодий аҳволни ҳар томонлама таҳлил қилмай, унинг туб сабабларини аниқламай, бундай аянчли аҳволга олиб келган мустамлакачилик сиёсатининг туб моҳиятини билмай туриб, уларни бартараф этиш усулларини аниқ белгилаш мумкин эмас.

Мустабид шўро тузumi шароитида миллий сиёсатнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатларига етарли эътибор берилмади. Мавжуд имкониятларни етарли даражада ҳисобга олмаган саноат, қишлоқ хўжалиги, экология ва

ижтимоий соҳаларни соғломлаштиришга қаратилган қарорлар ва дастурлар иқтисодий, ижтимоий ҳамда сиёсий қарама-қаршиликларни чуқурлаштириб юборди.

Марказнинг Ўзбекистонни умумбашарий тараққиётдан, умуминсоний қадриятлар ва тамойиллардан четлатиб, ўлка табиий, маданий ва тарихий бойликларини беаёв талашди, пахта яккаҳокимлигини кучайтириб, Орол фожиасини келтириб чиқариб, мамлакатни мудҳиш экология ҳолатига тушириб қўйган маъмурий-буйруқбозлик сиёсатининг оқибатлари, ўлка саноатининг ўзга юрт учун тайёрлаб берадиган хом ашёга асосланган бир ёқлама ривожлантирилганлиги, халқ хўжалигидаги инқирозий турғунлик ҳолати, шўро республикаларининг Марказдан туриб белгилаб берилган, миллий республикалар эҳтиёжлари ва манфаатларини ҳисобга олмаган ҳамкорлиги иқтисодиётнинг ба-тамом издан чиқишига, молиявий ва ижтимоий тақчилликнинг кучайишига, аҳоли турмуш шароитининг янада ёмонлашувига олиб келди. Ишсизлик, озиқ-овқат, турар жой ва бошқа муаммолар, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутлар кескинлашиб борди. Чунончи, 20-йилларнинг охирларидан бошлаб, Иттифоқ ҳукумати ўлканинг туб аҳолиси миллий манфаатларини назар-писанд қилмаслик, Ўзбекистоннинг хом ашё етказиб беришга ихтисослашуви йўлини зўр бериб амалга ошириб келди. Республиканинг миллий-давлат мақоми Россия Федерациясининг вилоятлари мақомига тушириб қўйилди. Бундай қинғирликлар 70—80-йиллардаги даврда айниқса кенг қўламда авж олди.

Иттифоқ марказининг ўтказган ижтимоий сиёсати ташқи томондан табақалашгандай, иттифоқдош республикаларнинг, иттифоқ давлати бошқа субъектларининг манфаатлари ва эҳтиёжларини расман ҳисобга олаётгандай туюларди. Бироқ, ҳақиқатда эса маркавлаштирилган давлат мустабидчилик сиёсий тизimini кучайтира бориб, ватанпарварлик руҳи билан сугорилган миллий зиёлиларга, бир қанча халқларга (корейслар, чеченлар, ингушлар, қорачойлар, болқорлар, месхети турклари, қрим татарлари ва бошқа айрим халқларга) нисбатан сиёсий қатағонларни жорий қилди. Ўрта Осиё халқлари, биринчи навбатда туб миллат аҳолиси эҳтиёжларини эътиборга олмади. Бунди, хусусан шундан ҳам билса бўладикки, Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий-маданий эҳтиёжларига давлат бюджете-

тидан ажратилган маблағларнинг салмоғи ортиб бориши ўрнига доимий равишда қисқартирилиб борилди.

Бу борада энг аввало қайд этиш керакки, қатъий марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизими, сиёсат ва яккапартиявий мафкуранинг иқтисодиётдан, ижтимоий соҳадан устуворлиги, республиканинг шароитига монанд бўлмаган ишлаб чиқариш тармоқларининг директив асосда шаклланиши иқтисодиёт ва экология мувозанатининг бузилишига, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришдаги хатоликлар, демографик жараённинг хусусиятларини ҳисобга олмаслик ишсизликнинг келиб чиқишига, нотўғри юритилган хўжалик сиёсати иқтисодиётда бир томонламаликнинг ниҳоятда кучайишига, ижтимоий, демографик ва экологик муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди, бу эса, ўз навбатида, миллатлараро муносабатларга салбий таъсир кўрсатди. Бу хилдаги ишлардан биринчи навбатда қишлоқ туманларининг, кичик ва ўртача шаҳарларнинг аҳолиси зарар кўрди, улардаги аҳолининг аксарият қисмини туб миллат вакиллари ташкил этарди.

Собиқ Марказ томонидан ишлаб чиқилган қарор ва режаларда атайлаб республикадаги мавжуд имкониятлар ҳисобга олинмасдан ғаразли мақсадларда саноатлаштиришга киришилиб, хом ашё ва ишчи кучи йўқ жойга улкан корхоналар қурилди. Бу эса иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий қарама-қаршиликларни кучайтирди.

Шу муносабат билан шўро тузуми ниқобланган мустамлакачилиги даврининг сўнгги йиллар шароитида рўй берган салбий ижтимоий-иқтисодий омиллар ва субъектив сабабларнинг мазмунини чуқур тушуниб етиш айниқса муҳимдир. Ўша даврни ҳозирги кун нуқтаи назаридан ҳолисона таҳлил қилиш миллий соҳадаги танглик ҳолатларининг кучайиши негизларини аниқ билиб олишга ёрдам берибгина қолмай, шу билан бирга Ўзбекистон миллий давлат мустақиллигига эришган шароитдаги этник-миллий вазиятга ҳам тўлароқ баҳо беришга имкон ҳам туғдиради.

Учинчидан, Ўзбекистондаги миллатлараро муносабатларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатларини тадқиқ қилишнинг зарурлигини умуман республикада, хусусан, шаҳар ва қишлоқларда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг ривожланиш хусусиятлари, тамойиллари, муаммоларини аниқлаш эҳтиёжлари ҳам белгилаб беради.

Марказнинг ўзбек халқи миллий қиёфасининг йилдан-йилга маънавий жиҳатдан бойиб боришидан жиддий хавотирга тушиб, республикамиздаги ишсизлар сонининг кўп бўлишига қарамасдан, режали тарзда сафоатлаштириш баҳонасида кўплаб рус аҳолисининг кўчириб келтирилганлиги, бу эса ишсизликнинг янада ортишига сабаб бўлиб, ижтимоий вазиятни янада оғирлаштириб юборганлиги тўғрисидаги тадқиқотлар таҳлили муҳим аҳамият касб этар эди.

Тўртинчидан, даврнинг қатъий талабларидан бири — ижтимоий онга ва миллий сиёсатни сохталаштиришга сунъий равишда жорий этилган бир қатор ақидавий тушунчалар туркумларига илмий ва сиёсий қайта холисона баҳо бериш, халқларнинг ҳар томонлама яқинлашувига бўлган инсоний интилишини «байналмилалчилик», «миллатлараро жипслашув», «ягона совет халқ», «миллатлараро алоқалар» каби тушунчаларни марксча-ленинча талқин қилишнинг мафқуравий ва сиёсий сабабларидан тозалаш, халқимиз тарихи ва миллат тақдир билан боғлиқ бўлган тарихий жараёнларни мукамал ёритиш, бирёқламаликдан холи бўлган тарихийлик, ворисийлик ва узвийлик тамойилларига амал қилиш зарурлигидир. Чунончи, «совет халқи» тушунчасининг анчайин бўрттириб талқин қилиниши жадаллик билан «социалистик байналмилалчилик» йўлини тутиш, собиқ Иттифоқ ва республикадаги партия-давлат юқори табақалари амалга ошириб келган миллий сиёсатда эскилик ва ақидапарастликнинг кучайишига сабаб бўлди. Бу эса миллатлараро муносабатларнинг намоён бўлиши хусусиятига, 70—80-йилларда уларнинг кескинлашуви тамойилларининг ортишига тегишли равишда таъсир кўрсатди.

Бу даврда шундай ҳолат пайдо бўлдики, бунда ҳар томонлама илмий асосланган режалар ўрнига халқ хўжалиги тармоқларини маъмурий-буйруқбозлик бошқаруви ҳукмронлиги асосида субъектив тарзда ривожлантириш авж олди. Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга қаратилган кўплаб қарор ва дастурлар аксарият ҳолларда амалга оширилмади, ёки қисман бажарилди. Чунки улар кўп жиҳатдан чекланган, ҳаёт билан бевосита боғланмаган, миллат ва элатларнинг манфаатларига мос келмайдиган, ўлка халқларининг истиқдол учун курашини бўғиб ташлашга қаратилган мустамлакачилик сиёсатидан иборат эди.

Бешинчидан, миллий муаммоларга Ўзбекистон халқ-

лари учун буткул ёт ва тарихан асоссиз бўлган марксча-ленинча таълимот ва коммунистик мафкура нуқтаи назардан ёндашувнинг назарий жиҳатдан зарарли эканлиги илмий жамоатчиликнинг миллатлар ва миллий муносабатларнинг ривожланишига доир энг долзарб масалаларни ўрганишга бўлган муносабатига ўта салбий таъсир кўрсатди. Бу эса илмий изланиш имкониятларини жиддий равишда торайтириб, жамиятшунослик билимларининг сезиларли тарзда оқсашига сабаб бўларди. Уларга янги услубий нуқтаи назардан қайта ҳолисона баҳо бериш ва таҳлил этиш Ўзбекистондаги миллатлараро муносабатларнинг хусусиятлари тўғрисидаги тасаввурларни фақат чуқурлаштиришгагина ёрдам бериб қолмай, балки уларни ҳаққоний таҳлил қилиш ва мустақиллашчилик сиёсатининг туб моҳиятини очиб беришга ҳам кўмаклашади.

Ниҳоят, шу нарса ҳам муҳимки, миллатлараро муносабатларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатларини изчил тарзда таҳлил этиш мустақилликка эришган ҳозирги вақтда амалга оширилаётган миллий истиқлол мафкурасини такомиллаштиришга, салбий ҳодисаларнинг пайдо бўлиш хавфини ўз вақтида англаб етишга, республикада яшаб турган барча миллатлар ва элатларни жипслаштириш, қадимги ва навқирон давлатимизда фуқаролар ҳамжиҳатлиги, осойишталиги ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш, миллий ўзликни англаш ва мустақиллик руҳиятини кўтариш борасидаги вазифаларни ҳал этиш юзасидан асосли таклифлар ишлаб чиқишга имкон беради.

МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР МУАММОЛАРИНИНГ МАВЖУДЛИГИ

70—80-йилларнинг ўрталарида собиқ иттифоқнинг, жумладан, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётидаги салбий ҳолатлар миллий ва миллатлараро муносабатларда ўз аксини топмаслиги асло мумкин эмас эди.

Биз яқин вақтларга қадар ўзимизни миллий масала тўла ва узил-кесил ғалаба қилган деган хомхаёл билан тинчлантириб келдик. Аслида эса миллатлараро муносабатларда нохуш ҳолатлар мавжуд бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётдаги салбий йўналишлар оқибатида у 70—80-йилларда янада кескинлашди.

Бу йиллардаги миллий сиёсатдаги хатоликлар ва бузилишлар миллатчиликнинг кўринишлари — маҳаллийчилик, доҳийга сифиниш, миллий худбинлик, амалпарастлик, миллий нигилизм ва шовинизм каби меросни қолдирди. Ўн йиллар давомида йигилиб келган ушбу салбий ҳодисалар узоқ вақтгача эътиборга олинмади, муносиб равишда баҳоланмади.

Миллий муносабатлар масаласи фақат ғоявий ва оммавий-сиёсий ишларгагина тааллуқли бўлиб қолмай, айни вақтда ижтимоий-иқтисодий соҳанинг қай даражада эканлигига ҳам тааллуқли. Бу муносабатларни уйғунлаштириш энг аввало туб иқтисодий вазифаларнинг ҳал этилиши билан боғлиқ.

Ўзбекистон иқтисодиёти бир неча ўн йиллар мобайнида марказдан бошқариладиган ягона халқ хўжалиги мажмуининг таркибий қисмига айлантирилган эди. Марказ амри билан қабул қилинадиган кўпгина қарорларнинг иқтисодий негизи ва ҳуқуқлари кескин торайган бўлиб, Ўзбекистоннинг манфаатларидан йироқ эди. Республика ҳудудида жойлашган кўплаб корхоналар бевосита марказга бўйсуниб, улар кўпроқ хом ашё қазиб олиш ва дастлабки ишлов бериш билан шуғулланарди, амалда республика уларни бошқармас, бу корхоналар фаолиятининг пировард натижаларидан манфаатдор ҳам эмас эди. Хуллас, республика хом ашё базасига айланиб қолди. Бу эса республиканинг бутун имкониятларини ва масъулиятини камайтирди, миллий ва миллатлараро муносабатлар мураккаблашувининг сабабларидан бири бўлиб қолди.

70—80-йилларда мамлакатда шундай ҳолат юзага келдики, бунда ҳар томонлама илмий асосланган режалар ўрнига халқ хўжалиги тармоқларини маъмурий-буйруқбозлик ҳукмронлиги асосида кўр-кўрона ривожлантириш авж олди. Мамлакат улкан қурилишлар майдонига айлантирилиб, бири-биридан йирик иншоотлар лойиҳаларини тузиш ва амалга ошириш кундалик эҳтиёжга айланиб қолди. Мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишга уқувсизлик, кераксиз харажатларни фойдалисидан фарқлашга қодир эмаслик, доимий исрофгарчилик туфайли камомад, жисмоний ва ақлий меҳнатнинг унумсизлиги, хўжалик юритиш усуллари ҳамда меҳнатни рағбатлантириш тизимининг бузилганлиги натижасида турмушнинг барча соҳаларида, айниқса миллатлараро муносабатларда муаммолар тўплана борди. Миллатлараро муносабатларда мавжуд

жараёнларни таҳлил қилиш халқлар дўстлиги, миллатларнинг гуллаб-яшнаши ва равнақиға ҳамда ўзаро яқинлашишиға бағишланган қуруқ, баландпарвоз нутқлар билан алмаштирилиб, зиддиятлар, нохуш ҳолатлар, камчилик ва қийинчиликлар хусусида лом-мим дейилмас эди.

Аммо Ўзбекистонда бу нохуш ҳолатлар айниқса ўткир намоён бўлиб, ривожланиб бораверди ва республикани ҳақиқий инқироз чегарасиға олиб келиб қўйди. Бунга турғунлик ҳолати, иқтисодий таназзул, ижтимоий адолат принципларидан воз кечиш, буйруқбозлик, қуруқ сафсатабозлик сабаб бўлди.

Шуни тан олиш керакки, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг яқин кунларғача бўлган даврида миллатлараро муносабатлар соҳасида зиддиятлар мавжудлигини тан олмадик, бу зиддиятлар эса ўн йиллар давомида тўпланиб, хаспўшланиб келинди.

Бу даврга келиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, «марказдан бошқаришнинг амалдаги тизими, унинг идоралари, хўжалик юритиш услуб ва усуллари иқтисодиётнинг янада ривожланишиға сезиларли туртки бўлишиға, кескин ижтимоий муаммоларни ҳал қилишға қодир эмаслиги яққол аён бўлиб қолди»¹. Иқтисодиётнинг ривожланиш суръати кескин пасайиб, унга бўлган сарф-харажатлар орта борди, тақчиллик янада кучайди. Республика барча иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича собиқ иттифоқдаги ўртача даражадан анча орқада бўлиб, мамлакатда охириги ўринлардан бирида эди. Ҳар киши бошиға ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 12-ўринда, аҳоли жон бошиға миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича эса иттифоқдаги ўртача даражадан икки ҳисса паст эди², яъни 1971—1987 йилларда СССР бўйича 175 фоиздаг, Ўзбекистонда 139 фоиздан тўғри келди³. Иқтисодиётни ислоҳ қилиш йўлида қилинган уринишлар кам самара берди. Қабул қилинган ва мавжуд имкониятларни ҳисобға олмаган ижтимоий, озиқ-овқат, аграр, энергетика ва бошқа соҳалардаги кўпгина дастурлар иқтисодий қарама-қаршиликларни чуқурлаштириб юборди. Натижада иқтисодиётни батамом издан чиқариб, мод-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли, 12-бет.

² «Совет Ўзбекистони», 1990 йил 5 июнь.

³ Убайдуллаева Р. А. Проблемы обеспечения рациональной занятости населения в условиях ускорения социально-экономического развития // Общественные науки в Узбекистане, 1988, № 7, 5-бет.

дий ва молиявий тақчиллик ўсишига, меҳнаткашлар турмуш шароитининг янада ғариблашишига олиб келди. Ишсизлик, озиқ-овқат, турар жой ва бошқа муаммолар ўз-ўзидан келиб чиқаверди.

Мазкур иқтисодий муаммолар демографик ҳолатда юзага келган аҳвол билан қўшилиб, ижтимоий масалаларни ҳал этишни гоят долзарб қилиб қўйди. Ўзбекистон туғилиш даражаси ва аҳолининг табиий ўсиши юқори бўлган минтақалар жумласига киради. Кейинги ўн йиллар мобайнида республика аҳолиси ҳар йили ўрта ҳисобда 2,5 фоиздан кўпайиб бориб¹, 1970 йили иттифоқдаги умумий аҳолининг 4,9 фоизини ташкил этган бўлса, 1987 йили 6,8 фоизга етди. Шу йиллари аҳоли 7,2 млн. кишига кўпайди, ёки умумиттифоқ даражасининг 18,1 фоизини ташкил этди².

Ўзбекистон ҳудудида ўз маданияти ва анъаналарига эга бўлган 127 миллат ва элатлар этник таркибининг 70 фоиздан кўпрогини ташкил этувчи туб аҳоли — ўзбеклар устун мавқени эгаллайдилар³. Ўзбекистоннинг миллий-маданий ранг-баранглиги миллий ўзликни англашнинг ўсиши ва маънавий жиҳатдан қайта уйғониши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу жамиятни янгилашнинг қудратли омили бўлиб хизмат қилади ҳамда миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратади.

Республика аҳолисининг 60 фоизга яқини қишлоқ жойларида истиқомат қилади⁴ ва асосан деҳқончилик билан шугулланиб келади. Бироқ уларнинг кўпчилик қисми иш билан таъминланмаган, умуман олганда меҳнат ресурслари ортиб, ишсизлар сони 1 млн. кишига етган бўлса ҳам⁵ шаҳарларда малакали ишчиларининг етишмаслиги азалдан сезилиб келмоқда эди. Бу муаммолар бошқа минтақалардан ишчи кучларини сафарбар этиш ҳисобига ҳал этиб келинди. Масалан, биргина Тошкент шаҳрида 200 минг ортиқча ишчи кучи бўлгани ҳолда 125 минг ишчи ва мутахассислар четдан келтирилди⁶, қишлоқдан келган туб аҳоли вакилларини ишга

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли, 29-бет.

² Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 г. Стат. ежегодник. Ташкент, «Ўзбекистон», 1988, 200-бет.

³ Каримов И. А. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли, 30-бет.

⁴ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г. Стат. ежегодник. Ташкент, «Ўзбекистон», 1991, 14-бет.

⁵ «Правда Востока», 1989 йил 13 декабрь.

⁶ «Правда Востока», 1990 йил 23 январь.

Nizomiy nomdagi TDPU
KUTUBXONASI

4-3818

қабул қилишга турли баҳоналар рўқач қилинди. Бошқа соҳалар сингари саноатда ҳам миллий кадрлар тайёрлаш ишига эътибор берилмади, бу ҳол эса республикадаги ижтимоий вазиятни, миллатлараро муносабатларни янада кескинлаштириб юборди.

Ўлкамизда тўпланиб қолган ана шундай катта кўламдаги муаммолардан бири бўлган пахта яккаҳоқимлиги Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг туб мақсадларига хилоф равишда «юқоридан» зўрлаб ўтказиб келинди.

Маълумки, узоқ йиллар давомида табиий-иқтисодий шароитига ва аҳолисининг меҳнат кўникмаларига кўра пахта етиштириш имкониятига эга бўлган Ўзбекистон асосий пахта базаси ҳисобланиб, унга қандай бўлмасин, мамлакатнинг пахтага бўлган эҳтиёжини қондириш ва капиталистик мамлакатларга бўлган қарамликдан қутулиш, умуман пахта соҳасидаги мустақилликни таъминлаш вазифаси қўйилган эди. Бу вазифа катта машаққат ва йўқотишлар эвазига ҳал этилди, пахта мустақиллиги таъминланди. Ўрнига эса қарам иқтисодиётни олдик.

Умумиттифоқ меҳнат тақсимотига кўра, Ўзбекистонни пахта етиштиришга мана шундай ихтисослаштириш оқибатида республикада озиқ-овқат масаласи мурракблашиб, гўшт ва сут етиштириш имкониятлари камайиб кетди, бироқ шунга мувофиқ равишда ўрнини тўлдирадиган ҳеч нарса олинмади. Шунинг натижасида 80-йилларнинг охирларига келиб аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиши мамлакатдаги ўртача даражадан анча паст эканлиги ҳам аҳволнинг кескинлигини янада чуқурлаштирмаслиги мумкин эмас эди. Буни қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин (аҳоли жон бошига бир йилда қанча кг тегиши ҳисобида):

Озиқ-овқат	СССР бўйича ¹	Ўзбекистон бўйича ²	Ўзбекистон бўйича (СССРга нисбатан фонз ҳисобида)
Гўшт	64	29	45
Сут	341	186	54
Тухум (дона)	272	112	41
Балиқ	18	4,7	26
Шакар	47,2	23,3	49
Картошка	105	28	26

¹ СССР в цифрах в 1988 г. М., Финансы и статистика, 1989, 91-бст.

² Узбекская ССР в цифрах, в 1988 г. Ташкент, «Узбекистан», 1989, 137-бст.

Келтирилган маълумотларнинг ўзидан ҳам кўп нарса аён бўлиб турибди. Лекин шуни назарда тутиш керакки, бу ҳисоб-китоблар умуман республикада яшовчи ҳар бир одамга мўлжаллаб қилинган. Қишлоқ аҳолиси бўйича ҳисоблаб чиқилган бундай кўрсаткичлар эса анча паст.

Айни бир вақтда республикадаги кўпгина ҳаётий муҳим манфаатларга зиён етказилди: пахта майдонлари йилдан-йилга кенгайиб, бошқа ўсимликларни биринкетин суриб чиқа бошлади, илмий асосланган алмашлаб экиш бузилганлиги, ернинг тинка-мадори қуриб кетганлиги, сув манбаларининг имкониятлари тобора камайиб борганлиги қишлоқ хўжалигига ҳалокатли таъсир кўрсатди. Натижада озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш чеклаб қўйилди ва тез суръатлар билан ўсиб бораётган аҳоли талабини шу маҳсулотлар билан таъминлаш муаммолари кескинлашди. Бу эса иқтисодийнинг бир ёқлама ривожланишига, ижтимоий зиддиятларнинг барқарорлашуви ҳамда аҳоли турмуш даражасининг кундан-кун ёмонлашувига олиб келди.

Кейинги совет ўн йилликлари ичида назорат қилиб бўлмайдиган даражада инқирозга юз тутган мазкур «эски тузум асорати, касофати туфайли бугун халқимиз оғир аҳволга тушиб қолди»¹. Бу тузум бизнинг республикамизни, унинг халқини оғир ҳаёт шароитига, ҳамманинг умумий камбағаллигига, бартараф этиш ниҳоятда қийин иқтисодий шароитга солиб қўйди. Бундай бўҳрондан қутулиб чиқишнинг ягона тўғри йўли — чинакам давлат мустақиллигига эришиш, демократик жамиятни шакллантириш йўлидаги барча қийинчиликларни изчиллик билан енгиб ўтиш ҳамда қарамлик йилларининг вазмин юкидан халос бўлиш, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини ривожлантиришда йўл қўйилган хатолар, ҳаддан ошишлар, деформацияларни мушоҳада этишдир. Шу билан бирга тўпланиб қолган қийинчиликларни ҳал этишда янгича ёндашувлар талаб этилади ҳамда «ўтмиш йилларнинг хатоларини, давлат тузилишининг шакл ва усуллариغا нисбатан мавжуд қарашларни идрок этиш»² зарурдир. Бинобарин, вужудга келган иқтисодий вазиятни ҳар томонлама таҳлил қилмай,

¹ Ўзбекистон Республикаси: мустақил давлатнинг бунёд бўлиши. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994, 62-бет.

² Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқдол ва тараққиёт йўли. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992, 10-бет.

бундай ҳолатга тушиб қолишнинг ҳақиқий сабабларини аниқламай туриб ундан қутулишнинг пухта механизми-ни ҳам ишлаб чиқиш мумкин эмас.

Табиийки, бу ҳодисалар ўз-ўзидан вужудга келган эмас, уларнинг чуқур илдиэлари бор. Шулардан бири кейинги ўн йиллардан бошлаб СССР парчаланишигача бўлган давр ичида мамлакат тараққиётига омилкорлик билан раҳбарлик қилинмаганлигидир. Қолаверса, ишлаб чиқариш муносабатлари соҳасидаги ўзгаришларни яхши идрок қилиш учун халқнинг тафаккури, маънавий руҳияти етарли даражада тайёр эмаслигини ҳисобга олмаганликдир. Аммо, энг асосийси шундаки, совет давлатининг миллий сиёсати айрим халқлар манфаатларига эътибор қилмай анча жўн ёндашиш, баъзида эса уни очикдан-очик назар-писанд қилмаслик билан тавсифланади. Маҳкамачилик, бюрократизм ва ўртгача ҳисобда ёндашув устун бўлиб қолди, бу эса ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришдан тортиб, тил, маориф ва маданият муаммоларигача — ҳамма нарсага салбий таъсир қилди. Умумдавлат манфаатларини ҳимоя қилиш баҳонаси билан республиканинг мустақиллиги чеклаб қўйилди, яхлит давлатга марказдан туриб ҳукмронлик қилиш кучайиб борди. Бу нарса айниқса 70—80-йилларда кўзга яққол ташланди, миллий республикаларга нисбатан мустамлака сифатида қараладиган бўлиб қолди.

Демократия ва ошкоралик, миллий ўзликни англаш ўсаётган шароитда миллатлараро муносабатларда кўп муаммолар очилиб қолди. Ана шулардан бири тил сиёсати масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Миллий мактабларда рус тилининг мажбурий қилиб қўйилиши, кейинчалик унинг асосий мавқени эгаллаб, миллий тилларни ижтимоий ҳаётнинг барча тармоқларидан, ҳатто маориф соҳасидан тезда сиқиб чиқариши миллий кадриятларнинг камситилиши каби салбий ҳолатни юзга келтирди.

Афсуски, жамиятимиз ҳаётида миллий тилларнинг мавқеи ва таъсир доираси кенгайиш ўрнига аста-секин йил сайин торайиб бораверди. Ўзбек тилида китоблар чоп этиш, журнал ва газеталар чиқариш сони ва нусхаси камайиб кетди, ҳатто унинг ўқувчилари сони ҳам йил сайин кескин қисқарганлиги кузатилди. Ўзбек тилини чуқур ўрганишга қизиқишнинг пасайиб кетганлиги мактабларда шунга олиб келдики, кўпгина ёш йигит-қизлар ўз она тилларини яхши билмайдиган даражага

тушиб қолдилар. Илмий-техника ва тиббиёт зиёлилари, маъмурий идораларнинг раҳбар ходимлари кўпинча ўз она тилларида муомала қилишга қийналадиган бўлиб қолдилар, расмий ҳужжатлар фақат рус тилида юритиладиган бўлиб қолди. Натижада ўзбек тилига нисбатан эътиборсизлик, ҳурматсизлик кучайиб борди, бу ҳолат жамоатчилик норозилигига олиб келди, миллатлараро муносабатларни кескинлаштирди.

Марказнинг нотўғри юритган маъмурий-буйруқбозлик сиёсати ва ўзбошимчалиги туфайли ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштиришдаги нуқсонлар ниҳоятда танг экологик вазиятни вужудга келтирди. Орол денгизи атрофида содир бўлаётган ҳалокатли аҳвол ҳам шундан далолат беради. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш жуда қийинлашди. Экологияга эътиборсизлик сўнгги йилларда касалликларнинг кўпайиши ва бошқа салбий оқибатларга олиб келди.

Ижтимоий-иқтисодий ва давлатга оид ҳуқуқий муаммолар, экологик ва демографик муаммолар, тил ва маданиятни ривожлантириш, миллий анъаналарни асраб қолиш муаммолари бир-бири билан чирмашиб чиғал тугун ҳосил қилди.

Миллатлараро муносабатларда мавжуд бўлган жараёнларни таҳлил қилиш натижасида шу нарса яққол кўриндики, иқтисодий ва ижтимоий зиддиятлар орасида аҳолининг турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган масалалар муҳим ўрин тутди. Тарих фани олдида ана шу жараённи илмий нуқтаи назардан тарихий ҳужжат ва маълумотлар асосида жамиятнинг шу кунги талаб-эҳтиёжларини тўлиқ қондира оладиган ва келажак учун зарур хулосалар ва кўрсатмаларни ишлаб чиқиш вазифаси турибди. Эндиги вазифа ушбу ўрганилаётган давр тарихи юзасидан чиқарилган хулосаларга асосланган ҳолда келгуси авлод, унинг порлоқ келажаги учун ниҳоятда муҳим бўлган устивор тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик ва ижтимоий адолатли жамиятга ўтиш даври муаммоси, янгилиниш ва иқтисодий ислохотлар ўтказиш жараёни тоталитар тузум емирилиши, иттифоқ парчаланиши, самарасиз хўжалик юритиш механизми алоқаларининг узилиши сабабли вужудга келган ниҳоятда мураккаб шароитда амалга оширилмоқда. Шунинг учун ҳам ўтиш даврида иқтисодий ўзгартиришларнинг ташаббускори ва бош

ислоҳотчиси, аҳолининг манфаатларини ҳимоя қиладиган, ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувликнинг кафолати давлат эканлигини таъкидлаган ҳолда унинг иқтисодийёт билан муносабатларида янги, самарали алоқа шакллари ишлаб чиқиш, ўзига хос бўлган хусусиятлар ва шарт-шароитларни чуқур таҳлил этиб, тўғри йўналиш белгилаш тарих фани олдига муҳим вазифаларни қўймоқда. Зеро, шу фангина (бошқа фанлар билан ҳамкорликда) бу масалаларни тадқиқ этиши, назарий жиҳатдан таъминлаши ва унинг илмий асосларини ишлаб чиқиши мумкин.

Ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш Ўзбекистоннинг ўз давлат мустақиллигига эришган ҳамда шу билан бирга чинакам иқтисодий мустақилликни таъминлаш учун ҳаракат қилинаётган ҳозирги шароитда жуда муҳимдир. «Шу жиҳатдан, — деб таъкидлади И. А. Каримов, — халқ ҳўжалигининг асосан хом ашё етиштиришга йўналтирилганлигини бартараф этиш ва шу сабабли иқтисодийёт тузилмалари ҳаддан ташқари бир томонлама ривожланганлигига, собиқ марказ ўтказиб келган яккаҳоқимлик сиёсатининг натижаси бўлмиш қарамликка, яъни технология ва ресурс жиҳатидан бошқа республикаларга қарам бўлиб қолишга барҳам бериш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда»¹.

Миллий бойликнинг кўпайишини, республиканинг мустақиллигини, аҳолининг муносиб турмуш ва иш шароитини таъминлайдиган қудратли, барқарор ва жўшқин ривожланиб борувчи иқтисодийётни барпо этиш — Ўзбекистон ички сиёсатининг ўзагидир. Ўзбекистонни инқирозли, таназзулли вазиятдан олиб чиқиш иқтисодийётни чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ этишни талаб қилмоқда. Бу ниҳоятда мураккаб, масъулиятли жараёндир. Зеро, иқтисодий вазиятни чуқур таҳлил қилмай, ҳозирги танглик ҳолатга олиб келган бир қанча муҳим зиддиятлар сабабларини, ҳўжалик тизимидаги қатъиян воз кечिश лозим бўлган иллатларни аниқламай туриб жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига ўтиб бўлмайди.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқдол ва тараққийёт йўли, 14-бет.

МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

Яқин ўтмишда жамиятимиз тараққиётидаги жараёнларни ўрганиш қонуниятли асосда танглик ҳолатига олиб келган бир қанча муҳим зиддиятларни етарлича аниқ белгилаб олиш имконини беради. Ана шу зиддиятлар негизида эса ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиш даражасининг мавжуд ишлаб чиқариш муносабатлари характерига номувофиқлиги ётадики, бу вақт ўтиши билан тобора чуқурлашиб борди. Биз ҳозир турғунлик даври деб атаётган, узоқни кўзлай олмайдиган, ўта марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик, яккаҳокимлик тизими сиёсати ҳукмронлик қилган даврда «бир неча ўн йиллар давомида республикада сценарийси узоқ марказда тўқилган қарорлар амалга оширилди, «компаниялар» ўтказилди. Ўзбекистоннинг чинакам манфаатлари, ўзига хос шароити ва имкониятлари писанд қилинмади. Натижада халқ ҳўжалигининг нуқсонли, бир томонлама хом ашё тузилмаси шаклланди»¹. Бу даврда иқтисодиёт жўшқинлигини тобора кўпроқ йўқота борди ва амалда сарф-харажатларга зўр берилди. Устига-устак, 70—80-йилларда шундай чуқур жараёнлар кечдики, улар узоққа чўзилган озиқ-овқат танглигига ҳамда халқ истеъмоли моллари тақчиллиги ортишига олиб келди.

80-йилларнинг ўрталаригача бўлган кўпгина йиллар давомида мамлакатни ривожлантириш муаммолари унинг ҳал қилинишидан кўра тезроқ ўсиб борди. Иқтисодиётга раҳбарликдаги марказлаштириш яккаҳокимликка айланди, у энди ҳеч ким билан ҳисоблашмас эди. Шу билан бирга раҳбарият ўз ролини тўла даражада бажармаётган эди. Ҳатто кенг миқёсли, стратегик аҳамиятга эга бўлган қабул қилинган қарорлар ҳар доим ҳам турмушга жорий этилмасди ёки охиригача етказилмасди. Бу ҳам марказнинг рўй бераётган воқеаларга бўлган таъсирини сусайтирарди. Давлат режалари бажарилиши ва обрўсига иқтисодиётни барқарорлаштиришда республикалар манфаатларига пухта ўйламасдан ёндашув, «икир-чикирларгача бўлган ҳамма нарсани қамраб олишга интилиш, режадан ташқари ва кўпинча реал имкониятларни эътиборга олмай қабул қилинадиган тармоқ ва регионал характердаги қарорларнинг кўплиги

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли, 41-бет.

путур етказди»¹. Халқ хўжалиги соҳасидаги барча ишлар партиявий раҳбарлик ва унинг ҳаддан ташқари мафқуралаштирилганлиги доирасида «юқоридан» бошқариладиган бўлиб қолганлигидан корхоналар ва ташкилотлар ташаббуси инobatга олинмас ёки унга бутунлай тўсқинлик қилинар эди. Маҳкамачилик, бюрократизм ва ўртача ҳисобда ёндашув кучайиб бораётган эди, бу эса миллий муносабатлар муаммоларидан тортиб ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришгача — ҳамма нарсага ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

СССРда ягона халқ хўжалиги мажмуи шаклланган, мамлакат миқёсида ягона бозор, ягона молия ва таъминот тизими вужудга келган бир шароитда иттифоқдош республикаларнинг ҳеч қандай мутлақ иқтисодий мустақиллиги, уларнинг ўз миллий манфаатларига асосланган хўжалик юритиш эркинликлари бўлиши мумкин эмас эди. Ўзбекистон иқтисодиёти ҳам марказдан бошқариладиган ягона халқ хўжалиги мажмуининг таркибий қисмига айланиб кетган эди.

20-йиллардаёқ СССРни иқтисодий районлаштириш тўла-тўқис асосланган бўлиб, шу асосда яқин вақтга қадар халқ хўжалигини минтақавий режалаштириш 20 та йирик иқтисодий район бўйича амалга оширилиб келинди². Ана шундай районлардан бири Ўрта Осиё иқтисодий райони бўлиб, унинг таркибига тўртта иттифоқдош республика — Ўзбекистон ССР, Тожикистон ССР, Қирғизистон ССР ва Туркменистон ССР кирган. Мазкур иқтисодий район таркибига кирувчи республикалар орасида Ўзбекистон энг йирик иқтисодий салохиятга эга эди. У регион ҳудудининг 1/3 қисмини эгаллар, аҳолисининг эса 60 фоизи шу республикага тўғри келар эди³. Қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулоти ҳажмининг 2/3 қисми⁴, пахта хом ашёсининг 72 фоизи, қорақўл ишлаб чиқаришнинг 70 фоиздан зиёди, пилланинг 75 фоиздан кўпроғи Ўзбекистон зиммасига тушар эди⁵.

¹ «Совет Ўзбекистони», 1987 йил, 29 январь.

² Шамоя А. А. Территориальное управление народным хозяйством. М., 1984, 77—78-бетлар.

³ Народное хозяйство СССР в 1975 г., М., Статистика, 1976, 10-бет.

⁴ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1977 г. Стат. ежегодник. Ташкент, «Узбекистан», 1978, 21-бет; Проблемы советской экономики. Особенности и проблемы размещения производительных сил СССР в период развитого социализма. М., Наука, 1980, 209—210-бетлар.

⁵ Зийдуллаев С. К. Ўзбекистон экономикасининг регионал проблемалари. Тошкент, «Фан», 1978, 11—12-бетлар; Проблемы Советской экономики. Особенности и проблемы размещения производительных сил, 210-бет.

Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан анча тараққий этган республикалардан бири сифатида умумиттифоқ меҳнат тақсимоотида хўжаликнинг қатор тармоқлари бўйича салмоқли ўринни тутар эди. Маълумки, у мамлакатнинг йирик пахта базасига айланган эди. Тўғри, ўзининг табиий шароити, аҳолисининг узоқ вақтлардан бери таркиб топган меҳнат кўникмаларига кўра пахтачиликни ҳар томонлама ривожлантиришда катта қўлайликларга эга бўлган республика шунинг учун ҳам мамлакатда етиштириладиган пахтанинг учдан икки қисмини бериб келди. Бироқ ҳайбаракаллачилик, ерга эгасизларча муносабат каби иллатлар республикада пахта яккаҳокимлигини келтириб чиқарди, экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келди, охир-оқибатда қашшоқлик пайдо бўлди.

Иттифоқдош республикалар манфаатлари билан умумиттифоқ манфаатларини тўғри ва одилона қўшиб олиб бориш миллий муносабатларни уйғунлаштиришда катта аҳамиятга эга эдики, буни инобатга олмаслик оғир тангликларга олиб келишини кейинги ўн йилликлар ичида Ўзбекистон шароитида рўй берган вазият кўрсатиб турибди.

Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва уларни ривожлантиришни режалаштириш дастурлари ва ислоҳотларга доир масалалар иттифоқ марказий идоралари томонидан иқтисодий қонунларга асосланмаган, республика манфаатларини эътиборга олмаган ҳолда ишлаб чиқилар эди. Бундай режалаштириш иқтисодий жиҳатдан қутилган натижаларни бермади, атроф-муҳит софлигини бузиб юборди, ижтимоий-иқтисодий кескинликни кучайтириб, танглик ҳолатини юзага келтирди.

Ўзбекистон ҳудуди табиий-иқтисодий жиҳатдан ўзига хос бўлиб, у 6 та — Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қарши, Бухоро-Қизилқум (таркибига Бухоро ҳамда янги тузилган Навоий вилояти қиради), Қуйи Амударё ва Сурхондарё иқтисодий районларига бўлинган¹.

Кўрсатилган районлар бўйича ишлаб чиқариш восталарини жойлаштиришдаги илмий асосланмаган йўл билан олиб борилган идоровий буйруқбозлик, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини менсимаслик ҳоллари халқ хўжалигининг ҳудудий тузилишида катта тафовут-

¹ Зейдуллаев С. К. Ўзбекистон экономикасининг регионал проблемалари, 15-бет.

ларга олиб келди. Шунинг оқибатида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар иқтисодий имкониятларида катта фарқ ҳосил бўлди. Фарғона водийси билан Қашқадарё вилоятлари кўрсаткичларини ўзаро таққослаб бўлмайди.

Иқтисодий районлар ичида **Тошкент иқтисодий райони** (Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари) барча кўрсаткичлар бўйича анча олдинда эди. Бу район республика ҳудудининг 9,2 фоизини ташкил қиларди, бу ерда (1984 йил 1 январгача бўлган маълумотларга кўра) Ўзбекистон аҳолисининг 28,9 фоизи яшаган¹. У аҳоли сонининг кўплиги ва кўп миллатлилиги билан республиканинг бошқа иқтисодий районларидан ажралиб турарди.

Бу иқтисодий районда рангли ва қора металлургия, машинасозлик ва электр энергетикаси, химия ва қурилиш материаллари, енгил ва озиқ-овқат саноати ривожланган Тошкент, Жиззах, Гулистон, Ангрен, Олмалиқ, Чирчиқ, Бекобод каби катта шаҳарлар бор.

Тошкент вилояти районнинг бошқа вилоятлари ичида етакчи ўринни эгаллайди. 80-йилларнинг ўрталарида республикадаги мавжуд 123 та шаҳардан 18 таси шу вилоятга тўғри келар эди². Айни чоғда вилоятдаги шаҳарларнинг кўпчилиги республиканинг нисбатан ривож топган шаҳарлари ҳисобланади. Ўзбекистоннинг энг йирик саноат, маданият ва маъмурий маркази бўлган Тошкент шаҳри ҳам шу вилоятда жойлашган.

1970 йили мазкур вилоятнинг барча аҳолисидан 39,8 фоизи, 1987 йилда эса 45,3 фоизи шаҳарларда истиқомат қилар эди. Бу кўрсаткичлар Ўзбекистон Республикасининг умумий шаҳар аҳолисидан 3 фоиздан ҳам кўпроқдир³.

Тошкент вилоятидаги мавжуд 18 та шаҳарнинг 8 таси 1970 йилдан 80-йилларнинг ўрталаригача бўлган даврда вужудга келди⁴.

Тошкент иқтисодий районида жойлашган Сирдарё ва Жиззах иқтисодий қолоқ вилоятлар қаторига киради, бу вилоятларда саноат паст даражада ривожланган. 1970

¹ Зийдуллаев С. К. Ўзбекистон экономикасининг регионал проблемалари, 16-бет.

² Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 г. (Стат. ежегодник), — Ташкент, «Ўзбекистон», 1988, 203-бет.

³ Уша жойда, 201-бет.

⁴ Аҳмедов Э. А. Ўзбекистон шаҳарлари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1991, 75-бет.

йили Сирдарё вилоятида барча аҳолининг 29,7 фоизи, 1987 йили эса 33,8 фоизи шаҳарларда яшаган¹.

Жиззах вилояти республикада энг ёш вилоятлардан бўлиб, аҳолисининг асосий қисми қишлоқ жойларда истиқомат қилар ва асосан пахтачилик билан шуғулланар эди.

Фарғона иқтисодий райони (Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари) республика ҳудудининг 4, аҳолисининг эса 26,1 фоизини ташкил этади. У пахтачилик (Ўзбекистон пахтасининг 30 фоизини беради) ва пиллачилик (пилланинг 47 фоизини беради) ривожланган бош район, боғдорчилик-узумчилик хўжалиги ривожланган йирик райондир². Асосий саноат турлари: қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш (Кўқон, Марғилон, Фарғона, Андижон, Наманган), машинасозлик (Андижон), металлремонт, химия (Кўқон, Фарғона), қурилиш материаллари ишлаб чиқариш (Қувасой), нефть қазийш (Андижон ва Фарғона яқинида) ва нефтни қайта ишлаш (Фарғона, Олтиариқ)дан иборатдир.

Ушбу иқтисодий районнинг Фарғона вилояти пахтачилик ва пиллачиликка ихтисослашган. Пахта далалари вилоят барча экин майдонининг 80 фоизини ташкил этади. Бундай аҳвол вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг оғирлашувига сабаб бўлди, танглик ҳолатини вужудга келтирди.

Вилоятдаги барча аҳолининг 33 фоиздан ортиқроғи шаҳарларда яшар эди³. Фарғона вилоятининг тўққизта шаҳри бўлиб, саноати анча тараққий этган, жумладан, Фарғона энг йирик шаҳарлардан биридир.

Андижон вилояти республикадаги нефть чиқариладиган муҳим марказлардан биридир. Вилоятда Андижон, Бўстон, Полвонтош, Жанубий Оламушук нефть ва газ конлари бор. Бу ерда айниқса енгил ва озик-овқат саноати ривожланган.

Наманган вилоятида ҳам енгил саноат бирмунча ривожланган. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи пахтачилик эди. Барча экин майдонларининг 66 фоиздан кўпроғига пахта экилар эди.

Самарқанд — Қарши иқтисодий райони (Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари) республика ҳудудининг 11,8,

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 г., 200—201-бетлар.

² Зиедуллаев С. К. Ўзбекистон экономикасининг регионал проблемалари, 17-бет.

³ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 г., 200—201-бетлар.

аҳолисининг эса 18 фоизини ташкил этган¹. У пахтачилик, узумчилик, пиллачилик ривожланган райондир. Деҳқончилик қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 75 фоизини берарди. Лалми ерларнинг катта майдонлари Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларига тўғри келарди. Кейинги йилларда бу вилоятларда бир қатор сув омборлари қурилиб, ишга туширилган.

Қашқадарё вилояти аҳолисининг 74 фоизга яқини, Самарқанд вилоятининг 70 фоизга яқин аҳолиси қишлоқларда яшаган². Уларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги билан банд.

Саноатида енгил ва озиқ-овқат, машинасозлик ва металлсозлик, химия ва қурилиш материаллари, табиий газ олиш ва уни қайта ишлаш тармоқлари асосий ҳисобланади. Асосий саноат корхоналари районнинг энг катта ва қадимий шаҳри Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Муборак каби шаҳарларида тўпланган. Қашқадарёдаги Кўкдумалоқ газ-нефть кони айниқса истиқболлидир.

Республикада ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг асосий қисми Тошкент (40,9%) ва Сирдарё (32,2%) вилоятларидан кейин Самарқанд (15,4%) вилоятига тўғри келган³.

Ўзбекистонда термал (иссиқ) сувларнинг конлари Оқтоғ тоғ олдиде (Самарқанд), Зарафшон дарёси бўйларида кўплаб учрайди.

Бухоро — Қизилқум иқтисодий райони (Навоий ва Бухоро вилоятлари) республика ҳудудининг 32, аҳолисининг 10,9 фоизини ташкил этган⁴. Бу ерда табиий газ (Газли), нефть, олтин, полиметалл қазииш, рангли металлургия, химия (Навоий, Зарафшон, Учқудуқ), қурилиш, енгил ва озиқ-овқат (Бухоро, Когон) каби тармоқлар анча ривожланган. Қишлоқ хўжалиги қорақўлчилик, қисман пахтачилик ва узумчиликдан иборат.

Мазкур район ҳудудининг 95 фоиздан зиёди Қизилқум чўли билан банд бўлиб, бу ердан кейинги йилларда хилма-хил қазилма бойлик конлари аниқланди. Бу эса Навоий — Қизилқум кончилик саноат районининг умумиттифоқ ихтисослашувини янада кенгайтирди.

¹ Зийдуллаев С. К. Ўзбекистон экономикасининг регионал проблемалари, 17-бет.

² Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 году, 15-бет.

³ Тухиев Н. Ўзбекистон иқтисодиёти. Тошкент, «Уқитувчи», 1994, 29-бет.

⁴ Зийдуллаев С. К. Ўзбекистон экономикасининг регионал проблемалари, 18-бет.

Иқтисодий районнинг Навоий вилояти республика-нинг кенжа вилоятларидандир. У 1982 йили ташкил топган бўлиб, цемент, минерал ўғитлар ва бошқа химиявий маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича республикада олдинги, электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми бўйича эса учинчи ўринда турар эди. Вилоятдаги Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарларида олтин қазиб олувчи корхоналардан тоғ-металлургия комбинати, шунингдек, темир-бетон буюмлари заводи, нон заводи, қатор транспорт ва қурилиш ташкилотлари ишлаб турибди¹.

Бухоро вилоятида эса саноат нисбатан пастроқ даражада ривожланган эди. 1970 йили мазкур вилоятнинг барча аҳолисидан 27,1 фоизи, 1987 йилда эса 35,9 фоизи шаҳарларда яшар эди. Бу кўрсаткич республикамизнинг умумий шаҳар аҳолисидан 6 фоизга камдир². Вилоятда ҳаммаси бўлиб ўнта шаҳар бор³. Бу шаҳарларни юксалтириш муаммоларини ҳал қилишда ва уларнинг хўжалигини фаол тараққий эттиришда энг муҳим масалалардан бири — бу шаҳарларда йирик корхоналар ва бирлашмалар филиалларини ташкил этиш, деб ҳисобланди.

Қуйи Амударё иқтисодий райони (Қорақалпоғистон ва Хоразм вилояти) республикамиз ҳудудининг 38, аҳолисининг 11 фоизини ташкил этар эди⁴. Аҳолининг асосий қисми қишлоқ хўжалигида банд бўлган. Бу ерда пиллачилик, чорвачилик, пахта ва шоли етиштириш анча жадал ривожланган эди.

Сўнгги йилларда бу ерда энергетика, қурилиш материаллари, енгил ва озиқ-овқат саноати ривожига жиддий аҳамият берилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Амударё этаклари соҳилида, республиканинг энг шимолий қисмида жойлашган жаҳондаги пахта етиштирувчи ягона ҳудуддир. Қишлоқ хўжалигида пилла, шоличилик ва чорвачилик катта ўрин тутади. Қорақалпоғистонда 1970 йили барча аҳолининг 35,6 фоизи шаҳарларда яшаган бўлса, бу 1987 йили 47,9 фоизга етган. Бу кўрсаткич Ўзбекистондаги умумий шаҳар аҳолисидан 6 фоизга кўп эди⁵. Бу соҳада Қорақалпоғистон Ўзбекистонда биринчи ўринда турарди.

¹ Иномов И. Ўзбекистоннинг янги шаҳарлари. — Тошкент, «Меҳнат», 1991, 49-бст.

² Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году, 200—201-бетлар.

³ Ўша ерда, 203-бст.

⁴ Зейдуллаев С. К. Ўзбекистон экономикасининг регионал проблемалари, 18-бст.

⁵ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году, 200—201-бетлар.

Хоразм вилояти ҳам Оролбўйи минтақасида жойлашган шимолий воҳадир. Бу ерда 1970 йилда аҳолининг 18,4 фоизи, 1987 йилда эса 29,4 фоизи шаҳарларда яшаган¹. Аҳолининг асосий қисми қишлоқларда яшайди. Уларни иш билан таъминлаш бошқа жойларга қараганда анча оғирроқ бўлиб, шунинг учун ҳам бу муаммоларни ҳал этиш талаб этилар эди. Бунинг учун биринчи навбатда қишлоқ ёшларини ишлаб чиқаришнинг қишлоқ хўжалигидан ташқари соҳаларида ишлашга тайёрлаб ихтисослаштириш, шу билан бирга бу ерда кўплаб янги саноат корхоналарини ҳамда уларнинг филиалларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ эди.

Сурхондарё иқтисодий райони (Сурхондарё вилояти) республика ҳудудининг қарийб 5, аҳолисининг эса 3,7 фоизини ташкил этар эди². 1970 йили аҳолининг 16,0 фоизи, 1987 йилда эса 19,7 фоизи шаҳарларда истиқомат қилар эди³. Бу вилоят республиканинг энг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, қимматбаҳо ингичка толали пахтачилик, субтропик мевачилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган. Бирмунча миқдорда кўмир, газ ва нефть қазиб олинади, енгил ва озиқ-овқат саноати етакчи тармоқлардан ҳисобланади. Бироқ вилоятнинг саноатни янада ривожлантириш учун имкониятлари жуда катта эди. Бу ерда кўплаб маҳсулотларни қайта ишлайдиган корхоналар ва уларнинг филиалларини барпо этиш мумкин, чунки бу ерда ишчи кучи ҳам, хом ашё заҳиралари ҳам етарли эди.

Саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг ҳудудий жойлашишини мақсадга мувофиқ тарзда такомиллаштириш мазкур соҳаларнинг бир текисда тараққий этиши ва самарадорлигининг ортишига олиб келиши керак эди. Афсуски, халқ хўжалигининг барча тармоқлари фаолиятини кучайтиришга, фан-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишни тезлаштиришга, мавжуд турли резервларни ишга солишга, режалаштириш ва бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар қўрилишига қарамасдан, бошқа республикалар қатори Ўзбекистонда ҳам, ишлаб чиқариш муносабатларининг туб моҳияти ўзгармади, шу боисдан кўзда тутилган натижа — иқтисодиётни жонлантиришга эришилмади.

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году, 200—201-бетлар.

² Зийдуллаев С. К. Ўзбекистон экономикасининг регионал проблемалари, 19-бет.

³ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году, 200—201-бетлар.

70-йиллар ва 80-йилларнинг ўрталаригача бўлган даврда республиканинг айрим вилоятларида саноатнинг бирмунча ривожланганлигига қарамасдан уларнинг саноат ишлаб чиқаришдаги салмоғи пастлигича қолаверди. Бунинг асосий сабабларидан бири, юқорида таъкидланганидек, «иттифоқнинг ихтисослашуви» натижасида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштиришдаги номутаносибликдир.

Ўзбекистоннинг айрим вилоятлари ўртасида аҳоли жон бошига саноат маҳсулоти ишлаб чиқариши 3 барабар фарқ қилар эди. Республикадаги саноат корхоналари йиғиндисининг 50 фоизи Тошкент шаҳрида, шунингдек Тошкент ва Фарғона вилоятларида тўпланган эди¹. Бошқа вилоятлар, жумладан, Қашқадарё, Хоразм, Сурхондарё, Жиззах ва Қорақалпоғистонда гарчи зарур ресурс ва имкониятлар мавжуд бўлса-да, саноат ривожланиши жиҳатидан орқада қолган эди². Худудларнинг бундай ҳолатини барабарлаштириш ҳамда иш билан банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлашнинг қатъий чораларини кўриш энг муҳим масалалардан бири эди.

Шу боисдан ҳам саноатнинг, айниқса энгил саноатнинг янги корхоналарини биринчи навбатда бу вилоятларда жойлаштириш мақсадга мувофиқ эди. Буни шу нарса ҳам қувватлайдики, анчагина меҳнат ва хом ашё ресурсларига эга бўлган бу худудларда, хусусан Қорақалпоғистонда катта қолюқликка йўл кўйилди, бу ерда кенг истеъмол молларини аҳоли жон бошига истеъмол қилиш шундай ҳам юқори бўлмаган ўртача республика даражасидан икки барабар паст эди³.

70-йиллар бошларида республикамизнинг ўзида тайёрланган маҳсулот билан аҳолининг энг зарур моллар (кийим-кечак, трикотаж, пойафзал)га бўлган эҳтиёжининг ярмисигина қондирилган бўлса⁴, 80-йиллар охирига қадар ҳам бу соҳадаги силжиш унчалик сезиларли бўлмади. Бу даврга келиб, кийим-кечакларнинг чорак қисми, трикотаж буюмлар ва ип-газламининг учдан бир қисми, пойафзалнинг деярли ярмиси

¹ Бекметов Э. Халқлар ҳамкорлиги ва иқтисодий алоқалар. Тошкент, «Меҳнат», 1992, 70—71-бетлар.

² Искандаров И. И. Ўзбекистан в едином народнохозяйственном комплексе Союза ССР//Общественные науки в Узбекистане, 1982, № 12, 66—67-бетлар.

³ Зайдуллаев С. Моддий нёматлар ишлаб чиқаришнинг аҳволи ва резервлари//Инсон ва сўёсат, 1991, № 9, 37-бет.

⁴ Юн., Мельникова Д. Некоторые вопросы развития производства предметов и потребления в Узбекистане//Коммунист Узбекистана, 1971, № 1, 25-бет.

четдан келтирилиши ҳисобигагина аҳоли эҳтиёжи қондирилар эди¹.

Ўзбекистонда енгил ва маҳаллий саноатнинг бундай аҳволга тушиб қолишига республиканинг хом ашё етиштиришга йўналтирилганлиги сабаб бўлди. Бизда иқтисодиётдаги бу хатоликларни ва республиканинг халқ истеъмоли моллари жиҳатидан ҳозирги қарамлигини тугатиш учун барча шароитлар бор. Республикада фақатгина ўз хом ашёмиз ҳисобига аҳоли талабини тўла қондириш мумкин, бироқ шу пайтга қадар енгил саноатнинг муҳим тармоғи бўлган тўқимачилик соҳаси бу имкониятдан етарли фойдаланмасдан энг орқада қолиб келади. Ҳолбуки, 80-йилларда ҳам Ўзбекистон пахтасининг жуда оз (7—8 фоиз) қисмигина республикада қайта ишланиб, ундан тайёр маҳсулот олинарди. Бу ҳол ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайишига, унга бўлган сарф-харажатлар ортишига ва моддий ҳамда молиявий маблағлар тақчиллигига олиб келди.

70—80-йиллар ўрталаридаги даврда меҳнат ресурсларининг ўсиши асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўсишидан тўрт баравардан ҳам ошиб кетди ва 1985 йилга келиб собиқ Иттифоқ меҳнат ресурслари умумий ҳажмининг 6 фоизига эга бўлган Ўзбекистонда умумиттифоқ ишлаб чиқариш фондларининг атиги 3,5 фоизи мавжуд эди.

Республикадаги мавжуд саноат корхоналарининг кўпчилигида технологик асбоб-ускуналар аллақачон эскирган, ишдан чиққан ва янгилашга муҳтож эди. Шу билан бирга, янги технологик асбоб-ускуналар етарли даражада ташкил этилмаганлигидан ишларнинг 50 фоизи кўлда бажарилар эди². Кўпгина корхоналарда, жумладан Тошкент тўқимачилик комбинати, Минерал ўғитлар корхоналарининг бир нечтасида 40-йилларда, ипакчилик корхоналарида эса 50-йилларда тайёрланган дастгоҳлардан фойдаланилмоқда эди³.

Бунинг устига иш жойларининг етишмаслиги, маҳаллий аҳолидан миллий ишчи ва мутахассис кадрлар тайёрлаш масаласига эътиборсизлик, аҳолининг табиий кўпайиши ва миллий сиёсатдаги нўноқлик, республиканинг кўп миллатлилигини ўстириш каби сунъий йў-

¹ «Совет Ўзбекистони», 1990 йил 5 июнь.

² «Правда Востока», 1985 йил 6 июль.

³ «Коммунист Узбекистана», 1986, 2-сон, 15-бет.

налиш сабабли чет минтақалардан кўплаб кўчиб келувчи аҳоли салмоғининг катталиги туфайли меҳнатга яроқли кишилар сонининг ортиб бориши Ўзбекистонда ишсизлик каби иллатни вужудга келтирди. Натижада кўплаб кишиларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этиш ва улардан оқилона фойдаланиш муаммоси келиб чиқди.

Юзага келган бундай вазият иқтисодиёт суръатларининг пасайишига олиб келди. Иқтисодий инқироз сабабли тақчиллик ва қашшоқлик қанчалик кучайган сайин, миллатлараро муносабатлар муаммолари ҳам шунчалик ўткирлашаверди.

Ўзбекистонда аҳолининг табиий ўсиши юқори даражада бўлиб, кейинги ўн йилликларда ҳар йили ўрта ҳисобда 2,5 фоиздан кўпайиб борди. Жумладан, 1970 йили 11,8 млн. аҳоли яшаган бўлса, 1986 йилга келиб, 18,4 млн. кишига етди. Шу жумладан, аҳолининг 1970 йилда 63,4 фоизи, 1986 йилда эса 59,5 фоизи қишлоқда яшаган¹.

Маъмурий-буйруқбозлик тизимининг иттифоқдаги марказлаштириш, барча миллатлар учун ягона бир хилликни тарғиб қилиш сиёсати миллатлараро муносабатлар муаммолари келиб чиқишидаги асосий сабаблардан биридир. Иттифоқдош республикалар халқлари иқтисодий, ижтимоий, этник ва бошқа жиҳатлари билан бир-бирларидан катта фарқ қиладилар. Шу жиҳатдан, анъанавий яшаш жойларига боғланганлик (ўтроқлик)нинг юқори даражадалиги ўзбек халқига хос хусусиятдир. Масалан, иттифоқ аҳолисининг 52,9 фоизи ўтроқ ҳолда яшаса, Ўзбекистон аҳолисининг ўтроқчилиги 77,7 фоизни ташкил этади². Ўзбекистонда туб миллатга хос бўлган бу хусусият ва касбни тез-тез ўзгартирмаслиги натижасида ҳамда аҳоли табиий ўсишининг юқорилиги сабабли қишлоқ жойларда ортиқча ишчи кучи тўпланиб қолаётганлиги кўпгина ижтимоий муаммоларни келтириб чиқармоқда эди.

Ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболини белгилашда шаҳарлар, айниқса йирик шаҳарларнинг аҳамияти каттадир. Ўзбекистонда 1970 йили 43 та шаҳар бўлиб, уларнинг сони 1986 йилга келганда 123 тага етди. Ўзбе-

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 году, 14-бет.

² Население СССР в 1987 г. Статистический сборник (Гос. комстат СССР). — М.: Финансы и статистика, 1989, 360—361-бетлар.

кистон Қорақалпоғистон Республикаси ва 12 вилоятни ўз ичига олади.

Республика ҳудудида аҳоли, айниқса шаҳар аҳолиси анча нотекис жойлашган, шунга кўра вилоятлар катта-кичиклиги, аҳолисининг сони ва зичлиги жиҳатидан бир-биридан катта фарқ қилади. 1970 йили Тошкент вилоятида (Тошкент шаҳри билан биргаликда) 4 млн. 800 мингдан ортиқ аҳоли яшагани ҳолда Хоразм вилоятининг аҳолиси 557 минг кишидан бир оз ортиқ эди, холос¹.

Шаҳарлар сонининг ўсиши ўлкамизда иқтисодий тараққиёт бирмунча сусайган, нисбатан турғунлик ҳолати рўй бераётган бир пайтда анча тезлашди, бунга хом ашёга мўлжалланган янги саноат шаҳарларининг вужудга келганлиги сабаб бўлди. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги даврида шаҳарларнинг аҳолиси сони бўйича катта-кичиклиги муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки бу нарса ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштириш, умуман шаҳарнинг ҳар томонлама ривож топишида жуда катта роль ўйнайди. Шу каби хусусиятларга кўра шаҳарлар энг йирик, ўртача ва кичик шаҳарлар гуруҳига бўлинади.

Ўзбекистон саноат комплексида катта ва йирик шаҳарлар муҳим ўринни эгаллаб, ишлаб чиқарувчи кучларни ҳудудий ташкил этишда асосий таянч марказлар ҳисобланади. Аҳолиси 500 мингдан ортиқ бўлган энг йирик шаҳарлар гуруҳига республикамиздан фақат Тошкент шаҳри киради. У аҳолисининг сони жиҳатидан собиқ иттифоқдаги Москва, Ленинград ва Киев шаҳарларидан кейин тўртинчи ўринда турарди. 1970—1980 йиллар ичида аҳоли сонининг ўсиши Москва шаҳрида ўртача 1,35 фоизга, Ленинградда — 1,45 фоизга, Киевда — 2,95 фоизга ва Тошкент шаҳрида — 3,05 фоизга тенг бўлган².

Тошкент шаҳри фан-техника ва ижтимоий тараққиётнинг асосий маркази ҳисобланади. Шунингдек, бу тоифадаги шаҳарларда шахснинг ижодий камолотга етиши, ижтимоий жиҳатдан ҳимояланиши ва ҳар томонлама ривожланиши учун катта имкониятлар мавжуд.

Бироқ иттифоқдаги барча миллионер шаҳарларга, шу жумладан Тошкентга ҳам тааллуқли бўлган жиддий

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1984 году, 7-бет.

² Народное хозяйство СССР в 1979 г. Статистический ежегодник. М.: «Статистика», 1980, 18—19-бетлар.

камчиликлар: турли хил саноат корхоналарининг ниҳоят даражада кўп тўпланиши, транспорт тармоқларининг кенгайиши ва шу каби сабаблар туфайли шаҳарларнинг экологик ҳолати кескинлашди, шу билан бирга сув ҳамда ҳавонинг ифлосланиши кичик ва ўрта шаҳарларга қараганда тобора ёмонлашиб борди. Бундай шаҳарларда метрополитен ва бошқа муҳандислик иншоотлари қурилишини ривожлантириш кун тартибидаги масала бўлиб қолаверади.

70—80-йилларда саноат корхоналарини жойлаштиришдаги жиддий камчиликлардан бири хом ашё, меҳнат ва бошқа ресурсларни ҳисобга олмасдан маълум бир шаҳарда зўр бериб кўпайтириш бўлди. Масалан, республикадаги ялпи саноат маҳсулотларининг 20 фоиздан кўпроғи Тошкент шаҳрига, 36 фоизга яқини 15 та катта шаҳарлар ҳиссасига тўғри келади¹.

Бу жиҳатдан республиканинг асосий саноат районлари бўлмиш Тошкент вилояти ва Фарғона водийси шаҳарлари айниқса ажралиб туради. Бу районларда республика саноат маҳсулотининг қарийб 64,3 фоизи ишлаб чиқарилиши билан бир вақтда атмосферани булғатадиган шаҳарларнинг қарийб 80 фоизи шу ерларда жойлашган².

Бундан ташқари, турли хил зарарли моддалар ҳам атмосфера ҳавосини бузиб юборар эдики, бундай моддаларни тутиб қолиш (яъни зарарсизлантириш)га республикада кам эътибор бериб келинди. Чикинди манбаларининг фақат 48 фоизигина тозалаш қурилмалари билан жиҳозланган бўлиб³, бунинг оқибатида бир йилда тозалаш иншоотларидан ўтмайдиган 1 млн. тонна зарарли модда ҳавога чиқариб юборилар эди.

Ҳавони турли хил зарарли моддалардан ҳоли қилишга мўлжалланган қурилмаларни ўрнатиш режаси сурункали равишда бажарилмай келди. Бунинг устига мавжудларнинг ҳам анчагинаси ишдан чиқиб, бузилган ёки самараси кам эди.

Тўғри, атроф-муҳит муҳофазасини яхшилаш мақсадида кейинги бир неча йил ичида Тошкентда чангтўзон ва турли газларни ушлаб қоладиган 300 га яқин қурилмалар ўрнатилди ёки реконструкция қилинди. Шаҳар экологиясига салбий таъсир кўрсатиб келаётган

¹ Иномов И. Ўзбекистоннинг янги шаҳарлари, 84-бет.

² Бекметов Э. Халқлар ҳамкорлиги ва иқтисодий алоқалар, 84-бет.

³ Шодиметов Ю. Жамият — экология — сиёсат. «Инсон ва сиёсат», 1991, № 6, 52-бет.

қатор саноат корхоналари: консерва ва пахта тозалаш заводлари, гўшт комбинати, асфальт-бетон ва бошқа корхоналар шаҳар доирасидан четга чиқарилди, толь заводи ёпилди. Бироқ бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар ҳали кўп. Кўпгина саноат корхоналарида ҳамон экологик жиҳатдан зарарли бўлган технологиядан фойдаланилмоқда, эскирган асбоб-ускуналар ҳажми ҳам катта.

Атроф-муҳити кўпроқ бузилган шаҳарлар қаторига Чирчиқ, Олмалиқ, Оҳангарон, Андижон, Кўқон, Навоий, Бухоро, Фарғона каби шаҳарларни киритиш лозим. Булар орасида Олмалиқ ва Фарғона шаҳарлари мамлакатнинг 68 шаҳари киритилган рўйхатдан жой олган. Бу рўйхатга кирган шаҳарлар экологик жиҳатдан мамлакатнинг энг хатарли шаҳарлари ҳисобланади¹.

Атмосферанинг юқори даражада ифлосланиши аксарият ҳолларда химия, қора ҳамда рангли металлургия корхоналари жойлашган шаҳарларга тўғри келади. Шу сабабдан ҳам Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистоннинг иссиқ иқлими, сув танқислиги ва қолаверса аҳолининг ниҳоятда зич жойлашганлиги туфайли бундай тармоқларни яқин келажакда янги корхоналар қуриш ҳисобида янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ эмас.

Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ҳамда ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этишдаги катта нуқсонларни бартараф қилиш учун биринчи навбатда саноат корхоналарини яхши ривожланмаган вилоятларда жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, Ўзбекистон шароитида кичик шаҳар типидagi посёлкаларни, район марказларини жадал ривожлантириш уларни фақат катта ва йирик шаҳарлар ижтимоий-иқтисодий даражасига бирмунча яқинлаштириш заруриятидангина эмас, балки ушбу шаҳарлардаги ноқулай экологик вазиятни юмшатиш талабидан ҳам келиб чиқади.

Бошқа республикалардан фарқли ўлароқ, республикамызда сўнгги 15—20 йил ичида кичик шаҳарлар сони ниҳоятда тез кўпайди, яъни 1970 йилдан 1989 йилгача бу ерда 86 аҳоли пункти шаҳар ҳуқуқини олди².

Ўзбекистонда турли саноат тармоқлари ва йирик саноат корхоналарининг вужудга келиши, турли вилоятларда капитал қурилишнинг авж олиши, айниқса

¹ Дўмедов Э. А. Ўзбекистон шаҳарлари, 186-бет.

² Уша сзда, 41-бет.

янги ерларни ўзлаштириш, у ерларда саноат марказларини вужудга келтириш ва республика замини бағрида яшириниб ётган ер ости бойликларини халқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида кенг миқёсда ишга солиш янги шаҳарлар қад кўтаришининг асосий омили бўлди. Ўзбекистондаги мавжуд 124 шаҳарнинг аксарияти, жумладан, Қашқадарё вилоятида Муборак (1974 й.), Газли (1977 й.); Бухоро вилоятида Зарафшон (1972 й.), Учқудуқ (1978 й.); Сурхондарё вилоятида Шарғун (1973 й.); Жиззах вилоятида Маржонбулоқ (1980 й.); Қорақалпоғистон Республикасида Тахиатош (1983 й.) каби шаҳарлар республика ер ости бойликларини ишга солиш туфайли вужудга келди.

Республикадаги бир қанча янги шаҳарлар, жумладан Сирдарё вилоятининг Ширин (1972 й.), Андижон вилоятининг Шаҳрихон (1970 й.), Жиззах вилоятининг Пахтакор (1977 й.) каби шаҳарларининг ташкил бўлиши ва ривож топишида мамлакатнинг бошқа районларидан олиб келинадиган қазилма бойлик ва маҳаллий минерал ресурслар ижобий роль ўйнади.

Ўзбекистонда аҳолиси 50 мингдан кам бўлган шаҳарлар сони бошқа республикалардагига нисбатан ниҳоятда тез суръатлар билан ўсмоқда эди. Масалан, 1970 йилдан 1987 йилгача бўлган давр ичида СССРда бундай шаҳарлар сони атиги 8 фоизга кўпайган бўлса, Ўзбекистонда қарийб 100 фоизга ортган¹. Бундай шаҳарлар ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва ҳудудий жойлаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистонда барча шаҳарларнинг 80 фоизини кичик шаҳарлар ташкил этади, уларда республика шаҳар аҳолисининг қарийб 20 фоизи истиқомат қилади. Бундай шаҳарлар саноатни ривожлантириш учун бир қатор афзалликларга эга: уларнинг кўпчилигида бўш ётган ерлар, сув, ортиқча ишчи кучи ва хом ашё заҳиралари ҳамда бошқа шаҳар ҳосил қилувчи омиллар мавжуд. Шунга қарамасдан, республиканинг кичик шаҳарларида саноат яхши ривожланмаган. Айниқса, меваларни қайта ишлаш корхоналари етарли эмас, борлари ҳам эски, камқувват, истеъмолчиларга манзур бўладиган саноат маҳсулотлари жуда кам. Масалан, Андижон вилоятидаги маҳсулотни қайта ишлаш корхоналари атиги 28 фоиз қувват билан ишлаб келмоқда². Чунончи, 80-йил-

¹ Аҳмедов Э. А. Ўзбекистон шаҳарлари, 45—46-бетлар.

² «Ўзбекистон овози», 1994 йил 15 март.

ларнинг ўрталарида саноатда машғул бўлган ходимларнинг 11,6, ялпи саноат маҳсулотининг 28,1, асосий ишлаб чиқариш фондларининг 19,7 фоизи кичик шаҳарлар ҳиссасига тўғри келар эди. Айтиш керакки, ижтимоий-иқтисодий имкониятларнинг асосий қисми муҳассамлашган, сон жиҳатдан унча кўп бўлмаган йирик ва катта шаҳарларда бу кўрсаткичлар тегишлича: 75, 56, 4, 62, 7 фоизни ташкил этар эди¹.

Кичик шаҳарларни ривожлантириш муаммосини ҳал этиш ана шу шаҳарларнинг комплекс ривожланишини, табиий, иқтисодий ва демографик омиллар мажмуини, хом ашё базаси, ёқилғи-энергетика ва меҳнат заҳираларини батафсил ҳисобга олишни назарда тутувчи илмий асосланган ҳолдаги ёндашувни тақозо этади. Тажрибанинг кўрсатишича, бу ерларда йирик корхоналар билан технологик боғланган кичик-кичик филиаллар, айрим ихтисослаштирилган цехлар тарзидаги ихчам корхоналарни жойлаштирган маъқул. Бундай иш-шоотлар қурилиши учун унча кўп маблағ ҳам талаб қилинмайди, лекин айтиш керакки, кичик шаҳарларнинг иқтисодий юксалишини, уларнинг комплекс ривожланишини таъминлайди.

Кичик шаҳарларда ишлаб чиқаришнинг кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларини (электротехника, электрон техника, асбобсозлик), енгил ва озиқ-овқат, шунингдек маҳаллий саноат корхоналарини жойлаштириш иқтисодий жиҳатдан ҳам, ижтимоий жиҳатдан ҳам мақсадга мувофиқдир. Бундай корхоналар жумласига йигирув-тўқув, пиллакашлик фабрикалари, гилам, пайпоқ-носки фабрикалари, трикотаж, тикувчилик, пой-афзал фабрикалари ва ҳоказолар киради. Озиқ-овқат саноати корхоналари учун қишлоқ хўжалик хом ашёси манбаларига яқинлик муҳим аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда бир қанча ип-газлама ва шойи газлама, турли хил трикотаж буюмлар ишлаб чиқарадиган йирик корхоналар ишга туширилди. Жумладан, 70-йилларда Урганч, Наманган, Шаҳрисабз, Уйчи, Гулистон, Қўрғонтепа ва бошқа шаҳарларда шойи тўқиш фабрикалари, Қувасой чинни заводи, Хивада гилам комбинати, Жиззахда ип-йигирув фабрикаси қурилиб ишга туширилди.

1976—1980 йилларда эса республикада ҳаммаси бў-

¹ Зейдуллаев С. К. Ўзбекистон экономикасининг регионал проблемалари, 22-бет.

либ 23 та янги енгил саноат корхонаси қурилди¹. Бироқ шу билан бирга бир қатор корхоналар қурилиши чўзиб юборилган. Масалан, Тошкент «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмаси белгиланган 3 йил ўрнига 5 йилда қуриб битказилди. Жиззахда ип-йигирув фабрикаси қурилиши ҳам 3,5 йилга мўлжалланиб, 1978 йил май ойида қуриш бошланган бўлса, 1985 йилга келиб ҳам унинг қурилиши тугалланмаган, бу эса давлатга катта иқтисодий зиён етказди². 1980 йилнинг ўзидагина республика тиқувчилик саноати корхоналарининг ўз вақтида қуриб битказилмаганлиги сабабли 8,2 млн. сўмлик тайёр маҳсулот етказиб берилмади³.

Республикада енгил саноат корхоналарининг жойлаштирилиши ҳам бошқа саноат корхоналари сингари режалаштирилмасдан амалга оширилган. Масалан, 80-йилларнинг бошида бутун маҳсулот ҳажмининг 60 фоизини етказиб бериш Тошкент ва Самарқанд шаҳарларига, 27 фоизи Андижон, Бухоро, Наманган, Қўқон шаҳарларига тўғри келган бўлса, Жиззах ва Термиз шаҳарларида биронта ҳам тиқувчилик корхонаси йўқ эди⁴.

Бинобарин, йирик корхоналарнинг филиаллари ва цехларини ташкил этиш республика саноат ва меҳнат ресурсларини бир текис жойлаштириш бўйича йўл қўйилган нотекисликларга анча-мунча зарба бериши турган гап эди. Кўпчилик филиаллар ва цехлар меҳнат ресурслари кўпроқ бўлган Фарғона водийси вилоятларида, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ташкил этилди⁵. Умуман, 70—80-йиллар ўрталаригача республикада саноатнинг халқ истеъмоли моллари етказиб берувчи 130 та филиали ишга туширилди ва уларнинг сони 1986 йилга келиб 350 дан ошиб кетди. Улардан 99 таси енгил саноат корхоналарига тегишлидир⁶.

Бундай филиаллар ва цехларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида ҳам кўплаб ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки бу вилоятларда иш билан банд бўлмаган аҳоли анчагина. 80-йиллар ўрталарида

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1975 году, 57-бет.

² Уралов А. Развитой социализм и научно-технический прогресс. Ташкент, «Узбекистан», 1982, 30-бет.

³ Самарходжаева С. М., Сарымсакова Г. В. К проблеме повышения эффективности легкой промышленности Узбекистана//Общественные науки в Узбекистане, 1982, № 10, 14-бет.

⁴ Уша жойда, 13—14-бетлар.

⁵ Уралов А. Развитой социализм и научно-технический прогресс, 31-бет.

⁶ Бобожонова Д. Енгил саноатда фан-техника тараққиёти. Тошкент, «Узбекистон», 1986, 8-бет.

республикада бир миллион киши ишсизлигини назарда тутсак, бу масалани янада жадаллаштириш зарур эди.

Тарихан қараганда, Ўзбекистон иқтисодиётида ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш эмас, балки енгил саноатнинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолдаги истеъмолчилик воситалари устунлик қилди. Енгил саноатнинг ривожланиши эса ижтимоий тараққиётнинг ривожланиши учун туртки бўла олмади, чунки республикада енгил саноатнинг хом ашёни дастлабки қайта ишлаш соҳасигина ривожлантирилган эди. Бошқа мамлакатларни саноатлаштириш тажрибаси кўрсатадики, айнан енгил саноатнинг ривожланиши кейинчалик ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун дастлабки мўл жамғармани таъминлайди. Бироқ, ягона умумиттифоқ иқтисодиёти доирасида бўлган Ўзбекистон шароитида енгил саноатнинг хом ашё етказиб берувчи тармоғининг ривожланиши республика ижтимоий ривожланишини таъминламади. Пахта, пилла, қорақўл тайёрлашни йилдан-йилга ошира борган республика давлат «боқимандаси» даражасига тушиб қолди. Ўзбекистон миллий даромад, меҳнат самарадорлигини ошириш ва ҳоказолар бўйича ўртача иттифоқ даражасидан анча ортда қолди. Юзага келган аҳволнинг сабабларидан бири пахта ва бошқа хом ашёлардан келадиган даромаднинг улар етиштирилган жойдан эмас, қайта ишланиб, тайёр маҳсулот ҳолига келтирилган жойдан олинishi эди.

20-йиллар охирида юзага келган иттифоқ меҳнат тақсимои тизимига кўра, республика етиштирган пахтанинг 92 фоизи ундан ташқарида қайта ишланиб келинди. Агар, масалан, пахта Белоруссияда қайта ишланса, демак, даромадни Белоруссия олади, агар Россия қайта ишласа, даромадни у олади¹. Бу асосий оғир меҳнатни қиладиган, бунинг эвазига озгина иш ҳақи оладиган деҳқон учун ўтакетган адолатсизлик эди.

Сўнгги 30 йилда республикамизда саноат ишлаб чиқариши пахта тозалаш, химия саноати, қора ва рангли металлургия хом ашё ва заҳиралари тармоқлари ҳисобида таъминланди. Натижада уларнинг ҳиссаси 60—65 фоиз кўтарилгани ҳолда машинасозлик ва металл қайта ишлашнинг энг замонавий тармоқлари салмоғи фақат 2 фоизни ташкил этди. Аслини олганда REPUB-

¹ Аминова Р. Қайта қуриш шароитида Ўзбекистонда социал ривожланишнинг долзарб муаммолари. Тошкент, «Фан», 1991, 15—16-бетлар.

ликамиз, яъни халқимиз кулфатларининг деб очаси шунда. Амалда иттифоқ жамғармасига йил сайин 9 миллиард сўмга яқин соф фойда келтириб турган Ўзбекистон субвенция деб аталувчи йўл билан 3,1 миллиард сўм оларди. Шундай экан, бу қарздорликми, ёки аксинчами?¹.

Ўзбекистонда кўпроқ қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган 100 дан ортиқ саноат тармоқлари мавжуд. Бу тармоқларда ишлаб чиқарилган электр двигателларининг 95 фоизи, экскаваторларнинг ва кучли ток электр двигателларининг 90 фоиздан ортиғи, насосларнинг 70 фоизи, тракторларнинг 54 фоизи ва бошқа турдаги саноат маҳсулотлари бошқа республикаларга етказиб берилар эди². Ўз навбатида, Ўзбекистон улардан турлитуман маҳсулотлар, жумладан, дон, гўшт, қанд-шакар, нефть ва нефть маҳсулотлари, тахта, ёғоч, автомобиллар, турли хил асбоб-ускуналар, халқ истеъмоли молларини олар эди. Истеъмол буюмлари ва озиқ-овқат бозор фондларининг ярми мамлакатнинг бошқа минтақаларидан ва импорт йўли билан таъминланиб келинди. Ўзбекистонга олиб келинаётган ва ташиб кетилаётган ресурсларни ҳисобга олганда, буларнинг камомади 35 фоизни ташкил этарди.

Ҳисоб-китобларга қараганда, республика аҳолисининг қондирилмаётган талаби 8—9 миллиард сўмни ташкил этарди ва у ҳар йили 600—800 млн. сўмга ўсмокда эди³.

70—80-йилларда Ўзбекистонда шундай ҳолат юзага келиб қолдики, барча иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича иттифоқдаги ўртача даражадан анча орқада бўлиб, мамлакатда охириги ўринлардан бирини эгаллаган эди. Бунинг устига ушбу салбий ҳолат демографик вазият таъсири остида тобора кучайиб борди.

Бу барча зиддиятлар 80-йилларда, яъни мамлакат олдинга қилинаётган ҳаракат суръатларини айниқса сезиларли равишда йўқота бошлаган пайтда кучайиб кетди. Зотан, миллий даромаднинг ўсиш суръатлари 70-йиллар бошидаги 41 фоиздан 80-йиллар бошида 17 фоизга тушиб қолди⁴.

¹ Қодиров А. К. Минтақа хўжалик ҳисоби ва иқтисодий мустақиллик. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992, 71—72-бетлар.

² Ахборот материаллари (Лекторга ёрдам). Тошкент, «Билим» жамияти, 1989, 2-бет.

³ «Совет Ўзбекистони», 1990 йил 31 октябрь.

⁴ Очиллов Ш. Ижтимоий ўзини ўзи бошқариш: тажриба ва муаммолар. Тошкент, «Ўзбекистон», 1990, 57-бет.

Агар мамлакат бўйлаб иқтисодиёт инқирозолди ҳолатида бўлган бўлса, Ўзбекистонда турғунлик ҳолати айниқса ўткир намоён бўлди. Бу нарса республикани ҳақиқий инқироз чегарасига олиб келиб кўйди. Жумладан, ялпи ижтимоий маҳсулотнинг йиллик ўртача ўсиш суръатлари 1971—1975 йилларда 7,2 фоизни¹, 1976—1980 йилларда 5,7 фоизни, 1981—1985 йилларда 3,4 фоизни, ундан кейинги йилларда эса фақат 2,2 фоизни ташкил этди².

Миллий даромаднинг ўсиш суръатлари юқоридагига мувофиқ равишда 6,8 фоиздан³ 5,7 ва 3,0 фоизга,⁴ ижтимоий меҳнат унумдорлиги 3,8 фоиздан⁵ 2,7 ва 0,4 фоизга пасайди. Меҳнат унумдорлигининг кейинги йилларда амалда пасайиши 0,7 фоиз бўлди⁶.

Бунда ишлаб чиқарувчи кучларни ҳудудий жойлаштиришда йўл қўйилган хатолар, республика халқ хўжалигини комплекс ривожлантириш механизмининг йўқлиги, иттифоқ вазирликлари ва идораларининг империячилик ҳукмронлиги ўзининг катта таъсирини кўрсатди.

Меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига миллий даромад ўсишини таъминлашдек ғоят муҳим стратегик вазифа бажарилмади. Республика моддий ишлаб чиқариш соҳасида ходимлар миқдори қисқармади, бир қатор тармоқларда эса кўпайиб борди. Миллий даромадда ўсиш суръатларининг паст бўлиши эса, ўз навбатида, ялпи ижтимоий маҳсулотни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг имкониятларини, бинобарин, кишилар фаровонлигини оширишни ҳам чеклади.

80-йилларнинг ўрталарига келиб, Ўзбекистон халқ хўжалиги барча тармоқлари асосий ишлаб чиқарувчи фондларининг ўсиши 1980 йилга қиёслаганда 61 фоизни, ялпи ижтимоий маҳсулот ва ҳосил қилинган миллий даромад эса — тегишли равишда 20—26 фоизни ташкил этди⁷. Республика халқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш фондлари шу давр ичида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигидан 2 баравардан ҳам ортиб кетди. Капитал маблағларнинг асосий қисми кўп сонли қурилишларга сарфланди. Янги ишлаб чиқариш воси-

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году, 11-бет.

² Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 году, 8-бет.

³ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году, 11-бет.

⁴ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 году, 8-бет.

⁵ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году, 11-бет.

⁶ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 году, 8-бет.

⁷ Тўхлиев Н. Иқтисодий интенсификация ривожлантириш йўлига ўтказишни жадаллаштирайлик//Ўзбекистон коммунисти, 1990, № 6, 11-бет.

таларини барпо этишга кетадиган сарф-харажатлар кўпинча қутилган иқтисодий самарани бермади.

Меҳнат унумдорлиги даражаси бўйича Ўзбекистон мамлакатда энг қолоқ республикалар қаторига тушиб қолди. Масалан, биргина Белоруссияда 1970—1986 йиллар ичида Ўзбекистонга нисбатан ижтимоий меҳнат унумдорлиги 3,5 марта ортиқ эди¹. Юқорида таъкидланганидек, 60-йиллар ўрталаридан бошлаб 80-йиллар охиригача бу кўрсаткичнинг ўсиш суръатлари пасайиб борди. 1986—1988 йиллардагина меҳнат унумдорлигининг пасайиши ҳисобига республикада бир ярим миллиард сўмликдан кўпроқ миллий даромад олинмади, ҳосил қилинган миллий даромаднинг меҳнат сарфи эса умуман мамлакат бўйича кўрсаткичдан 1,5 баравар юқори бўлди².

Шу йиллардан фан-техника тараққиёти республика-миз саноатида меҳнат унумдорлигининг фақат 35—40 фоизга ошишини таъминлади, қатор иттифоқдош республикаларда эса 70 фоиздан кам бўлмади³. Бунинг сабаби шундаки, ҳар йили барча саноат корхоналарининг ярмиси умуман янги техника ва технологияни жорий этмади.

Ижтимоий сиёсат ҳам асосиз бўлиб чиқди: ногиронлар ва пенсионерларнинг жуда қийин аҳволи, «бепул» тиббиётнинг жўнлиги, хотин-қизлар зиммасига юкланган ғоят катта юк, кўп болали оилаларни қўллаб-қувватлашнинг мутлақо етарли эмаслиги шулар жумласидандир. «Капитализм иллатлари» деб ҳисоблаш одат бўлган хизматдаги суиистеъмолликлар, порахўрлик, ичкиликбозлик каби ижтимоий иллатлар социализмга хос бўлиб чиқди⁴.

Биз кўриб чиқаётган ва ундан кейинги бир неча йил мобайнида ҳам республика 9 миллион аҳолисининг оладиган маоши 75 сўмдан кам, ногиронлар, қариялар, ёш болалар, қисқа қилиб айтганда, объектив сабабларга кўра ўзини ўзи боқолмайдиган, жон бошига 50 сўмдан кам даромад олаётганлар сони 5 мил-

¹ Абдурахмонов А. Миллатлараро муносабатларнинг муаммоларига оид// Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 1990, № 7, 14-бет.

² Тўхлиев Н. Иқтисодиётни интенсив ривожлантириш йўлига ўтказишни жадаллаштирайлик, 11-бет.

³ Тўхлиев Н. Ўзбекистон иқтисодиёти: саволлар ва жавоблар. Тошкент, «Ўзбекистон», 1991, 55-бет.

⁴ Очилов Ш. Ижтимоий ўзини ўзи бошқариш: тажриба ва муаммолар, 57-бет.

⁵ «Совет Ўзбекистони», 1990 йил 31 октябрь.

лиондан кўп⁵, яъни республика аҳолисининг деярли 50 фоизи яшаш учун зарур бўлган энг кам миқдордаги (81 сўм) дан камроқ даромад билан кун кечириб келмоқда эдилар.

Мана шу йиллар айниқса асосий қисми қишлоқ жойларда яшайдиган туб ерли аҳоли турмуш даражаси ҳамда кайфиятига, миллатлараро муносабатларга салбий таъсир кўрсатди. Шу сабабли пахта яккаҳоқимлигига барҳам бериш, пахта толаси харид нархларини ошириш, бошқа республикалардаги хом ашёни қайта ишловчи корхоналар фойдасидан Ўзбекистон бюджетига чегириклар ажратиш, томорқаларни кенгайтириш, иш билан банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш ва бошқалар борасида амалга оширилган чоралар ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, ижтимоий кескинликни пасайтириш учун жиддий аҳамиятга эга бўлиб, бу билан турли миллатлар ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш муаммоларини ҳал этишга имкон беради.

Республикамызда ижтимоий истеъмол фонди ҳисобидан бериладиган тўлов ва имтиёзларнинг умуман шўролар мамлакатидagi ўртача даражадан анча пастлиги ҳам аҳволнинг кескинлигини янада чуқурлаштирмаслиги мумкин эмас эди. Чунончи, агар 1970 йилда улар СССРда яшовчи ҳар бир киши учун 263 сўмни¹, 1980 йилда — 441 сўмни, 1986 йилда — 547 сўмни² ташкил қилган бўлса, Ўзбекистонда 1970 йилда — 191 сўмни, 1980 йилда — 310 сўмни, 1986 йилда эса 365 сўмни³ ташкил этди.

Ижтимоий инфраструктура тармоқлари: соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача болалар муассасалари жуда оғир аҳволга тушиб қолган эди. Мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи нобоп биноларда жойлаштирилган. Бошқа шу сингари ўткир иқтисодий ва ижтимоий муаммолар кейинги ўн йиллар ичида шунчалик кўп йиғилиб кетдики, инсоннинг ҳар томонлама уйғун камол топиши, унинг шахс сифатида маънавий ривожланиши бир ёқда турсин, кўпинча яшаш учун керак бўлган оддий нарсалар ҳам танқис бўлиб қолди.

Ўзбекистон 80-йилларда ижтимоий инфраструкту-

¹ СССР в цифрах в 1986 г. М.: Статистика, 1979, 195-бет.

² СССР в цифрах в 1986 г. М.: Финансы и статистика, 1987, 182-бет.

³ Узбекская ССР в цифрах в 1988 году. Ташкент, «Узбекистан», 1989, 125-

бет.

рани ривожлантиришнинг бир қанча кўрсаткичлари юзасидан мамлакатда энг охириги ўринлардан бирида эди: уй-жой билан ўртача таъминланиши юзасидан иттифоқ ўртача кўрсаткичининг 65 фоизи (иттифоқдош республикалар орасида 12-ўрин), касалхонадаги жойлар юзасидан 82 фоизи (9-ўрин), бир сменада шуғулланиш учун мактаблардаги жойлар юзасидан 72 фоизи (12-ўрин), доимий мактабгача тарбия болалар муассасалари юзасидан 34,5 фоизи (12 ўрин)¹.

Келтирилган маълумотларнинг ўзидан ҳам кўп нарса аён бўлиб турибди. Лекин шуни назарда тутиш керакки, бу ҳисоб-китоб умуман республикада яшовчи ҳар бир кишига мўлжаллаб қилинган. Қишлоқ аҳолиси бўйича ҳисоблаб чиқилган бундай кўрсаткичлар эса яна ҳам паст даражада эди.

Шу муносабат билан миллатлар ва элатларнинг амалда тенгсизлигини тугатиш гоёси ҳам аниқлик талаб қилар эди. Бу шароитда туб иқтисодий ислохотни ўтказиш, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг сифат жиҳатдан янги тизимини шакллантиришни жадаллаштириш Ўзбекистон учун алоҳида аҳамиятга эга эди. Вужудга келтирилган ва фақат марказдан бўладиган буйруқларга бўйсунадиган улкан давлат мулкига эга бўлган иқтисодий тизим қанчалик самарали бўлиб кўринмасин, қудратли марказлаштирилган давлат мулки бошқарувининг сохта ниқоби ортида бу мулкнинг ўзи ҳам, уни бошқариш ҳам зарарли эканлиги тобора аниқроқ намоён бўлаётганлиги; уни тасарруф этиш, ундан самарали фойдаланиш ва уни кўпайтиришга реал инсоний манфаатдорлик йўқлиги тобора аён бўлаётганлиги 70—80-йилларда равшан бўлиб қолган эди. Бундан ташқари, мулкни маъмурий-бюрократик бошқарув қанчалик қудратли бўлиб борган сайин бу мулк бевосита ишлаб чиқарувчилардан шунчалик кўпроқ бегоналашиб борди, бошқарувнинг ўзи эса тобора камроқ самара бера бошлади, чунки маҳкамачилик ва маҳаллийчилик уни зил кеткизаётган эди².

Умуман олганда, 70—80-йиллардаги миллатлараро муносабатлардаги вазиятга мураккаб деб баҳо беришдан ўзга илож йўқ. Бу борада ҳал бўлмаган масалалар бирин-кетин ўзини намоён этди. Ижтимоий-иқтисодий

¹ Очиллов Ш. Ижтимоий ўзини ўзи бошқариш: тажриба ва муаммолар, 58-бст.

² Ўша ерда, 58—59-бстлар.

ва давлатга оид ҳуқуқий муаммолар, экологик ва демо-
график муаммолар, тил ва маданиятни ривожланти-
риш, миллий анъаналарни асраб қолиш муаммолари
бир-бири билан чирмашиб чигал тутун ҳосил қилди. Бу
муаммоларнинг ҳар бирига жуда катта эътибор бериш
лозим эди. Ҳар бирининг ортида тирик одамлар, бутун-
бутун миллатларнинг тақдири турар эди¹.

Марказий ва маҳаллий идоралар хўжалик масалала-
рини ҳал қилганда уларнинг ижтимоий-сиёсий, мафку-
равий, экологик оқибатларининг ҳисобга олиниши,
умумдавлат манфаатлари миллий республикалар ман-
фаатларини ҳисобга олиши керак ёки аксинча маҳал-
лий манфаатлар умумжамиат манфаатларига қарши қи-
либ қўйилмаслиги керак эди. Бироқ, ҳамма вақт ҳам бу
нарсаларга аҳамият берилмади.

Марказнинг йўналтирилган сиёсати туфайли мана
шу йилларда мамлакатда, республикалар хўжалигида
муайян хатоликларга йўл қўйилди. Ягона иқтисодий
мажмуига уларнинг қўшаётган ҳиссалари борган сари
нақд иқтисодий ва миллий потенциалга мос келмай
қолди.

Республикамизнинг шу қадар катта бойликларга,
ишлаб чиқариш ва фан-техника имкониятларига, қулай
табiiй шароитга эга бўла туриб, асосий иқтисодий ва
ижтимоий кўрсаткичлар бўйича мамлакатда энг охир-
ги — ҳақли равишда тангли ҳолат деб аталган аҳволга
тушиб қолиши ўз-ўзидан вужудга келган эмас, бунинг
туб илдизлари мавжуддир. Бир неча ўн йиллар илгари
иқтисодиётга раҳбарлик қилишнинг маъмуриятчилик,
буйруқбозлик усуллари устун келиб, миллий сиёсат
принциплари унутила бошлагач, Ўзбекистонни унинг
ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга яроқсиз
ёндашувлар тобора кенг қарор топа борди. Аввало, бу
иллатлар шунда намоён бўлдики, Ўзбекистон арзон хом
ашё ва стратегик минерал ресурслар етказиб берувчи,
тайёр маҳсулот сотиладиган қулай бозорга айланиб қо-
лаверди, яъни республика хом ашё базаси, саноат ва-
зирликлари ва идораларининг мўмай хом ашё манбаи
бўлиб келди. Ўлканинг маҳаллий ижтимоий-иқтисодий
хусусиятларига баъзан етарлича, баъзан мутлақо эъти-
бор берилмади, баъзан эса бу хусусиятлар писанд қи-
линмади. Иқтисодий ва ижтимоий соҳани комплекс,
жадал ривожлантиришнинг, умумиттифоқ меҳнат тақ-

¹ «Совет Ўзбекистони», 1989 йил 21 сентябрь.

симотида Ўзбекистоннинг мавқеи ва ўрнини ўзгартиришнинг муқобил йўллари эътиборга олинмади.

Республикасимонинг кўп йиллар давомида умумиттифоқ меҳнат тақсимотида олдинги ўринлардан бирида турганлиги, кўпгина кўрсаткичлар бўйича олдинги марраларга силжиганлиги катта манбалардан туриб, китобларда, диссертацияларда, рапортларда ва маълумотномаларда кўп марталаб такрор ва такрор айтиб келинди. Республикада 1500 йирик ишлаб чиқариш бирлашма ва корхоналари ишлаб турганлиги, тўнтаришдан аввал бир йил давомида ҳосил қилинган миқдордаги электр энергияси ҳозир ҳар тўрт кунда ишлаб чиқарилаётгани ҳақида ҳамиша фахрланиб гапириб келинди. Чиндан ҳам республикада азалдан мақтанишга арзигулик барча нарса: табиий бойликлар, унумдор ер, қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий, инсоний ва маънавий салоҳият мавжуддир.

Республика қудратли агросаноат комплексига эга бўлиб, асосан суғориладиган деҳқончилик ерларидан иборатдир. Унинг тармоқларида ижтимоий маҳсулотнинг қарийб ярми етиштирилади. Аҳолининг халқ хўжалигида банд бўлган қисмининг ярмидан зиёдроғи, республика ишлаб чиқариш асосий фондларининг учдан бир қисми мана шу соҳа тармоқларига тўғри келади. Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича дунёда энг йирик ўлкалардан бири бўлиб, иттифоқда етиштириладиган пахтанинг 60 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келар эди¹. Республика пахта толаси ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда бешинчи ўринда ва уни экспорт қилишда иккинчи ўринда туради².

Ўзбекистон умумиттифоқ меҳнат тақсимотида пилланинг 60, канопнинг 100, қорақўл терининг 40, шолининг 16 фоизини, сабзавот, мева ва узумнинг асосий қисмини етказиб берадиган ўлка бўлиб келди³.

Республика Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар ичида қишлоқ хўжалигининг кўп тармоқчилиги билан бир қаторда кенг тармоқли саноати билан ҳам ажралиб туради. Саноатда ҳозирги замоннинг бир қатор энг муҳим тармоқлари барпо этилган ва ишлаб турибди. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятида оғир саноат-

¹ Зийдуллаев С. К. Ўзбекистон экономикасининг регионал проблемалари, 12-бет.

² Каримов И. А. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига ҳос йўли, 38-бет.

³ Социально-экономическое развитие Узбекистана за годы Советской власти. — Ташкент, «Ўзбекистон», 1984, 153-бет.

нинг ҳиссаси салмоқли ўрин тугади. Унинг ярмидан зиёдини транспорт, электротехника, тўқимачилик ҳамда қишлоқ хўжалик машинасозлиги, химия ва тоғ-кон саноати тармоқлари ташкил этади. Шунингдек, асбоб-созлик, электрон саноати, мураккаб маиший техника ишлаб чиқариш соҳалари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳамда минерал хом ашёни қайта ишлаш саноати, енгил ва озиқ-овқат саноати ҳам кенг миқёсда ривожланган¹.

Иқтисодийтимиз бир ёқлама тарзда, урхо-урларча хом ашё етиштирадиган ҳолга тушиб қолганини ва комплекс ривожланиш йўлига, аҳоли эҳтиёжларини қондиришга ўтказилмаганлигини, саноат, илмий-техникавий имкониятларнинг катта қисми тўғридан-тўғри кераксиз қурилишларга ва мудофаа мақсадларига йўналтирилганлигини қайд этишга тўғри келади. Саноатда тайёр маҳсулотнинг улуши бор-йўғи 50 фоиздан ортмас эди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 80 фоиздан кўпроғи², жумладан, пахтанинг асосий қисми мутлақо ишлатилмасдан республикадан ташқарига ташиб кетиларди. Корхоналарнинг кўпчилиги маҳсулотни республика ички бозори учун эмас, балки ташиб кетиш учун такрор ишлаб чиқарарди. Республикадан олиб кетилган маҳсулотнинг учдан икки қисми хом ашё, материаллар ва чала тайёр маҳсулотлар эканлигининг ўзи ижтимоий ишлаб чиқариш тузилишидаги чуқур номуносивликлардан дарак беради. Бунинг устига ҳатто ташиб кетилаётган хом ашёнинг нима, қанча ҳажмда, кимларга ва қандай нарҳда эканлигини билиш ҳам ман этилиб, қаттиқ сир сақданарди. Республика улкан табиий бойликларидан фойдаланилгани ҳолда даромадлар унинг ҳудудидан анча олисда — Россия, Украина ва Болтиқбўйи республикаларида қолиб кетарди. Ўзбекистон эса ўзининг мамлакат ва халқ олдидаги «байналмилалчилик» бурчини адо этиш билан кифояланиб қолаверарди.

Тарих ҳам хом ашё етказиб берадиган аграр мамлакатлар ҳеч қачон бой бўлмаганлигини кўрсатмоқда. Демак, агар биз маданийлашган иқтисодийни яратмоқчи ва шу асосда аҳоли турмуш даражасини кўтармоқчи эканмиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиш, сақлаш, чуқур қайта ишлаш ва уларни истеъмолчига етказиб бериш тармоқларининг ривожлантирилиши керак-

¹ Ўзбекистон Республикаси: мустақил давлатнинг бунёд бўлиши, 14-бст.

² «Совет Ўзбекистони», 1990 йил 5 июнь.

лиги ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қатор сессияларида ҳам алоҳида таъкидланди. Бинобарин, бу масала бугунги кунда ҳам энг долзарб ва кўндаланг турган бўлиб, зудлик билан ўз ечимини топиши лозимдир.

Марказнинг ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва ривожлантириш масалаларини ҳал қилишдаги «юқоридан» бошқариш услуби туфайли республиканинг ўз ичидаги мустақил режалаштиришдаги ўрни барбод бўлди — у фақатгина ижрочиға айланиб, ҳуқуқи бутунлай чекланиб қолди. Жойлардаги корхоналар ва ташкилотларнинг ташаббуси ҳамда ижодкорлигига тўсқинлик қилинар, маҳкамачилик кайфияти кучайиб бораётган эди. Жумладан, марказ маъмурий идораларининг тор доиравий манфаатларини ўйлаб, укувсизликлари, сохта обрў орттириш мақсадида мавжуд имкониятларни ҳисобга олмаганликлари ҳамда кераксиз харажатларни фойдалисидан фарқлашга қодир эмасликлари умумий ва миллий манфаатларга анча путур етказди. Ерларни мелиорациялаш ишларига 20 йил ичида (1966—1985 йиллар) 130 миллиард сўм сарфлаб, тегишли самара олмади¹. Асосан марказнинг айби билан Орол денгизи ҳавзасида ташвишли ва ҳалокатли мураккаб экологик вазият юзага келди. Ўзбекистонда юзлаб, минглаб гектар ерларнинг мелиоратив аҳволи ёмонлашди, бу озиқ-овқат маҳсулотининг танқислашувиға, аҳоли ўртасида турли хил касалликларнинг кўпайишиға сабаб бўлди.

80-йилларда республикамиз шундай аҳволға тушиб қолдики, бу ерга келтирилаётган нарсаларнинг 60 фоизи машиналар, асбоб-ускуналар, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари эди. Республикамизда жуда қимматли хом ашё — пахта, нитрон, капролактама ишлаб чиқарилаётган бир пайтда уларни қайта ишлашнинг йўлга қўйилмаганлиги оқибатида ана шу хом ашёдан олинаётган газлама, сунъий тола ва тайёр маҳсулотларни бир неча баравар қимматиға четдан келтиришға мажбур бўлиб келинди.

Корхоналар тўғри жойлаштирилганда озгина сарф-харажатлар билан олдин қурилган ёки қурилаётган корхоналарда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин бўлар эди. Шундагина кейинги йилларда халқ истеъмоли моллари таъминоти билан боғлиқ

¹ «Совет Ўзбекистони», 1989 йил 19 март.

кескинлашиб кетган муаммоларни ҳал этиш мумкин бўлар эди.

70—80-йилларда иқтисодиётни ривожлантиришда хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ва четга юборадиган, меҳнатга нисбатан камроқ талаб қиладиган хом ашё тармоқлари устун деб ҳисобланди. Ўзбекистондаги саноат корхоналари асосий қисмининг фаолияти ташиб кетишга аниқ йўналтирилган ана шундай маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мослаштирилган эди. Республика иқтисодиёти ривожланишига зиён келтирган ҳолда халқ хўжалигининг бутун тизими ҳам, моддий ишлаб чиқариш тармоқлари тузилмаси ҳам худди шу тариқа шакллантирилган бўлиб, бу эса уларни бошқаларга қарам ва боғлиқ қилиб қўйиш мақсади кўзланган марказ сиёсатининг амалга оширилиши эди. Шу йилларда иқтисодиётни комплекс ривожлантириш ҳақида гап-сўзлар ниҳоятда кўп бўлишига қарамасдан, ана шундай тараққиёт йўлига тушиб олишга амалда йўл қўйилмади. Натижада ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида енгил саноатнинг улуши 1970 йилдаги 40,7 фоиздан¹ 1986 йилда 38,4 фоизга², озиқ-овқат саноатининг улуши 14,6 фоиздан³ 13,5 фоизга⁴ тушиб қолди. Бунинг ўрнига ёқилғи саноати, химия ва нефть химияси, қора ва рангли металлургия, яъни хом ашё тармоқларининг улуши анча кўпайди.

Бундай тармоқларнинг жадал ривожланиши эса меҳнатга лаёқатли аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш вазифасини ҳал қилмади ва ҳал қила олмас эди. Чунки 1 миллион сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондларига ёқилғи саноати ва энергетикада 9 киши, химия саноатида — 16, нефть химиясида — 18, қора металлургияда — 34, рангли металлургияда — 24 киши жалб этилди. Енгил саноатда эса 1 миллион сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондларида 168 киши, ёғочсозлик саноатида — 143, машинасозликда — 112, озиқ-овқат саноатида — 90 киши иш билан таъминланди. Шу тармоқларнинг айрим соҳаларида эса меҳнатталаблик кўлами 300—400 кишидан ортиди. Аммо бу хусусиятлар ҳисобга олинмади⁵.

Саноат маҳсулотининг (1970—1987 йиллар) умумий

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1984 году, 51-бет.

² Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 году, 186-бет.

³ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1984 году, 51-бет.

⁴ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 году, 186-бет.

⁵ «Совет Ўзбекистони», 1990 йил 5 июнь.

ҳажми Ўзбекистонда 262 фоизга ўсган бўлишига қарамасдан бутун фаолияти пахтачилик билан, пахтачилик учун машиналар ишлаб чиқариш билангина чекланган машинасозликни комплекс ривожланган соҳа деб бўлмайди. Тўғри, Ўрта Осиёдаги машинасозлик маҳсулотларининг учдан икки қисмини берадиган Ўзбекистон машинасозлиги саноатида бир оз силжишлар бўлди. Масалан, 1970—1975 йиллар ичида маҳсулот ишлаб чиқариш 2 бараварга ортди¹. Маҳсулот етиштириш 1970 йилдагига нисбатан 1980 йилда 272 фоизга, 1986 йилда 395 фоизга ортди². Айни вақтда саноат ишлаб чиқаришида машинасозликнинг салмоғи ана шу йилларда атиги 1 фоизга кўпайди ва 1986 йилда атиги 16,1 фоизни ташкил этди³. Бироқ республикамиз машинасозлигида 280 та корхона, шундан 70 та йирик заводлар⁴, ишлаб туришига қарамасдан, мураккаб рўзғор техникаси, йўл қурилиш машиналари, пластмасса буюмлари, озиқ-овқат жиҳозлари, савдо-сотиқ ва маиший хизмат соҳаси учун керакли асбоб-ускуналар ва шу кабилар деярли ишлаб чиқарилмади. Ҳозирга қадар ҳам бу нарсаларнинг кўпи четдан келтирилади.

Ўзбекистон халқ хўжалигининг тармоқ тизими жиддий ўзгартишлар қилишга муҳтож. Хом ашёни чуқур қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган йўл қайта ишлаш, енгил ва озиқ-овқат саноати, шунингдек, машинасозлик корхоналарини бунёд этиш ёки кенгайтиришни талаб этади. Ҳолбуки, 70-йилларда республикада юқорида тилга олинган сермеҳнат тармоқлар ўрнига фондталаб тармоқлар — химия, нефть-химия, ёқилғи тармоқлари жадал ривожланди.

Ўзбекистон саноати 70—80-йилларда ҳам аввалгидек, асосан ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарди ёки хом ашёни дастлабки қайта ишлашга йўналтирилди ва улар республикадан ташқаридаги шерик корхоналарга юбориб турилди. Халқ истеъмоли тайёр молларининг салмоғи саноат маҳсулоти умумий ҳажмида 25 фоизни ташкил этарди, ваҳоланки, бошқа минтақаларда у 40

¹ Национальные отношения в СССР на современном этапе. — М., Наука, 1979, 51-бет.

² Узбекская ССР в цифрах в 1988 году. Краткий стат. сборник. Ташкент, «Узбекистан», 1989, 49-бет.

³ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1984 году, 51-бет.

⁴ *Бедрицев Т. Н.* Проблемы развития машиностроения Узбекистана в новых условиях хозяйствования // Общественные науки в Узбекистане, 1991, № 2, 8-бет.

фоиздан кам эмас¹. Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келувчи миллий даромаднинг иттифоқдаги ўртача даражадан қарийб 2 баравар пастлиги кўп жиҳатдан шу билан изоҳланади (аниқроғи, 1970 йилда 1,6 баравар, 1987 йили эса 1,9 баравар паст даражада эди)². Аҳоли истеъмол эҳтиёжларини қондириш учун республикада нафақат пахтадан, балки жун, пилладан ҳам тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

Химия саноати умумиттифоқ меҳнат тақсимотида Ўрта Осиё республикаларида, жумладан, Ўзбекистонда етакчи тармоқ ҳисобланиб келинди. Бу тармоқда минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қиладиган химиявий моддалар, сунъий аммиак, кир ювиш воситалари ва яна турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилар эди. 70—80-йилларда унинг ривожланишига жуда катта эътибор берилди. Натижада маҳсулот ҳажми 1970 йиллагига нисбатан 1980 йилда 249 фоизга, 1986 йилда эса 421 фоизга ортди³. Тўғри, бир вақтлар бу муваффақиятлардан фахрланиб гапирилди. Бироқ кейинги йилларда химия саноати «ривожи» келтириб чиқарган салбий оқибатлар тўғрисида гапирмасликнинг иложи йўқ, чунки юқорида саналган маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнида атроф-муҳит ва инсон саломатлиги учун ўта заҳарли моддалар ажралиб чиқади. Кўпгина ривожланган мамлакатлар бундай маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар қуришдан аллақачон воз кечишган, улар бундай корхоналарни ўзга, Осиёнинг бир қатор чекка, қолоқ минтақаларида катта маблағлар эвазига қуришни афзал кўрадилар⁴.

Ўзбекистонда касалликлар маълум даражада чиқиндиларнинг сифат таркиби ва саноат турларига боғлиқдир. Чунончи, рангли металлургия корхоналари чиқиндилари таъсирида юрак қон-томир системаси касалликлари билан оғриш кўпроқ учрайди. Қора металлургия саноати корхоналари чиқиндилари ва энергетика қурилмалари аввало нафас органлари системасига таъсир кўрсатади. Химия ва нефть химияси са-

¹ Тўхлиев Н. Иқтисодий ва иттифоқий интензив ривожлантириш йўлига ўтказишни жадаллаштирайлик, 14-бет.

² Мулладжанов И. Социально-экономическое значение совершенствования территориального перераспределения и размещения трудовых ресурсов в Узбекской ССР (обзор). Ташкент, УзНИИТИ, 1990, 5-бет.

³ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году, 50-бет.

⁴ Хидоятлов Г. Национальный вопрос в СССР, 213-бет.

ноати корхоналари жойлашган районларда аллергия касалликлар кенг тарқалган¹.

Экологик ноҳушлик ўсиб боришининг асосий сабабларидан бири инсоннинг нораціонал хўжалик фаолияти ҳисобланади. Республикамизда бу нарса аввало кўпгина тармоқ ва корхоналарни ривожлантириш ҳамда жойлаштиришдаги хатоликлар, қурилишдаги гигант-парастлик, марказнинг амр-фармойиши билан боғлиқ бўлди. Давлат ҳокимияти бошқаруви билан хўжаликни бошқаришнинг чирмашиб кетиши ишлаб чиқариш мақсадларининг бузилишига, табиий заҳираларга нисбатан нукул истеъмолчилик муносабатларининг кучайишига, инсонга ва унинг яшаш муҳитига бўлган эътиборнинг сусайишига олиб келди.

Шўролар тузуми ҳукмронлигининг сўнгги ўн йилларида республикада катта-катта химия саноати корхоналари қурилишига катта маблағлар сарфланиб, афзалликлар бериб келинди, улар республикадаги экология вазиятини жуда ёмонлаштириб юборди. «Бу корхоналар, — деб таъкидлади И. А. Каримов ўз маърузасида, — неча ўнлаб аждодларимизнинг меҳнати билан обод қилинган, гуллаб-яшнаб турган воҳаларда жойлаштирилганлиги кишини айниқса газаблантиради. Бу ўринда гап янги Қўқон химия заводи, Чирчиқ, Фарғона, Самарқанд ва Навоий химия корхоналари, бошқа кўпгина корхоналар ҳақида борапти. Бунинг устига мана шундай азим корхоналар ҳам аслида дастлабки қайта ишланган маҳсулотларни — нитрон, ацетат, капролактамни ишлаб чиқармоқдаларки, улар ҳам Ўзбекистондан ташқарига юборишга мўлжаллангандир»².

Ўзбекистон ҳудудида жойлашган кўплаб корхоналар бевосита марказнинг юздан ортиқ вазирликлари ва идоралари ихтиёрида бўлиб, амалда республика уларни бошқармас эди. Марказий идоралар охириги вақтларгача ҳамма нарсани ўз қўлларида жамлашга, ушлаб туришга, улар устидан ҳукмронлик қилишга интилди.

Ана шундай шароитда республика бошқарув ташкилотлари, маҳаллий идораларининг улкан табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш юзасидан мустақил қарорлар қабул қилиш имкониятлари чекланган эди.

¹ Абдуллаев О., Тошматов З. Ўзбекистон экологияси: бугун ва эртага. Тошкент, «Фан», 1992, 15-бет.

² «Совет Ўзбекистони», 1990 йил 5 июнь.

Бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими даврида ва турғунлик йилларида ижтимоий мулкчиликнинг турли шакллари ва унга мувофиқ хўжалик юришнинг хилма-хиллиги бузилди, натижада халқ хўжалигидаги бутун фондларнинг 85 фоизи давлат мулки ҳисобланиб, республикаимиз иқтисодиёти ҳам ягона марказдан туриб бошқариладиган бўлди. Ана шу мантиққа амал қилган ҳолда давлат мулки 4 тоифага — умумиттифоқ, иттифоқ-республика, республика ва миллий ҳамда маъмурий-ҳудудий мулкка ажратилди¹.

80-йилларнинг ўрталарига келиб, Ўзбекистонда иттифоқ тасарруфидаги корхоналар умумий корхоналарнинг 31 фоизини ташкил этган бўлса, 61 фоизи иттифоқ-республика вазирлик ва идораларига, 8 фоизи тўғридан-тўғри республика ва маҳаллий саноат бошқармаларига тегишли эди². Жумладан, рангли металл корхоналари ҳам марказ бўйсунувида бўлиб, кўпроқ хом ашё қазиб олиш ва дастлабки ишлов бериш, ярим тайёр буюмлар чиқариш билан шуғулланарди. Бу корхоналарнинг асосий маҳсулоти республикадан ташқарига олиб кетиларди.

Республика мустақиллиги эълон қилингунга қадар унинг халқи қанча олтин, мрамар, олмос, қумуш конлари борлиги-ю, бу конлардан қазиб олинаётган дурдоналар миқдори қанча эканлигини мутлақо билмас эди. Бу бойликларнинг қанчаси республика хазинасига тушаётгани ва қанчаси марказ хазинасига ташиб кетилаётганини, кимларга ва қандай нархда сотилаётганини билиш ҳатто ман этилганди.

Республика халқига фақат шу нарса маълум эдики, Бухоро вилоятида асосан учта маъдан конлари — Шимолий, Марказий ва Жанубий маъдан конлари бошқармалари иш олиб бормоқда эди. Бу ўзи бек, ўзи хон бошқармалар Учқудуқ, Зарафшон, Мурунгов, Навоий ҳамда Советобод атрофидаги конларни бошқарарди. Жумладан, Мурунгов олтин конидан 1969 йилдан буён олтин ёмбиси қуйиб олинади ва марказга жўнатиладди. Олтин қазилар ва уни саралаш ишлари учун ишчи-хизматчилар асосан марказдан таклиф этилар эди. Ерли халқ эса савдо ёки хўжалик ишларигагина жалб қилинарди³.

¹ Бекметов Э. Халқлар ҳамкорлиги ва иқтисодий алоқалар, 8—9-бетлар.

² Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году, 48-бет.

³ Зокиров М. Ўзбекистон олтини. «Меҳнат», 1993 йил, 21 май.

23 йил мобайнида бу ердан чиққан бир неча млн. кубга яқин «тилла тупроқ»нинг ҳаммаси марказга ташиб кетилди. Бу улкан меҳнат қанча миқдордаги соф олтинга айланди, деган ҳақли савол туғилади.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра Мурунтов олтини заҳиралари бир неча йилга қадар етади. Олтин саралаш заводи эса дастлабки икки йилдаёқ ўзини тўла қоплаган...¹ Бу кондан қазиб олинаётган олтин ўзининг тозалиги (пробаси) бўйича 99,99 фоизни ташкил этади. Таннархи бўйича бошқа ердаги олтинлар ичида энг арзон ҳисобланади.

Қизилқум саҳросида улкан Мурунтов кони танҳо эмас, унинг қаторида яна бир нечта олтин конлар кашф этилди ва этилмоқда. Бир сўз билан айтганда, Қизилқум қизил тиллага макон бўлиб чиқди. Бироқ, асосий гап унинг узоқ йиллар ҳақиқий эгасига хизмат қилмаганлигидадир. «Зарафшанский рабочий» газетаси муҳбирининг ёзишича, бошқа тоғ-металлургия комбинатлари сингари Навоий тоғ-металлургия комбинати ҳам узоқ йиллар иттифоқ назорати ва ҳукми остида қолиб келган (бу корхона кўплаб олтин конларига эга). Шу газетанинг 1990 йил 30 октябрь сонида Марказий руда бошқармаси директори Прохоровнинг маълум қилишича, оборот (муомала) солиғидан тушган даромаднинг 23 фоизи Ўзбекистонга, 22 фоизи иттифоқ нозирлигига берилди. Олтин даромадининг қолган 55 фоизи қаёққа кетаётгани номаълум. Нима учун мазкур олтин конларининг ҳақиқий эгаси бўлган Ўзбекистон халқлари бенасиб қолиши керак. Бизга чойчақа сифатида берилиши кўзда тутилаётган, 23 фоизни пулга чақсангиз қанча бўлади? Нега бу нарсалар шу чоққа қадар Ўзбекистоннинг туб халқидан сир тутиб келинди?²

Бизнинг фикримизча, республиканинг мустақиллик ҳуқуқлари асосида узоқ йиллар барча олтин, кумуш ва бошқа қазилма бойликлар устидан Ўзбекистон ўзининг тўлиқ давлат назорати ўрната олмаганлиги, бу бойликларнинг илмий асосланган миқдори, кундалик қазиб олинаётган хом ашё, уни қайта ишлашдан келадиган даромад миқдори ва шу кабиларнинг халқдан сир тутилганлиги унинг эрк ва ҳуқуқларининг камситилганлигини ҳамда тор доирада чекланиб қолганлигини кўрсатади. Шу билан бирга бу соҳа бўйича миллий мута-

¹ «Комсомольская правда», 1990 йил 24 ноябрь.

² «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1990 йил 7 декабрь.

хассис кадрлар тайёрлаш ҳам яхши йўлга қўйилмаганлиги ва бунга умуман эътибор берилмаганлиги маҳаллий аҳолига нисбатан ижтимоий адолатсизлик эди. Марказий идоралар, вазирликлар томонидан республика ҳуқуқларининг қирқиб қўйилганлиги, иқтисодий ва миллий манфаатларининг назар-писанд қилинмаганлиги натижасида юзгага келган салбий ҳолатлар аста-секин миллатлараро муносабатлар кескинлашишига олиб келди.

80-йилларнинг ўрталарига келганда Ўзбекистон ғоят улкан табиий бойликларга, ишлаб чиқариш ва фан-техника имкониятларига, қулай иқлим шароитига, истеъдодли одамларга эга бўлгани ҳолда аянчли бир аҳволга тушиб, халқ хўжалиги бир томонлама ривожланган, ўзга саноат минтақаларига қарам, ўз халқининг ижтимоий аҳволини ўнглаш учун етарли маблағ ва имкониятларга эга бўлмаган бир ўлкага айланиб қолган эди. Ниҳоят, 1991 йил 1 сентябрь — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги кунидан бошлаб ўзбек халқи барча ҳақ-ҳуқуқларни қўлга киритиш билан бирга «Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 10-моддасида таъкидланганидек, «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида олтин, бошқа қимматбаҳо металллар ва тошларни қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлашни мустақил амалга оширади ҳамда назорат қилади, ўз олтин захирасини яратади»¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 48-сессиясида фахр билан таъкидлаганидек, «Ўзбекистон Республикаси — кучли ва кенг имкониятли, ноёб табиий бойликларга эга, истиқболи порлоқ мамлакат»², демак, унинг халқи жаҳондаги энг бой халқлар даражасида яшай оладиган имкониятларга эга.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон шу қадар катта ва ноёб бойликларга эга бўлган республикадир. «Ҳозиргача республикада минерал хом ашёнинг 95 тури борлиги аниқланган. Бу минерал хом ашёларнинг 700 та кони мавжуд. Аввалда, Менделеев жадвалидаги барча минераллар республикамикзда бор. 370 та кон ишлаб турибди, уларда бир йил ичида қазиб олинаётган тоғ жинсларининг ҳажми 200 млн. тоннадан ошади.

¹ Ўзбекистон Республикаси: мустақил давлатнинг бунёд бўлиши, 11-бст.

² «Халқ сўзи», 1993 йил 1 октябрь.

Республикада катта табиий энергия ресурслари — газ, нефть, гидротехника ресурслари ва кўмирнинг мавжудлиги Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Табиий газнинг аниқланган захиралари деярли икки триллион куб метрни, кўмир — 2 миллиард тоннадан кўпроқни, нефть — 350 миллион тоннани ташкил этади»¹.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон автомобиль ва темир йўлларнинг кенг шохобчаларига, электр ўтказгич тармоқларига, ўзининг бутун ҳудуди ва барча қўшни республикалар билан боғловчи ахборот хизмати ва алоқа тизимларига эга бўлиб, бу илғор мамлакатларга хос имкониятлари билан хорижий Шарқ мамлакатларининг кўпчилиги эришган даражадан анча юқоридир.

Республика кучли илмий, ақлий ва маънавий салоҳиятга эга. Олимларимизнинг математика, физика, биология соҳасида олиб бораётган илмий тадқиқотлари минтақамиздан ташқарида ҳам яхши маълум.

Бироқ шундай улкан бойлик ва илмий салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон ўзига хос шароит ва имкониятлардан чинакам манфаати учун фойдалана олмади. Бунга бир неча ўн йиллар мобайнида республика иқтисодиётининг марказдан бошқариладиган ягона халқ хўжалиги мажмуи таркибий қисмига айлантирилганлиги сабабли йўл қўйилмади. Республика иқтисодиёти фақатгина марказ манфаатлари учунгина хизмат қилди. Марказда ишлаб чиқилган дастур ва қарорларда Ўзбекистон манфаатлари эътиборга олинмай келинди, натижада фан-техника тараққиёти тўсиққа учради, номуносибликлар келиб чиқди, иллатлар ҳаддан ташқари кучайиб кетди. Марказ тазйиқи остида иқтисодиётнинг хом ашё етиштиришга қаратилганлиги, пахта монополияси, одамларнинг ишлаб чиқариш воситаларидан ва ўз меҳнатининг натижаларидан четлаштириб қўйилганлиги республикани ривожлантириш, халқ фаровонлигини ошириш йўлидаги асосий тўғаноқлар бўлди. Республиканинг табиий ресурсларига ва экологик муҳитига жуда катта, тузатиб бўлмайдиган даражада зиён етказилди. Бу ҳол, ўз навбатида, аҳоли ижтимоий турмуш даражасининг пасайишига, натижада миллатлараро муносабатлар мушкуллашувига олиб келди.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли, 34—35-бетлар.

СССРнинг таназзули дунёнинг иқтисодий харитасида янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Шубҳасиз, ёш мустақил давлатларнинг, жумладан Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида мустақиллик йўлига ўтиш жараёни оддий, тез ва қийинчиликларсиз бўлмайди, «тоталитар тузум оқибати, унинг бутунлай издан чиққан бир тарафлама иқтисодиёти республикада ҳали талай вақт ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб туради»¹. Ҳуқмрон бўлиб келган марказнинг Ўзбекистонни, бутун Ўрта Осиёни ҳам ашё манбаи сифатида сақлаб қолиш мақсадида ўтказиб келган империячилик сиёсатининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодий ва молиявий вазиятнинг барқарор бўлишини таъминлаш учун ҳали кўп иш қилиниши керак.

Шу боисдан ҳам ҳозир республика бошидан кечираётган танг аҳволнинг асл сабабларини кейинги йиллардаги иқтисодий ислохотлар ва сиёсий туб ўзгартишларнинг вақтинча чегаралари доирасидан излаш гоят нотўғридир. Бу сабабларнинг илдизлари биз юқорида кўриб ўтганимиздек анча чуқур.

Ўзбекистон Республикаси янги шароитда, мустақил давлат сифатида, ўзининг барча соҳаларини қамраб олувчи тўлиқ ислохотини амалга ошириши лозимки, унинг давомида бозор муносабатлари ва бозор механизмини барпо этиш, бозор субъектларини шакллантириши зарур бўлади. Энг оғир мушкуллик шундан иборатки, аллақачон мавжуд бўлган бозор таркибини фақат чуқурлаштиришгина лозим бўладиган мамлакатларга қараганда бизда бу жараён анча мураккаб тарзда кечади. Ҳар қандай вазиятда ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши сессиясида таъкидлаб айтганидек, — «бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишда биз ишлаб чиққан биринчи, асосий тамойилда кўзда тутилганидек, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак»².

Иқтисодиётга партиявий раҳбарлик ва унинг ҳаддан ташқари мафкуралаштирилганлиги, сиёсатнинг иқтисодиётдан устиворлиги, республикамиз шароитига ёт бўлган тармоқларнинг директив асосда шаклланиши экология ва иқтисодиёт мувозанатининг бузилишига олиб келди. Марказ маъмурий идоралари умумдавлат

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат, 24-бет.

² «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1993 йил 16 октябрь.

манфаатларини ҳимоя қилиш баҳонаси билан Ўзбекистон халқ хўжалигига катта зиён етказдилар. Улар Ўзбекистонга катта миқдордаги пахта тайёрлаш режаларини тиқиштириб, республикада пахта яккаҳокимлигини вужудга келтирдилар. Бу эса Ўзбекистон халқларига фожияли муаммоларни келтириб чиқарди. Юзага келган нохуш ҳолатлар республика саноатига ҳам катта салбий таъсир кўрсатди. Сув танқислашиб, меҳнат заҳиралари тез суръатлар билан ўсаётган бир шароитда химия саноатининг сувни кўп истеъмол қилиб, кам меҳнат талаб этадиган айрим тармоқлари ҳиссасини кўпайтириш кўп қийинчиликларни келтириб чиқарди. Айни бир пайтда ўз хом ашё базасида юқори самара берадиган тўқимачилик саноати энг орқада қолиб кетди. Кейинги йилларда иқтисодийни изга солиб юбориш мақсадида қабул қилинган ва мавжуд имкониятларни ҳисобга олмаган ижтимоий, озиқ-овқат, аграр, энергетика, экология ва бошқа соҳалардаги кўпгина дастурлар самара бермади, аксинча, иқтисодий қарама-қаршиликларни чуқурлаштириб юборди. Шу тарзда иқтисодий батамом издан чиқиб, моддий ва молиявий тақчиллик кучайди. Мустамлакачилик аломатлари сақланиб қолаврди.

Умумиттифоқ ва республикалар манфаатларининг тўғри ва оқилона бирга қўшиб олиб борилиши миллий муносабатларни уйғунлаштиришда катта аҳамиятга эга эди, бироқ, афсуски 70—80-йилларда иттифоқдош республикалар иқтисодий ва сиёсий мустақкамланмади. Умумдавлат манфаатлари кўпинча рўқач қилиниб, миллий манфаатларга путур етказилди.

Марказнинг иқтисодийда тутган мудҳиш сиёсати миллатлараро муносабатларни қайта куриш, ривожлантириш ва такомиллаштириш йўлидаги тўсиқ бўлиб келди. Умумхалқ, умумдавлат ва байналмилалчилик манфаатларининг устунлиги ҳақидаги баландпарвоз нутқлар ва шиорлар ниқоби остида қандай бўлмасин республикаларнинг мамлакат ривожига қўшган ҳиссасини сунъий равишда камайтириб, «боқиманда» тамғасини босишдан иборат бўлди. Бунинг асосий сабаби Ўзбекистон марказнинг хом ашё базаси ҳисобланиб, маҳсулотларга белгиланган харид нархлар жуда паст бўлганлиги ва етказиб берилган қимматбаҳо, нодир металллар ва стратегик маҳсулотларнинг қиймати ҳаттоки республикамиз ялпи маҳсулотининг таркибига киритилмаслигида эди.

Умуман олганда, Ўзбекистон марказдан бошқарила-

диган ягона халқ хўжалиги мажмуи таркибида узоқ йиллар иқтисодий ва таркибий инқирозни бошдан кечирди. Марказдан режалаштириш оқибатида ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва ривожлантиришдаги жиддий хатолар, яккаҳоқимлик ва маъмурий-буйруқ-бозликка асосланган яроқсиз ёндашувлар, жамият ривожланиш қонунларига амал қилмаслик, халқ хўжалиги умумиттифоқ меҳнат тақсимотида республика ихтисослашувининг нотўғри олиб борилганлиги, иқтисодиётининг етакчи тармоқларини ривожлантиришда йўл қўйилган нуқсонлар ва номуганосибликлар оғир оқибатларга олиб келди. Натижада халқ хўжалиги соҳасида оғир ва машаққатли муаммолар келиб чиқдики, бу республикада ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда танглик ҳолати юзага келишига ҳамда миллатлараро муносабатларнинг янада кескинлашувига сабаб бўлди.

Ўзбекистон ўтган йилларнинг оғир асорати, тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покланиш, мафкуравийлик илллати етказган зиён-заҳматларни бартараф этишнинг қийин, узоқ давом этадиган йўлини босиб ўтиб, ўзининг чинакам иқтисодий мустақиллигига эришиш, ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиш имкониятларига эгадир. Шунинг учун ҳам жамият тараққиётини таъминлашда республика, аввало, ўз кучига, имкониятларига таяниши зарурдир.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИХТИСОСЛАШТИРИШ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Мамлакат халқ хўжалигини бошқаришнинг ўта марказлаштирилганлиги, маъмурий-буйруқбозлик тизими сиёсати миллатлараро муносабатларни ривожлантириш ва такомиллаштириш йўлидаги тўсиқлар бўлиб келди. Айниқса, 70—80-йиллар ўрталаридаги даврда умумхалқ, умумдавлат ва байналмилал манфаатларни рўкач қилиб, марказнинг кўпгина идора ва вазирликлари айрим республикалар, жумладан, Ўзбекистон иқтисодиётини ҳаддан ташқари хатарли аҳволга солиб қўйдилар. Иттифоқ вазирликлари ва марказий идоралар қабул қилган кўпгина қарорлар республиканинг миллий манфаатларидан анча йироқ бўлиб, унинг халқ хўжалигига катта путур етказди, ниҳоятда зиддиятли муаммоларни келтириб чиқарди.

Кейинги йилларда жамиятимиз шуни англаб етди-

ки, Президент И. Каримов 1994 йил 18 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, — «Ҳаётимизни яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, иқтисодий-иқтисоднинг самарадорлигини ошириш, халқимизни боқиб, истиқболимизни режалаш — хуллас, қандай муаммо, қандай масалани кўрмайлик, уларнинг аксарияти биринчи навбатда қишлоқ хўжалигига бориб тақалади. Ҳаммамизни боқадиган, озиқа берадиган соҳа — қишлоқ хўжалиги тармоқларидир»¹. Шундай экан, бу соҳага тегишли бўлган ҳар қандай муаммони зудлик билан таҳлил қилиш, унинг келиб чиқиш сабабларини ва келтирган оқибатларини рўй-рост очиб бериш ниҳоятда долзарб масаладир.

Ўлкамизда тўпланиб қолган ана шундай катта кўламдаги муаммолардан бири бўлган пахта яккаҳокимлиги бўлиб, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг туб мақсадларига хилоф равишда юқоридан зўрлаб ўтқазиб келинди. Маълумки, узоқ йиллар давомида табиий-иқтисодий шароитига ва аҳолисининг меҳнат кўникмаларига кўра пахта етиштириш имкониятига эга бўлган Ўзбекистон асосий пахта базаси ҳисобланиб, унга қандай бўлмасин, мамлакатнинг пахтага бўлган эҳтиёжини қондириш ва капиталистик мамлакатларга бўлган қарамликдан қутулишни, умуман пахта соҳасидаги мустақилликни таъминлаш вазифаси қўйилган эди. Бу вазифа қанчалик машаққат ва катта йўқотишлар эвазига ҳал этилганлигини Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ўзининг «Комсомольская правда» газетасига берган интервьюсида шундай таъкидлайди: «Бир пайтларда Ўзбекистон мамлакатнинг пахта мустақиллигини таъминлаши керак, деган фикр пайдо бўлди. «Оқ олтин» энг шафқатсиз усуллар билан қўлга киритила бошланди. Бунга қўшилмаганларни четга суриб қўйишар эди. Улар ўрнига итоаткор, «етиб оламиз ва ўзиб кетамиз», «беш йилликни икки йилда бажарамиз» дейдиганларни танлаб олишарди. Пахта экилмаган фақат дераза рафлари-ю, томлар қолган эди. Биз пахта мустақиллигини таъминладик, ўрнига эса қарам иқтисодий эҳтиёжни олдик. Фақат бир нарса: пахтага хизмат кўрсатувчи соҳалар учун ҳамма нарса яратиларди»². Умумиттифоқ меҳнат тақсимомига кўра, Ўзбекистонни пахта

¹ «Ўзбекистон овози», 1994 йил 19 февраль.

² «Совет Ўзбекистони», 1991 йил 8 март.

етиштиришга мана шундай ихтисослаштириш оқибатида республикада озиқ-овқат масаласи мураккаблашиб, гўшт ва сут етиштириш имкониятлари камайиб кетди, бироқ шунга мувофиқ равишда ўрнини тўлдирадиган ҳеч нарса олинмади.

Айни вақтда республикадаги кўпгина ҳаётий муҳим манфаатларга зиён етказилди: пахта майдонлари йилдан-йилга кенгайиб, бошқа ўсимликларни бирин-кетин суриб чиқара бошлади, илмий асосланган алмашлаб экишлар бузилганлиги, ернинг тинка-мадори қуриб кетганлиги, сув манбаларининг имкониятлари тобора камайиб борганлиги қишлоқ хўжалигига ҳалокатли таъсир кўрсатди. Натижада озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш чеклаб қўйилди ва тез суръатлар билан ўсиб бораётган аҳоли талабини шу маҳсулотлар билан таъминлаш муаммолари кескинлашди. Бу эса иқтисодиётнинг бир ёқлама ривожланишига, ижтимоий зиддиятларнинг бартарафлашувига ҳамда аҳоли турмуш даражасининг ёмонлашувига олиб келди.

Бошқача қилиб айтганда, иқтисодиёт инсон учун эмас, инсон иқтисодиёт учун хизмат қилиб келди. Ўзбекистонда эса, бу бошқачароқ жаранглади, яъни пахта одамлар учун эмас, одамлар пахта учун керак бўлди. Бу ва бу сингари ҳолатларни маҳаллий аҳоли ижтимоий адолатсизлик тарзида қабул қилмоқда ва бунинг натижасида миллатлараро муносабатларда зиддиятли вазиятлар юзага келмоқда эди.

Республикалар билан марказ ўртасида қарор топган муносабатнинг ким учун фойдали бўлганлигига Ўрта Осиёдаги, хусусан Ўзбекистондаги пахта якка ҳокимлигининг аниқ мисолида ишонч ҳосил қилиш мумкин. Пахта якка ҳокимлиги туфайли Ўзбекистон бутуниттифоқ пахта плантациясига айлантирилди. Кейинги 20 йил ичида, яъни 70—80-йилларда республикада сув хўжалик қурилиши кенг миқёсда амалга оширилди ва пахта экиш учун янги ерлар интенсив равишда ўзлаштирилди. Натижада 1980—1988 йилларда Ўзбекистоннинг экин майдонлари 355 минг гектарга кенгайди ва умуман олганда 4,3 миллион гектардан ошиб кетди¹. Пахтага ажратилган майдон Ўрта Осиёда жаҳонда энг катта кўрсаткич — 70—75 фоизни ташкил этди. Ҳолбуки, пахта 50 фоиздан ортиқ майдонни банд этса, чи-

¹ Тўхлиев Н. Иқтисодиётни интенсив ривожлантириш йўлига ўтказишни жадаллаштирайлик. «Ўзбекистон коммунисти», 1990, № 6, 13-бет.

риндининг йўқолиши, тупроқнинг силласи қуриши, ҳосилдан қолиши, охир-оқибат ернинг бутунлай ишдан чиқишини фан аллақачон исботлаган. Кейинги 40 йил ичида жаҳонда пахта ишлаб чиқариш 2 марта ошган бўлса, пахта майдони 10 фоиз қисқарган, бунга гектар ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига эришилмоқда. Ўзбекистонда эса кейинги 8 йил ичида пахта майдони 230 минг гектарга, яъни 12 фоиздан зиёдроққа ортди. Ҳосилдорлик ва сифат эса ёмонлашди¹. Республикада пахтачиликда яқин вақтларгача экстенсив ривожланишга қатъий асосланиб келинди: агар ҳосил қилинадиган пахта толасининг миқдори 1970—1988 йиллар орасида 1 миллион 580 минг тоннадан 1 миллион 732 минг тоннага (9,6 фоизга) кўпайган бўлса, пахтазорлар майдони эса шу вақт ичида 1 миллион 709,2 минг гектардан 2 миллион 16,7 минг гектарга (18 фоиздан кўпроққа) етди². Шу ерларнинг 1 миллион гектардан зиёди сифат жиҳатидан яхшилашни талаб этади³.

Маъмурий-буйруқбозлик тизими, иқтисодиётга партиявий раҳбарлик ва унинг ҳаддан ташқари мафкура-лаштирилганлиги доирасида 70—80-йиллар ярмида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида салбий оқибатларга олиб келган жиддий қийинчиликлар юзага келди. Бу аввало, юқорида таъкидланганидек, марказ таъйиқи билан ва, айни пайтда, кўп жиҳатдан маҳаллий омишларга баҳо бера билмаслик, қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги хатолар, турли суиистеъмолчиликлар туфайли содир бўлди. Қишлоқ хўжалигида интенсивлаштиришга етарли эътибор берилмади, сув ресурслари ва техникадан қониқарсиз фойдаланилди.

Кейинги ўн йиллар мобайнида қишлоқ хўжалик самарадорлигини ошириш борасидаги катта-катта уришлар ҳам кутилган натижани бермади. Масалан, 1975—1980 йилларда пахтачиликни ривожлантириш соҳасида олимлар олиб борган тадқиқотлар натижасида пахтанинг 20 та янги истиқболли нави яратилди, жумладан, пахта экиладиган майдонларнинг 65 фоизини ишғол этувчи «Тошкент» нави шулар ичида анча серҳосил деб топилди, бироқ бу янгиликлар ҳам умумий

¹ Юсутов Э., Туленов Ж., Фафуров З. Миллий масала бўйича фалсафий суҳбатлар. Тошкент, «Фан», 1990, 38-бет.

² Тухлиев Н. Иқтисодиётни интенсив ривожлантириш йўлига ўтказишни жадаллаштирайлик, 13-бет.

³ Зигдуллаев С. Ўзбекистон экономикасининг регионал проблемалари, 61-бет.

ҳосилдорликни ошириш имконини бермади. Аксинча, бу даврда сохта обрў орттириш мақсадида қабул қилинган ва мавжуд имкониятларни ҳисобга олмаган ижтимоий, озиқ-овқат, аграр, экологик ва бошқа соҳалардаги кўпгина дастурлар иқтисодий қарама-қаршиликларни чуқурлаштириб юборди. Шу билан бирга сарфланган катта-катта капитал маблағлар ҳам самарасиз бўлиб чиқди. Масалан, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун 1971—1975 йилларда 10 миллиард сўмдан кўпроқ¹, 1976—1980 йилларда 10,2 миллиардга яқин ва 1981—1985 йилларда 12,0 миллиардга яқин сўм капитал маблағ сарфланди². Бу маблағларнинг асосий қисми янги қурилишларга, ғоят оз қисми эса эскидан суғорилиб келинаётган экинзорларнинг мелиоратив ҳолатини ушлаб туриш ва яхшилашга ишлатилган эди, яъни ерларни мелиорациялаш ишларига 20,3 миллиард сўм ажратилган бўлса, шу маблағларнинг 14,1 миллиард сўмдан ортиқроғи сув хўжалиги қурилишига сарфланди³. Бироқ, бу ерлардан сарф-харажатни қоплайдиган даражада самара олинмади, аксинча, юзлаб, минглаб гектар ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашди, озиқ-овқат танқислиги ортиб борди.

Ўзбекистон 70—80-йилларда ялпи кўрсаткичлар бўйича Ўрта Осиёда етакчи ўринни ва ресурс потенциалдан фойдаланиш самарадорлиги (бир гектар ердан олинадиган фойда, фонд самарадорлиги, сарфланган сувнинг 1000 куб метри ҳисобига фойда) бўйича охириги ўринни ишғол этар эди. Сув хўжалиги қурилишига ва янги ерларни ўзлаштиришга берилиб кетиш ишлаб чиқариш фондларини кескин ўстиришга олиб келди. Ўзбекистонда 1 гектар қишлоқ хўжалик ери ҳисобига фонд билан таъминланганлик 1980—1988 йилларда деярли икки баравар ошди. Лекин шу вақт ичида фонд самарадорлиги ҳам икки баравар камайди. Республика-мизда қишлоқ хўжалик ерларининг ҳар юз гектаридан (пул билан ифодаланганда) Украинага қараганда ўртача уч баравар кам, Белоруссиядан — қарийб тўрт, Молдавиядан — беш баравар кам маҳсулот олинди⁴.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштирганда ер ҳосилдорлиги ошар, гектар бошига

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1984 году, 210-бет.

² Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 году, 276-бет.

³ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году, 149-бет.

⁴ Тухлиев Н. Иқтисодий интенси- в ривожлантириш йўлига ўтказиш.. жадаллаштирайлик, 13-бет.

олинадиган маҳсулот салмоғи кўпаяр ва сарф қилинган меҳнат ҳажми камаяр эди, лекин 70—80-йилларда республикамиз қатор хўжаликлари иқтисодий шароитларининг танг бўлишига қарамасдан асосий экин бўлган пахтанинг ҳосилдорлиги пастлигича қолаверди. Бу мағқуд имкониятлардан оқилона фойдаланмаслик ок батидир.

Шунинг натижасида, жумладан, 1971—1975 йилларда республикамизда пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги гектарига 28,5 центнерни 1981—1985 йилларда ўртача 26,7 центнерни ташкил этди, яъни шу йиллар ичида ўшиш ўрнига ўртача 1,8 центнерга пасайиш бўлди¹. Кўпгина вилоят ва туманларда бу кўрсаткичга ҳам эришилмади. Масалан, шу йиллари ўртача ҳосилдорлик Қорақалпоғистон Республикасида — 24,2, Қашқадарё вилоятида — 20,9, Сирдарё вилоятида — 22,0, Жиззах вилоятида — 19,0 центнерлигича қолиб кетди. Республиканинг илғор хўжаликларида 28,0—30,0 центнердан, Хоразм вилоятида эса 35 центнердан ҳосил олинди². Натижада 1976—1980 йилларда ўртача ҳар йили 5358,6 минг тонна, 1981—1985 йилларда эса ҳар йили 5159,0 минг тонна хом ашё етказиб берилди. Афсуски, республикада етиштирилаётган пахтанинг миқдори сингари, ишлаб чиқарилаётган тола ҳажми ҳам, 70-йилларнинг ўрталаридаги ўртача 1620 минг тоннадан 80-йилларнинг ўрталарига келиб 1509 тоннага тушиб қолди³. Масалан, Фарғона водийсининг Қува туманидаги 2 минг гектар пахтазорнинг 600 гектари адирларда жойлашган. Уларда етиштирилган пахтанинг 1 центнер таннархи 80 сўмни, қолган ерларда эса 35 сўмдан кўпроқни ташкил этди. Ушбу экинни зич гипс қатламли тупроқда етиштирадиган Меҳнатобод туманидаги етти совхоз 1981—1985 йилларнинг ўзидагина давлатга 75 миллион сўм миқдорда зиён етказди. Бир центнер пахтанинг таннархи уларда қарийб 160 сўмга етди. Кўринадики, икки сўм сарфлаб, энг яхши деганда бир сўмлик унум олинган⁴. Пахтачиликдаги меҳнат самарадорлигининг бундай пасайиб кетиши, маҳсулот таннархининг ошиб, ишлаб чиқариш рентабеллигининг тушиб кетишига са-

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году, 89-бет.

² Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 году, 242-бет.

³ Уша жойда, 231-бет.

⁴ Ўрта Осиё ва Қозоғистон: ривожланишнинг устун ва альтернатив жиҳатлари. «Ўзбекистон коммунисти», 1989, № 10, 26-бет.

баб бўлган салбий ҳолатларни тугатиш бўйича қатъий чоралар кўрилмади.

Узоқ йиллар мобайнида экин майдонларининг ҳосилдорлигини ошириш ўрнига янги қурилишларга ва қўшимча ишлаб чиқариш воситаларини жалб этишга кўпроқ эътибор берилди, натижада пахта хом ашёсининг ҳосилдорлиги ва сифати муттасил пасайиб борди, тупроқнинг шўрланиши ошиб, экинзорлар аҳволи кескин ёмонлашди, сувнинг етишмаслиги қаттиқ сезила бошлади, қишлоқ хўжалигига катта зиён етказилди. Ҳолбуки, худди ўша ерларда интенсив боедорчиликдан пахтачиликка нисбатан 15—16 марта, узумчиликдан эса 6 марта кўп даромад олинади¹.

Бунинг устига Ўзбекистонда юзлаб зарар кўраётган пахтачилик хўжаликлари бўлиб, бунга, аввало, пахта таннархини белгилашдаги камчиликлар сабаб бўлаётган эди. Ҳисоб-китобларга кўра, пахтадан олинadиган маҳсулотлар (газлама, мой ва бошқалар)нинг бир тоннасини қайта ишлашдан мамлакат хозинасига 1.200 дан 1.800 гача оборот солиғи тушади. Бу республикада етиштирилган пахтага ҳисоблаганда йилига 6—7 миллиард сўмни ташкил этади. Пахта учун муносиб ҳақ тўланганда, барча сарф ва натижалар илмий асосланган нархларда тўғри акс эттирилганда республика ялпи ижтимоий маҳсулотига қишлоқ хўжалигининг улуши 30 фоизга, миллий даромад эса 15—20 фоизга кўпайган бўлар эди. Шу билан бирга марказнинг иқтисодиётда тугган нотўғри сиёсатига, республиканинг мамлакат ривожига қўшган ҳиссасини адолатсиз равишда камайтириб, иттифоқнинг «боқимандаси» деган таъналарига ҳам чек қўйиларди². Бундан ташқари, пахта миқдори ортидан қувиш, пахта якка ҳокимлиги «маҳаллийчилик» манфаатларига мос эди, республика шунинг эвазига «бойлик орттирди» деган хулосага сира ҳам қўшилиб бўлмайди. Ахир республика халқи марказдан берилган кўрсатмага асосланиб, мамлакатнинг пахта мустақиллигини таъминлаш учун ўз байналмилал бурчини адо эта бориб, кўра-била туриб республика манфаатларига ва илмий агротехника талабларига путур етказиб, бошқа тармоқларга зарар келтириб бўлса ҳам мева ва сабзавот, ем-хашак тайёрлашни чеклаб қўйиш-

¹ *Фозилхўжаева И.* Миллатлараро муносабатларни тартибга солиш (давлат ҳуқуқий аспектлари асосида). Тошкент, «Фан», 1991, 71-бет.

² «Правда Востока», 1988 йил 16 июль.

га, демак, чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни чеклаб қўйишга мажбур бўлди.

Марказий ҳокимият идораларининг бошқа республикалар сингари Ўзбекистоннинг ҳам манфаатларини камситиб келиши натижасида меҳнаткашларнинг моддий аҳволи тобора ёмонлашиб, уларнинг таъминот даражасида, айниқса озиқ-овқат билан таъминланишида мамлакатнинг марказий республикаларига нисбатан олганда фарқ кучайиб борди. Ишонил қийин бўлса-да, лекин шу нарса аниқки, Ўзбекистон ижтимоий вазифаларнинг ҳал этилиши соҳасида иттифоқда охириги ўринларда турар эди. У сабзавот-полиз маҳсулотлари истеъмоли бўйича республикалар ўртасида 5-ўринни, мева ва резавор мевалар истеъмоли бўйича 13-ўринни эгаллаган¹.

80-йилларнинг охирида Ўзбекистон аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича иттифоқ кўрсаткичининг 46,2 фоизини ташкил қилди. Бу кўрсаткич бўйича республикамиз Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикалари орасида ҳам охириги ўринлардан бирида турарди. Бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистондан кейин фақат Тожикистон турарди. Ташвишли томони шундаки, мазкур кўрсаткич республикада борган сари пасайиш тенденциясига эга бўлди. 1985 йилда Ўзбекистон ўртача мамлакат кўрсаткичининг 52,6 фоизини ташкил қилган эди². Халқимиз буларнинг ҳаммасини ижтимоий адолатсизлик, қонуний ҳуқуқлари ва миллий манфаатларининг камситилиши деб баҳоламоқда эди.

Иқтисодий ва ижтимоий тараққиётдаги нотекислик, халқ турмуш даражасининг ночор аҳволи миллатлараро муносабатлар кескинлашувини кучайтириб юборди. Паст миллий даромад меҳнаткашлар маоши кам бўлишига, айниқса, қишлоқ аҳолиси моддий аҳволининг ёмонлашувига олиб келди. Бунинг асосий сабаби Ўзбекистон марказнинг пахта базаси ҳисобланиб, унга белгиланган харид нархлар жуда паст бўлганлиги ва етказиб берилган маҳсулотларнинг қиймати ҳаттоки республикамиз ялпи маҳсулотининг таркибига киритилмаслигида эди. Бу барча иллатлар натижасида умумдав-

¹ Бекметов Э. Халқлар ҳамкорлиги ва иқтисодий алоқалар. Тошкент, «Меҳнат», 1992, 11-бет.

² Миллатлараро муносабатлар маданияти ва байналмилал дунёқараш. (Ўқув кўлл.) // (К. Норматов, Ф. Исҳоқов, Р. Нуруллин ва бошқалар. Масъул муҳаррир К. Норматов). Тошкент, «Ўзбекистон», 1993, 70-бет.

лат манфаатларига ҳам, миллий манфаатларга ҳам мос келмайдиган аҳвол юзага келганлиги, иқтисодий тангликлар, чинакам мустақиллик ва эркинликлар муайян тор доирада чекланганлиги ҳамда маънавий жиҳатдан шафқатсиз топталишлар туфайли миллатлараро муносабатлар муаммолари янада кескинлашди.

Ўзбекистонда саноат ва аграр тармоқлар ўртасидаги нисбат 20—30-йилларда шакланган бўлиб, у асосан ҳозир ҳам сақланиб келмоқда. Қайта ишлаш тармоқлари суствлигича қолди. Собиқ СССР миллий даромадида қишлоқ хўжалигининг ҳиссаси 22,7 фоиз, республикамизда эса 30,1 фоизни ташкил этди. Собиқ ягона мамлакат ялпи ижтимоий маҳсулотида қишлоқ хўжалигининг ҳиссаси 17,0 фоиз бўлган бўлса, республикада 20,2 фоиз. Бу шундан далолат берадики, Ўзбекистон иқтисодиёти ўртача мамлакат иқтисодиётига нисбатан ўзининг аграр қиёфасини сақлаб қолди¹.

Миллатлараро муносабатлар кескинлашувининг асосий сабаби иқтисодиёт қонунларининг қўпол равишда бузилишидадир. Бу муносабатларда ижобий силжишлар бўлишига иқтисодий қашшоқликка барҳам бериб, молиявий аҳволни соғломлаштириш йўли билангина эришиш мумкин эди.

Бунда, аввало, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳоси масаласини кўриб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Ҳеч кимга сир эмаски, маъмурий-буйруқбозлик тизими доирасида баҳолар сиёсий иқтисоднинг асосий қонунларидан бири — қиймат қонунини ҳисобга олмасдан туриб белгилаб келинган. Жумладан, пахта, хом ипак, сабзавот, маккажўхори, полиз экинлари, гўшт-сут маҳсулотларининг харид нархлари уларни етиштиришга кетган сарф-харажатларни қопламас эди. Пахта етиштириш рентабеллигига ишониб бўлмасди. У меҳнатга ҳақ тўлашнинг паст нархларига асосланган бўлиб, пахтакор ва унинг оиласи елкасига залворли юк бўлиб тушар эди. Ушбу масалада таркиб топган ижтимоий адолатсизликни тугатмасдан, пахтага тўланадиган ҳақни кескин оширмасдан туриб миллион-миллион кишиларнинг тирикчилигини яхшилаш, қишлоқда ижтимоий соҳанинг ривожланишини таъминлаш, ерларнинг унумдорлигини сақлаб қолиш, рўй бераётган келишмовчиликларни бартараф этиш, одамлар кайфиятини

¹ Миллатлараро муносабатлар маданияти ва байналмилал дунёқараш, 73-бст.

яхшилаш мумкин эмас эди, чунки бу муаммога дахлдор бўлмаган ҳеч бир соҳа йўқ.

Шуни айтиш керакки, 70—80-йилларда деҳқон меҳнатига ҳақ тўлашда ижтимоий адолат тўла қарор топган эмас эди. Пахтакор ғаллакорга, картошка ва қарам етиштирувчига нисбатан бир неча бор кўп, энг оғир меҳнат қилса-да, иш ҳақи уларникидан кам эди.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, мамлакат бўйича 1 центнер дон етиштириш учун ўртача 1,6 киши-соат, 1 центнер пахта етиштириш учун эса 36 киши-соат талаб этилади, яъни бир-биридан 22 баравар фарқланади¹. Яна, шунингдек, пахта картошкага нисбатан 14, лавлагига нисбатан 35 марта кўп меҳнат кучи сарф қилишни талаб этади. Аммо улардан келадиган даромад давлат нархида пахтага нисбатан анча устун эди. Норозиликлар ва миллий низолар, тўс-тўполонларнинг сабабларидан бири нарх тизимидаги адолатсизликлар эди. Чунки бундай англашилмовчиликни маҳаллий аҳоли кўпинча миллий ҳуқуқларни камситиш деб ҳисобламоқда эди.

Ечимини кутаётган муаммолардан энг асосийси пахта нархини ошириш масаласи кўпдан бери етилиб турган эди, чунки қишлоқ меҳнаткашлари йилдан-йилга қашшоқлашиб, хароб аҳволга тушиб қолаётган эдилар. Бу масала илгарилари ҳам ўртага ташланганди. Тўғри, кейинги 30 йил ичида биргина пахта хом ашёсига харид нархларини ўзгартириш бўйича ҳукумат 23 марта қарор қабул қилди². Бироқ бу қарорлар бирон натижа бермади, чунки 80-йилларнинг ўрталарида ҳам, 70-йилларнинг бошидаги сингари, деҳқонга мавсум бошида терилган пахтанинг ҳар килоси учун бор-йўғи 4 тийиндан ҳақ тўланарди. Демак, теримнинг технологик нормаси 48 кило бўлганда деҳқон эртадан кечгача машаққатли меҳнати эвазига атиги 1 сўм 92 тийин ишлай оларди, холос³. Яна шуни ҳам айтиш керакки, бир тонна пахта етиштиришга мамлакат бўйича кетадиган ижтимоий сарф-харажатлар бир тонна буғдой етиштиришга нисбатан ўртача 30 баравар кўпдир, харид нарх-

¹ Осминин В. Ўзбекистон ССР экономикасини қайта қуриш асосида ривожлантиришнинг яқун ҳамда проблемалари // Ўзбекистон коммунисти, 1988, № 11, 26-бет.

² Юсупов Э., Туленов Ж., Ғафуров З. Миллий масала бўйича фалсафий суҳбатлар, 47-бет.

³ Искандаров И. Бозор иқтисодиётига ўтиш: қийинчиликлар, счимларни излаш. Инсон ва сиёсат, 1991, № 8, 24-бет.

лари эса атиги 4—5 баравар фарқ қилади¹. Масалан, йигирма йил мобайнида (1967—1987 йиллар) бир центнер доннинг таннархи икки марта, харид нархи эса уч марта ўсди, таннархга нисбатан нархнинг ўсиш индекси 1,5 ни ташкил этди. Шу давр ичида пахтанинг таннархи 1,8 марта, нархи эса атиги 2,26 марта ўсди, таннархга нисбатан нархнинг ўсиш индекси 1,25 ни ташкил этди. Шундай қилиб, сўнгги 20 йил ичида пахтанинг нархлари донга нисбатан 2 марта секинроқ ўсди². Бунинг устига пахтакор ғаллакорга нисбатан ўнлаб соат кўпроқ меҳнат қилади. Лекин иш ҳақи ғаллакорникидан тўрт баравар камдир. Бу ҳам етишмагандай, деҳқон фақат пахта эксагина фаровон яшаши мумкин дея ишонтириб келинди.

Бундан ташқари, кейинги 15 йил ичида минерал ўғитлар, техника, ёқилги-мойлаш материаллари нархи 1,6 баравар ошгани ҳолда хом ашё нархи атиги 12 фоиз ошди, холос. Шу давр ичида республика колхозларида рентабеллик 40 дан 24 фоизга, совхозларда эса 28 дан 7 фоизга пасайди³. Ҳолбуки, ер ўзлаштиришга, сувга кетган харажатлар ушбу сарфларга киритилмаган, уларни ҳисобга олиш пахта таннархини камида учдан бир ҳисса оширган бўларди.

Кўриниб турибдики, нархларда катта номувофиқлик мавжуд бўлган. Бу номувофиқлик ҳаммадан кўра иш ҳақи даражасига таъсир кўрсатди. Иш ҳақи эса республикада мамлакатнинг бошқа ҳудудларига нисбатан анча паст эди. Айтилик, қишлоқ хўжалиги ходимининг 80-йиллар ўрталаридаги ўртача иш ҳақи мамлакат бўйича 2 220 сўмни, Ўзбекистонда эса 1 753 сўмни ташкил этар эди. Бу 21 фоиз кам дегани⁴.

Нотўғри юритилган ҳар қандай сиёсат ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўлига ғов бўлади. Бундай ҳолат пахтачиликда яққол кўзга ташланди. Пахтага сунъий равишда иқтисодий қонунлар талабидан четлаб ўтилиб, харид нархларининг белгиланиши ҳосилни кўпайтиришдан манфаатдорликни тамомила сусайтириб юборди. Бу эса пахтачиликда буйруқбозлик сиёсатини келтириб чиқарди.

¹ Азимов Р. Регионал хўжалик ҳисоби ва миллатлараро муаммоларининг ҳал этилиши // Ўзбекистон коммунисти, 1990, № 5, 50-бет.

² «Совет Ўзбекистони», 1990 йил 22 май.

³ Осминин В. Ўзбекистон ССР экономикасини қайта қуриш асосида ривожлантиришнинг яқун ҳамда проблемалари, 26-бет.

⁴ Эгамов Э., Меҳмонов С. Қишлоқ аҳолисининг турмуш шароити: муаммо ва счимлар. Тошкент, «Меҳнат», 1991, 6-бет.

Харид нархи ва меҳнатга тўланидиган ҳақнинг пастлиги шароитида даромаднинг асосий қисми пахтани етиштирадиганларга эмас, кўпроқ республикадан ташқаридаги истеъмолчиларга тегар эди. Пахта етиштирувчи хўжаликлар аҳолисининг асосий қисми жабрланувчи бўлиб қолди, хотин-қизлар ва болаларнинг машаққатли меҳнати, таълим сифатининг пастлиги, касаллик ва болалар ўртасидаги ўлим даражасининг юқорилиги ана шу даромадларнинг оқибатидир¹.

Дарҳақиқат, «80-йилларда халқимиз пахта яккаҳокимлигидан катта азият чекди, — деб таъкидлади Президент И. Каримов, — ўша пайтлардаги кўшиб ёзишлар»² пахтачиликка катта зиён етказди. Ҳисобга олинмаган 200 минг гектар ортиқча ерга пахта экилиб, катта миқдорда ҳосил ўзлаштирилган³.

Пахтачилик соҳасидаги бу салбий ҳолатларга барҳам беришга мустақилликка эришилгандан кейин астойдил киришилди ва кўплаб туманларда умумий экин майдонларида пахтанинг ҳиссасини 60, ҳатто 56 фоизга туширишга муваффақ бўлинди, шу ҳисобдан ғаллазорларни янада кенгайтириш учун катта тадбирлар белгиланди.

Бироқ Бухоро вилояти айрим раҳбарларининг айби билан турғунлик йилларидан қолган кўзбўямачилик каби иллат натижасида давлатни, халқни алдаб, ғалла ўрнига пахта экиб, юзлаб, минглаб гектарларни ҳисобот ҳужжатларига киритмай, қалбаки рапорт билан чўнтакни қаппайтирган кимсалар кейинги йилларда ҳам учрагани жуда ачинарлидир. Бу иш ватанга хиёнат қилишдан бошқа нарса эмас. Ҳолбуки, узоқ йиллардан бери аҳоли эҳтиёжи учун зарур ғалланинг 80 фоизи четдан сотиб олиб келинмоқда⁴.

Мана шу йилларда республиканинг айрим раҳбар ходимлари марказнинг тобе ижрочиси сифатида унинг топшириғини сўзсиз бажариш учун ва ўзларининг ғаразли манфаатларини кўзлаб кўпгина қинғир ишларни қилдилар. Бироқ кейинчалик бунинг жабрини айбдор шахсларгина эмас, балки бутун ўзбек халқи тортди, кўп азобларни бошдан кечирди.

Сўнгги йилларда марказий матбуотда «ўзбеклар иши», «пахта иши», «ўзбек порахўри», «ўзбек мафияси»

¹ *Фозилхўжаева И.* Миллатлараро муносабатларни тартибга солиш, 72-бет.

² «Ўзбекистон овози», 1994 йил 31 март.

³ *Бекметов Э.* Халқлар ҳамкорлиги ва иқтисодий алоқалар, 20-бет.

⁴ «Ўзбекистон овози», 1994 йил 31 март.

деган терминлар пайдо бўлиб қолган эди. Виждон, инсоф ва диёнатни унутган катта-катта лавозимдаги кимсалар ўзбек халқини турли тамғалар билан адолатсиз равишда ҳақоратладилар. Бу билан улар ўзбек халқининг шон-шарафи, қадриятларини ерга урмоқчи бўлдилар. Асоссиз тўхмат ва бўҳтонлар билан ҳеч қандай айбсиз кишилар ҳўрланишларга дучор бўлдилар. Айрим кишилар томонидан қилинган камчиликларни республикамизнинг кўп миллатли меҳнаткашлари зиммасига юклашга ҳаракат қилдилар, бу катта сиёсий хато эди. «Ўзини адолатли деб келган, лекин ўта адолатсиз бўлган марказ Ўзбекистонга, ўзбек халқига қанча тамға босмади, қанча маломат тошлари отилмади... Ўзбек номини бадном қилиш ҳаракатларига зарба бердик... «пахта иши» деб қамалганларнинг ҳаммаси авф этилди!»¹.

Ҳақиқат кечикиб бўлса ҳам қарор топди. Аммо бу соҳада йўл қўйилган ҳар қандай хатолик миллатлараро муносабатларга раҳна солиши, вазиятни кескинлаштириши ва ижтимоий-сиёсий вазиятни таранглаштириши турган гап эди.

Тобелик йилларида ҳаётимизнинг кўп соҳаларидаги каби қишлоқ хўжалигида ҳам катта бузилишлар рўй берганлигидан Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ва экологик жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолди.

Ўзбекистонда аҳоли тез суръатлар билан кўпайиб бормоқда. Бундан ташқари, республика аҳолиси анча зич жойлашган, қишлоқ аҳолиси эса бундан ҳам зичроқ, кейинги йилларда бу зичлик янада ортди. Лекин шусиз ҳам тушунарлики, аҳолининг ҳаддан ташқари тифзлиги, аҳолининг табиий ва механик ўсиш суръатларининг юқорилиги аҳоли зич жойлашган минтақаларда беистисно барча ижтимоий муаммоларни яна ҳам кўпроқ мураккаблаштириб юборади.

Бироқ, умумиттифоқ илмий адабиётида, марказий матбуотда ва ҳатто собиқ СССР халқ ноиблари съездларида Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар сингари Ўзбекистонда ҳам кўпгина ўзига хос муаммолар гўё қишлоқ аҳолисининг кўпайиб кетганлигининг оқибати деб изоҳлаб келинди. Ўзбекистоннинг мамлакатга пахта, пилла ва шу каби хом ашёларни етказиб берувчи асосий база сифатида бир томонлама ихтисослаштирилиши республикамизда қайта ишловчи саноат тармоқларининг ривожланишига тўсқинлик қилди. Ишлаб чиқарув-

¹ Ўзбекистон Республикаси: мустақил давлатнинг бунёд бўлиши, 61-бет.

чи кучларни жойлаштиришда, ишчи ва мутахассис кадрлар тайёрлашда маҳаллий маъмурларнинг нотўғри йўл тутганлиги орқасида ҳам аҳвол оғирлашиб кетди. Бунинг устига йилдан-йилга республиканинг ҳар бир аҳолиси ҳисобига экин майдони ўлчами қисқариб бормоқда эди. Қишлоқ хўжалигида банд бўлган ҳар бир кишига 1,2 гектардан 0,8 гектаргача, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 0,4, Фарғона водийсида эса 0,2 гектардан кам ер тўғри келади¹. Келгусида эса аҳолининг бундай кўпайиш суръатларида деҳқончилик учун яроқли ерларнинг танқислиги яна ҳам ошади. Бундай шароитда қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни ўстиришни фақат интенсивлаш ҳисобига, яъни ер майдонидан маҳсулот чиқаришни кўпайтириш ва чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига таъминлаш мумкин.

Сув ресурсларининг тақчиллиги туфайли Ўзбекистонда экин майдонларини кенгайтириш имкониятлари ҳам чекланган. Кейинги йилларда суғориладиган ерларни парваришлаш, уларнинг ирригация, мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалаларига эътибор сусайтириб юборилди. Пахта майдонларини кенгайтириш мақсадида янги ерларни ўзлаштиришга зўр бериш, ўйламай-нетмай миллиардлаб маблағни қумга сингдириш билан бирга Орол денгизи ҳалокат ёқасига олиб келинди. Ваҳоланки, денгиз сатҳи йилдан-йилга пасайиб бормоқда. Бу, албатта, Орол бўйидаги экологик аҳволни янада мушкуллаштиради.

Маълумки, «юқоридан» белгиладиган катта пахта режалари туфайли мелиоратив жиҳатдан оғир-тақир ерлар, ҳатто шўр-гипс босган ерларгача ўзлаштиришга йўл қўйилди. Фарғона водийсида эса тоғ бағридаги қадимий дарё ўзани бўлган, таги қум-шағал қатламли ерларнинг устига тупроқ келтириб солиб, пахта майдонлари ташкил этила бошланди. Бу усулда «ер ўзлаштириш» экинларни суғориш учун кўп миқдорда сув беришни талаб қила бошлади. Ёпиқ дренаж тизимларининг ёмон ишлаши ёки бутунлай ишламаслиги натижасида ерларнинг тузини ювиб, суғориш учун бир гектар ерга 20—22 кубметр сув беришга тўғри келадиган бўлиб қолди. Натижада Ўзбекистон бўйича дренаж-коллектор сувларининг ҳажми йилига 20—23 миллиард кубметрни ташкил қилмоқда. Хуллас, ана шу миқдордаги сувнинг лоақал ярмини тезроқ Оролга қайтариб олиб бориш лозим².

¹ «Совет Ўзбекистони», 1990 йил 5 июнь.

² «Ўзбекистон овози», 1994 йил 11 январь.

60-йиллар бошидан эътиборан суғориладиган майдонлар тобора кенгайиб, 2,3 миллион гектардан 4,2 миллион гектарга етказилди¹. Жумладан, 1966—1975 йилларнинг ўзида биргина Сирдарё вилоятида 181,1 минг гектар ер ўзлаштирилди. 9-беш йиллик охирига келиб Мирзачўлда ўзлаштирилган ер майдонлари 280 минг гектарга етди, бу ерларда 44 та совхоз ташкил этилди². Шунингдек, кейинги йилларда Қарши, Сурхон-Шеробод даштларининг кўриқ ерларида, Марказий Фарғона ва Амударё қуйи оқимида юзлаб хўжаликлар, саноат бошқармалари ташкил этилди. Натижада Амударё ва Сирдарёдан сув олиш миқдорининг ошиб бориши, ҳажми 20 миллиард кубметрдан иборат 20 та йирик³, пала-партиш сув омборларининг қурилиши, пахта режасининг йилдан-йилга осмон барабар қўтарилиб бориши ва бунинг устига, 1970 йилдан бошлаб кетма-кет қурғоқчилик юз бериши, Орол денгизи гидрологик режимининг ўзгаришига жиддий таъсир кўрсатди. Денгизга Амударё ва Сирдарё орқали 1961 йилга қадар ўртача 52 кубкилометр сув қуйилиб турган бўлса, 1961—1970 йилларда, — 42,9, 1971—1980 йилларда — 16,1, 1981—1984 йилларда ўртача — 4,2 кубкилометр сув қуйилди⁴, 1985—1986 йилларда эса ҳар иккала дарёдан Оролга бир томчи ҳам сув қуйилмади. Натижада кейинги 20 йил ичида ундаги сувнинг ҳажми 2 барабар қисқариб, сатҳи 11 метр пасайди⁵ ва 37,5 метрга тушиб қолди⁶.

Шу йиллар давомида янгидан-янги тўғонлар пайдо бўлди, сунъий денгизлар — Қайроққум, Чордара, Тахиатош, Туямўйин сув омборлари вужудга келди ва сув гоҳ ўз оқими билан, гоҳ насос қурилмалари орқали пахта далаларига оқизилди. Сув ўз йўлида бугланиб, қумга сингиб, унинг фақат 30—40 фоизгина етиб борар эди. У ердаги тузларни ювиб, яна дарёга келиб қўшилиб, сувни заҳарлар эди.

Катта-катта сув омборлари ўнлаб, юзлаб километр масофага чўзилиб кетган Айдар, Арнасой, Сарикамиш, Чордара ва бошқа дренаж-коллектор сувлари тўплагич-

¹ Бегматов О. Қишлоқда социал сиёсат масалалари, 97-бет.

² ЎзРМДА, 58-жамгарма, 275-рўйхат, 121-иш, 23-варақ.

³ Акрамов А. Экология ва Орол денгизи экономикаси. Ўзбекистон коммунисти, 1989, № 10, 84-бет.

⁴ Орол малад сўрайди. Тошкент, «Меҳнат», 1987, 30—31-бетлар.

⁵ Зийдуллаев С. Ўзбекистон экономикасининг регионал проблемалари, 37-бет.

⁶ «Ўзбекистон овози», 1994 йил 11 январь.

лар билан бирга ер ости сувларининг ҳам юзага кўтарилишига ёрдам берди. Оқибатда, ҳатто эскидан сугорилиб келинаётган ерлар ҳам иккинчи бор шўрланди. Ер ости сувларининг ҳужуми натижасида Амударё воҳасининг ўрта ва қуйи қисмларида ўсадиган гужум ва бошқа хил дарахтлар қуриб кетяпти. Энг муҳими экологик муҳит жар ёқасига келиб қолди. Аҳоли саломатлигига жиддий зарар етаяпти, посёлкалар, қурилишлар, шаҳарлар, шу жумладан, катта тарихий аҳамиятга эга бўлган иншоотларга ҳам хавф солинмоқда.

Шу ўринда юқорида айтилган Амударё ва Сирдарё ёнларида қурилган ва умуман тартибга солинмаган қўшимча 40 миллиард кубометр ҳажмдаги сувни ушлаб турувчи омборлар атрофида бўлаётган мунозаралар хусусида тўхталишга тўғри келади. Уларнинг қурилиши бундан 30—35 йил аввал бошланган бўлиб, бир қатор камчиликлардан ҳоли эмас. Масалан, 1965 йилда Сирдарёда қуриб фойдаланишга топширилган Чордара сув омбори тошқин сувлари тўпланишига мўлжалланмаган. Бундай сув Қизилқумдаги Арнасой чўкмасида тўпланмоқда. Бироқ ҳозирнинг ўзидаёқ бу ерда Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг сугориладиган майдонлардаги зовур-дренаж сувлари билан тўлаётган 16 миллиард кубометр ҳажмдаги катта кўл пайдо бўлди. Арнасойга тошқин сувларни ташлаш ўша пайтда маблағни иқтисод қилиш билан оқланган эди. Албатта, бундан 30 йил илгари ҳеч ким бу нарса Оролга таъсир қилади, деб ўйламаган. Эндиликда аҳвол янгича ёндашувни талаб этади. Арнасой сувларини экологик мақсадга мувофиқлик нуқтаи назаридан Амударёнинг ўнг қирғоқ зовури орқали, чап қирғоқ орқали эса Сарикамиш сувларини Оролга оқизиш илмий тадқиқотлар билан асосланган¹.

Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлиги орқасидан қувиш натижасида ерларнинг шўрланиши миллий фожиа сифатида бостириб келди: Наманган вилояти ерларининг 47,9 фоизи, Андижонда 23,1 фоиз, Сирдарёда — 22,6 фоиз ер кучли шўрлангандир².

Орол денгизи сув режимининг бузилганлиги, сатҳнинг фалокатли даражада пасайганлиги ва 2,2 миллион гектардан ортиқ шўрхоқ майдоннинг қуриши Қорақалпоғистон учун, бутун Ўзбекистон, Ўрта Осиё учун ва Қозоғистоннинг жануби учун бориб турган экологик

¹ «Ўзбекистон овози», 1994 йил 11 январь.

² Бегматов О. Қишлоқда ленинча социал сиёсат масалалари, 87-бст.

кулфат бўлди¹. Бу мудҳиш экологик вазият турғунлик давридан қолган энг аянчли мерослардан биридир. Бу ерда юзага келган аҳвол ердан кўп йиллар давомида ваҳшийларча фойдаланилганликнинг бевосита оқибатидир. Асосийси, биз табиатни кенг кўламда забт этишга берилиб кетдик.

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон жанубидаги қўриқ ерларни ўзлаштириш туфайли биринчи галдаги яхши натижаларга эришилди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юксалтириш, саноатни турли-туман хом ашё, аҳолини эса озиқ-овқат билан таъминлаш, регион учун муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммо бўлган меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини ошириш ана шулар жумласидандир. Бу ҳолда табиатни, таъбир жоиз бўлса, «иккинчи ва учинчи марта» забт этишнинг оқибатларига келсак, улар ҳақиқатан ҳам ҳалокатли бўлди ва Орол денгизини қуритди, Оролбўйи ва бутун Ўрта Осиёдаги турмуш шароитини мураккаблаштириб юборди.

Бир томондан, фаннинг айрим нуфузли вакиллари-нинг хато қарашлари, иккинчи томондан эса соғлом фикрли олимларнинг ҳушёр, огоҳлантирувчи овозларини эшитмаслик бунинг бошқа сабаби бўлди. Масалан, Туркменистон фанлар Академияси Саҳрочилик институтининг директори А. Бабаев: «Мен уни қуритиш сақлаб қолишдан анча фойдалироқ деб ҳисоблайдиган олимлар группасига мансубман» деб таъкидлар эди. У қуритган денгиз тубида пахта етиштириш ва 1,5 миллион тоннагача ҳосил олиш мумкин, деб ҳисоблар эди. Тошкент Давлат Университетининг профессори В. И. Шульц ҳам: «Агар Орол қуриб қолса қўрқинчли ҳеч нарса рўй бермайди» деб унга жўр бўларди.

Бироқ Оролни ҳимоя қилиш бўйича, айниқса, унинг ҳажми ҳалокатли равишда қисқараётган пайтда принципал чиқишлар бўлди. Ўзбекистон Фанлар Академияси Қорақалпоғистон филиали, Ўрта Осиёнинг барча республикалари ва Қозоғистон Фанлар Академиясининг олимлари бу ҳақда баралла гапира бошладилар. 1962 йилдаёқ, Нукусда бўлиб ўтган илмий-амалий конференцияда денгизнинг аҳволи тўғрисида ташвиш билан гапиришган ва уни қутқариш бўйича тавсиялар айтилган эди. Шундан кейин кўплаб мажлислар ва ил-

¹ Тўхлиев Н. Иқтисодиётни интенсив ривожлантириш йўлига ўтказишни жадаллаштиришлик, 13-бет.

мий конференциялар ўтказилиб, уларда ҳам Оролнинг аҳволи ҳақида ташвишланиб гапирилди. 1975 йилда космонавтлар Орол денгизи тубидаги туз минглаб километрга, Ҳимолай чўққиларигача етиб келаётганлигини хабар қилдилар. 1985 йилда СССР Фан ва техника давлат комитети қошидаги атроф-муҳит ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш муаммолари бўйича идоралараро кенгаш денгиз сатҳи ўзгаришининг унинг атрофидаги районлар экологияси ва иқтисодиётига кўрсатадиган салбий таъсирини баҳолаш учун махсус комиссия ташкил этди¹.

Неча йиллардан бери Орол денгизининг қуриши оқибатида вужудга келган экологик ҳалокат ҳақида республикамиз газеталарида, қолаверса, дунё оммавий ахборот воситаларида бонг урилмоқда. Бугунги кунда Орол денгизи муаммоси нафақат миллий ва умуммиллий, балки умумжаҳон, умуминсоният аҳамиятига эга бўлган муаммога айланиб боряпти. Чунки Орол денгизи ўз кўлами ва келтирган оқибатлари жиҳатидан Чернобиль фожиасидан қолишмайди.

Маълумки, иттифоқ даврида Орол бўйидаги экологик вазиятни барқарорлаштириш учун қилиниши лозим ва мумкин бўлган амалий ишлар қоғозларда қолиб кетди. Ана шундай қилиниши мумкин бўлган амалий ишлардан бири Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Оролга оқизиш ишлари бўлиб, у ҳам тўхтатиб қўйилди.

XIX Бутуниттифоқ конференцияси Орол бўйи ҳудудида экологик вазиятни яхшилашда муҳим даврни гўё бошлаб бергандек бўлди. Конференцияда сўзга чиққан делегатлар иттифоқ миқёсида биринчи марта Ўзбекистондаги оғир экологик вазиятни, пахта яккаҳоқимлиги оқибатларини ва республикада болалар ўлими сони ниҳоятда юқори эканини куюниб гапирдилар.

Шундан сўнг, яъни 1988 йил 19 сентябрда Орол масаласи бўйича дастлабки катта тадбирлардан бири бўлган машҳур «Орол денгизи районида экология ва санитария вазиятини тубдан яхшилаш, Орол ҳавзасида сув ва ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда уларни муҳофаза қилишни кучайтириш чоралари тўғрисида»²ги қарор қабул қилинди. Бу билан Орол масаласи бир қадар ўз ечимини топгандек эди. Ушбу қарордан келиб чиқадиган вазифаларни 1989 йил

¹ Акромов Э. Экология ва Орол денгизи экономикаси // Ўзбекистон коммунисти, 1989, № 10, 84—85-бетлар.

² «Ўзбекистон коммунисти», 1988, № 11, 6—10-бетлар.

6 мартда бўлган ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари ўнинчи сессияси муҳокама қилиб, унга юқори баҳо берди. Лекин у офир юкни ўрнидан кўзғатишга бир туртки бўлди, холос. Шундан буён жаҳоннинг қатор мамлакатларида, шу жумладан, Нукус шаҳрида Орол муаммосига бағишланган бир неча конференциялар, симпозиумлар ўтказилди. Аммо узоқ йилларга мўлжалланган бу тадбирлар ҳалигача ўз самарасини бергани йўқ.

Шунинг учун ҳам зудлик билан экологик ҳалокат жабрини тортаётганларга ёрдам бериш, болалар ва аёллар ўлимини камайтириш, хатарли тус олиб бораётган касалликлар ўсишини тўхтатиш учун эндиликда амалий ишлар қилиниши лозим. Бу борада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги Орол ва Орол бўйини асраш жамоатчилик комитети бирмунча хайрли ишларни амалга оширмоқда. Маълумки, «Глобая инфраструктура» Япония ташвиқот жамғармасида ернинг экологик шароитини яхшилаш бўйича комитет ташкил қилиниб, Оролбўйи муаммолари асосий мавзуга айланди. Муаммоларни ҳал этиш борасида бу ерга чет эллардан оз бўлса-да, дори-дармонлар, ускуналар юборилмоқда. Бу ўринда Германия Қизил хоч жамиятининг, Голландия, АҚШ, Ҳиндистон, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Италиянинг кўрсатган ёрдамларини таъкидлаб ўтмоқ керак.

Газеталарда таъкидланганидек, «Оролни қутқариш борасида асосий масъулият марказий ҳукумат зиммасида, негаки у кўп йиллар давомида марказий бошқармаларнинг барча тирик мавжудотлар учун ҳалокатли бўлган фаолиятини рағбатлантириб ва бу билан экологик кризисларнинг кучайиб боришига шароит яратиб келди. Ўзи қабул қилган қарорларнинг фойда-зиёнага ҳукуматдан бошқа ким ҳам жавоб беради!»¹ Дарвоқе, каналлар қазилиши-ю, миллион-миллион тонна пахтаининг ундирилишини марказ бошқарди. Роҳатини ҳам ўша марказ кўрди. Жабрини эса маҳаллий халқ тортмоқда².

Бироқ, эндиликда марказ ҳам, унинг бошқарув тизими сиёсати ҳам йўқ. Шундай экан, баҳс-тортишувларга чек қўйиб, манфатдор қўшни давлатларнинг моддий ва меҳнат ресурсларини жалб этган ҳолда ҳамжиҳатлик билан ишга киришиш зарур. Барибир, юқорида айтиб ўтилганидек, чет давлатлар бизнинг экологик

¹ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1990 йил 9 март.

² «Ёш ленинчи», 1990 йил 23 октябрь.

муаммоларимизни бирваракай ҳал қилиб бера олмаслигини, ҳозир ҳам, келажакда ҳам бу асосан Ўзбекистон муаммоси бўлиб қолишини Қорақалпоғистон аҳолиси дилдан тушунмоқда¹.

«Оролда содир бўлаётган ва бугунги кунда юз бераётган экологик ҳалокатни, — деб таъкидлади қорақалпоғистонлик ёзувчи Т. Қайипберганов Халқ депутатларининг биринчи съездида сўзлаган нутқида, — ўз кўлами ва узоқ давом этадиган оқибатларига кўра жаҳондаги энг катта ҳалокатлар билан қиёслаш мумкин. Қурбонлар, бир умр ногирон бўлиб қоладиган кишилар бор. Заҳарланган, яроқсиз ҳолга келтирилган замин, ҳувиллаб қолган ва вайрон бўлаётган қишлоқлар бор... Бугунги кунда бизнинг еримизда мева, сабзавот етиштириш хатарли... Ризқ-рўзимиз бўлган замин бутунлай заҳарланган, барбод қилинган. Илм-фан ҳали Қорақалпоғистоннинг бир қарич ерини ҳам гербицид, пестицид, дефолиантлардан тозалай олмади, бундай дорилар аввалги йиллар ҳар гектар ерга тонналаб солинар эди»².

Маълумки, 80 дан ортиқ миллат ва элат намояндалари бирга яшаб, меҳнат қилаётган Қорақалпоғистон ўзининг иқтисодий, илмий-техникавий, маънавий ва бошқа имкониятлари жиҳатидан Ўзбекистондаги ўртача даражадан анча орқада қолмоқда эди. Аҳоли жон бошига гўшт, суг, тухум ва бошқа маҳсулотлар истеъмол қилиш Ўзбекистондаги ўртача даражадан анча паст бўлиб, иттифоқдаги даражадан эса 2—3 барабар камдир³. Суғориб экиладиган ерларда заҳарли дорилар ва минерал ўғитларни ҳаддан зиёд қўллаш натижасида тоза сувнинг етишмаслиги сабабли аҳоли ўртасида ҳар хил касалликлар кўпайди. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида ошқозон-ичак касалликлари иттифоқ даражасидан қарийб 30 марта юқори бўлиб, нафас олиш аъзолари, аллергик ва бошқа касалликлар ўсмоқда эди⁴. Орол денгизининг сатҳи пасайиб, ниҳоятда тез қуриб бораётганлиги, Оролбўйи саҳрога айланиб, экологик жиҳатдан мушкул вазият вужудга келаётганлиги эса бу аҳволни баттар ёмонлаштирамоқда, кўпгина жиддий муаммолар тўпланиб қолишига олиб келмоқда.

Афсуски, биз кўриб чиқаётган даврдаги хатолик ва

¹ «Ўзбекистон овози», 1994 йил 11 январь.

² «Совет Ўзбекистони», 1989 йил 3 июнь.

³ «Совет Ўзбекистони», 1989 йил 28 ноябрь.

⁴ Аминова Р. Қайта қуриш шароитида Ўзбекистонда социал ривожланишнинг долзарб муаммолари, 39-бет.

бузилишлар фақатгина Орол муаммоси, ирригация-мелиорация қурилишидаги камчиликлар билангина чекланмайди. Шунини таъкидлаш керакки, бу даврда Ўзбекистонда ердан юқори ҳосил олиш, пахта ни ҳар хил ҳашаротлардан ҳимоя қилиш ва баргини тўктириш мақсадларида қишлоқ хўжалигини химиялаштиришга астойдил киришилди. Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалигида химиявий воситалардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Бироқ уни ишлатишда жаҳон амалиётида қўлланилиб келинаётган меъёрдан ошиб кетмаслик, инсон саломатлиги ва атроф-муҳитга таъсир этмайдиган даражада ишлатиш лозимлигига эътиборсизлик сўнгги йилларда касалликларнинг кўпайиши ва бошқа салбий оқибатларга олиб келди.

Хўл мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштириб бериш йилдан-йилга камайди. Кейинги пайтда қулай шароитга қарамай, 1970 йилдаги 38 фоиздан 1985 йил 35 фоизга тушиб қолди¹. Бир неча ўн йиллардан бери ерга тинмай чигит экилиши, заҳарли химикатларни «рекорд» даражада ишлатиш натижасида минглаб гектар ерлар муомаладан чиқиб қолди, экинлар сифати ҳаддан ташқари бузилиб кетди. Ўзбекистонда шундай бир вазият юзага келдики, республика хўл мева ва сабзавот билан ўз аҳолиси эҳтиёжини қондиrolмай қолди. Бу кўп жиҳатдан пахта яккахокимлиги билан боғлиқ бўлиб, у бошқа экинларни «сиқиб чиқарди». Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ҳар бир ишловчига 1986 йили иттифоқ даражасининг 57 фоизини ташкил этди. Республика шу боисдан мамлакат бўйича 14-ўринга тушиб қолди².

Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари, Қорқалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалигида химиявий воситалардан нотўғри ва кўп миқдорда фойдаланиши натижасида ичимлик сувлари заҳарланганлиги, бу эса инсон саломатлиги учун зарарли таъсир этганлиги жамоатчиликда ғоятда катта ташвиш уйғотди.

Қишлоқ хўжалигини пухта ўйламай химиялаштириш шунга олиб келдики, ҳар гектар ерга солинадиган пестицидлар хавфсиз даражадан 40-50 барабар ортиб кетди. Шунини эслатиб ўтиш керакки, дунё бўйича ҳар гектар

¹ Узбекская ССР в цифрах в 1988 г. Ташкент, «Узбекистан», 1989, 132-133-бетлар.

² «Известия», 1988 йил 26 август.

ерга 300 г., Фарбий Европа ва АҚШда 2—3 кг, СССРда 1 кг, Ўзбекистонда эса пахта майдонларининг ҳар гектарига 54,4 кг пестицидлар (заҳар химикатлар) солинар эди¹. Бу заҳарли моддалар маҳсулотлар ва очиқ сув ҳавзалари орқали қишлоқ аҳолиси, шунингдек, пахта теримига юборилган шаҳарлик ҳашарчилар организмга ўтиб, соғлиғига салбий таъсир қилмоқда эди. Натижада 80-йиллар ўрталарида Қашқадарё, Жиззах, Тошкент, Бухоро, Сурхондарё ва Навоий вилоятларида ич терлама ва паратиф бирдан авж олганлиги кузатилди.

70-йиллар ва 80-йилларнинг бошларида ана шундай нохуш вазият ҳақида, меҳнаткашларнинг моддий аҳволи, ўқувчиларнинг 4—5 ойлаб қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этилиши натижасида таълим савиясининг пасайиб кетганлиги, айниқса қишлоқ аёлларининг пахтачиликдаги кам даромадли оғир меҳнати, кўп болали оилалар турмуш шароитининг оғирлиги, ижтимоий ҳимоялаш тизимининг такомиллашмаганлиги каби ўткир муаммолар илмий тадқиқотларда тилга олинмади, улар тўғрисида тушунча ва тасаввур ҳосил қилиш учун одамларга тўғри ва виждонан ёзилган маълумотлар берилмади. Зеро, бу — миллатлар ўртасида ишонч ва дўстликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартидир. Афсуски, республикада бу муаммога жиддий эътибор берилмади. Шу зайдда ижтимоий тараққиётдаги барча зиддиятлар четлаб ўтилди. Қабул қилиб келинган қонунлар, амалга оширилган тадбирлар асосан аёлларни ижтимоий фойдали меҳнатга қаратиш, ишлаб чиқариш илғорларини мақташга йўналтирилди. Чоп этилган асарларнинг аксариятида аёллар турмуши ҳаққоний ёритилмади, кўпинча турмушнинг муаммолари, салбий ҳолатлар назардан четда қолди, воқеликларнинг фақатгина ижобий томонларини безаб кўрсатишга ҳаракат қилинди².

Республика аҳолисининг ярмидан кўпрогини ташкил этган аёлларнинг қишлоқ хўжалигидаги салмоғи йилдан-йилга ортиб борди. Улар колхозчилар йиллик ўртача сонининг 49 фоизини ташкил этади. Айниқса, Фарғона ва Хоразм вилояти колхозларида аёллар салмоғи юқори³. Кишини шу нарса ранжитадики, аёлларнинг кам малакали ёки малакасиз меҳнат билан машғуллиги эркакларга нисбатан ортиқ. Қишлоқ аёллари учун асосийси оила

¹ Бегматов О. Қишлоқда социал сисёат масалалари, 119-бет.

² Алимova Д. Женский вопрос в Средней Азии. История изучения и современные проблемы. Ташкент, «Фан», 1991, 131-бет.

³ Женщины в СССР. М., 1989, 18-бет.

иқтисодини таъминлаш бўлиб, оғир жисмоний меҳнат қилишга мажбур эдилар. Бунинг учун улар «саратоннинг жазирама иссиғида ҳам, кеч кузакнинг зах, изғиринларида ҳам то кун ботгунча далада ишлашга рози эдилар. Ўзлари учун мумкин бўлмаган оғир юкларни кўтарардилар. Заҳарли химикатлар сепилган далаларда 10—12 соатлаб кетмон чопиш, пахта териш каби оғир меҳнатни бажариш натижасида хотин-қизларимиз, гўдаклар бедаво касалликка чалиндилар... Кўпгина аёллар даврнинг жабру жафолари, хўрланиш, ҳақоратларига чидай олмай устларидан керосин қуйиб, ўзларини ёқдилар. Буни турли усуллардаги хўрлашларга қарши кўтарилган фарёд, чақириқ, исён деб билмоқ керак»¹.

Аёллар меҳнати ва турмушини яхшилаш учун ғам-хўрлик қилинганида, ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳал этишга етарли эътибор берилганида бундай ҳодисаларнинг олди олинган бўларди. Бироқ аёллар аҳволининг яхшиланиши, моддий ва маданий даражасининг юксалишига қаратилган ҳукумат қарорлари ҳам султ бажарилди. Аёл — меҳнаткаш, аёл — онанинг манфаатларини ҳимоя қилиш лозим бўлган чинакам тараққийпарвар қонунчилик ҳаётга ҳар доим ҳам тўғри тадбиқ этилмади.

Қишлоқ хўжалигида, айниқса деҳқончилик ва чорвачиликнинг кўпгина тармоқларида техника келтирилганига қарамай, ҳамон 86—88 фоиз қўл меҳнати сақланиб қолмоқда эди.² Интенсивлашга эътибор берилмади, республикада қарийб 40 мингта пахта териш машинаси³ мавжуд бўлишига қарамай, 1985 йилда етиштирилган умумий ҳосилнинг атиги 37 фоизигина машиналар ёрдамида йиғиштириб олинди⁴. Пахта теримига ҳар йили юз минглаб шахарликлар жалб қилинар эдики, бу ҳол республика иқтисодига, айни пайтда ўқувчи ва талабаларнинг илм олишлари ва маънавий савиялари ўсишига анчагина салбий таъсир кўрсатмоқда эди. Шу билан бирга, ўн биринчи беш йилликда пахта теришни механизациялаш даражаси ўнинчи беш йилликдагига нисбаран икки ҳисса камайди⁵.

¹ «Ўқитувчилар газетаси», 1989 йил 15 март.

² Муалладжонов И. Социально-экономическое значение совершенствования территориального перераспределения и размещения трудовых ресурсов в Узбекской ССР. Ташкент, УзНИИТИ, 1990, 10-бет.

³ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году, 86-бет.

⁴ Орипов Ж., Сирожев Н. Қишлоқнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва муаммолари. Тошкент, «Меҳнат», 1992, 11-бет.

⁵ Зиёдуллаев С. К. Ўзбекистон экономикасининг регионал проблемалари, 48-бет.

Қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришнинг янги технологиялари султ жорий этилди, қўл меҳнатини камайтиришга жиддий эътибор берилмади. Масалан, Тошкент вилоятида 29 фоиз пахта қўлда терилган бўлса, Бухоро вилоятида бу 91 фоизни ташкил этди¹. Бундан кўринадики, қишлоқ хўжалиги техникаси билан ишловчи ишчи ва хизматчилар бўлган эркакларнинг асосий қисми, яъни 68 фоизи бошқа ишлар билан банд бўлишган². Пахтачиликдаги энг сермеҳнат жараён — пахта ҳосилини йиғиб олишнинг султ механизациялаштирилганлиги сабабли оғир жисмоний меҳнат асосан аёллар зиммасига тушар эди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўли кам самарали оғир қўл меҳнатини машина билан алмаштиришни истисно этади. Шу мақсадда республикада қишлоқ хўжалигига зарур машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, уларни етказиб бериш кўпайтирилди. Пахта териш машинаси 1970 йилдаги 26,1 мингтадан 1985 йили 39,6 мингтага, галла ўрадиган комбайнлар сони шу йиллар ичида 6,8 мингдан 11,4 мингтага етди³. Кейинги йилларда чорвачилик моддий-техника базаси шубҳасиз жадал ривожланди. Масалан, 1970—1980 йилларда соғиш агрегатлари 7 фоиздан 52 фоизга, озуқа тарқатадиган механизмлар 6 фоиздан 57 фоизга кўпайрилди⁴. Лекин шунга қарамай, кўпгина техника воситалари умуман ишлатилмаган ёки ёмон ишлатилган.

Қишлоқ хўжалиги техникаларининг қимматлиги сабабли маблағларнинг кўп қисми машиналар сотиб олиш учун сарфланди. Ҳисоб-китобларга қараганда, пахта териш машинаси фақат 10 йилдан кейингина ўз қийматини оқлар экан. Ҳолбуки, у 4—5 йилда бутунлай яроқсиз ҳолга келмоқда. Бутун машинасозликда банд бўлган ходимлардан ҳам кўпроқ киши машиналар ременти билан банддир. Мамлакатимиз жаҳонда кўп трактор ишлаб чиқаргани ҳолда, айни вақтда, техниканинг бу тури ҳали етишмайди. Бу, юқорида айтилганидек, ишлаб чиқаришнинг қолақ тизими, машиналар сифати пастлигининг натижасидир⁵. Республикада машина-трактор парки эскирди, кўпгина машина турлари

¹ Мулладжанов И. Социально-экономическое значение совершенствования территориального перераспределения и размещения трудовых ресурсов, 10-бет.

² Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году, 41-бет.

³ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году, 86-бет.

⁴ ЎзР ПДА, 58-жамгарма, 289-рўйхат, 298-иш, 64—65-варақлар.

⁵ Бегматов О. Қишлоқда социал сиёсат масалалари, 36-бет.

эса бизнинг шароитга тўғри келмай қолди. Натижада меҳнат самарадорлиги пасайди, маҳсулот таннархи ошди, ишлаб чиқариш рентабеллиги тушиб кетди. Пахта тайёрлаш режаси эса 80-йиллар охирларида илгаригидай ўзгаришсиз қолаверди, бунинг натижасида қишлоқ меҳнатқашларининг аҳволи янада оғирлашди. «Юқоридан» белгиланган режани бажариш учун ғалла, мева, сабзавот ва бошқа экинларга мўлжалланган ерларга ҳам чигит экишга мажбур бўлинди.

Асосий қишлоқ хўжалиги соҳаси пахтачилик бўлган Ўзбекистонда узоқ вақтларгача озиқ-овқат маҳсулотининг салмоқли қисмини берадиган томорқа хўжаликларига зарур эътибор қаратилмади. Оқибатда республикамиз иттифоқда озиқ-овқат истеъмоли, умуман, турмуш даражаси бўйича охириги ўринлардан бирига тушиб қолди. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари республикада аҳоли жон бошига 29—30 кг, иттифоқда 62—64 кг, ҳўл мева ва сабзавот истеъмоли республикада 170—173 кг, иттифоқда эса 260—270 кг дан тўғри келди¹. Ҳолбуки, шахсий томорқаларнинг кенгайтирилиши қишлоқдаги бир қанча ўтқир муаммоларни ҳал этишга ҳам ёрдам берган бўларди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, биринчи навбатда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини орттириш, қишлоқда, айниқса, аёллар ва ёшлар учун меҳнат қилиш соҳасини кенгайтириш, қишлоқ аҳолисини даромадларини кўпайтириш, уй-жой муаммоси ҳал этилиши мумкин эди.

Кейинги йилларда шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги номутаносибликни тугатиш юзасидан кўп ишлар қилинмоқда. Қишлоқ аҳлининг турмуши яхшиланаяпти, бироқ ана шу тафовутни тугатиш учун ҳали кўп меҳнат қилишга, қишлоққа катта мадад беришга тўғри келади. Бунинг учун, биринчи навбатда, катта даромад манбаи бўлган хом ашёни қайта ишлайдиган ихчам саноат корхоналарини қишлоққа олиб келиш жуда муҳимдир.

Ўз байналмилал бурчини бажарган ва мамлакатнинг пахта мустақиллигини таъминлаб берган деҳқонлар гектар бошига ҳаммаси бўлиб 2200 сўм даромад олар эдилар². Ваҳоланки, 70—80-йилларда республикада етиштириладиган пахтанинг ўндан бир қисмидан камигина Ўзбекистонда қимматбаҳо саноат маҳсулотига айлантири-

¹ «Правда Востока», 1988 йил 23 апрель.

² «Совет Узбекистони», 1990 йил 5 июнь.

³ Юсуфов Э., Туленов Ж., Фафуров З. Миллий масала бўйича фалсафий суҳбатлар, 49-бет.

лар, қолган 92 фоизининг³ сердаромад истеъмол моли тарзида бериладиган 25 миллиард сўмлик¹ фойдаси республика миллий даромадига киритилмас эди. Марказ олиб борган нотўғри сиёсат туфайли Ўзбекистон хом ашё етиштириб берувчи ўлка ҳисобланиб, ундан келадиган даромад мамлакатнинг бошқа минтақаларида қолиб кетар эди. Бошқача айтганда, пахта етиштирувчи деҳқондан кўра, ундан юз хилга яқин маҳсулот тайёрловчи корхоналар ўн баравар кўпроқ даромад олар эдилар.

Шундай экан, пахта ва унинг яккаҳоқимлиги келтириб чиқарган муаммоларни ҳал этишнинг оқилона, ҳам миллий, ҳам умуммиллий аҳамиятга эга бўлган самарали йўлини излаш талаб этилади. Республикада пахта толасини қайта ишловчи моддий база яратиш, бу кўрсаткични ҳеч бўлмаганда 40—50 фоизга етказиш етилиб турган энг долзарб ва ҳаққоний масаладир². Бу масаланинг ҳал этилиши билан кўпгина муаммолар, жумладан, хом ашёни қайта ишлайдиган кичик-кичик корхоналарни қишлоққа келтириш, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, миллий даромаднинг кўпайиши ҳисобига аҳолининг моддий фаровонлигини ошириш, аҳоли эҳтиёжи учун зарур моллар етиштиришни кўпайтириш каби масалалар ҳам ўз ечимини топган бўлар эди.

Шунга кўра, ўн йиллар мобайнида йиғилиб қолган барча ташвишларимизни, муаммоларимизни ечишни халқимизнинг 60 фоиздан кўпроғи яшаётган қишлоқ хўжалиги соҳасидан бошлаш лозим. «Демак, мақсад, — Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, — қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин ошириш, қишлоқда яшаётган халқимизнинг ҳаёт даражасини кўтариш, улар учун муносиб шарт-шароитларни яратишдан иборат бўлмоғи керак»³.

Пахтачиликнинг тақдири масаласи ижтимоий муаммолар илдизи бориб тақаладиган Ўзбекистон иқтисодиётида марказий масала бўлиб қолаверди. Шунга кўра, экин майдонлари тузилмасини кўриб чиқиш, пахта яккаҳоқимлигига изчил барҳам бериб бориш, уни экиннинг меъёрдаги ҳажмларини ва алмашлаб экиш кўрсат-

¹ Осминин В. Ўзбекистон ССР экономикасини қайта қуриш асосида ривожлантиришнинг яқун ҳамда проблемалари, 27-бет.

² Аминова Р. Қайта қуриш шароитида Ўзбекистонда социал ривожланишнинг долзарб муаммолари, 17-бет.

³ «Ўзбекистон овози», 1994 йил 19 февраль.

кичларини илмий асослаб бериш кечиктириб бўлмас энг муҳим вазифадир. Буларнинг ҳал этилиши Ўзбекистон меҳнаткашларини кўп экилаётган пахта ташвишидан қутқаради, қишлоқнинг ижтимоий ҳаётини юксалтиради, аҳоли учун зарур озиқ-овқатни кўпайтиради, экологик аҳволни яхшилади.

Бу масаланинг муҳимлиги яна шундаки, у бугунги кунда республикада атроф-муҳитни муҳофаза этиш сув ресурсларини тугатаётган, тупроқни заҳарли химикатлар билан зарарлантираётган, узоқ йиллардан бери ҳал этилмай келаётган пахта яккаҳоқимлиги муаммоси билан узвий боғлиқдир.

ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР МУАММОЛАРИ

Кейинги ўн йилликлардан то 80-йилларнинг охиригача амалга оширилиб келинган, асосан умумиттифоқ (аслида тармоқлар) эҳтиёжларини қондиришга қаратилган хўжалик тизимларини шакллантириш сиёсати жиддий хатолардан ажралиш, унга мумкин қадар камроқ қарам бўлиш нуқтаи назаридан туриб юргизилдики, бу ҳол амалда жаҳондаги фан-техника ютуқларидан ажралишга сабаб бўлди. Иттифоқдош республикаларнинг мамлакат ичидаги ҳамкорлиги эса аслида ихтисослашган тармоқлар маҳсулотларини алмашиниб туришга олиб келди, чунки бундай алмашувни қиймат, талаб ва таклиф қонунлари эмас, балки мажбур қилиш, ресурслар ва бойликларни буйруқлар билан тақсимлаш сингари ғайрииқтисодий усуллар тақозо этарди. Жаҳон нархларидан тамомила фарқ қилувчи нархлар асосида хом ашё ва маҳсулот алмашиш, етказиб бериш пировард натижада бутун СССР миқёсида ғоят нуқсонли, бузилган халқ хўжалиги таркибининг шаклланишига кўмаклашди. Улкан мамлакат ичида мустақкам иқтисодий негизи бўлмаган, асосий хусусияти муттасил тақчилликдан иборат бўлган сохта бозор вужудга келди.

70—80-йилларнинг биринчи ярмида «ҳоқимиятнинг иқтисодий воситаларини заифлаштирадиган бутун бир тизим пайдо бўлди, ... илғор ўзгаришларга тўсқинлик қилувчи ўзига хос механизм вужудга келди»¹. Бу иқтисодиётда тўхтатиш механизми кучли намоён бўлиши-

¹ «Совет Ўзбекистони», 1988 йил 30 январь.

нинг кўриниши эди. Вазирликлар ва идораларнинг ташаббуси билан режалар тармоқ ва ҳудудий хусусиятларга эга турли қўшимчалар билан ўсиб борди, бунда мавжуд халқ ҳўжалиги имкониятлари ҳисобга олинмас эди. Режаларнинг мувофиқлаштирилмаганлиги, уларнинг барқарор эмаслиги ҳоллари мавжуд эди, илмий асосланганлик, стратегик вазифаларни ҳал этишга йўналганлик етишмас эди¹.

Ҳокимият иқтисодий механизмларининг кучсизланганлиги иқтисодий ривожланишнинг кўплаб бошқа воқеаларига баҳо бермасликда, товар-пул муносабатларидаги жиддий янгилишишларда, ҳўжалик юритишнинг кооператив шаклига эътиборнинг йўқлигида, мулкчиликдан фойдаланишда иқтисодий назоратнинг заифлашишида ва бошқаларда кўринди.

Бошқарувнинг бюрократик, маъмурий-буйруқбозлик тизими прогрессив қайта ўзгартишларни тўхтатиб турди. Ҳўжалик механизми ҳатто ташаббускорларни ҳам кам рағбатлантирар эди.

Бу сиёсатнинг бошқа бир салбий оқибати шу бўлдики, 80-йиллар ўрталарига келиб СССР иқтисодий потенциали ва ижтимоий имкониятлари, аҳоли жон бошига истеъмол маҳсулотлари етказиб бериш жиҳатидан дунёда камбағал бўлиб, ривожланаётган мамлакатлар сафида қирқинчи ўринни ишғол этди.

Узоқ йиллар мобайнида иттифоқдош республикалар, регионлар, миллий ҳудудлар иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини бараварлаштириш қонунияти тўғрисида кўп гапирилди. Миллий сиёсатнинг таркибий қисми бўлган турли миллий республикалар, мухториятлар тараққиёт даражасини бараварлаштириш сиёсати барча ҳудудларда ишлаб чиқарувчи кучларни бирмунча юксалтиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Бунинг натижасида иттифоқдош республикалар сингари Ўзбекистонда ҳам металлургия, машинасозлик, кимё, тўқимачилик ва бошқа янги саноат тармоқлари вужудга келди, янги типдаги кадрлар тайёрланди.

Аммо республикалар иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасини тенглаштириш узил-кесил ҳал бўлмади. Бунинг устига ҳар бир иттифоқдош республиканинг ва миллий мухториятлар тараққиёт даражасининг бир-бирига яқинлашуви бизнинг мамлакатимизда молдий ва молиявий ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақ-

¹ Совет жамияти тарихи саҳифалари: фактлар, муаммолар, одамлар. Тошкент, «Ўқитувчи», 1991, 367-бет.

симлаш ҳаддан ташқари марказлашган маъмурий йўл билан амалга оширилди. Шу билан бирга бу республикалар ҳар бирининг ўзигагина хос бўлган айрим жиҳатлари борки, буларни тенглаштириш асло мумкин эмас эди, чунки маълум тенгсизлик ҳамма вақт мавжуд бўлган ва шундай бўлиб қолади. Булар билан ҳисоблашмаслик, миллий хусусиятлар, қарор топган халқ хўжалик тизимининг нуқсонларига етарли эътибор бермаслик натижасида нохуш оқибатлар келиб чиққанлигига бизнинг яқин ўтмишдаги кечмишимизнинг ўзи гувоҳдир.

Ана шу умумий манзарада Ўзбекистон иқтисодиёти ва ижтимоий соҳа бошқа минтақалардагига нисбатан ўткирроқ ва батарроқ аҳволда қолди. Чунки турғунлик йиллари республикамиз ҳаётини ниҳоятда мураккаб, зиддиятли, кўп жиҳатдан машаққатли аҳволга солиб қўйди. Ўлкамиз пахтанинг миқдори кетидан қувиб ҳолдан тойган эди. Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа қашшоқлашиб кетган, экологик вазият ниҳоятда ачинарли, деҳқонларгина эмас, балки бутун аҳоли пахта далаларида азият чекар эди.

Кейинги йилларда ҳукмрон бўлиб келган маъмурий-буйруқбозлик тизими ва у амалга оширган миллий сиёсатнинг энг оғир салбий оқибатларидан бири республикада пахта яккахокимлигининг кенг жорий қилинганлиги бўлди. Бу ҳол фақат иқтисодий жиҳатдангина эмас, балки ижтимоий ва экологик жиҳатдан ҳам жуда оғир оқибатлар келтириб чиқарди. Шундай қилиб, умумиттифоқ ва республика маҳаллий иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини бирга қўшганда республика иқтисодиётининг ривожланишида уйғунлик бузилишига йўл қўйилди.

Бошқаришдаги бундай услубнинг узоқ вақт давомидаги тазйиқи иқтисодиёт ривожига салбий таъсир кўрсатди, чунки бошқарувнинг кўпгина функциялари марказга берилди, иттифоқдош республикаларнинг, жумладан Ўзбекистоннинг иқтисодий негизи ва ҳуқуқлари кескин торайди. Марказий ҳокимият органларининг амри зўрайиб, бошқа республикалар сингари Ўзбекистоннинг ҳам манфаатларини доимий равишда камситиб келиши натижасида меҳнаткашларнинг моддий аҳволи тобора ёмонлашиб, уларнинг таъминот даражасида, айниқса озиқ-овқат билан таъминланишида умуман мамлакат, хусусан бирмунча ривожланган республикаларга нисбатан олганда фарқ кучайиб борди.

Марказий идоралар учун энг охирги вақтларгача ҳам

барча нарсани ўз қўлларида жамлашга интилиш, итти-фоқдош республикаларнинг, жумладан Ўзбекистоннинг халқ хўжалигини ривожлантириш учун ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришга доир масалаларни ҳал этишда майда-чуйда нарсаларга ҳам аралашавериш хос эди. Бунинг оқибатида республика бошқарув ташкилотларининг, маҳаллий идораларнинг ресурслардан оқилона фойдаланиш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш юзасидан мустақил қарорлар қабул қилиш имкониятлари чекланган эди. Айниқса марказ вазирлик ва идораларининг ўз амрини ўтказиши капитал маблағларни қайси соҳага қанча ажратишни белгилашда ўша ҳудуднинг ўзига хослигини ва унинг манфаатларини эътиборга олмасликка олиб келди. Кўпинча бу минтақанинг табиий-иқтисодий шароитини, шунингдек меҳнат ресурсларини ва у ердаги демографик вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда амалга оширилди. «Бу, бизнинг назаримизда, — деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов, — ҳар бир республиканинг, ҳудуднинг комплекс ривожланишига зиён келтирган ҳолда уларни бошқаларга боғлиқ қилиб қўйиш мақсадини кўзлаган империяча сиёсатнинг бевосита кўриниши ва қолдиғидир»¹. Халқимиз буларнинг ҳаммасини ижтимоий адолатсизлик, қонуний ҳуқуқлари ва миллий манфаатларининг камситилиши деб баҳолади. Ваҳоланки, аслида юқори минбарлардан туриб эълон қилинган халқлар, элатлар тенглиги аллақачонлар қарор топиши керак эди, бироқ аста-секинлик билан қарамлик ва республикаларнинг бир-бировига мажбурий боғлиқлиги кучайиб бормоқда эди.

80-йилларнинг ўрталарига келганда Ўзбекистоннинг четга маҳсулот чиқаришда меҳнат предметлари [ҳом ашё ресурслари] ҳиссаси 80 фоизга етди, четдан маҳсулот олиб келишнинг 50 фоизгача қисми истеъмол предметларига тўғри келади². Бу нарса республика ижтимоий ишлаб чиқаришининг асосий қисми ҳом ашёни дастлабки қайта ишлаш ва ярим тайёр буюмлар, мудофаа маҳсулотлари тайёрлаш билан боғлиқ эканлигидан, тайёр буюмлар ҳажмининг эса бизда жуда камлигидан далолат беради. Бу маҳсулотларнинг ҳаммаси Ўзбекистондан ташқарига ташиб кетиларди.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли, 17—18-бетлар.

² Осминин В. А. Ўзбекистон ССР экономикасини қайта қуриш асосида ривожлантиришнинг яқун ҳамда проблемалари, 20-бет.

Мана шунинг оқибатида, 70—80-йилларда республикада шундай ҳолат юзага келиб қолдики, Ўзбекистон барча асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича иттифоқдаги ўртача даражадан ҳам анча орқادا бўлиб, мамлакатда охириги ўринлардан бирини эгаллаган эди. Ўзбекистон ҳар киши бошига ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда энг қолоқлар қаторида, аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича эса иттифоқдаги ўртача даражадан анча орқادا қолмоқда эди. Бунинг устига ушбу тенденция демографик вазият таъсири остида тобора кучайиб бормоқда эди. 70-йиллардан бошлаб бу ерда ишлаб чиқаришни ўстириш суръатлари кескин пасая бошлади: агар 70-йиллар бошида 7,2 фоизни ташкил этган бўлса¹, 80-йиллар ўрталарига келганда эса 2,2 фоизни ташкил этди². Бу жиҳатдан республика ўртача мамлакат кўрсаткичидан сезиларли даражада паст бўлиб, иттифоқдош республикалар орасида 14-ўринда турар эди. Яъни, Ўзбекистон бу кўрсаткич бўйича иттифоқ иқтисодий даражасининг — 52,1 фоизини, Латвиянинг — 37,1, Эстониянинг — 36,4, Литванинг — 40,2, Белоруссиянинг — 42,0, Россиянинг — 46,7, Украинанинг — 51,1, Молдованинг — 56,5, Қозоғистон ҳамда Арманистоннинг — 67,0 фоизини ташкил этди³.

Шу давр ичида ҳосил қилинган миллий даромад ўсишининг суръат кўрсаткичлари тегишли равишда 6,8⁴, 5,7 ва 3,0 фоиз бўлди⁵. Юқоридаги сабабларга кўра бу кўрсаткичлар мамлакат бўйича миллий даромаднинг ўсиш суръатларидан бир неча марта орқادا эди.

80-йиллар ўрталарида аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқаришнинг ўсиши республикамизда атиги 0,4 фоизни ташкил этди. Бу ўсиш мамлакат бўйича эса — 5,5, Россияда — 6,1, Украинада — 7,2, Белоруссияда — 7,6, Қозоғистонда — 3,3, Литвада — 19,8, Молдовада — 5,9, Латвияда — 8,7, Қирғизистонда — 8,5, Тожикистонда — 3,1, Туркменистонда — 8,5, Эстонияда — 5,6 фоизга тенг бўлди⁶. Миллий даромаднинг ўсишидаги турғунлик ўз навбатида, бошқа барча иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичларнинг ўсишини

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году, 11-бет.

² Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 году, 8-бет.

³ Вопросы экономики, 1990, № 4, 5-бет.

⁴ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году, 11-бет.

⁵ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 году, 8-бет.

⁶ Қарап: Народное хозяйство СССР в 1988 году. М., 1989, 14-бет.

таъминлай олмади, ялпи ижтимоий маҳсулотни кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш ҳамда кишилар турмуш фаровонлигини ошириш имкониятларини чеклади. Оқибатда эса қатор ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилиши ҳам қийинлашиб борди.

Миллий даромад ишлаб чиқаришнинг пасайиши ўз навбатида аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар даражасига салбий таъсир кўрсатди. Бу кўрсаткич бўйича ҳам республикаимиз энг охириги ўринда турарди. Агар 1981—1985 йилларда умуман иттифоқ бўйича аҳолининг реал даромадлари 11 фоиз ошган бўлса, Ўзбекистонда эса у 5,8 фоиз кўпайган¹.

Ўзбекистон саноати меҳнат унумдорлигини оширишнинг ўртача йиллик суръатлари 1981—1985 йилларда атиги 1,5 фоизни ташкил этди, бу эса 1971—1975 йиллардагига қараганда уч баравар камдир². Саноатдаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан республикаимиз иттифоқда 40 фоиз, қишлоқ хўжалиги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан эса икки баравар орқада эди. Республика аҳоли жон бошига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ўртача иттифоқ даражасининг атиги 40 фоизини ташкил этар эди. Республика аҳолиси даромад даражаси жиҳатидан, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш жиҳатидан иттифоқдаги бошқа республикалар орасида энг охириги ўринлардан бирида турар эди.

Республика халқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш фондлари 80-йиллар ўрталарига келганда 1980 йилга қийёслаганда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигидан 2 баравардан кўп ўсди. Аслида ҳам кам ажратилган капитал маблағларнинг кўп сонли қурилишларга сочилиб кетиши кенг ёйилди. Бунинг устига янги ишлаб чиқариш воситалари барпо этишга сарфланган харажатлар кўпинча кутилган иқтисодий самарани бермади. Бунинг асосий сабаби моддий ва молиявий ресурслардан фойдаланиш ва уларни тақсимлаш ишларининг ҳаддан ташқари марказлашган маъмурий йўл билан амалга оширилганлигида эди.

Ўлканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги миллий хусусиятлари, қарор топган халқ хўжалиги тизимининг нуқсонларига мутлақо эътибор берилмади ва беписандлик билан муносабатда бўлинди. Марказлаш-

¹ Осминин В. А. Ўзбекистонда ССР экономикасини қайта қуриш асосида ривожлантиришнинг яқун ҳамда проблемалари, 20-бет.

² Тухлиев Н. Иқтисодий интенсиив ривожлантириш йўлига ўтказишни жадаллаштирайлик, 11-бет.

тирилган меҳнат тақсимотида Ўзбекистоннинг маъқеи ва ўрнини ўзгартиришнинг муқобил йўллари эътиборга олинмади. 1987 йилда Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ажратилган маблағлар 1980 йилги даражадан кам эди. Шу йилларда иттифоқ бўйича 22,6, Россияда — 26,1, Белоруссияда — 43,2, Қозоғистонда — 15, Грузияда — 31,2, Озарбайжонда — 25, Литвада — 55,1, Латвияда — 29,5, Тожикистонда — 8,6, Туркменистонда — 12,0, Эстонияда — 18,9 фоизга ошди¹.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётида рўй берган турғунлик кўринишларини кузатар эканмиз, бунда шубҳасиз, жуда кўп нохуш ҳолларга, уларнинг турмушимизда анчайин илдиз отганлигига дуч келамиз. Жумладан, республика иқтисодиётида юз берган депсиниш, турғунлик ҳолати, аввало иттифоқ меҳнат тақсимотида Ўзбекистоннинг ўрни ва ҳиссаси узоқ йиллар мобайнида марказ зўравонлиги билан мутлақо нотўғри белгилаб келинганлиги оқибати эканлигини кўрамиз.

Иқтисодий жиҳатдан асосланмаган ва мақсадга мувофиқ бўлмаган минтақалараро алоқалар республикамиз танасига ёмон яра сингари ёпишди. Натижада республикамиздан хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар олиб чиқилиб, бизга тайёр машина ва тайёр буюмлар, ҳаттоки энг содда машиналар ҳам четдан етказиб берилди. Халқнинг истеъмол молларига бўлган эҳтиёжнинг деярли учдан бир қисми четдан олиб келиш ҳисобига қондирилганлиги ачинарли ҳолдир.

Тажриба хўжаликни ўта марказлаштирилган усулда бошқариш тўғри эмаслигини исботлаб берди. Марказдан бериладиган кўрсатмалар қанчалик кучли ва доно бўлмасин, узоқдан бошқариш усуллари хўжалигимизни турғунлик ва тангликдан чиқара олмади. Чунки узоқ давом этган мустабид тузумнинг илдизи чириб бораётган эди. Бу кейинги йилларда айниқса яққол кўриниб қолди.

Миллий сиёсатнинг бузилиши оқибатида ҳамда бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик услубининг узоқ вақт давомигаги тазйиқи остида марказдан туриб ана шундай йўл билан моддий ва молиявий ресурсларни нотекис тақсимлаш билан республикаларнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини бараварлаштириш

¹ Миллатлараро муносабатлар маданияти ва байналмилал дунёқараш, 67-бет.

асло мумкин эмас эди. Бунинг устига ажратилган капитал маблағларда республикадаги ўзига хос демографик вазият инобатга олинмади. Бунинг натижасида газ ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда тўртинчи ўринда турган, иттифоқ пахтасининг 65 фоизини, канопнинг — 100, пилланинг 60 фоиздан кўпрогини, қорақўл терининг 40 фоизини ва марказга жуда кўп миқдорда олтин, симоб, вольфрам, нефть, мева, узум, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етказиб бераётган республиканинг иқтисодий даражаси оғир аҳволга солиб қўйилди¹. Шу тўғрисида Ўзбекистон аҳолиси иттифоқдаги аҳолига нисбатан озиқ-овқат маҳсулотларини икки баравар ва ундан ҳам кам истеъмол қилмоқда эди.

Бунинг устига маъмурий-буйруқбозлик тизими сиёсати айби билан хом ашё ресурсларининг учдан икки қисмини, шу жумладан, 90 фоиздан ортиқ пахта толасини мутлақо қайта ишламасдан республика ташқарисига чиқараётган Ўзбекистон ноҳақ «қарздор» деган таъна-дашномларга қолди. Ўзбекистондан олиб кетилаётган ана шу пахта толасининг ўзидангина ҳар йили 25 миллиард сўм миллий даромад олинар эди. Бу бизга дотацияга берилаётган пулдан ўн баравар кўп. Ўзбекистонда етиштирилаётган газ, олтин, мўйна, қорақўл тери, пилла, рангли металллар, мрамор ва бошқа бойликлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Бу ўлкада етиштириладиган олмалар, анору узумлар, ширин-шакар қовун-тарвузлар нафақат республика-мизда, балки жаҳонда донг таратган. Бу ноз-неъматлардан фақат иттифоқдагина эмас, ҳатто чет элларда ҳам баҳраманд бўлишмоқда. Лекин ўрни келганда шуни айтиш керакки, экологик мувозанатнинг бузилиши, ҳаддан ташқари химиялаштиришга ружу қўйилиши оқибатида республика-мизда етиштирилаётган мева-чеваларнинг ҳам сифати бирмунча пасайиб кетди.

Биз кўп йиллар давомида республика-миз иттифоқ бойлигига улкан ҳисса қўшиб келганлигидан фахрланиб, гурурланиб келдик. Дарҳақиқат, Ўзбекистон собиқ Иттифоқ халқ хўжалигини ривожлантиришда улкан ҳисса қўшиб келди. Бунда асосий ўринни хом ашё етказиб бериш эгаллар эди.

Тарих тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳар қандай давлат, у қанча буюк ва қудратли бўлмасин, якка ёлғиз

¹ Социально-экономическое развитие Узбекистана за годы Советской власти. Ташкент, «Узбекистан», 1984, 153-бет.

ривожлана олмайди. Зеро, турли мамлакатлар сингари улкан мамлакат ичидаги республикалар иқтисодиёти бир-биридан сув ичиб, озикланиб туриши ҳаётий заруратдир: биров хом ашё, биров бутловчи маҳсулотлар, биров технология етказиб беради. Бундай иқтисодий алоқалар 70—80-йилларда ҳам мустаҳкамланди ва ривожланди. Шу йиллари Ўзбекистон барча иттифоқдош республикалар билан анчагина самарали иқтисодий алоқалар ўрнатди. Айниқса, Россия Федерацияси вилоятлари билан иқтисодий ҳамкорлик кенг йўлга қўйилди. Қарийб 3000 ўзбек оиласи Россиянинг йигирмадан зиёд вилоятларида совхозлар-колхозлар, ўрмон саноати хўжаликлари, маданий-маиший бинолар, мелиорация ва сув иншоотлари қурилишларида меҳнат қилдилар.

Жумладан, Ўзбекистон сув хўжалиги қурилиш давлат қўмитасига қарашли «Ўзвладимирводстрой» трести бўлимлари 1986 йилнинг ўзида Владимир вилоятида 12 миллион 110 минг сўмдан зиёд капитал маблағ ўзлаштиришга муваффақ бўлдилар. Бу ерда амалга оширилган ишлар айниқса «Асерховский» совхозни мисолида яққол кўзга ташланади. Илгарилари қолоқ хўжалик ҳисобланган бу совхоз кейинги йилларда ўзбек биродарларнинг ёрдами билан гуллаб-яшнади. Ўзбекистонлик мелиораторлар ботқоқликларни қуришиб, экинзорларнинг унумдорлигини оширдилар, янгидан-янги экин майдонларини оборотга киритдилар.

Республикамиз вакиллари ишлаб чиқариш биноларини барпо этишда совхозга яқиндан иқтисодий ёрдам бердилар. Жумладан, 800 бош қорамол боқиладиган ферма, бир кеча-кундузда 750 кубометр сувни тозалаш қувватига эга бўлган комплекс, 25 та автомашинага мўлжалланган гараж, минерал ўғит сақланадиган омбор ва кўплаб бинолар қурилиб фойдаланишга топширилди.

Совхозни қайта қуришда учта: Сурхондарё, Хоразм ва Самарқанд ихтисослашган механизациялашган кўчма колонналари қатнашди¹.

Бундай иқтисодий ҳамкорлик Россиянинг яна бир қанча вилоятлари билан ҳам яхши йўлга қўйилди. Ўзбекистонликлар бир қатор вилоятларнинг хувилаб қолган қишлоқларини обод қилдилар. Шу ерда бир савол туғилади. Ўзбекистонлик меҳнаткашларнинг ўз она ер-

¹ Бекметов Э. Халқлар ҳамкорлиги ва иқтисодий алоқалар. Тошкент, «Меҳнат», 1992, 46-бет.

ларини ташлаб, Россиянинг ташландиқ ерларини обод қилиш учун кетишларига нима мажбур қилди? Бунда асосий сабаб қилиб ортиқча ишчи кучи мавжудлиги, уларни иш билан таъминлаш муаммо эканлиги кўрсатилди. Хўш, нега унда у ердан Ўзбекистонга корхоналарда ишчи кучи етишмаслиги рўқач қилиниб, минглаб ишчилар келтирилди? Россиялик ишчиларни жалб қилмасдан, ўзимиздаги ортиқча ишчи кучини шу ернинг ўзида тайёрлаб иш билан таъминлаш мумкин эди-ку.

Нима бўлганда ҳам Ўзбекистон ва бошқа республикалар ўртасида ҳамкорликнинг кенг йўлга қўйилиши ҳаёт ҳақиқати, ижтимоий тараққиёт зарурати эди. Бундай зарурат, айниқса, Россия билан яхшигина иқтисодий ҳамкорлик ўрнатилишига сабаб бўлди. Ўзбекистонга олиб келинадиган маҳсулотларнинг эса 57,2 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келарди. Россиянинг барча иқтисодий районлари республикага кўплаб маҳсулотлар етказиб берувчи таъминотчилар ҳисобланар эди. Демак, республикага келтириладиган рангли металлнинг 85 фоизи, ўрмончилик маҳсулотларининг — 66, қора металлнинг — 50, машинасозлик маҳсулотларининг — 62, химиявий маҳсулотларининг — 60, енгил ва озик-овқат саноатининг — 28 фоиздан кўпроғи уларнинг ҳиссасига тўғри келарди.

Ўзбекистон ҳам ўз навбатида Россиянинг кўпгина иқтисодий районларига ўзининг маҳсулотларини етказиб берар эди. Юбориладиган маҳсулотларнинг 57 фоизини ип-газлама ташкил этарди. Табиий газ (73,9 фоиз), рангли металл (60 фоиз), химиявий маҳсулотлар (37,6 фоиз) етказиб бериш йил сайин ортиб борди. Бундан ташқари, жуда кўп миқдорда мева, узум ва полиз маҳсулотларини ҳам жўнатиб турар эди¹.

Украина ва Қозоғистоннинг ҳам Ўзбекистон билан иқтисодий алоқалари узоқ йиллардан бери мавжуд бўлиб, кейинги йилларда айниқса мустақкамланди. Ўзбекистон енгил саноатига қарашли корхоналар билан улардаги турдош корхоналар ўртасидаги алоқалар йил сайин кенгайиб борди. Республикамиз енгил саноат корхоналари ўзларининг 46,8 фоиз маҳсулотини Украинага, тўқимачилик саноати маҳсулотининг 57 фоизини Россияга, тикувчилар тайёрлаган маҳсулотларнинг 55

¹ Социально-экономическое развитие Узбекистана за годы Советской власти, 162—163-бетлар.

фоизини Қозоғистонга етказиб берди¹. Бизнинг ҳар бир корхонамиз хом ашё, асбоб-ускуналар ва маҳсулотлар етказиб бериш бўйича бошқа республикаларнинг юзлаб, ҳатто минглаб меҳнат жамоалари билан алоқа қилиб турар эди.

Ўзбекистоннинг Ўрта Осиё республикалари билан ҳамдўстлиги нафақат кейинги йиллар маҳсули, балки географик, тарихий-этник ва ижтимоий-иқтисодий эҳтиёждир. Чунончи, бу республикалар географик жиҳатдан бир-бирига яқин ва зич жойлашган. Сув, электр ва бошқа табиий омиллар ҳам уларнинг бир-бирини боғлаб туради. Қарийб 50 миллионли аҳоли тарихан ягона ўтмишга, ягона тақдирга, бир-бирига уйғунлашиб кетган дунёқараш ва анъаналарга эга. Уларнинг ҳар қандай сиёсий ва иқтисодий ҳамдўстликдан ҳам баланд турувчи қадимий қадриятлари бор.

Ўрта Осиёда химия саноатини ривожлантиришнинг стратегик концепциясини ишлаб чиқиш ҳам ғоят зарур эди. Бу ерда, маълумки, СССРнинг бошқа районларига етказиб бериш учун хом ашё ишлаб чиқарадиган бир қатор корхоналар барпо этилган. Булар — ацетат тола-лар (Фарғонада), нитрон толалар (Навойда), капролактама (Чирчиқда), электрохимия маҳсулоти (Ёвонда, Тожикистон) ишлаб чиқарадиган ва бошқа завод ҳамда комбинатлардир. Уларнинг маҳсулотини марказий минтақаларга ташиш учун бу ҳил ишлаб чиқаришларни ривожлантириш, шунингдек Ўрта Осиё минерал ўғит заводларини керагидан зиёд қуриш мақсадга мувофиқ эмас эди. Бу давр Ўзбекистонда СССРдаги химия саноати корхоналарининг 20 фоизидан ортиғи жамланган бўлиб, улар асосан марказ учун зарур маҳсулот ишлаб чиқариш билан бирга атроф-муҳитни кўп даражада иф-тослайтирмоқда эди. Буларнинг ҳаммаси ижтимоий эжибэглай га олиб келди: касалликлар кўпайди, болалар ўлими ортди, бола туғиш ёшидаги аёллар саломатлиги ёмонлашди...²

Ўрта Осиё республикаларида ўзига хос табиий ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуддир. Яқин ўтмишимиздаги рақамларга назар ташлайлик. 70—80-йилларда қазиб олинган кўмирнинг қарийб 20 фоизи, газнинг — 18 фоизи, олтиннинг — 33 фоизи, ўсимлик ёғининг —

Современные проблемы развития рабочего класса Узбекистана. Ташкент. «Фан», 1989, 24-бст.

² «Қишлоқ ҳақиқати», 1988 йил 17 июль.

26 фоизи, пахтанинг — 92 фоизи ана шу минтақа ҳисобига тўғри келарди¹. Ана шунинг ўзиданоқ бой, деҳқончилиги тараққий этган, маъдан ва хазиналари беҳисоб бўлган Ўрта Осиё республикалари ўзаро ҳамкорлигининг кенг йўлга қўйилиши самарали эканлиги кўзга ташланади.

Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги республикалараро иқтисодий алоқалар кейинги йилларда айниқса мустақамланди ва ўсди. Масалан, 1972—1982 йилларда Ўзбекистон Қозоғистонга табиий газ етказиб беришни икки баравар, нефть ускуналари ва халқ истеъмоли молларини — уч баравар ва қишлоқ хўжалик машиналари етказиб беришни — 20 фоиз кўпайтирди.

Ўз навбатида, ўн йил ичида (1975—1985 йиллар) Қозоғистондан Ўзбекистонга тракторлар етказиб бериш 2 баравар, рентген аппаратуралари — 5 баравар, зотли қорамоллар — 4 баравар кўпайди². Шунингдек, Ўзбекистоннинг Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон Республикалари билан ҳам алоқалари тарихий ҳамда бу ўзаро фойдали ҳамкорлик алоқалари кейинги йилларда янада ривож топди.

Қадимдан ҳамкору ҳамфикр бўлиб келган, бир неча минг йилликлар мобайнида жон-жонига, қон-қонига пайванд бўлиб кетган бу халқлар советлар даврида турли миллатларга бўлиб юборилди. Бу сохта сиёсат тўғрисида аниқлаш, турмуш тарзлари бир бўлган халқлар ўзбеги қозоққа, тожигу қирғиз ва туркманларга бўлиб ташланди. Бироқ, илдизлари бир бўлган бу миллатлар ўртасидаги ҳамкорлик турғунлик йилларида ҳам давом этди. Мисол учун, Қирғизистондан Ўзбекистонга асосан озиқ-овқат маҳсулотларининг 44,8 фоизи, қанднинг 25,4 фоизи, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг 8,7 фоизи, енгил саноатнинг 23,8 фоизи, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноатининг 12 фоизи келтирилган. Тожикистондан эса асосан енгил саноат маҳсулотлари (49 фоиз) келтирилган. Туркменистон эса Ўзбекистонни нефть маҳсулотлари (74,4 фоиз), электроэнергия ва иссиқлик энергияси (11,3 фоиз) билан таъминлаб келди³. Ўзбекистон, ўз навбатида, бу республикаларга нефть ва газ маҳсулотлари, машинасозлик ва

¹ «Ўзбекистон овози», 1994 йил 25 июнь.

² Жонибеков У. Меҳнаткашларни интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишини такомиллаштириш // Ўзбекистон коммунисти, 1988, № 11, 63-бет.

³ Социально-экономическое развитие Узбекистана за годы Советской власти, 164-бет.

металлни қайта ишлаш, пахтачилик учун тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари, дизеллар, радиоэлектрон ва енгил саноат маҳсулотлари етказиб турди.

Умуман олганда, Ўрта Осиё республикаларининг дўстона, ўзаро тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги ўз шонли тарихига, буюк анъаналарига эгадир. Ана шу минтақада ҳозирда мавжуд бўлган тарихий анъаналарни давом эттириш, уни янги тарихий шароитларда бойитиб бориш жуда муҳим вазифадир.

Иттифоқдош республикалар билан ҳамкорликда республикамизда кўплаб саноат корхоналари қурилди. 1971—1975 йилларда иттифоқдаги барча республикалар корхоналарининг ишчи-мутахассислари иштирокида енгил саноатнинг 8 та янги ва 12 та ишлаб турган корхонаси қайта қурилди¹, шу билан бирга улар ёрдамида йирик корхоналарнинг 130 та филиали ҳам қуриб битказилди².

1971—1982 йилларда бошқа республикалардан саноат корхоналарига 380 турдаги янги машиналар, 68 турдаги асбоб-ускуналар келтирилди³. Тошкент тўқимачилик фабрикасига Москва, Рига, Пенза, Кузнецк, Иваново шаҳарларидан келтирилган дастгоҳлар ўрнатилди. Жумладан, «Ивтекмаш» заводидан бу корхонага ЛАО-120, ПЛТ-120 маркали, Ригадан АОСП-1, АО-1 маркали, Пензадан П-76-5М, ЛНС-51-2Б маркали, Москванинг «Борец» заводи ва механика заводларидан ПО ҳамда КДЭ-161 маркали машиналари ва дастгоҳлари ўрнатилди.

Ўзбекистоннинг йирик саноат корхоналари шунингдек, Олма-Ота ип-газлама комбинати, Эстониянинг «Балтийская мануфактура» бирлашмаси, Литванинг Алитусск ип-газлама комбинати билан узоқ йиллар ҳамкорликда иш олиб борди. Улар «Ўзтекстильмаш» бирлашмаси билан ҳамкорликда янги тўқув дастгоҳи — ППМ-120-2 машинаси ихтиро қилдилар. Бу машина ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш билан бирга энергия сарфлашни 1,5—2 марта камайтиради⁴.

Ўзбекистоннинг илғор корхоналаридан бири бўлмиш Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводининг

¹ Қурбанов М. Больше хороших товаров для народа. // Коммунист Узбекистана, 1977, № 3, 50-бет.

² Мирсаидов А. Увеличивать производство товаров народного потребления / Коммунист Узбекистана, 1983, № 6, 29-бет.

³ Зиядуллаев С. К. Индустрия Узбекистана. Ташкент, «Узбекистан», 1984, 204—205-бетлар.

⁴ Голос текстильщика, 1982 йил, 24 июнь.

маҳсулоти ҳам, ўз навбатида, кўпгина қўшни республикаларда машхур ва манзур эди. Йигирувчи машина «ПК-100-ШЛ» 1976 йилда Лейпциг шаҳрида ўтказилган кўргазмада олтин медалга сазовор бўлди. Шу марказдаги машинани Москванинг «Пролетарский труд» фабрикаси ҳам ўзларига мақбул кўришди¹.

Тошкентдаги «Малика» трикотаж фирмасининг маҳсулотлари ҳам барча иттифоқдош республикалар ичида машхур эди. Фирмада кейинги йилларда янги-янги машина ва дастгоҳлар ихтиро қилинди. Булар ичида тўқилган матони чизмалар бўйича кесадиган машинанинг фирма ходимлари В. Репейков ва Г. Власовлар томонидан ихтиро қилиниши катта воқеа бўлди. Машина 83 кишининг қўл меҳнати ўрнини боса оларди. Бундай машина ихтиро қилинишининг афзаллиги шундаки, халқ хўжалигида ҳали қўл меҳнатининг ҳиссаси юқори бўлиб, бу ҳисса секинлик билан камайиб бормоқда эди. Айниқса, ёрдамчи ишчилар меҳнатини механизациялаш масаласига алоҳида аҳамият бериш талаб қилинар эдики, ёрдамчи ишчилар саноатдаги барча ишчиларнинг 50 фоизига яқинини ташкил этар эди. Агар саноатдаги асосий ишларда 64 фоиз ишчиларнинг меҳнати механизациялашган бўлса, ёрдамчи ишларда атиги 29 фоиз ишчининг меҳнати механизациялашган эди. Қўл меҳнатини механизациялаш учун ажратилган жами маблағларнинг тахминан 80 фоизидан асосий ишлаб чиқаришда, 20 фоизидан эса ёрдамчи ишлаб чиқаришда фойдаланилмоқда эди².

Шу жиҳатдан олганда бундай машинани яратиш давр талаби эди. Шунинг учун ҳам бу машинанинг 1979 йили Москвада СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида намойиш этилиши билан унинг харидорлари кўпайиб кетди³. Машиналарнинг биринчи тайёр туркуми Абакан, Фрунзе (Бишкек) ва Чоржўй шаҳарларига жўнатилди. Бу машина йилига 162 минг сўм иқтисод қилиб бера оларди⁴.

Республикамиз саноатининг ривожланишида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келаётган Бухоро, Нукус ва Андижон ип-газлама комбинатлари, Жиззах

¹ «Голос текстильщика», 1972 йил 8 декабрь.

² Каримов Р. Социализмнинг иқтисодий қонунлари. Тошкент, «Фан», 1987, 26-бет.

³ Ахунова М. Рабочий класс — ведущая сила советского общества. Ташкент, «Узбекистан», 1981, 49-бет.

⁴ ЎЗР ТВҲА, 1558-жамғарма, 11-рўйхат, 106-иш, 23-варақ.

йигирув фабрикаси, Наманган шойи газламалар, Хива гилам фабрикаларининг Украина, Арманистон, Литва, Латвия, Белоруссия, Эстония ва бошқа республикалар билан ҳамкорликлари йил сайин мустақамланиб борди. Республикалар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ўзаро фойдаланиш ҳамкорлик барча учун ҳам иқтисодий жиҳатдан фойдадан холи эмасди. Бу айтиш вақтда бирга-бирликда корхоналар барпо этиш, кадрлар тайёрлаш, доимий суръатда мутахассислар гуруҳини алмаштириш имконини берар эди.

Ўзбекистоннинг кўпгина ёшлари Россиянинг Москва, Ленинград, Иваново ва бошқа шаҳарларидаги саноат корхоналарида турли касбларни эгалладилар, мураккаб машина ва механизмларни бошқаришни ўрганиб қайтдилар. Масалан, энгил саноат корхоналарининг минглаб муҳандис-техниклар ва ишчилари марказий шаҳарларнинг 15 та институти ва 30 та техникумида ўз билимларини ошириб келдилар...¹ 1970—1980 йиллар ичидагина ўзбекистонлик тўқимачилардан Москва, Ленинград, Харьков, Иваново шаҳарларидаги турдош корхоналарда 3000 дан ортиқ ишчилар тайёрланди.

1973 йилда Чирчиқ пойафзал фабрикасидан 50 та муҳандис-техник ва 27 та мастер Москвадаги ишчи ва мутахассис раҳбарлар малакасини ошириш институтида ўз малакаларини ошириб қайтдилар. Кўзон пойафзал фабрикасидан 5 та ишчи Рига шаҳрига, 3 таси Таллинга, 2 та ишчи — Львовга ва 4 та ишчи Москвага малака ошириш учун юборилди². Худди шу йили Тошкент жун-тери заводига Қозон энгил саноат техникуми битирувчиларининг катта гуруҳи, Бухоро пойафзал фабрикасига Ленинград механика-технология техникумини тугаллаган талайгина ёшлар келиб иш бошладилар³.

Кўп минг кишилик Тошкент тўқимачилик комбинатининг бошқа республикалар турдош корхоналари билан алоқаси йилдан-йилга мустақамланиб ва ривожланиб борди. Ўн йиллар мобайнида Иваново вилоятидаги Меланж ва «Солидарность» тўқимачилик фабрикалари, Москвадаги «Трёхгорная мануфактура» комбинати, Ленинграддаги Киров номли ип-йигирув фабрикаси, Глуховодаги Фролов номли ип-газлама комбинати, Херсон ва Орехово-Зуево ип-газлама комбинатлари ва мамла-

¹ Уралов А. Развитой социализм и научно-технический прогресс. Ташкент, «Ўзбекистан», 1982, 162-бет.

² ЎзР МДА, Р-2683-жамғарма, 1-рўйхат, 363-иш, 18-варақ.

³ ЎзР МДА, Р-2683-жамғарма, 1-рўйхат, 364-иш, 23-варақ.

катнинг яна бошқа кўплаб тўқимачилик корхоналари бу комбинат ишчилари билан ҳамкорликда меҳнат қилиб келдилар. 1976—1978 йилларда комбинатнинг 94 та ихтирочиси марказий шаҳарлардаги тўқимачилик корхоналарида хизмат сафарларида бўлиб қайтдилар, улар касбдошлари кўмагида 136 та янги ихтиро яратишга муваффақ бўлдилар¹.

Ўз эҳтиёжи учун зарур бўлган турли-туман маҳсулотлар, жумладан дон, гўшт, қанд-шакар, нефть ва нефть маҳсулотлари, тахта-ёғоч, автомобиллар, турли хил асбоб-ускуналар, халқ истеъмоли молларини республикамиз бошқа республикалардан олар эди. У ерлардан Ўзбекистонга ҳар йили 6 миллион тонна атрофида дон, 350 минг тонна қанд, 146 минг тонна гўшт маҳсулотлари, 800 минг тоннага яқин сут, 6 миллион куб метр ёғоч, 7 миллион тонна нефть, республика эҳтиёжлари учун зарур бўлган металнинг 90 фоизи келтирилар эди². Истеъмол буюмлари ва озиқ-овқат бозор фондларининг ярми бошқа республикалардан ва импорт йўли билан таъминланиб келинди. Ўзбекистонга олиб келинган ва ундан ташиб кетилган ресурсларни ҳисобга олганда, буларнинг камомади 35 фоизни ташкил этар эди.

Ҳисоб-китобларга қараганда, республика аҳолисининг қондирилмаётган талаби 8—9 миллиард сўмни ташкил этар ва у ҳар йили 600—800 миллион сўмга ўсмоқда эди³.

70—80-йилларнинг биринчи ярмида иттифоқдош республикалар халқ хўжалиги маълум даражада ривожланган бўлса-да, улар ичида Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий, ижтимоий тараққиётда, юқорида кўриб ўтилганидек, танг аҳволга тушиб қолди, ўз бошидан турғунлик даврини кечирди. Бу коммунистик мафкура ва унинг йўлбошчилари юргизган маъмурий зўрлик ва буйруқ-бозликка таянган яккаҳоқимлик тузуми сиёсатининг узоқ йиллар ҳукм сурганлиги, бу сиёсатнинг иқтисодиётни бошқаришга, хўжалик юритишга муттасил салбий таъсир ўтказиб келганлиги натижасидир. Бу даврда совет жамияти бошидан кечирган турғунлик асоратлари ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ҳамда маънавий-ғоявий ҳаётнинг барча соҳаларини ўз ичига тортиб, унга ўз салбий таъсирини ўтказмай қолмади.

¹ ЎзР ТВҲА, 1136-жамғарма, 12-рўйхат, 109-иш, 58-варақ.

² Юсупов Э., Туленов Ж., Фафуров З. Миллий масала бўйича фалсафий суҳбатлар, 31-бст.

³ «Совет Ўзбекистони», 1990 йил 31 октябрь.

Бутун мамлакатда давом этиб келган маъмурий-буйруқбозлик тизимининг ҳаёт талабларига жавоб беролмай қолган валюнтаристик, субъективистик шакл, усуллари бу даврда тўла куч билан намоён бўлди. Бунинг оқибатида республикалар иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини тобора йўқотди. Уларнинг ўз ҳудудларида фуқароларининг туб манфаатлари ва мақсадларини кўзлаб, мустақил тарзда фаолият юргизиши қийинлашиб борди. Барча соҳада, айниқса иқтисодий муносабатларда марказга тобелик, мутелик кучайди. Юқори партия ва давлат идораларининг директив кўрсатмаларини бажону дил, «қулоқ қоқмай» бажаришга шайлик, «тепадан» юбориладиган буйруқ, кўрсатма ва кўрсаткичлар асосида иш юргизиш ҳоллари пировард оқибатда маҳаллий партия, совет, хўжалик ва бошқа жамоат ташкилотларининг эркин фаолият, ташаббус кўрсатишларига ғов солиб, уларни лоқайдлик, бепарволик, манкуртлик касалига мубтало этди. Бунинг оқибатида бир қатор республикалар сингари Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг қатор соҳалари ва тармоқлари юксалиш, ривожланиш ўрнига кўпроқ таназзул, депсиниш ва қолоқлик сари юз тутди.

Марказнинг маъмурий идораларида, асосан КПСС-нинг «тарихий» съездлари ва пленумларида «миллий асослар»да ишлаб чиқилган ҳамда «партиянинг жамоа ақл-идроки ва донишмандлиги» билан йўғрилган истиқболли ва жорий режаларнинг баландпарвозлиги, аниқ эмаслиги, уларнинг ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари, имкониятлари, шарт-шароитлари ва омиллари билан узвий боғланмаганлиги, маҳаллий ташаббусни кўзда тутмаганлиги — булар мазкур режа ва тадбирларнинг аввал бошданок ҳаётга татбиқ этилишини шубҳа остига солиб қўйганлигининг ўзи айни ҳақиқат эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бунинг оқибатида эса бутун совет жамияти ва унинг барча ҳаётий бўғинлари учун қанчалик нохуш ҳолатларни келтириб чиқаришга, бу жаҳон кўз ўнгида унинг обрўи, мавқеи ва тутган йўлига нечоғли салбий таъсир кўрсатишга сабаб бўлганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Иттифоқдош республикалар орасида ўзининг улкан ижтимоий-иқтисодий имкониятлари, табиий бойликлари, интеллектуал кучлари, ажойиб меҳнатсевар халқи билан ажралиб турувчи Ўзбекистон учун турғунлик йиллари жуда катта тисралиш, йўқотиш ва маҳрумликларга учраш даври бўлди.

70—80-йиллар оралиғидаги қатор беш йилликлар режа топшириқларининг сурункасига бажарилмаслиги, маҳаллий даромаднинг йиллар давомида ўсиш ўрнига тўхтовсиз пасайиб борганлиги, озиқ-овқат дастурининг бажарилмай келганлиги, халқ истеъмоли маҳсулотлари ва бошқа саноат молларининг етишмаслиги, аҳоли турмуш даражасининг қашшоқлашиб борганлиги, ижтимоий соҳада жуда катта узилишлар, етишмовчиликлар, тақчилликлар бўлганлиги — кўп даражада республика хўжалик ҳаётини издан чиқаришга, ижтимоий-сиёсий тузумини беқарорлаштиришга, иттифоқдош республикалар билан иқтисодий алоқаларининг бузилишига олиб келди.

АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Ўзбекистонда миллий ва миллатлараро муаммоларни ҳал қилиш кўп жиҳатдан меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан тўла ва самарали таъминланишига боғлиқ. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичи меҳнатга яроқли аҳолининг халқ хўжалигида, ўқиш ва ҳаётнинг бошқа жабҳаларида юқори даражада банд бўлиши билан белгиланади. Иш билан ёппасига банд бўлишнинг таъминланиши кўшимча иш жойларини кўпайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш миқёсларини янада ривожлантиришни таъминлайди.

Бу жараён мамлакатнинг ва унинг минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий қиёфасини, сиёсий тузумини тубдан яхшилаш, такомиллаштириш, воқелигимизда содир бўлган ва бўлаётган салбий, нохуш ҳолатларни қатъий барҳам топтириш, тўпланиб қолган ўткир муаммоларнинг ечимига йўл топиш ҳамда олға томон ҳаракат этишнинг илғор шакллари, усул ва воситаларини изчиллик билан амалиётда қўллаб боришни кўзда тутати. Гап шундаки, 70-йиллар ва 80-йилларнинг ўрталарига қадар ҳам бизда жамият ҳаётида туб ўзгаришлар қилиш учун жиддий уринишлар бўлган эди, лекин улар кўпинча чала, умумлашмаган бўлиб, бир муаммонинг бошқа муаммолар билан боғлиқлигини ҳисобга олмай, уларни бир-бирига боғламай, муаммоларнинг қандайдир бир қисминигина қамраб олган эди. Чунки марказда ишлаб чиқилган бу дастур ва қарорларда иттифоқдош республикаларнинг манфаатлари ҳамда мавжуд имкониятлари ҳисобга олинмас эди.

Бутун мамлакатда бўлгани каби республика ҳаётида ҳам ижтимоий устунликка эришиш учун қилинган ури-нишлар муваффақият қозонмади, чунки бунда моддий-техника ресурслари билан таъминлашга эришилмади. Бу жараён, шунингдек, марказлаштирилган режалаш-тириш ва бошқарув монополияси, ижтимоий соҳайинг ривожланишига капитал маблағ сарфлашда қолдиқ принципнинг ҳукмронлиги, иқтисодий, сиёсий тобе-лик ва мутелик, ўз ҳудудида етилиб келган долзарб масалалар ва муаммоларни ҳал этишдаги ожизлик, кадрлар қўнимсизлиги ва кадрлар сиёсатини мустақил ўтказишга тўсқинлик қилинганлиги туфайли ҳам тор-мозланиб қолди.

Бу даврга келганда айниқса, аҳолининг иш билан бандлиги муаммоси муҳим ва ўткир тус олди. Ўзбекистон халқ ҳўжалигининг иш кучига ҳаддан ташқари тўйинганлиги, меҳнатга лаёқатли бўлса-да, ишламайдиган аҳолининг миқдори ўсишда давом этаётганлиги, иш кучи талаб ва таклифининг миқдорий ва сифат жиҳатдан балансланмаганлиги, узоқ йиллар давомида ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришда миллий-этник ва ижтимоий омилларнинг ҳисобга олинмаганлиги кишиларнинг турмуш даражасига жиддий зарар етказмоқда ҳамда жамиятда ижтимоий кескинликнинг манбаи бўлиб хизмат қилмоқда эди.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларини кўп жиҳатдан белгилаб берувчи муҳим минтақавий муаммо — тез ўсиб борувчи меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишдир. Бу муаммога асосланган иш билан бандлик тизими ўзининг мосланувчан эмаслигини ва мавжуд меҳнат потенциалидан барчасини ишга солишга ноқобил эканлигини кўрсатди: ҳар йили республика меҳнат ресурслари ўсишининг 25 фоизи ижтимоий ишлаб чиқаришда ўзига ўрин топа олмас эди¹.

Ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона жойлаштириш ижтимоий меҳнатни тежаш билан бирга янги иш жойларини вужудга келтириш ҳамда ишчи кучларидан тўла, мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиш имконини беради. Бу эса демографик жараёнлар кучайиб бораётган, яъни аҳолиси тез суръатлар билан кўпайиб бораётган Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон учун ниҳоятда

¹ *Максакова Л.* Аҳолининг иш билан бандлиги: ялпи ёндашишдан илмий асосланган стратегия сари // Халқ ва демократия. 1992, 5—6-сонлари, 16-бет.

катта аҳамиятга эгадир. Республика аҳолиси 1970 йилдаги 11 млн. 799 мингдан 1986 йилда 18 млн. 423 минг нафарга кўпайди. 1990 йилга келиб Ўзбекистон аҳолиси 20 млн. 322 минг кишидан ошиб кетди. СССР аҳолиси йилига 1 фоиздан ортгани ҳолда Ўзбекистон аҳолиси тақрибан 3 фоиздан ошиқроқ кўпайиб борди. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонининг ўсиш суръатлари аҳоли умумий сонининг ўсиш суръатларига нисбатан тезроқ ўсмоқда эди. 1979 йилги аҳоли рўйхати маълумотларига қараганда, республика аҳолисининг 70 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилган, иттифоқ бўйича эса 50,2 фоизга тенг эди. Шундан кейинги ўтган ўн йил ичида Ўзбекистон аҳолиси 4,5 млн. дан ортиққа ёки 30 фоизга кўпайди¹.

СССР аҳолиси умумий сонининг 1970 йилдаги 4,9 фоиздан 1987 йили 6,8 фоизга етгани ҳолда² ўзбекларнинг салмоғи энг юқори суръатлар билан ўсди. Ўзбекистон аҳолисининг умумий сонидан улар 1979 йилдаги 68,7 фоиздан 1989 йилда 71,4 фоизга етди³. Ўзбекистон аҳолисининг бундай ўсиши яна бир омил билан, яъни мамлакатнинг бошқа минтақаларидан кўплаб кишиларнинг доимий яшаш учун республикамизга кўчиб келганликлари билан изоҳланади. Республикамизга кўчиб келганларнинг аксарият кўпчилиги шаҳар аҳолиси сафларини тўлдирдилар.

Бу омиллар катта шаҳарларда ҳар бир квадрат метр майдонга тўғри келадиган аҳоли сонининг кўпайиб, одамлар ниҳоятда зич яшаётганлиги билан боғлиқ муаммони келтириб чиқардики, бу муаммо ишсизлик каби ижтимоий иллатнинг ҳам келиб чиқишига тааллуқлидир. Бундай аҳвол, айниқса, Фарғона водийсидаги йирик шаҳарларга кўпроқ тааллуқлидир. 1985 йилнинг 1 январидан Андижон вилоятида 1 кв. км майдонга 370 киши, Фарғонада 273,7 Наманганда эса 164,9 киши тўғри келар эди⁴. Бу кўрсаткичлар кейинги йилларда янада кўпайди. Лекин шусиз ҳам тушунарлики, аҳолининг ҳаддан ташқари тифизлиги, унинг табиий ва бошқа минтақалардан ишчи кучларини келтириш ҳисобига ўсиш суръатларининг юқорилиги аҳоли шундай ҳам тифиз жойлашган шаҳарларда беистисно барча ижти-

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г., 14-бет.

² Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Тошкент, 1992, 49-бет.

³ Миллатлараро муносабатлар маданияти ва байналмилал дунёқараш. Ўқув қўлланмаси. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993, 26—27-бетлар.

⁴ НТР и национальные процессы в СССР (Отв. ред. О. И. Шкаратан) М., «Наука», 1987, 69-бет.

мой муаммоларни яна ҳам кўпроқ мураккаблаштириб юборди.

Биргина Тошкент шаҳрида меҳнат ресурсларининг ортиқчилиги 200 минг кишига етишига қарамай, янги ишлаб чиқаришларнинг меҳнат жамоаларини шакллантириш учун республикага ташқаридан 125 мингга яқин ишчи ва мутахассислар жалб этилди¹. Уларни юқори ташкилотлар биринчи галда, маҳаллий аҳоли учун муаммо бўлиб турган уй-жой ва бошқа шарт-шароитлар билан таъминладилар.

Республика аҳолисининг уй-жой, озиқ-овқат, ижтимоий-маданий иншоотлар билан таъминланиш даражаси пастлиги, Ўзбекистонда демографик вазият шундоқ ҳам мураккаб бўлиб турган бир вақтда бу ўлкага бошқа минтақалардан аҳолининг «зўрлик» билан кўплаб кўчиб келиши туб аҳолини уй-жой, озиқ-овқат ва саноат моллари, тиббий ва маиший хизмат, болалар боғчаси ва ясиллари билан таъминлашнинг янада ёмонлашувига, республикада ижтимоий-иқтисодий вазият ҳамда миллатлараро муносабатларнинг янада кескинлашувига олиб келди.

1970—1986 йиллар ичида республиканинг қишлоқ аҳолиси деярли 3,5 млн. кишига кўпайди², ваҳоланки, умуман, СССР бўйича бундай аҳоли сони 2,7 млн. кишига камайди³. Республикада аҳоли сони кўпайиши билан шунга мувофиқ тарзда қишлоқ аҳолиси орасида меҳнатга лаёқатли кишилардан ишсизлар сони ҳам ортиб бормоқда эди. Бу эса иқтисодий ўсиш суръатига, иш билан бандлик муаммоларини ҳал қилишга алоҳида талаблар қўяр эди. Бу, шубҳасиз, айна шу ерда ишлаб чиқарувчи кучларнинг бир томонлама ривожланганлиги — асосан қишлоқ хўжалик хом ашёсини етиштириш билан шуғулланганлиги оқибатидир.

Республиканинг қишлоқ жойларида энгил саноат, энергетика, бинокорлик корхоналаридан ҳар олтинчиреттинчиси жойлаштирилганки, бу ўша ердаги мавжуд ресурсларни ижтимоий ишлаб чиқаришга ҳатто энг кам даражада жалб этиш учун ҳам етарли эмас. Кейинги ўн йил ичида қишлоқда шаҳар корхоналари ва бирлашмаларининг 500 та филиалининг барпо этилиши ҳам иш билан банд қилиш муаммосини ҳал этмади. Улар ишга

¹ «Совет Ўзбекистони», 1990 йил, 23 январь.

² Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г., 14-бет.

³ Бекметов Э. Халқлар ҳамкорлиги ва иқтисодий алоқалар, 29-бет.

муҳтож қишлоқ аҳлининг салкам 5 фоизинигина иш билан таъминлади¹.

1970—1985 йилларидаги ҳисобот маълумотларини таҳлил қилиш шу йиллар ичида меҳнат билан бандлик даражаси анча пасайганлигини кўрсатди. 1970 йилда бу даража 77,7 фоизга тенг бўлган бўлса, 1980 йилда 74,2 фоизга, 1985 йилда эса 73,6 фоизга тушиб қолди². Кўриб чиқилаётган муаммо қишлоқ жойларда айниқса ўткир тус олмоқда эди. Иш кучи билан ҳаддан ташқари тўйинганлик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигининг ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг даражаси паст бўлишини шартлади. Ҳозирги Ўзбекистон қишлоғида яшовчи ҳар юз кишига ўртача олганда атиги 36 гектар суғориладиган ер, деҳқончилик ва чорвачиликда банд бўлган юз кишига эса — 211 гектар ер тўғри келмоқда. Натижада қишлоқ хўжалигининг бир ходими республиканинг атиги 10 кишисини (бир қатор вилоятларда эса 7—8 кишини) «боқмоқда», айни вақтда дунёнинг ғоятда ривожланган мамлакатларида бу рақам 60—70 кишини ташкил этади. Бунинг устига туб миллатга мансуб аҳоли катта-катта оилаларга эга эканлиги билан ҳам фарқ қилади. Серфарзандлик, боқимидаги одамларнинг кўплиги ўзбекларга хос хусусиятлардандир.

Қишлоқдаги қишлоқ хўжалик ишидан ташқари, соҳаларда меҳнат қилишнинг аҳволи ҳам ачинарли даражада эди. Вилоятларда қишлоқ меҳнаткашларининг атиги 3—6 фоизи саноат ишлаб чиқаришида, 3—7 фоизи қурилишда, 1—2 фоизи транспортда, 10 дан 20 фоизга қадари ноишлаб чиқариш тармоқларида иш билан банд эди³. Муаммонинг мана бундай томони ҳам бор: меҳнатни сарфлаш соҳаси ривожланмаган вазиятда ишлашга лаёқатли кишиларнинг ортиқчалиги қишлоқни хўжалик фаолиятининг янги, самарали шаклига укувсиз қилиб кўяди, демак, тараққиётга тўсқинлик қилади.

Бутун СССРда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам мазкур йилларда ижтимоий-иқтисодий масалаларга бево-сита тааллуқли бўлган кўпгина энг муҳим ҳаётий муаммоларнинг ечилиши мунтазам пасайиб борди. Иш

¹ *Хожимирзаев М.* Ўзбекистоннинг ишчилар синфи: ривожланиш муаммо-лари // Инсон ва сиёсат, 1991, № 9, 22-бет.

² Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году, 208-бет.

³ *Максакова Л.* Аҳолининг иш билан бандлиги: ялпи ёндашишдан илмий асосланган стратегия сари, 16-бет.

жойларининг етарли эмаслиги, маҳаллий аҳолидан ишчи ва мутахассис кадрлар тайёрлаш соҳасидаги камчиликлар, савдо, маиший хизматдаги нуқсонлар, уй-жойларнинг етишмаслиги каби ижтимоий-экологик муаммолар кескинлигича қолаверди.

Ўзбекистоннинг марказга пахта, пилла ва шу каби хом ашёларни етказиб берувчи база сифатида бир томонлама ихтисослаштирилиши республикада қайта ишловчи саноат тармоқларининг ривожланишига тўсқинлик қилди. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришда ишчи, мутахассис кадрлар тайёрлашда миллий ўзига хосликни ҳам эътиборга олмасдан маҳаллий маъмурларнинг нотўғри йўл тутганлиги орқасида ҳам аҳвол оғирлашиб кетди. Фақатгина Фарғона водийсининг ўзидагина 1,5 млн. киши нормал иш билан таъминланмаган. Бу регионда тўқимачилик ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш кишиларни тўлақонли иш билан таъминлаш масаласини ҳал этган бўларди¹.

Бироқ, шуни айтиш керакки, табиий-географик, миллий, демографик ва бошқа ўзига хос омиллардан тўғри ва оқилона фойдалана олмаганлик туфайли Ўзбекистон шаҳарларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси анча паст бўлди. Натижада уларда салбий ҳодисалар ортиб борди, бу эса республика шаҳарларида мавжуд бўлган муаммоларни янада кучайтириб юборди.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, республикамизда саноат корхоналарини жойлаштириш ҳар доим ҳам илмий асосда олиб борилмади, яъни уларни жойлаштиришда районларнинг ўзига хос хусусиятлари, хом ашё, моддий ресурслар, малакали кадрларнинг бор-йўқлиги ҳамда экологик вазият камдан-кам ҳолларда ҳисобга олинди. Масалан, Бухоро ип-газлама комбинатининг қурилиши энг катта қурилишлардан бўлиб, у «Барча халқлар қурилиши» деб эълон қилинди. Бу комбинат қурилишида мамлакатнинг турли бурчакларидан йўланмалар билан 30 дан ортиқ миллат вакиллари иштирок этдилар. Қурилиш материаллари етишмаслиги ва механизациянинг носозлиги туфайли қурилиш ишлари жуда катта қийинчиликлар билан амалга оширилди. Шундай бўлишга қарамасдан, комбинат қурилиши биринчи навбати ўз вақтида, 1973 йилнинг 29 декабрида тугалланди, иккинчи навбати ҳам муддатидан олдин —

¹ Аминова Р. Қайта қуриш шароитида Ўзбекистонда социал ривожланишнинг долзарб муаммолари. Тошкент, «Фан», 1991, 17-бет.

1974 йилда топширилди. Бироқ бу комбинатни қуришда юқорида айтилганидек, кўп нарсалар инобатга олинмади, натижада ишчи кучи ва хом ашё етишмаслиги туфайли корхона самарасиз ишламоқда. Тошкент мотор заводи, Янги Кўқон химия комбинати ва шу сингари бир қатор корхоналар қурилишида ҳам ана шундай хатоликларга йўл қўйилди.

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш, корхоналарни икки ва уч сменадаги иш режимига ўтказиш ишларини жадалроқ олиб бориш лозим, чунки шу пайтга қадар бу иш жуда суст олиб борилди. Республика бўйича, 1986 йилга келганда, янги иш тартибига ўтган 1108 та корхонадан атиги 208 таси икки ва уч сменада ишлаётган эди. Бундай иш тартиби мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан унумли фойдаланиш ҳамда иш билан банд бўлмаган аҳолининг ишга жойлаштириш имконини берар эди.

Катта ижтимоий муаммолардан бири — аёлларни ўзларига муносиб иш билан таъминлашдир. Ҳозирда хотин-қизларнинг эркакларга нисбатан салмоғи ортиб бормоқда, улар республика аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил этади. Кейинги йилларда уларнинг иш билан бандлиги даражаси ортди. 1970—1986 йиллар мобайнида Ўзбекистон халқ хўжалиги соҳасида ишчи ва хизматчилар орасида хотин-қизлар 1024 минг кишига кўпайди, яъни улар 41 фоиздан 43 фоизга ўсди¹.

Республика хотин-қизлари 1986 йилда соғлиқни сақлаш (72,7 фоиз), халқ таълими (60,5 фоиз), маданият соҳасида (57,1 фоиз), савдо ва умумий овқатланиш (55,8 фоиз) тармоқларида салмоқли ўринни эгаллади². Айниқса халқ хўжалиги мутахассислари орасида ўзбек аёлларининг сони ўсаётганлиги диққатга сазовордир. Уларнинг сони сўнгги ўн йил ичида 2,3 марта ўсди. Бу ҳол мутахассис аёллар умумий сонининг ўсиши, уларнинг ишчи ва хизматчилар таркибидаги сонига нисбатан фаолроқ кечаётганидан дарак беради³.

Айни пайтда аёлларнинг олий таълим даражаси уларнинг касбий машғуллигига мос келмайди. Шу нарса кишини ранжитадик, аёлларнинг кам малакали ёки малакасиз меҳнат билан машғуллиги эркакларга нисба-

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году, 209-бет.

² Мирзаев Т. К., Раскин Л. И. Перераспределение трудовых ресурсов. Ташкент, «Меҳнат», 1990, 120-бет.

³ Аминов Р. Қайта қуриш шароитида Ўзбекистонда социал ривожланишнинг долзарб муаммолари, 10-бет.

тан ортиқ. Республика саноати, қурилиши, қишлоқ хўжалигида қўл меҳнати билан машғул бўлган аёлларнинг улуши ўртача иттифоқ даражасидан юқори эди. Республика саноатида қўл меҳнати салмоғи 35,3 фоизни ташкил этган бўлса, аёллар орасида эса 42,5 фоиздан иборат бўлди¹. Уйда ишлаш ва ноанъанавий қисқартирилган иш кунни шакллари заиф ривожланганлиги, бир томондан, аёлларнинг ҳаддан ташқари иш билан бандлигига, иккинчи томондан, бир киши ишлайдиган оилаларда паст турмуш даражасининг сақланиб қолишига олиб келди. 1992 йилда ишчи ва хизматчиларнинг умумий сонига аёллар 2 492 минг кишини ташкил этди. Бу барча ишчи ва хизматчиларнинг 47 фоизи хотин-қизлар демакдир. Аёлларнинг меҳнати анъанавий касб соҳаларида, яъни номоддий ишлаб чиқариш ҳисобланадиган соғлиқни сақлаш, кредит бериш ва суғурта муассасалари, халқ таълими ва маданиятда баландлигича қолмоқда. Аёлларни халқ хўжалигига жалб қилиш республика бўйича ҳам бир текис кетмаяпти. Масалан, ишчи ва хизматчиларнинг умумий миқдорида аёлларнинг улуши Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида 40 фоизга ҳам етмайди. Хоразм, Сирдарё, Наманган, Бухоро ва Андижон вилоятларида ҳам уларнинг ҳиссаси паст. Фақат Тошкент шаҳрида аёллар улуши ишловчилар умумий миқдорида баланд — 51,2 фоиз².

Ўзбекистонда туғилишнинг юқори даражадалиги, оилаларнинг серфарзандлиги хотин-қизлардан ижтимоий ишлаб чиқаришда фойдаланишни чекловчи жиддий омил ҳисобланади. Етти ва ундан ортиқ фарзандли ва давлат нафақасини олиб турадиган кўп болали оналар сони Ўзбекистонда 1970—1980 йилларда 187 мингдан 213 мингга яқин кўпайди³. 1970 йилдаги бу миқдор мамлакатдаги барча кўп болали оналар сонига нисбатан 21 фоизни ташкил этган бўлса, 1987 йилда бу 32 фоизга етди⁴. Шундай экан, Ўзбекистон хотин-қизларини иш билан банд этиш масаласига алоҳида ёндашишга тўғри келади. Шу нарсани ишонч билан айтиш мумкинки, кўп болали оналарнинг ишлаб чиқаришда ишламаслиги жамиятга, оилага ижтимоий ва маънавий жиҳатдан фойдалидир. Ҳисоб-китоблар уларнинг уйдаги, мосла-

¹ «Правда Востока», 1989 йил 8 март.

² Тухлиев Н. Ўзбекистон иқтисодиёти, 14-бет.

³ Плановое хозяйство, 1985, № 5, 103-бет.

⁴ Мулладжанов И. Социально-экономическое значение совершенствования территориального перераспределения и размещения трудовых ресурсов в Узбекской ССР. Ташкент, Уз НИИТИ, 1990, 11-бет.

шувчан ва қисқартирилган иш кундаги меҳнати ҳамда уй-рўзгор ва болалар тарбияси билан шугулланиши мақсадга мувофиқ эканлигини яққол кўрсатмоқда.

Шундай қилиб, ўсиб борувчи меҳнат ресурсларининг имкониятларини, минтақанинг ўзига хос демографик ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олиш, аҳоли иқтисодий фаоллигининг жонланиши нафақат ушбу йўналишни ишлаб чиқиш, балки уни рўёбга чиқариш учун ҳам асос бўлади.

ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР ВА УЛАРНИНГ МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРГА ТАЪСИРИ

Бугунги кунда миллатлараро муносабатлар ижтимоий ҳаётимизнинг мураккаб томонидирки, у ҳал қилувчи омилардан бирига айланди. Улар ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг боришига, иқтисодиётни қайта қуришга, республикалар ўртасидаги, республика билан марказ ўртасидаги муносабатларга бевосита таъсир ўтказиб келди.

Шўролар ҳукмронлиги даврининг сўнгги ўн йилликлари давомида миллатлараро муносабатларнинг кескинлашуви кўп жиҳатдан марказлашган маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида тўпланиб қолган ўтқир миллий муаммолар, зиддиятлар ҳал этилмаганлиги билан боғлиқдир. Улкан мамлакатнинг бир қатор минтақаларида миллатларо муносабатлардаги тангликни бартараф этиш йўлини ҳар бир ҳудуддаги аҳолининг миллий таркибини билмай ва шу аҳолини ташкил этган ҳар бир миллат ва элатнинг манфаатларига мос бўлиб тушадиган изчил сиёсатни ишлаб чиқмай туриб топиш мумкин эмаслиги маълум бўлди.

Таркибан бир хил бўлган миллатлар ўртасида ҳам ўзаро зиддиятлар, келишмовчиликлар, қутилмаган тасодифий можаролар рўй бериши мумкин. Бироқ, бу муаммо ҳусусида батафсил тўхталиб ўтиришдан кўра, кўп миллатли республикалар, шунингдек, Ўзбекистон аҳолисининг миллий хусусиятларини ўрганиш муҳимроқдир. Чунки «республикадаги ўзига хос демографик вазият ғоят муҳим хусусиятлардан биридир»¹.

Ўзбекистонда Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларидаги сингари аҳолининг минг йилликлар мобайнида

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқдол ва тараққиёт йўли, 12-бет.

таркиб топиб келган ва минтақанинг туб ерли миллатлари вакилларидан иборат бўлган кўп миллатли таркиби Россия мустамлакачилари ҳукмронлик қилган йилларда ва, айниқса, шўролар даврида, шу жумладан, 70-йиллар ҳамда 80-йиллар ўрталаригача бўлган даврда ҳам маҳаллий бўлмаган кўпгина миллат ва элатларнинг вакиллари ҳисобига чекланмаган тарзда янада ортиб борди.

Ўзбекистонга аҳолининг бошқа минтақалардан кўп-лаб кўчиб келиши миллий сиёсатдаги нўноқлик, республикаларнинг кўп миллатлилигини ўстириш каби сунъий йўналишлар оқибатида ва бошқа турли хил омиллар таъсири остида анча ошди. Фақат кейинги йиллардагина миллий сиёсат соҳасидаги ижобий ўзгаришлар натижасида аввалда мажбуран кўчирилган халқлар ўз ватанларига қайтиб кетиш ҳоллари бирмунча тезлашди.

Ўзбекистон кўп миллатли республикадир. Бу ерда маҳаллий аҳоли ўзбек, қорақалпоқ, тожик ва қozoқлар билан бирга руслар, татарлар, украинлар, корейслар ва бошқа миллат вакиллари яшайди.

1989 йил 12 январда ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 127 миллат, элат ва этник гуруҳ вакиллари истиқомат қилади¹.

Республикада кескин ва зиддиятли демографик вазият вужудга келди. Аҳолининг табиий ўсиши тез суръатларда давом этди. Республикамиз бу кўрсаткич бўйича Тожикистондан кейин собиқ Иттифоқда иккинчи ўринда турарди. Собиқ Иттифоқ бўйича аҳолининг табиий ўсиши ҳар минг киши ҳисобига 10 кишига тўғри келган бўлса, бу республикада 3 баравардан юқори эди².

Ўзбекистон аҳолисининг мамлакат аҳолиси ичидаги салмоғи ҳам сурункали равишда ўсиб борди. Агар 1970 йили республикага мамлакат аҳолисининг 4,9 фоизи тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич 1979 йили 6,1 фоизга тенг бўлди³. Аҳолининг асосий қисми ўзбеклардан иборат бўлиб, аҳолининг умумий сонидан уларнинг салмоғи муттасил ортиб борди.

¹ Миллатлараро муносабатлар маданияти ва байналмилал дунёқараш, 25-бет.

² «Правда Востока», 1989 йил 13 декабрь.

³ Ўзбекистон аҳолиси ва ресурслари, 49-бет.

**Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг миллий таркиби
(1970, 1979 ва 1989 йиллардаги аҳоли рўйхатлари бўйича)¹**

	Минг киши			Яқунига нисбатан фоиз ҳисобида		
	1970	1979	1989	1970	1979	1989
Жами аҳоли шу жумладан:	11799,0	15389,3	19810,1	100	100	100
ўзбеклар	7724,4	10569,0	14142,5	65,4	68,7	71,4
руслар	1473,5	1665,7	1653,5	12,5	10,8	8,3
тожиклар	448,5	594,6	933,6	3,8	3,9	4,7
қozoқлар	476,3	620,1	802,2	4,0	4,0	4,1
татарлар	573,7	648,8	656,6	4,9	4,2	3,3
қорақалпоқлар	230,3	297,8	411,9	1,9	1,9	2,1
қирғизлар	110,7	142,2	174,9	1,0	0,9	0,9
корейлар	147,5	163,1	183,1	1,3	1,1	0,9
украинлар	111,7	113,8	153,2	0,9	0,7	0,8
туркманлар	71,0	92,3	121,6	0,6	0,6	0,6
турклар	46,3	48,7	106,3	0,3	0,3	0,5
яхудийлар	102,9	99,9	93,9	0,9	0,7	0,5
арманлар	32,4	42,4	50,5	0,3	0,3	0,3
озарбайжонлар	38,9	59,8	44,4	0,4	0,4	0,2
уйғурлар	23,9	29,1	35,8	0,2	0,2	0,2
белоруслар	16,9	19,1	29,4	0,1	0,1	0,1
форслар	15,5	20,0	24,8	0,1	0,1	0,1
бошқа миллатлар	194,5	162,9	191,9	1,7	1,1	1,0

Жадвалдан кўриниб турибдики, республикаимиз аҳоли таркибида ўзбеклар 65,4 фоиздан 71,4 фоизга етди. Руслар аҳоли сони бўйича иккинчи ўринда турди. Сўнгги ўн йил ичида тожиклар сони муттасил кўпайиб борди. Натижада уларнинг сони қozoқлар сонидан ўзиб кетди ва Ўзбекистон аҳоли таркибида учинчи ўринга чиқиб олди. Умуман олганда, республика аҳолиси анча маҳаллийлашиб борди. 1992 йилда Ўрта Осиё туб аҳолисининг салмоғи республикаимизда 83,8 фоизни ташкил этди².

Вилоятлар ичида ўзбекларнинг салмоғи, айниқса, Хоразмда жуда юқори — 94,6 фоиз. Фарғона, Андижон, Қашқадарё ва Наманган вилоятларида ҳам бу рақам 80 фоиздан ортиқ. Айни пайтда Қорақалпоғистонда, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ўзбекларнинг ҳиссаси анча паст: 32,8; 44,2; 50,2 фоиз³.

¹ Ўзбекистон Республикаси: қисқача маълумотнома. (Муаллиф Э. Аҳмедов) Иккинчи тўлдирилган нашри. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993, 17—18-бетлар.

² Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Тошкент, «Университет», 1992, 13—14-бетлар.

³ Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари, 14-бет.

У ёки бу минтақада аҳоли сонининг ўсишида аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчишининг маълум даражада роли бор. Сўнгги ўн йилликлар, жумладан, 70-йиллар ва 80-йилларнинг ўрталаригача бўлган даврда республикада ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, бир қанча янги шаҳарларнинг вужудга келганлиги Ўзбекистонга бошқа минтақалардан аҳолининг кўплаб кўчиб келишига сабаб бўлди. Айниқса, Россия, Украина ва Қозоғистондан кўп аҳолининг кўчиб келиши кузатилди.

Ўзбекистон шаҳарлар сони тез ўсиб бораётган республикалар қаторига киради. Фақат 1970 йилдан 1985 йилгача бўлган жуда қисқа давр ичида республика харитасида 80 та янги шаҳар вужудга келди¹. Ваҳоланки, барча иттифоқдош республикаларнинг бошқа биронтасида ҳам шаҳарлар сонининг бунчалик тез суръатлар билан ўсиши рўй берган эмас. Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш ўринлики, шаҳарлар сони кўп ҳолларда етарли асосга эга бўлмаган тарзда ва сунъий равишда атайлаб кўпайтирилди.

Шаҳарлар миқдорининг тез суръатларда кўпайиши, биринчи навбатда, уларга қўйиладиган асосий талаб — аҳоли сонининг пастки чегарасини 10 минг кишидан, республика Олий Совети Президиумининг 1972 йил 24 февралда қабул қилган фармонига кўра, 7 минг кишига қисқартирилиши билан боғлиқ². Мана шу вақт ичида бунёд бўлган ёки мавжуд 123 та шаҳарнинг учдан икки қисми республика ер ости бойликларини ишга солиш ва янги ерларни ўзлаштириш туфайли вужудга келди.

Янги вужудга келган шаҳарларнинг аксариятида европалик миллат вакиллари келиб жойлашдилар. Бундай шаҳарлар жумласига Бухоро вилоятининг Зарафшон (1972 йилда ташкил топган), Учқудуқ (1978 йил), Сирдарё вилоятининг Ширин (1972 йил), Жиззах вилоятининг Пахтакор (1977 йил) каби шаҳарлари киради³. Бирмунча илгарироқ вужудга келган ва саноати ривожланган Навоий, Чирчиқ, Ангрэн, Олмалиқ, Бекобод, Янгийўл ва шунга ўхшаш шаҳарлар аҳолиси таркибида ҳам рус, украин, татар ва бошқа европа миллатларига мансуб бўлган аҳолининг салмоғи анча юқори эди. Айни пайтда эса саноати унча ривожланмаган кичик шаҳарларда ва

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 г., 203-бет.

² Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари, 52-бет.

³ Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари, 55-бет.

туман марказларида аҳоли асосан бир миллатли ёки маҳаллий миллат вакилларида иборат эди. Аҳоли жойлашувининг бундай этнографик хусусиятлари чуқур ўрганилиши жуда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, Европа миллатларига мансуб халқларнинг урбанизациялашув даражаси Ўрта Осиё халқларига нисбатан анча юқори эди. Шу хусусиятларига кўра ҳамда 70—80-йиллар ўрталаригача бўлган даврда марказий минтақалардан республикамиз халқ хўжалигининг барча тармоқларига кадрлар таклиф этилганлиги натижасида бу ерда уларнинг салмоғи анча ортди. Айниқса, янги бунёд этилган индустриалашган шаҳарлардаги саноат корхоналари қурилишига вақтинчалик ишга таклиф этилган кишилар бу ерларда доимий яшаш учун қолиб кетдилар. Марказий минтақалардан аҳолининг бундай кўплаб кўчириб келтирилганлигининг муҳим сиёсий жиҳатлари ҳам бор эдики, империя ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун албатта ўз кишиларини бу ерларга жойлаштиришни мақсад қилиб қўйган ва янги қурилишлардан бу ишда тезкорлик билан фойдаланмоқда эди.

Янги бунёд этилган шаҳарларнинг аксариятида европалик миллат вакиллари кўним топдилар. Уларнинг асосий қисми кимё саноати корхоналарида, машинасозлик, нефтни қайта ишлаш, олтин ва бошқа қимматбаҳо металл ва тошларни қайта ишлаш корхоналарида ишга жойлашдилар.

Марказлашган давлатда бошқаришнинг тармоқ усули шакллантирилганлиги туфайли республикамизда 80-йиллар ўрталарида мавжуд бўлган саноат корхоналарининг 31 фоизи иттифоқ тасарруфида эди. 61 фоизи иттифоқдош республикалар вазирликлари ва идоралари, 8 фоизигина тўғридан-тўғри Ўзбекистон ва маҳаллий саноат бошқармалари қарамоғида эди¹. Марказий вазирлик ва идоралар қаерда ишчи кўп бўлса, ўша ерда саноат корхоналари қураб эдилар, бунда республиканинг миллий манфаатлари, эҳтиёжлари, демографик вазият ва экологик оқибатлари умуман эътиборга олинмас эди. Бундай корхоналарни қуришда маҳаллий ташкилотларнинг иштироки фақат қоғозда эди, холос. Ҳатто иттифоқ миқёсидаги корхоналарга маҳаллий миллат вакиллари ишга қабул қилиш, улардан малакали ишчиларни тайёрлаш учун зарур бўлган маблағларни ҳам

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году, 48-бет.

шўролар империясининг маҳкамалари белгилаб берар эдилар. Ўрта Осиё республикалари учун малакали ишчи кадрлар тайёрлашдан манфаатдор бўлмаган бу маҳкамалар иттифоқ бўйича бундай мақсадлар учун (давлат ва жамоа хўжаликларисиз) ҳар бир кишига 9 сўм 30 тийиндан сарфлаган бўлсалар, бу республикалар учун 4 сўмга яқин маблаг ажратар эдилар¹. Бундай адолатсизликларни ва камситишларни эътиборга олмаган баъзи олимлар Ўрта Осиё халқларидан ишчи кадрлар тайёрлаш учун жуда узоқ муддат кераклигини ўзларича исботлашга уриндилар². Бироқ ўша «узоқ муддат»ни тезлаштириш ишига узоқ йиллар жиддий эътибор берилмади. Шунинг оқибатида маҳаллий миллат вакиллари салмоғи йирик sanoat корхоналарида ниҳоятда камайиб кетди. Жумладан, машинасозлик корхоналарида уларнинг сони 30 фоизга ҳам етмас эди. «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш» ва экскаватор заводларида эса 25 фоиздан ҳам камроқни ташкил этар эди³.

Европа халқларига мансуб миллатлар салмоғи республикамиз sanoat корхоналарида 70—80-йиллар ўрталаригача бўлган давр мобайнида айниқса тез ўсди. Уларнинг салмоғи «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида 63,1 фоиз, машинасозлик тармоқларида, жумладан, Тошкент трактор заводида 50,8 фоиз эди⁴. Енгил sanoat тармоқларида, жумладан Тошкент тўқимачилик комбинатида 1972 йили 12 897 кишидан иборат 46 миллат вакили ишлаган бўлса, уларнинг 6 789 нафари руслар, 2 448 нафари татарлар, 392 нафари украинлар ва 2 276 нафари эса ўзбеклар, қолган қисми эса бошқа миллат вакилларида иборат эди⁵.

Sanoat корхоналарида ўзбеклар салмоғи камайиб кетди. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида 21,0 фоиз, Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида 19,0 фоиз, «Эталон» ишлаб чиқариш бирлашмасида 22,0 фоиз, лак-бўёқ заводида 33,0 фоиз, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасида эса 14,0 фоизгина ишчи маҳаллий аҳолига мансуб эди⁶.

¹ «Ҳаёт ва иқтисод», 1991, № 4, 23-бет.

² «Коммунист», 1989, № 14, 30-бет.

³ «Совет Ўзбекистони», 1989 йил, 25 ноябрь.

⁴ *Убайдуллаева Р.* Минув капитализм. Перестройка: гласность, демократия, социализм. СССР: демографический диагноз. М., «Прогресс», 1990, 416-бет.

⁵ ЎЗР ТВХА, 1136-жамғарма, 8-рўйхат, 70-иш, 1-варақ.

⁶ *Таксанов А. К.* Перестройка и некоторые проблемы развития национальных кадров индустриального рабочего класса, 23-бет.

Кўп йиллар давомида миллий республикалар халқларига нисбатан адолатсизликлар, уларнинг миллий манфаатларининг назар-писанд қилинмаганлиги, миллий кадрлар тайёрлашга бўлган эътиборсизликлар оқибатида нохуш ҳолатлар келиб чиқмоқда эди. Бироқ, Ўзбекистон саноат корхоналарида ишлаш учун ишчи кадрларни маҳаллий аҳоли ичидан тайёрлашдан кўра марказий шаҳарлардан тайёр кадрларни келтиришни афзал деб билган маҳаллий мутасадди раҳбарлар ҳам ўзлари учун осон, лекин маҳаллий аҳолини иш билан таъминлашни чигаллаштирадиган йўлни тутдилар. Бундай раҳбарлар республикадаги демографик вазиятнинг оғирлигидан хабардор бўла туриб ана шундай хатоликларга йўл қўйдилар. Натижада маҳаллий аҳолини уй-жой, иш жойи, мактаб, боғча ва яслилар билан таъминлаш муаммолари янада кучайди. Бу эса миллатлараро муносабатлар муаммоларини янада чуқурлаштириб юборди.

Ўзбекистон аҳолисининг умумий таркибида европалик миллатлар вакиллари салмоғи кейинги йилларда бирмунча камайди. Бунинг боиси туб жойли аҳоли билан европалик аҳолининг туғилиш даражасида катта тафовут борлигида ва, шу билан бирга, Ўзбекистонда Ўрта Осиёнинг бошқа республикалари, шунингдек, Узоқ Шарқ ва Сибирда бир қанча йирик қурилишларга асосан европалик аҳолининг кўплаб кўчиб кетиши оқибатидир.

Агар илгари Ўзбекистонга кўчиб келувчилар учун шaroит яхши, уй-жой билан таъминланиш имконияти тезда ҳал этилган, мева-чевалар арзон ва мўл-кўл бўлган бўлса, 80-йиллар ўрталаридан бошлаб бу ерда ижтимоий-иқтисодий аҳвол бошқа минтақалардагига нисбатан анча ёмонлашди.

Шундай бўлса ҳам аҳоли таркибида Шимолий Кавказ ва Кавказ ортида яшовчи бир қатор миллат ва элатлар вакиллари салмоғи ошди. Чамаси бунинг сабаби маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ўзлаштириш имкони мавжудлиги ва кооператив ишлаб чиқариш шакли ривожланганлиги сабабли бўлса керак, Кавказорти, Шимолий Кавказ ва Сибирь туманларидан кўчиб келганлар асосан Ўзбекистоннинг муайян туманларида ўрнашиб қолдилар.

Руслар, энг аввало, шаҳар жойларида ва айниқса Тошкентда ва Тошкент вилоятида яшайди. Бухоро, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида ҳам уларнинг улуш-

лари сезиларли даражада. Бошқа миллатларнинг районлар бўйлаб бўлиниши ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Масалан, қозоқлар асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Бухоро вилоятларида тарқалган бўлса, тожиклар — Самарқанд, Сурхондарё, Наманган ва Фарғона вилоятларида, қирғизлар — Андижон, Фарғона ва Жиззах вилоятларида жойлашган. Республика-мизда яшовчи татар аҳолисининг деярли ярми Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятларига тўғри келади (улар Чирчиқ, Янгийўл шаҳарларида кўп), яҳудийларнинг аксарияти пойтахтда яшайди. Ўрта Осиё ва Бухоро яҳудийларининг эса бу ерда 30 фоизга яқини истиқомат қилади¹.

Бундан айрим миллат ва элатларнинг республика худудида жойлашувининг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини кўриш мумкин. Бу хусусиятларни ҳисобга олиш ва уларни илмий ёндашган ҳолда ўрганиш эса ҳозирги миллатлараро вазиятни яхшилаш борасида, шунингдек, ўқув-таълим тармоғини тегишли тилда олиб бориш мақсадида катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга вужудга келаётган айрим муаммоларни ечишга ҳам имкон яратади.

70-йилларнинг охири ва 80-йилларда Ўзбекистонга кўчиб келувчиларнинг аксарият қисми меҳнатга лаёқатли кишилар бўлиб, улар бу ерга иш қидириб келган. Бироқ шу вақтларда улар истиқомат қилган республикаларнинг ва худди шулар сингари Россиянинг ўзида ҳам ишчи кучи етишмаётган кўплаб корхоналар мавжуд бўлиб, айна пайтда Ўзбекистоннинг ўзида ишсиз юрганларнинг ўзи ҳам оз эмас эди, шу билан бирга бу ишсизлар маҳаллий аҳолига мансуб кишилар эди. Буларнинг бари бир томонлама йўналтирилган хато миграция сиёсати оқибатидир. Бунинг устига Ўзбекистонга келаётган миллат ва элатлар вакиллари кўпчилигининг асл мақсади ишчимутахассислар, ижодий зиёлилар сафини тўлдириш эмас, балки, шунчаки, енгил ва фаровон ҳаёт кечиришга қизиқиш, бойлик орттириш нияти билан келган кишилар бўлиб, улар савдо, маиший хизмат, умумий овқатланиш соҳаларига жойлашиб олдилар. Албатта, булар ичида ахлоқан бузуқ, безори ва ўғри-мутгаҳам кишилар ҳам бўлиб, бундай унсурлар республикамиз ижтимоий ҳаётига катта ташвиш туғдирдилар, турли хил жиноятчиликнинг авж олишига, фоҳишалик, кашанда-

¹ Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари, 14-бет.

лик каби иллатларнинг кенг илдиз отишига сабачи бўлдилар. Айниқса йирик шаҳарларда ана шундай салбий ҳолатлар учун зарур шарт-шароит мавжуд бўлди. Бундай шаҳарларда кишилар бир-бирларидан бирмунча узоқлашдилар, бегоналашдилар, улар ваҳима-ҳадик билан яшайдиган бўлиб қолдилар, инсонлар орасидаги ажойиб фазилатлар — одамгарчилик, меҳр-оқибат, қариндош-уруғчилик каби шарқона туйғулар камайиб кетгандай бўлди.

Шаҳарлар қанчалик катталашса, уларда муаммолар шунчалик кўпаяверади, мураккаблашаверади ва буларни ҳал этиш қийинлашаверади. Шунинг учун ҳам мутахассис олимлар йирик шаҳарларда аҳоли сонининг ҳаддан ташқари ортиб боришини салбий ҳолат деб баҳолайдилар.

Кўп йиллар давомида юқори ташкилотлар томонидан йирик шаҳарларда аҳоли сонини чеклаш, унинг бетўхтов кўпайишига йўл қўймаслик ва шу билан бир вақтда кичик шаҳарларни тараққий эттиришга эътиборни кучайтириш тўғрисида бир қанча қарорлар қабул қилинди, тадбирлар белгиланди. Бироқ, бу қарор ва тадбирлар тўла амалга оширилмади.

Янги саноат корхоналари қурилиши тақиқланган шаҳарлар қаторига республикамизнинг энг йирик шаҳри — пойтахт Тошкент шаҳри киритилган бўлса, Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Чирчиқ шаҳарлари бундай корхоналар қуриш чекланган шаҳарлар рўйхатидан ўрин олган эди¹. Бироқ Ўзбекистондаги йирик шаҳарларда саноат корхоналарини жойлаштиришда қатор камчиликларга йўл қўйиб келинди. Айниқса республика пойтахти — энг йирик Тошкент шаҳри ва шаҳар атрофида мавжуд бўлган хом ашё ресурслари, уларнинг ҳудудий имкониятлари, экологик вазият кўп ҳолларда ҳисобга олинмади. Республикада ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларининг бешдан бир қисмидан ортиғи Тошкент шаҳрига, 36 фоизга яқини 15 та катта шаҳарлар ҳиссасига тўғри келди².

Ўрта Осиёнинг бошқа республикалари каби Ўзбекистон ҳам меҳнат ресурслари кўп бўлган республикадир. Кўпгина долзарб бўлиб турган иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳадаги муаммолар бошқа минтақаларга қараганда Ўзбекистонда кўпроқ ўсиб бораётган аҳолининг

¹ Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари, 152-бет.

² Иномов И. Ўзбекистоннинг янги шаҳарлари, 84-бет.

ёш жиҳатдан тақсимланишидаги айрим ўзгаришлар билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун ҳам аҳолининг ёш таркибини ўрганиш ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эгадир. Иқтисодий жиҳатдан айниқса унинг меҳнатга лаёқатли қисмини аниқлаш муҳимдир.

Республика аҳолисининг деярли ярми меҳнатга қобилиятли. Аҳоли таркибида болалар ва ўсмирларнинг кўплиги ҳам демографик вазиятнинг ўзига хос хусусиятидир.

Республикада аҳолисининг ярмидан кўпроғи — болалар, ўқувчи ёшлар, нафақадорлар, яъни ижтимоий жиҳатдан ҳимояга муҳтож табақалардир. Республикада аҳолиси 1970 йилдан то 1986 йилга қадар ҳаммаси бўлиб 6 млн 624 минг нафарга кўпайди¹. Бу йиллар ичида меҳнатга лаёқатли аҳолининг салмоғи ортди. Бошқача қилиб айтганда, мазкур иқтисодий фаол аҳолининг сони шу даврда умумий аҳоли сонига нисбатан тезроқ кўпайди. Шунга кўра, ўсмирлар ва нафақадорлар сони камайган. Буни қуйидаги жадвалдан яққол кўриш мумкин (фоиз ҳисобида)²:

	1970	1979	1987
Меҳнатга лаёқатли бўлмаган ёшдаги аҳоли	47,1	43,7	42,8
Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли	42,2	47,7	49,0
Катта ёшдагилар	10,7	8,6	8,2
Жами:	100	100	100

Жадвалда кўрсатилганидек, ўсмир ва нафақадорлар сони бир оз камайган бўлишига қарамадан, республика аҳолисининг анчагина қисмини ўз тирикчилик воситасига эга бўлмаган 15—17 ёшдаги ўсмирлар ташкил этишини ҳисобга олиб айтиш мумкинки, улар кам таъминланган нафақадорлар билан бирга Ўзбекистонда ижтимоий муаммоларнинг мураккаблашувини жиддий равишда белгилаб берувчи омиллардир, улар давлат томонидан махсус ижтимоий ҳимояга айниқса муҳтождирлар. 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар сони жиҳатидан Ўзбекистон бошқа республикалардан анча юқори ўринда туради.

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г., 14-бет.

² Население СССР, 1987. М., 1988, 60—62-бетлар.

Ўз-ўзидан маълумки, демографик вазият шаҳар ва қишлоқларда бир хилда эмас. Шаҳарларда, масалан, туғилиш кўрсаткичи қишлоқлардагига қараганда бир оз паст бўлиб, аҳолининг миграцион ҳаракати эса юқори. Шу сабабларга кўра, шаҳарларда болалар салмоғи сезиларли даражада камроқ. Чунончи, Тошкент шаҳрида 9 ёшгача бўлган болалар умумий аҳолининг 20 фоизини ташкил этарди. Ваҳоланки, республика аҳолиси таркибида улар 29 фоиздан ортиқ эди¹.

Ўзбекистонда аҳолининг нисбатан тез ўсиши, биринчи навбатда, туғилиш даражасига боғлиқ. Республикада туғилиш даражасининг юқорилиги, шу боисдан болалар ва ўсмирлар сонининг кўплиги, айти пайтда меҳнатга лаёқатли кишилар сонининг умумий аҳоли таркибидаги ҳиссасининг камлигига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, меҳнатга лаёқатли ва лаёқатсиз аҳоли нисбатига, яшаш даражасининг шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Чунки ижтимоий меҳнатда банд бўлганлар сони ёшлар ва нафақадорларнинг умумий сонидан анча паст эди. Шу боис Ўзбекистонда кескин ва зиддиятли демографик вазият вужудга келди. Бу ҳолат, аввало, фаол демографик сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб этади. Бу сиёсат аҳолининг ўсиш суръатлари юқори бўлган жойларга марказлашган маблағ ва ресурсларни тақсимлаш ҳамда қайта тақсимлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш, меҳнатга яроқли аҳолини ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилишни яхшилаш, шу мақсадда уларни тармоқ, ҳудуд, корхоналар ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, ўрта ҳамда майда корхоналарни кўпайтириш, аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш, болаларга бериладиган нафақаларни ошириш, туғиш ва ҳомиладорлик отпускарлари муддатини узайтириш, оилани мустаҳкамлаш, иш жойларидаги маънавий муҳитни яхшилаш каби йўллар билан амалга оширилади.

Ўзбекистон туғилиш даражаси ва аҳолининг табиий ўсиши юқори бўлган мамлакатлар жумласига киради. Республикада аҳоли сонининг ўсиш суръати жиҳатдан Тожикистондан кейин мамлакатда иккинчи ўринда турар эди. Туғилиш даражаси ва аҳолининг табиий ўсиши жиҳатдан ўртача иттифоқ даражасидан 2 барабар юқори эди. 70—80-йиллар мобайнида республика аҳолиси ҳар

¹ Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари, 12-бет.

йили ўрта ҳисобда 3,0 фоиздан кўпайиб борди¹. Республикада ҳар йили қарийб 300 минг киши меҳнатга қобилиятли ёшга етарди². Бу йилларда маҳаллий меҳнат ресурслари ортиб борар, лекин миллий ишчи кадрлар тайёрланмас эди.

Ўзбекистонда 1970 йили ҳар 1000 кишига нисбатан туғилган болалар сони 33,6 фоизни, 1980 йилда — 33,8, 1986 йилда эса 37,8 фоизни ташкил этган бўлса³, Иттифоқда ўртача ҳисобда бу 17,4, 18,3 ва 20,0 фоизни ташкил этган⁴. Туғилиш, айниқса, республикамиз қишлоқ жойларида юқори бўлди, бу аҳолининг этник таркиби билан боғлиқдир. Қишлоқларда кўп болалик анъанасини сақлаб қолган маҳаллий аҳоли салмоғи 92,6 фоизни ташкил этар эди⁵.

Кўриниб турибдики, 1980—1986 йилларда туғилиш кўрсаткичлари Бутуниттифоқда бўлган сингари Ўзбекистонда ҳам олдинги йилларга нисбатан бир оз кўтарилган. Бу кўтарилиш матбуот саҳифаларида жуда кўп тортишув ва баҳсларга сабаб бўлди.

Бошқа халқлардан фарқли ўлароқ, мусулмон халқлари, жумладан, ўзбеклар эътиқод қиладиган ислом дини ҳам, асрлардан бери шаклланиб келган миллий урф-одатлар ҳам кўп болаликни қўллаб-қувватлайди. Халқимизнинг никоҳни муқаддас ҳисоблаши ва оила қуриб, фарзанд кўришга интилиши ўзбек оилаларида туғилишнинг юқори даражада сақланиб қолишига олиб келувчи омиллардандир.

Умуман олганда. Ўзбекистон аҳолисининг ўсиши, миллий таркибидаги ўзгаришларни таҳлил қилар эканмиз, шунини хулоса қилиб айтиш мумкинки, узоқ йиллар Шўролар Иттифоқи марказининг ҳукмронлиги ва тазйиқи остида яшаб келган республикамиз аҳолисининг ўсиши ва миллий таркибида жуда катта ўзгаришлар содир бўлди. Бу ўзгаришлар нафақат иттифоқдош республикаларнинг, балки Осиё ва Европадаги кўпгина мамлакатларнинг миллат ва элатлари вакиллари ҳисобига ҳам бойиди.

Иқтисодий, сиёсий, экологик, демографик ва бошқа соҳалардаги қийинчиликларга қарамасдан, Ўзбекистон

¹ Зиёдуллаев С. К. Ўзбекистон экномикасининг регионал проблемалари, 25-бет.

² Ўзбекистон Республикаси: қисқача маълумотнома, 20-бет.

³ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году, 204-бет.

⁴ Камилова Ф. К. Демографический потенциал Узбекистана. Ташкент, «Узбекистан», 1991, 57-бет.

⁵ Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари. 31-бет.

ҳукумати ўз ҳудудида яшовчи барча миллат ва элатларга тенг сиёсий ҳуқуқларни ва ижтимоий-иқтисодий, маданий ривожланишда барча имкониятларни яратиб келди ва келмоқда. Шу билан бирга ўнлаб миллатлар ва элатларнинг маданияти ўзбек халқининг урф-одатлари, анъаналари ва турмуш тарзи билан ўзаро алоқада янада бойиб, ривожланиб бормоқда.

АҲОЛИ МИГРАЦИЯСИ ВА УНИНГ МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР РИВОЖИГА ТАЪСИРИ

Жамиятимизда кейинги йилларда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги қатор ўзгаришлар кўпгина амалий ва назарий муаммоларни, шу жумладан, самарали аҳоли миграцияси сиёсатини илмий асосда ишлаб чиқиш масаласини ижобий ҳал этишнинг нақадар муҳим ва долзарб эканлигини кўрсатиб турибди.

Миграция мамлакат минтақалари, республикалар, шаҳар ва қишлоқ ўртасида меҳнат ресурсларини қайта тақсимлаш ҳамда аҳоли сони, таркиби ва жойлашуви ўзгаришининг асосий омилларидан биридир. Республикалар кўп миллатлилигининг ортиб боришига ҳам аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриши, яъни миграция жараёни катта таъсир кўрсатади. Шу билан бирга билвосита демографик жараёнларга ҳам таъсир қилади. Чунки мигрантлар таркиби ёш, жинс ва бошқа жиҳатлардан мазкур ҳудуд аҳолиси таркибидан фарқ қилиши мумкин.

Республикамизда 70-йиллар ва 80-йиллар ўрталаригача бўлган даврда миграция жараёни янги шаҳарлар бунёд этилиши, завод ва фабрикалар қурилиши ҳамда уларни малакали ишчи кадрлар билан таъминлаш мақсадида СССРнинг марказий районларидан кишиларни кўплаб кўчириб келтириш ҳисобига бўлди. Шу билан бир вақтда республикамиздан ҳам марказий районлар ва шаҳарлардаги ўқув юртларида ўқиш, Ноқоратупроқ зонани ўзлаштириш, Сибирь ва Узоқ Шарқдаги қурилишларда иштирок этиш учун кўплаб ёшлар юборилди. Табиийки, бундай жараён бошқа минтақаларда ҳам мавжуд эди. Қишлоқ аҳолиси ҳисобига шаҳарларда яшовчи аҳолининг тўхтовсиз ўсиб бориш тенденцияси давом этди. Қишлоқларда яшаш шароитининг шаҳарга нисбатан ноқулайлиги, ишсизлик, иқтисодий, ижтимоий, маданий

жиҳатлардан қониқтира олмаслиги ёшларнинг шаҳарларга кетиб қолишларига сабаб бўлмоқда эди. Агар 1970 йилда шаҳар аҳолиси 4 322 минг кишидан иборат бўлиб, бутун республика аҳолисининг 36,6 фоизини ташкил этган бўлса, 1986 йилда эса 7 463 мингга етди ва бутун аҳолининг 40,5 фоизини ташкил этди¹.

Миграция жараёнига тарихий ва миллий анъаналар ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, Ўрта Осиё халқларига нисбатан мамлакат Европа қисмидаги республикалар халқларида миграцияга мойиллик анча кучли бўлиб, бунинг оқибатида у ерлик халқларнинг кўпи ўз юртларини ташлаб, бошқа ерларга, жумладан Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонга кўплаб кўчиб келдилар. Бунга иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг кескин оғирлашганлиги ҳам сабаб бўлди. Натижада Россиядаги қатор қишлоқларнинг аҳолиси ўз истиқомат жойларини ташлаб, шаҳарларга кетиб қолдилар, қишлоқлар бўшаб қолди.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласи мушкул муаммолардан бўлиб турган бир шароитда қишлоқлардан аҳолининг кетиб қолиши туфайли кўплаб хонадонлар эгасиз қолди. 1987 йил маълумотларига қараганда, собиқ Иттифоқда ана шундай эгасиз қолган уй-жойларнинг сони 900 мингга етган, уларнинг умумий майдони эса 83 млн. квадрат метрни ташкил этди. Мамлакатнинг марказий минтақаларида рўй берган ана шундай кўнгилсизликлар хусусида юқори минбарлардан туриб анча ташвиш билан гапирилди. Жумладан, миграция жараёнлари қишлоқнинг ижтимоий ривожланишидаги қолоқликни кучайтирганлиги, кўпгина ҳудудларда бу борадаги аҳвол ниҳоятда кескинлашганлиги — одамлар ерни, қишлоқларни шафқатсизларча ташлаб чиқиб кетаётганликлари, ҳатто мамлакатнинг бир қанча вилоятларида қишлоқ аҳолисининг кўчиши жуда нозик нуқтага етиб қолганлиги катта ташвиш билан уқтириб ўтилди².

Миграция жараёнлари оқибатида собиқ Иттифоқ бўйича кейинги 20 йил мобайнида шаҳар аҳолисининг ҳиссаси 56,3 фоиздан 65,8 фоизга етди. Шунга мувофиқ равишда мамлакат умумий аҳолиси сонидан қишлоқ аҳолисининг ҳиссаси 43,7 фоиздан 34,2 фоизга камайди³. Миграция жараёнлари бу ерларда аҳоли зичлигининг камайишига катта таъсир кўрсатди. Айниқса, бу хилдаги зичлик иттифоқдош республикалар ичидаги асосий

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г., 14-бет.

² «Партия турмуши», 1989 йил, 5-сон, 2—7-бетлар.

³ Тўхисев Н. Ўзбекистон иқтисодиёти: саволлар ва жавоблар, 11-бет.

кўпчиликни ташкил этувчи русларда кўпроқ даражада камайиб кетди. 1979 йилда Россияда мамлакатдаги барча рус аҳолисининг 82,6 фоизи яшаган. Бу ҳол русларнинг анчагина қисми ўз республикасидан ташқарига — Украинага, Қозоғистонга, Ўзбекистонга ва бошқа республикаларга кўчиб кетганлиги натижасида юз бергандир¹. Қишлоқ аҳолиси кўплаб кетиб қолаётган вилоятлар қаторига Псков, Брянск, Калинин, Кострома, Курск, Орёл, Смоленск, Ярославль, Киров ва бошқа қатор вилоятларни кўрсатиш мумкин. Бу каби вилоятлардаги қишлоқлардан аҳолининг ана шу тарзда кетиб қолиши туфайли аҳоли сони кун сайин камайиб борди. 80-йиллар охириларигача бўлган 30 йил давомида бу вилоятлардаги аҳоли сони 2—2,5 баробар камайиб кетди. Бундай кўнгилсиз ҳодиса Россиядан бошқа республикаларда ҳам рўй берди. Украина, Белоруссия ва Болтиқбўйи республикалари ана шундай республикалар қаторига киради.

Статистик маълумотларга мувофиқ қиладиган бўлсак, 1974 йили ҳар 1000 киши ҳисобига қишлоқлардан шаҳарга кўчиб ўтиш собиқ Иттифоқ бўйича 17 кишини ташкил этган бўлса, Белоруссияда — 25, Молдавияда — 9, Грузияда — 6, Ўзбекистонда эса 4 кишини ташкил этган. Бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриш ўзбек халқига хос одат бўлмаганлигидан 1981 йили 1959 йилга нисбатан қишлоқ аҳолисининг салмоғи 81 фоизга ортган, айти шу давр ичида эса Россиянинг бир қатор вилоятларида, жумладан, Калинин вилоятида қишлоқ аҳолиси 49 фоизга, Кострома вилоятида эса 50 фоизга камайган².

Республикамызда 1970 йилнинг бошида 11 799 минг аҳоли яшаган бўлса, 1986 йилда эса аҳоли сони 18 423 минг кишидан ошиб кетди³. Бу ерда табиий ўсишдан ташқари миграциянинг ҳам маълум даражада роли бор, албатта. Айрим йилларда миграция умумий аҳоли сони-нинг 10 фоизгача ўсишини таъминлади⁴. Бу йилларда янги шаҳарларнинг вужудга келиши, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши Ўзбекистонга бошқа минта-

¹ Миллий муносабатларни ривожлантиришнинг, интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг долзарб муаммолари (Э. А. Баграмов, Ж. Г. Голатвин, Э. В. Тадевосян. Тошкент, «Ўзбекистон», 1989, 193-бет.

² НТР и интернациональные процессы в СССР. Отв.ред. О. И. Шкаратан. М., «Наука», 1987, 27-бет.

³ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г., 14-бет.

⁴ Абдурахманов К. Управление трудовым потенциалом региона. Ташкент, «Ўзбекистан», 1990, 55-бет.

қалардан аҳолининг кўплаб кўчиб келишига сабаб бўлди. Россия, Қозоғистон ва Ўрта Осиёнинг барча республикаларидан аҳолининг кўплаб кўчиб келиши кузатилди. Бу республикалардан келганлар миқдори умумий мигрантлар миқдорининг 85—87 фоизини ташкил этар эди¹. Шунингдек, Украина ва Белоруссиядан ҳам катта миграция оқими кузатилди.

Келганларнинг кўпчилиги вақтинчалик ишга таклиф этилганлар бўлиб, муддатлари тугагандан кейин ҳам улар ўз ватанларига қайтиб кетмасдан Ўзбекистонда қўним топдилар. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг янги ташкил топган бир қанча шаҳарлари — Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрэн, Навоий, Янгиер, Бекобод каби шаҳарларда туб аҳоли камчиликни ташкил қилиб, кўпчилиги собиқ Иттифоқнинг турли шаҳарларидан йўлланма билан келган кишилардир. Тошкент шаҳар аҳолиси ҳам ана шундайлар ҳисобига 1966 йилги зилзиладан кейин икки баробар ошиб кетди². Натижада 1986 йили Тошкент вилоятида ўзбеклар умумий аҳолининг 44 фоизини ташкил этди, холос³. Мана шундай тарзда миграция жараёнининг тез суръатлар билан сунъий равишда қилинганлиги ёмон оқибатларга олиб келиши, миллатлараро муносабатларга раҳна солиши ҳамда ижтимоий-иқтисодий тангликларни юзага келтириши мумкинлигининг гувоҳи бўлди.

70-йилларнинг ўрталарига қадар кучли миграция жараёни рўй берди. Бундай миграция жараёни 30—40-йилларда Ўрта Осиё республикалари учун зарур ва фойдали бўлган бўлса, 70—80-йилларда бу жараён ўзини ҳеч нарса билан оқламади.

Таниқли демограф олим В. Переведенцев, Россиянинг Сибирь ва Узоқ Шарқ районларидан Ўрта Осиёга меҳнат ресурслари кейинги йилларда кўплаб олиб келинганлигини таъкидлаб, бундан буён иш ўринларини фақат туб аҳоли ҳисобига тўлдириш, ташқи миграцияни тўхтатишни таклиф қилди. Бироқ бундай қилинмади. Аксинча, кўп ўтмай қишлоқлардан иш сўраб келган маҳаллий аҳоли малакасилиги, кўп болалилиги рўкач қилиниб, саноат корхоналарига ишга қабул қилинмайдиган бўлинди. Айни пайтда четдан келувчиларни уй-жой, озиқ-овқат билан таъминлаш биринчи галдаги

¹ *Максакова Л. П.* Миграция населения Узбекистана. Ташкент, «Узбекистан», 1986, 49—50-бетлар.

² *Тўхлиев Н.* Ўзбекистон иқтисодиёти: саволлар ва жавоблар, 12-бет.

³ *Бекметов Э.* Халқлар ҳамкорлиги ва иқтисодий алоқалар, 28-бет.

вазифага айланди. Улар учун махсус турар жой бинолари қурилди. Жумладан, 1971 йили Тошкент тўқимачилик комбинатига четдан келиб ишловчилар учун 2 та кўп қаватли турар жой биноси қурилиб, бу биноларга биринчи навбатда бошқа минтақалардан қисқа муддатга ишга таклиф этилган 250 нафар ишчи кўчиб кирди. Бу ишчилар Тошкент вилояти партия қўмитаси томонидан қилинган илтимосга кўра СССР Енгил саноат вазирлигидан бир йил муддатга юборилган эдилар. Бундай махсус турар жой бинолари 1981—1985 йилларда ҳам қурилди. Тошкент тўқимачилик комбинатига яқин жойда 1300 хонадонга мўлжалланган бу уй-жойларга йўлланма билан келган кўплаб кишилар жойлашдилар¹.

Шунингдек, 70-йилларда кўплаб йўлланма билан келган ишчилар Фарғона, Қўқон, Наманган, Андижон, Самарқанд шаҳарларидаги корхоналарга ўрнашдилар. Улар учун барча қулайликларга эга бўлган 4 570 ўринли умумий овқатланиш шохобчалари, 9 400 ўринли мактабгача тарбия муассасалари ва 207,4 минг кв. м майдонга уй-жой қуриб берилди.

1972 йили бошқа республикалардан Фарғона ва Қўқон пойафзал фабрикаларига кўплаб муҳандис техник ва мутахассис кадрлар ишга келдилар².

1976—1983 йилларда марказ шаҳарлари — Москва, Ленинград, Иваново ва бошқа тўқимачилик районлари Бухоро, Андижон, Наманган, Хоразм вилоятларига 3000 дан ортиқ ишчи кучи тайёрлаб бердилар³.

Республикамизга четдан ишчи кучларининг келтирилишига саноат корхоналарида малакали ишчиларнинг етишмаслиги сабаб қилиб кўрсатилди. Айни пайтда Россиянинг бир қанча вилоятларига, жумладан Иваново шаҳридаги саноат корхоналарига ишчи кучи етишмаслигидан Тошкент вилоятидан 400 та ёш ишчи юборилди⁴. Демак, у ерларда ҳам ишчи кучи танқис экан, бизнинг республикамизга минг-минглаб ишчи кучлари келтирилишида қандай мантиқ бор?

Республикамизда малакали ишчи кадрлар маҳаллий аҳоли ичидан тайёрланмасдан, четдан тайёр кадрлар келтиришни афзал деб билган маҳаллий мутасадди раҳбарлар улар учун барча шароит ва имкониятларни яратиб бердилар. Маҳаллий аҳоли эса бундай ҳуқуқ ва

¹ Никитина Л., Сакиев А., Файзуллаева А. Здесь наша судьба. Ташкент, «Узбекистан», 1984, 162-бет.

² УзР МДА, 737-жамгарма, 5-рўйхат, 722-иш, 47-варақ.

³ Никитина Л., Сакиев А., Файзуллаева А. Здесь наша судьба, 164-бет.

⁴ УзР ТВХА, 1-жамгарма, 245-рўйхат, 202-иш, 69-варақ.

имкониятлардан маҳрум қилинди. Ҳатто Фарғонадек азим шаҳарда сиёсий маданияти ғовлаб кетган бошлиқлар тазйиқида қишлоқдан келганлар, шаҳар атрофидаги маҳаллий кишиларни ишга олмаслик ҳақида махсус қарор қабул қилинди¹.

Фарғона вилоятида ташқи миграция жараёни бошқа вилоятлардагига қараганда анча жадал суръатларда бўлганлигининг сабаби ҳам ана шунда эди. Наманган вилоятида у ердагидан миграцияга мойиллиги кам маҳаллий аҳолининг 10 фоизга ортиқ бўлганлиги сабабли миграция жараёни 2—5 марта суут борди. Европа халқларига мансуб миллат вакиллари Фарғона вилоятида Наманган вилоятидагига нисбатан 4,7 марта ортиқ эди².

Фарғона водийсининг миграцион алоқалари мамлакатнинг барча минтақалари билан яхши эди. Жумладан, Қирғизистондан келганлар биз кўриб чиқаётган даврда Фарғона водийсидаги умумий миграция ҳажмининг 6,5 фоизини ташкил этар эди. Миграция жараёни 1971—1975 йилларда анча жадал суръатларда ўсди. Қирғизистондан келганлар салмоғи 1970 йилда 2 фоизни ташкил этган бўлса, 1987 йилга келиб бутун мигрантларнинг тўртдан уч қисмини ташкил этди, бу республика Фарғона водийси ҳамда республикамиз билан энг яқин миграцион алоқада бўлган тўртта республиканинг бири эди.

Фарғона водийсининг миграцион алоқалари Қозғистон ва Россия билан ҳам яхши йўлга қўйилган эди. Айниқса, Россиядан келувчилар кўпчиликни ташкил этар эди. Бу алоқалар 70-йиллар бошларидан яхши ривожланиб, 1986 йилга келиб барча миграцион аҳолининг 20 фоизини ташкил этди. 1970 йили Ўзбекистонга Россиядан келувчи ҳар 100 кишига Россияга кетувчи 78 киши тўғри келган. Бироқ 70-йилларнинг охирларидан бошлаб Ўзбекистонда аҳоли кўчиши жараёнида жиддий ўзгаришлар юз берди ва 1987 йилга келиб Россиядан келувчи ҳар 100 кишига Ўзбекистондан борувчи 138 киши тўғри келди. Бундан кўриниб турибдики, республикада аҳоли кўчиши сальдоси (қолдиғи) салбий хусусиятга эга бўлиб қолди³.

¹ Чориев А., Чориев С. Миллатлараро муносабатлар маданияти. Қарши, 1993, 43-бет; «Совет Ўзбекистони», 1989 йил 13 июнь.

² Статистические материалы. Вестник статистики, 1980, 9-сон, 32—35-бетлар.

³ Алиакберова Н. М., Гольдфарб Б. Я., Эргашев А. Размещение населения Ферганской долины (демографический аспект). Ташкент, «Фан», 1990, 49—50-бетлар.

80-йилларнинг ўрталаридаги тўрт йил мобайнида Ўзбекистондан 638 минг киши кўчиб кетган бўлса, 554 минг киши кўчиб келган¹. Республикалараро миграцияда асосан европалikka мансуб халқлар иштирок этар эди. Республикамиздан кетувчилар салмоғининг кўпайганлигига сабаб бу даврга келиб республикада ижтимоий-иқтисодий аҳвол оғирлаша бошлаганлиги, сиёсий вазиятнинг кескинлашганлиги ҳамда бунинг оқибатида миллатлараро муносабатларда муаммоларнинг зиддиятли тус олганлигидир.

Миграция жараёнларининг илдам ривожланиши натижасида республика аҳолисининг таркиби борган сари кўп миллатли бўлиб борди. Республикамизда ўзбеклар ва маҳаллий миллатлардан ташқари юздан ортиқ бошқа миллатлар истиқомат қилади. 1979 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати маълумотларига қараганда, 50 миллиондан кўпроқ киши, қарийб 20 фоиз бутун мамлакат аҳолисининг кўпчилиги бошқа миллатларга мансуб бўлган республикаларда яшаган. Масалан, русларнинг — 17,4 фоизи, украинларнинг 14, арманларнинг — 35, белорусларнинг — 20, ўзбекларнинг — 14 фоизи ўз миллий республикаларидан ташқарида яшайди². 15 та иттифоқдош республикадан 10 тасида республиканинг маҳаллий аҳолиси таркибига кирмайдиган миллатлар вакиллариининг салмоғи мазкур республикадаги аҳолининг тўртдан бир қисмидан зиёдроғи, Қозоғистонда — 64 фоизини, Қирғизистонда ва кўпчилик мухтор республикаларда — ярмидан кўпроғини ташкил этади. Масалан, Ўзбекистонда, 1979 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатига қараганда, аҳолининг 68,7 фоизини ташкил этувчи ўзбеклардан ташқари 31,1 фоизини ташкил этувчи бошқа халқлар, жумладан, қорақалпоқлар — 298 мингта (1,9 фоиз), руслар — 1 666 мингта (10,8 фоиз), татарлар — 649 мингта (4,2 фоиз), қозоқлар — 620 мингта (4,0 фоиз), тожиклар — 594 мингта (3,9 фоиз), корейслар — 163 мингта (1,1 фоиз), қирғизлар — 142 мингта (0,9 фоиз) ҳамда бошқа миллатлар вакиллари яшаган³. Республикада барча тожикларнинг 20 фоизидан кўпроғи, корейсларнинг салкам 40 фоизи, қозоқларнинг қарийб 10 фоизи, татарларнинг 10 фоиздан

¹ «Правда Востока», 1989 йил 13 декабрь.

² «Ўзбекистон коммунисти», 1988, 11-сон, 47-бет.

³ Численность и состав населения СССР. По данным Всесоюзной переписи населения 1979 г. М.: «Финансы и статистика», 1984, 110-бет.

ортиги, шу жумладан, қрим татарларнинг асосий қисми истиқомат қилар эди.

Собиқ Иттифоқ ичида кўп миллатлиликни аҳолининг табиий-тарихий миграцион ҳисобига эмас, балки сунъий миграция ҳисобига ўстириш мақбул деб кўрсатиб келинди ва «миграция оқимларини ўзгартириш, яъни аҳолининг ўзлаштирилаётган ва ишчи кучининг камлиги кескин сезилиб турган шарқий районларга кўчиб боришини кўпайтиришга эришиш вазифаси»¹ қўйилди.

Бунинг устига, матбуот саҳифаларида ўзбеклар индустриал соҳада ишлашни хоҳламайдилар, айниқса йирик саноат корхоналарида меҳнат қила олмайдилар, бунга малакалари етишмайди, деган маломатлар ёғилиб турди. Бундай сафсаталар ҳам ўша мустамлакачилик сиёсати ижодкорларининг ҳийла-найрангларидан бири эди. Ушбу макр-ҳийлалар остида мустамлакачиларнинг Ўрта Осиё республикаларида «рушлаштириш» сиёсатини амалга ошириши ётарди. Маълумки, «кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш» шиори остида Марказий Россиядан миллионлаб аҳоли Қозоғистон яйловларига кўчирилди. Саноатлаштириш баҳонаси билан ҳақиқий рус деҳқони ишчи қиёфасига киргизилиб, Ўрта Осиё шаҳрларига жўнатилди. Бу ердаги саноат корхоналарида ишчилар сафи асосан кўчиб келганлар ҳисобига узлуксиз тўлдирилиб борилди. Маҳаллий миллат кишилари эса турли баҳоналар билан саноат корхоналарига қабул қилинмади. Бошқача айтганда, ана шундай айёрликлар билан маҳаллий миллат кишиларидан малакали саноат ишчилари шакллантирилмади. Империя маҳкамаларининг бундай моjarолари оқибатида, бир томондан, Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистонда маҳаллий миллат кишиларидан малакали ишчилар тайёрланмаган бўлса, иккинчи томондан, поёнсиз ҳосилдор рус ерлари ташландиқ ҳолга келиб қолди. Кўриниб турибдики, «рушлаштириш» сиёсатидан Ўрта Осиё халқлари ҳам, рус халқи ҳам катта зарар кўрди².

Аҳолининг кўчиб юришига оид 70-йиллар биринчи ярмидаги барча маълумотлар миграциянинг бир томонламалигидан, аҳолининг асосан Ўрта Осиё республикаларига, жумладан, Ўзбекистонга кўчиб келганлигидан далолат беради.

¹ Миллий муносабатларни ривожлантиришнинг, интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг долзарб муаммолари, 194-бет.

² Чориев А., Чориев С. Миллатлараро муносабатлар маланияти. Қарши, 1993, 44-бет.

Аҳолининг бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга кўчиб ўтиш тенденцияси табиий жараён бўлиб, Ўзбекистонда бу соҳада ҳеч қандай мажбуриятлик ёки сунъийлик ҳолатлари кузатилгани йўқ. Афсуски, 80-йилларнинг ўрталари — 90-йилларнинг бошларида мустамлакачилик, империяга хос кайфиятда бўлган баъзи бир газета, радио, телевидениенинг сиёсий найрангбозлари Ўрта Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда «рус тилида гаплашувчи аҳолига» турли тазйиқлар ўтқазилаётир, шунинг учун ҳам улар Ўрта Осиё, айниқса Ўзбекистондан кўчиб кетаётирлар, деб жар сола бошладилар. Масалан, бундай бўҳтонларни «Труд» ва «Комсомольская правда» газеталари босиб чиқарди. Бундай машмашалар мустамлакачилик сиёсати қонига сингиб кетган кишиларнинг сафсатаси эканлиги жаҳондаги барча илғор фикр юритувчи кишиларга маълум эди. Чунки узоқ йиллар Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон аҳолиси таркибининг турли миллатлардан иборат эканлиги Шўролар империясига мустамлакачилик сиёсатини амалга ошириш учун реал имконият яратган эди. Чунончи, империя маҳкамалари, бир томондан, гўё бу ерда яшовчи миллатларга ўз тақдирини ўзи белгилаши учун имкониятларни яратиб берди. Бошқача айтганда, империя маҳкамалари миллатларни ўз тақдирини ўзи белгилаш принципи ва қоидаларига риоя қилаётгандек бўлди. Иккинчи томондан эса «бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» принципида иш кўриб, империянинг ҳукмронлигини ҳар томонлама таъминладилар. «Рус тилида гаплашувчи аҳоли» ҳақидаги ғамхўрликлар остида Шўролар империясининг мустамлакачилик сиёсатини ниқоблаш ётганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас.

Ўрта Осиё халқларида, шу жумладан, ўзбекларда киндик қони тўкилган жойга меҳр кучли, узоқ манзилларга кўчиб юришга — миграцияга мойиллик анча сустдир. Бу ҳолат умуман Ўрта Осиё халқларининг анъанавий хусусиятларига мос тушади. Буни 1979 йилда ўтказилган Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати натижаларидан ҳам кўриш мумкин.

Туғилган жойида муқим яшаб келаётган аҳоли салмоғи Ўзбекистонда 77,7 фоизни ташкил этган бўлса, мамлакат бўйича — 52,8, Россияда — 46,1, Қозоғистонда — 49,0, Литвада — 44,5, Латвияда — 39,6, Эстонияда — 37,7 фоизга тенг бўлган¹. Мана шундан ҳам мам-

¹ Численность и состав населения СССР. По данным Всесоюзной переписи населения 1979 года, 360—363-бетлар.

лакат ҳудудида истиқомат қилиб турган жами (12 455 978 нафар) ўзбекларнинг 10 569 007 нафари ёки 84,85 фоизи Ўзбекистон ҳудудида яшаганликларини, республика аҳолисининг 68,7 фоизини эгаллаб турган ўзбеклар ўзларининг туғилган жойларида ўтроқ эканликларини билан бошқалардан кўра кўпроқ фарқ қилишларини кўриш мумкин. Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси миграцион ҳаракатининг пастлиги, уларнинг шаҳарларга кўчиб келиши камроқ бўлганлиги натижасида 1970 йилдан 1986 йилгача республикамизда шаҳар аҳолисининг ҳиссаси атиги 3,9 фоизга ўсди². Албатта, республикамиздаги қишлоқ аҳолиси табиий ўсиш суръатларининг юқорилиги ҳам бу жараёнга таъсир қилди, шундай бўлса-да, шаҳар аҳолиси кўчиб келувчилар ҳисобидан ҳам кўпаймоқда эди.

Ўзбекистон қишлоқ жойларининг ўзига хос регионал ижтимоий-демографик тараққиёти маҳаллий аҳолининг ҳудудий ва ижтимоий ҳаракатчанлиги муаммосини янада чуқурлаштирди. Чунки республикамиз миграцион ҳаракатининг пастлиги, ижтимоий жиҳатдан аҳоли таркибининг сустр ўзгариб бориши аҳоли зич яшайдиган воҳаларда янада аҳоли зичлигининг ошишига, шу жумладан, ортиқча меҳнат ресурсларининг кўпайишига сабаб бўладиган омиллардан биридир. Шу муносабат билан маҳаллий аҳолининг паст даражадаги миграцион ҳаракати натижасида Ўзбекистонда ҳақиқатан ҳам демографик жараён мушкул аҳволга тушиб қолди. Бошқа минтақалардан аҳолининг кўплаб кўчиб келиши эса маҳаллий аҳолини ишга жалб қилишда кўпгина қўшимча қийинчиликлар туғдирди.

Ўзбекистон қишлоқ аҳолисининг паст даражада ҳудудий ҳаракат қилишида аҳолининг асосан воҳаларда жойлашганлиги; унинг оддий қишлоқ хўжалик меҳнат турларини афзал кўриши; анъанавий равишда туғилган жойига боғлиқлиги, қариндош-уруғчилик алоқалари, шунингдек, катта оилалар кўчишидаги қийинчилик ва бошқа омиллар асосий сабаблар бўлганлигини кўриш мумкин. Миграция ҳаракатининг пастлиги республикамиз ижтимоий-демографик ривожланишининг ўзига хос хусусияти бўлиб, аҳолини иш билан таъминлаш даражасига, оиланинг катта-кичиклигига, аҳоли жойлашиши, шакли ва хусусиятига, аҳоли мигрантларининг йўналиши, кўлами ва жадаллигига таъсир қилиб келди.

² Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г., 14-бет.

Марказлашган маъмурий-бўйруқбозлик тизими даврида маъмурий-ташкилий чора ва тадбирларнинг такомиллашмаганлиги натижасида меҳнатга лаёқатли аҳоли ижтимоий меҳнатга жалб этилмади, уларнинг салмоғи уйда ва ёрдамчи хўжаликда кўпайиб борди. Шунингдек, қишлоқ жойларда туғилиш ва табиий кўпайишнинг юқори суръатда эканлиги ҳамда миграция ҳаракатининг пастлиги натижасида аҳоли зич яшайдиган туманларда меҳнат ресурслари йилдан-йилга кўпайиб борди, бунинг натижасида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, миллатлараро муносабатлар анча мураккаблашди. Бунинг асосий сабаби партия ва ҳукуматнинг қишлоқ турмушини яхшилаш, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш тўғрисидаги қарорлари кўпчилигининг қоғозларда қолиб кетганлиги, кўрилган чоралар эса бир-бирига боғланмасдан, пала-партиш ва тўлиқ бажарилмай келинганлиги ҳамда қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш соҳаларини режалаштириш демографик жараёнлар тараққиётини аҳоли эҳтиёжи ва талабини ҳисобга олмаган ҳолда асосий эътибор фақатгина қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ишига қаратилганлигидир.

Қишлоқнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига бўлган бундай муносабат республикамизда демографик жараёнларни тобора мураккаблаштирди. Қишлоқ аҳолисининг ҳудудий ҳаракати жуда паст ҳолда сақланиб қолди. Буни қуйидаги жадвалдан ҳам кўриш мумкин (яқунга нисбатан фоиз ҳисобида)¹.

Миграцион оқимлар	Йиллар			
	1974	1979	1982	1983
шаҳар-шаҳар	40,8	37,5	36,6	34,1
қишлоқ-шаҳар	31,0	31,4	31,5	33,1
шаҳар-қишлоқ	19,3	18,6	19,3	20,0
қишлоқ-қишлоқ	8,4	11,1	11,1	11,8
номаълум	0,5	1,4	0,6	1,0
Жами	100	100	100	100

Келтирилган маълумотлар шундан далолат берадики, республикамизда шаҳарлараро миграция алоқалари анча пасайиб борган. Қишлоқдан-қишлоққа ёки қишлоқдан шаҳарга бўлган аҳоли миграцияси самарадорли-

¹ Максакова Л. П. Миграция населения Узбекистана, 36-бет.

ги ҳам бошқа республикалар кўрсаткичига солиштириганда аҳамиятсиз даражададир. Масалан, 70-йиллар маълумотларига қараганда ҳар бир минг қишлоқ аҳолисидан 4 кишигина миграцияда иштирок этган бўлса, Россия, Белоруссия ва Литвада эса бу кўрсаткич 25 кишига тенг бўлган¹. 80-йилларга келиб, Ўзбекистон қишлоқларида ҳам миграция жараёни бир оз кўтарилган ва 1983 йилда ҳар бир минг қишлоқ аҳолисидан 9 киши шаҳарга кўчиб келган бўлишига қарамасдан, барибир бу кўрсаткич мамлакат ўртача кўрсаткичидан 4 марта паст эди. Ваҳоланки, бу кўрсаткич Белоруссияда — 37, Латвияда — 41, Россияда эса — 45 га тенг бўлган².

Демограф олимлардан М. К. Қорахонов, Л. П. Максаква ҳамда И. Р. Муллажоновлар Ўрта Осиё халқлари, жумладан ўзбекларда миграция жараёнининг сустилиги, унинг сабаблари хусусида ўзларининг илмий-тадқиқот ишларида батафсил тўхталганлар. Жумладан, М. Қорахоновнинг фикрича, миграция жараёнига тарихий жиҳатдан анъанавий боғлиқлик, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш хусусияти, географик жойлашиш, умумий маданий даражаси, миллий урф-одатлар каби омиллар таъсир этади.

Бирмунча ривожланган мамлакатлар тажрибаси шунини кўрсатадики, аҳолининг ҳудудий ва ижтимоий ҳаракатчанлиги (ҳажми, йўналиши ва самарадорлиги) турли ижтимоий-иқтисодий омилларга боғлиқ бўлиб, sanoat ишлаб чиқариш тармоқлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан қанча юқори бўлса, яъни урбанизация даражаси қанча юқори бўлса, хизмат кўрсатиш тармоқлари шаҳар ва қишлоқ жойларда шунча тез ривожланиб боради.

Бу жараён фақат шаҳар ва шаҳар аҳолисининг ошиб бориши билан эмас, балки қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалигидан бошқа соҳаларнинг, биринчи навбатда, ижтимоий соҳа тармоқларининг тўпланиши ва қишлоққа шаҳар қиёфасининг кириб бориши билан ҳам изоҳланади. Мана шу жиҳатдан олиб қараганда, Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси миграцион ҳаракатининг пастлиги республикамиз ҳудудида урбанизация жараёнининг мукамал тараққий этмаганлигидадир, дейиш мумкин. Буни 1979 йилдаги бутун мамлакатда ва Ўзбекистонда

¹ Социологические исследования, 1983, 1-сон, 56-бет.

² Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари, 58-бет.

туғилмаган жойида доимий яшаётган аҳоли тўғрисидаги маълумотлардан ҳам кўриш мумкин¹.

Аҳоли	Жами	Шу жумладан				
		2 йилдан кам	2—5 йил	6—9 йил	10—14 йил	15—19 йил
Бутун СССРда:						
Шаҳарлик ва қишлоқлик	47,1	15,3	18,2	13,0	11,5	10,5
Шаҳарлик	56,5	15,4	17,7	12,9	11,6	10,8
Қишлоқлик	31,8	19,0	19,6	13,4	11,0	9,7
Ўзбекистон Республикаси:						
Шаҳарлик	37,4	20,8	20,1	13,8	12,8	9,6
Шаҳарлик ва қишлоқлик	22,3	20,8	20,9	14,2	12,4	9,3
Қишлоқлик	11,8	20,9	22,7	15,2	11,4	8,6

Юқоридаги жадвалдан республикамизда, айниқса қишлоқ жойларда туғилмаган жойида яшаётган аҳоли сони иттифоқ ўртача даражасидан анча камлигини кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда энг муҳим демографик муаммо бўлган қишлоқ аҳолисининг миграцион ҳаракатчанлигини ошириш йўллариини излаш кўндаланг бўлиб турар эди. Шундай йўллардан бири тебранма миграция, яъни асосан қишлоқ билан шаҳар ўртасида бўлиб турадиган кундалик аҳоли миграцияси жараёнидир. Бундай жараён ёрдамида республикамизда халқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ишчи кучи, айниқса миллий кадр етишмайдиган шаҳарлар қўшимча меҳнат ресурсларини яқин атрофдаги ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган қишлоқлардан яшаш жойини ўзгартирмасдан олиш имкониятига эга бўлди. Миграция жараёни туфайли шаҳар ва қишлоқдаги ишчи кучларидан тўла ва оқилона фойдаланиш имконияти туғилди.

Тебранма миграция ёрдамида саноат корхоналари зарур ишчи кучлари билан таъминлаш ёки ишчи кучининг етишмаслигини бир оз бўлса-да енгиллаштириш имкониятига қўшимча капитал маблағ сарф қилмай эришиши мумкин эди. Бу жараённинг яна бир қулайлик томони республика аҳолисига, айниқса қишлоқ аҳолисига хос бўлмаган бир жойдан иккинчи жойга

¹ Численность и состав населения СССР. По данным Всесоюзной переписи населения 1979 года, 360—361-бетлар.

кўчиб юриш бир оз ўзгаришига олиб келганлигидир. Шунинг учун ҳам бу миграция Ўзбекистонда кенг тарқалиб, ўз самарасини кўрсатди. 1976—1980 йиллар ичида бу жараёнда қатнашувчилар сони 6,2 марта ўсди, бу ўртача иттифоқ даражасидан 3 марта юқоридир. Шу билан бирга миграцияда қатнашган қишлоқ аҳолисининг умумий маданий даражаси ва билим савияси ҳам бир оз ўсганлигини кўриш мумкин.

1974 йилда Ўзбекистоннинг 30 та шахридаги 98 та саноат корхонасида тебранма миграция жараёнининг бориш хусусида ўтказилган текширишлардан маълум бўлишича, бу жараёнда асосан маҳаллий миллат кишилари иштирок этган. Бу жараён қатнашчиларининг асосий қисми — 78,5 фоизини ўзбеклар, шу жумладан, ўзбек аёллари — 81,2 фоизни ва эркаклар — 74,3 фоизни ташкил этган. Маҳаллий мигрант аёллар ичида ёшлар кўпчилиги (72,5 фоиз)ни, кўп болали аёллар 36 фоизни эгаллаганликларидан ҳам хулоса қилиб айтиш мумкин-ки, бундай миграция маҳаллий аҳолини иш билан таъминлашда, уларнинг ижтимоий фаолиятини оширишда жуда муҳим аҳамият касб этади¹.

Кундалик миграция жараёни айниқса Тошкент шахри учун катта роль ўйнайди. Бу ерда жойлашган қатор саноат корхоналари, ташкилот ва муассасаларда ишлаш учун ҳар куни атрофдаги қишлоқлардан минглаб одамлар келиб кетади. Чунончи, кўп йиллардан бери Тошкент тўқимачилик комбинатига ортиқча меҳнат ресурслари мавжуд бўлган яқин қишлоқлардан 500 га яқин ўзбек аёллари ишга жалб этилган. Тошкентдаги «Учқун» тўқимачилик-галантерия бирлашмасида ишлаётганларнинг 36 фоизи ҳам, «Миконд» заводининг 700 га яқин ишчиси ҳам, Тошкент трактор заводида ишлаётганларнинг кўпчилиги ҳам ана шундай қатнаб ишлайдиган кишилاردир². Тебранма миграциядан фойдаланиш самарадорлигини кўрсатадиган бундай мисолларни республиканинг бошқа бир қатор йирик шаҳарларидан ҳам кўплаб келтириш мумкин. Масалан, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида ишлаётганларнинг 26,3 фоизи, шойи йигирув фабрикасидагиларнинг — 37,4 фоизи ва Фарғона химиявий толалар заводидаги-

¹ *Ата-Мирзаев О. Б.* Региональное прогнозирование расселения и управления процессом урбанизации, 54—58-бетлар.

² *Шустер Г.* Ўзбекистон кўп миллатли ишчилар синфининг шаклланиши ва ривожланиши. «Ўзбекистон коммунисти», 1985, 10-сон, 39-бет.

ларнинг 60 фоизини тебранма миграция қатнашувчилари ташкил этади¹.

Шундай қилиб, қишлоқ аҳолиси тебранма миграция жараёни ёрдамида бевосита шаҳар ҳаёти билан яқиндан боғланади ва урбанизация жараёни кучайиб бораётган бир шароитда жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин тутади. 1985 йилги маълумотларга қараганда, Нукус шаҳрида аҳолининг — 8 фоизи, Когонда — 21,5, Андижонда — 10,5, Жиззахда — 17,2, Қаршида — 15,4, Наманганда — 20,5, Самарқандда — 25,6, Гулистонда — 27,2, Фарғонада — 18,4, Марғилонда — 18, Урганчда — 12,4 фоизи тебранма меҳнаткаш мигрантлардир². Бундай кейинги даврларда ҳам миграциянинг бундай самарали усулидан унумли фойдаланилди.

Маҳаллий аҳолининг тез суръатлар билан табиий ўсиши ва унинг миграцион ҳаракатчанлиги паст эканлиги шароитида маҳаллий миллат кишиларини, жумладан ўзбекларни индустриал соҳага жалб этишнинг мазкур шакли ўзининг самарадорлигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам қишлоқ аҳлини иш билан банд қилишга, уларнинг маданиятини оширишга, шаҳар билан қишлоқнинг ўзаро муносабатларини яхшилашга ёрдам берадиган аҳоли кўчишининг бундай усули республиканинг барча жойларида ҳам пухта ўрганилиши зарурлигини кейинги йиллардаги демографик вазият тақозо этар эди.

Афсуски, қишлоқ хўжалигининг ҳозирги тараққиёт даражаси замон талабларига мутлақо жавоб бермайди. Бундай аҳволни яхшилаш йўлларида бири маҳаллий халқ учун яқин бўлган кичик шаҳарлар ва бу шаҳарларда бунёд этиладиган кичик корхоналарни ташкил этишдан, саноат корхоналарини имкони борича қишлоққа яқинлаштиришдан иборатдир. Бироқ, республиканинг барча жойида ва турли тармоқларида бунга етарли эътибор берилмади. Бунинг ўрнига четдан кўпроқ кадр келтиришга аҳамият берилди, турли йўлланмалар, чақириқлар ва таклифлар билан улар республикамиз саноат корхоналарига жалб этилди. Ишга таклиф этилганлар асосан катта шаҳарлардаги йирик корхоналарга ўрнашдилар. Чунки республикамиздаги кичик ва

¹ *Ата-Мирзаев О. Б.* Региональное прогнозирование расселения и управления процессом урбанизации, 55-бст.

² *Муллоджанов И.* Население Узбекской ССР, 53—54-бетлар.

ўрта шаҳарларнинг кўпчилигида ижтимоий тараққиёт паст даражада бўлиб, бундай шаҳарларда уй-жой, умумий овқатланиш, мактабгача ёшдаги болалар ташкилотлари, тиббиёт муассасаларининг аҳволи айниқса оғир эди. Шунинг учун ҳам четдан келганларнинг кўпчилиги иложи борица барча шароит ва имкониятларга эга бўлган катта шаҳарларга жойлашишга ҳаракат қилар эдилар.

Республикамиздаги барча шаҳарларнинг 80 фоизини кичик шаҳарлар ташкил этади, уларда республика шаҳар аҳолисининг қарийб 20 фоизи истиқомат қилади. Бундай шаҳарларнинг кўпчилигида бўш майдонлар, сув, меҳнат ҳамда хом ашё ресурслари етарли бўлиб, саноатни ривожлантириш учун бир қатор афзалликлар мавжуд бўлишига қарамай, саноат етарли даражада ривожланмаган. Чунончи, 80-йиллар ўрталарида саноатда машғул бўлган ходимларнинг 11,6, ялли саноат маҳсулотининг 28,1, асосий ишлаб чиқариш фондларининг 19,7 фоизи кичик шаҳарлар ҳиссасига тўғри келар эди¹.

Кўпчилик кичик ва ўрта шаҳарларда канализация, иситиш системаси, газ билан таъминлаш масалалари танг аҳволда бўлганлигидан, уларнинг кўпчилигида ичимлик суви ҳам етишмаганлигидан аҳоли ниҳоятда қийналмоқда эди. Бунинг устига ишлашни хоҳловчиларнинг ўз касблари ва хоҳишларига кўра иш топишлари ҳам мушкул эди. Мутахассис олимлар фикрича, кичик шаҳарларда 30 тадан 50 тагача касб-ҳунар мавжуд бўлиши керак экан². Аммо республикамининг кўпчилик кичик шаҳарларида бундай имконият йўқ эди. Кичик шаҳарларни ривожлантириш муаммосини ҳал этиш ана шу шаҳарларнинг комплекс ривожланишини, табиий, иқтисодий ва демографик омиллар мажмуасини, хом ашё базаси, ёқилги, энергетика ва меҳнат ресурсларини батафсил ҳисобга олишни назарда тутовчи ҳамда уларнинг резервларини аниқловчи илмий асосланган ҳолдаги ёндашувни талаб этади.

Республикамиздаги айрим кичик шаҳарларда аҳоли ҳамда меҳнат ресурсларининг кўпайишида миграция жараёни бениҳоят катта роль ўйнайди. Маълумки, ўзлаштирилиши лозим бўлган янги ерларда аҳоли кам бўлганлигидан бундай ерларни ўзлаштириш учун бошқа жойлардан аҳоли жалб этилишига тўғри келади. Маса-

¹ Зийдуллаев С. К. Ўзбекистон экономикасининг регионал проблемалари, 22-бет.

² Аҳмедов Э. А. Ўзбекистон шаҳарлари, 162-бет.

лан, Мирзачўл, Қарши ва Жиззах чўлларининг ўзлаштирилиши натижасида вужудга келган Янгиер, Гулистон, Зарафшон, Навоий, Муборак, Маржонбулоқ, Таллимаржон, Пахтакор каби қатор шаҳарларда аҳоли ва меҳнат ресурслари ташкил топишида миграция жараёни айниқса муҳим аҳамият касб этган. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, янги ерлар ўзлаштирила бошлаган дастлабки даврларда у ерларга бошқа жойлардан кўплаб аҳоли жалб этилди, аммо маълум вақт ўтиши билан табиий шароитларнинг оғирлиги ҳамда иқтисодий соҳа тармоқларининг заифлиги туфайли аҳолининг, айниқса ёшларнинг кетиб қолиш ҳоллари кўп учради.

Ўзбекистонда мутахассис кадрлар тайёрлаш учун кенг тармоқ отган ҳунар-техника билим юртлари ишлар эди. Юзлаб соҳа бўйича 1970 йилда 41,8 минг мутахассис тайёрланган бўлса, 1985 йилга келиб 166,1 мингдан ортиқ мутахассис тайёрланиб¹, халқ хўжалигининг турли соҳаларига юборилди. Бу ёшларнинг кўпчилиги ўқув юртларидан ишлаб чиқаришга келгач, индустриал меҳнат учун зарур оддий кўникма ва малакалари йўқлиги билан ажралиб қолар эдилар. Шу билан бир қаторда рус тилини дуруст билмаслик маҳаллий миллат ёшларининг ҳаётий манфаатларини рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилувчи ва уларнинг ижтимоий, шу жумладан профессионал ҳаракатчанлиги пастлигини, «қимирламай ўтиришга» мойиллигини изоҳловчи муҳим омиллардан биридир.

Равшанки, маҳаллий миллат, айниқса қишлоқ ёшларининг миграцион ҳаракатчанлигини тўсиб турувчи рус тилини яхши билмаслик республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларига тўсқинлик қилар эди. Шу билан бирга бу ёшлар ишлаб чиқариш корхоналарига келгач, асосий мавқени эгаллаб турган рус тилида муомала қилиш, иш ўрганишдан қийналганликлари учун кўп ҳолларда кетишга мажбур бўлдилар. Уларга етарли даражада эътибор, ғамхўрлик кўрсатиш ўрнига кўпгина корхоналар, бирлашмалар ва ҳатто вазирликлар четдан, бошқа минтақалардан иш кучини таклиф қилавердилар.

Аҳоли миграцияси жараёнининг бундай тарзда йўналтирилганлиги натижасида маҳаллий миллат вакиллари билан малакали ишчилар, мутахассислар тайёрлаш кўнгилдагидек миқёсда ва сезиларли суръатда ривож

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году, 212-бет.

тополмади. Аҳолини уй-жой, мактаб, боғча ва яслилар, умуман ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан тўла ва етарли даражада таъминлаш муаммога айланди. Ундан ташқари, бир неча ўн йиллар ичида вазирлик, маҳкама, идора ва ташкилотларда иш юритиш, муҳокама ва мунозаралар, кенгаш ва мажлислар миллатлараро алоқа воситаси деб аталмиш рус тилига кўчирилди, бу тилни билганларга бўлган муҳтожлик ўсиб бораверди. Оқибатда давлат, партия, жамоат ташкилотлари, муассаса ва корхоналар миллий жиҳатдан кўпинча маҳаллий аҳолидан йироқлашиб, узилиб қолди, уларнинг иззат-нафси, ғурури камситилди. Шундай қилиб, бундай вазият маҳаллий миллат вакилларидаги норозиликни кучайтирмаслигининг иложи йўқ эди.

Аҳолининг норозилиги марказлашган маъмурий-буйруқбозлик тизимига қарши, миллий муносабатлар, иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларда йиғилиб ётган масалаларни ҳал этмасдан, маҳаллий аҳолига, айниқса асосий қисми қишлоқда яшайдиган ўзбек халқини менсимасликдан иборат мустамлакачиликка асосланган раҳбарликка қарши қаратилган эди. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, раҳбар идоралар ва ташкилотлар узоқ йиллар давомида миллий масалага эътибор ва диққат билан қарамадилар, маҳаллий аҳоли эҳтиёжи ва манфаатларини назар-писанд қилмадилар.

Аҳоли миграцияси жараёнида миллий муносабатлар кескинлашмаслиги ва муаммолар келиб чиқмаслиги учун ижтимоий-иқтисодий масалалар ўз вақтида ҳал этилиши кераклиги, миллатлар ва элатларнинг турмуш тарзи, оилавий-маиший урф-одатлари, анъаналари ва миллий маданиятининг ҳисобга олиниши, уларнинг ҳуқуқларини оқилона ва ўз вақтида ҳал этиш лозимлиги — буларнинг ҳаммаси миллий муносабатларда кескинлик ва низоларнинг олдини олиш йўллариридир.

Аҳоли турмуш даражасини кўтариш фаол демографик сиёсатсиз бўлиши мумкин эмас. Бундай сиёсат республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олишни, аҳоли сифат характеристикасини яхшилашни, соғлом ҳаёт тарзини рағбатлаштиришни кўзда тутади. Демографик сиёсат амалга оширилгандагина республика ичида маҳаллий аҳолининг миграцион ҳаракатчанлигининг йўналиши, миқдори ва самарадорлиги ортади, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш яхшиланади, иш билан бандликнинг ижтимоий-демографик томонлари шакллантирилади.

МИЛЛИЙ ИШЧИ ВА МУТАХАССИС КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

Бир неча ўн йиллар мобайнида марказдан бошқаришнинг амалдаги тизими, унинг идоралари, хўжалик юритиш услуб ва усуллари иқтисодийнинг янада ривожланишига сезиларли туртки бўлишига, кескин ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қодир эмаслиги оқибатида ҳал этилмай қолган муаммолар Ўзбекистонда чигал ижтимоий-иқтисодий ва демографик вазиятни юзага келтирган эди. Аҳвол шу даражага тушиб қолган эдики, қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳокимлиги билан бир қаторда унда ўз маҳсулоти билан аграр соҳани таъминлайдиган тармоқлар устунлик қилиб келди.

Ўзбекистоннинг тайёр маҳсулотни эмас, балки жуда паст нархларда хом ашё ҳамда ярим тайёр буюмларни етказиб берувчи асосий база сифатида бир томонлама ихтисослаштирилиши республикамизда қайта ишловчи саноат тармоқларининг ривожланишига тўсқинлик қилди. Маъмурий-бўйруқбозлик тизим сиёсати ва маҳаллий идоралар раҳбарларининг ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришда, ишчи ва мутахассис кадрлар тайёрлашда ва айниқса республиканинг ўзига хос миллий ва демографик вазиятини ҳисобга олмасдан нотўғри йўл тутганлиги оқибатида ҳам аҳвол янада оғирлашиб кетди.

Кўп йиллар давомида марказга ташиб кетишга аниқ йўналтирилган, меҳнатни нисбатан камроқ талаб қиладиган арзон хом ашё тармоқлари устун деб ҳисоблаб келинди. Натижада республика саноатининг бундай номукамаллиги маҳаллий миллат вакилларининг ижтимоий турмушига, унинг саноатнинг анъанавий тармоқларида жамланишига салбий таъсир қилди. Фан-техника тараққиётини белгилайдиган ва республиканинг иқтисодий ривожланишини таъминлайдиган тармоқларида уларнинг ниҳоятда камчил бўлишига олиб келди. Мана шундай шароитда бизга аввало туб миллат вакилларида малакали кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури сув билан ҳаводек зарур эди. Чунки меҳнат қилишга лаёқатли бўлган ўзимизнинг юқори малакали маҳаллий кадрларимизсиз Ўзбекистоннинг мустақиллигини тасаввур қилиш қийин.

70—80-йилларда халқ хўжалигининг ишчи ва илмий-техник кадрларга бўлган талаби илмий асосланган изчил тарзда ўрганилмади. Натижада кадрлар тайёр-

лашни режалаштиришда жиддий хатоликларга йўл қўйилди, баъзи соҳаларда керагидан ортиқ ишчи кадрлар тайёрланди, бошқа соҳаларда, айниқса техника тараққиётини ҳал қилувчи тармоқларда маҳаллий миллат вакилларида ишчи кадрлар танқислиги сезилиб қолди.

1970—1985 йиллар мобайнида Ўзбекистон халқ хўжалигида ишчи ва хизматчилар сони 2641,5 мингдан 4833,5 минг нафарга кўпайди¹. Айни вақтда моддий ишлаб чиқариш тармоқларида (саноат, қишлоқ хўжалиги ва транспорт, алоқа, савдо, шахсий ёрдамчи хўжалик) меҳнат ресурсларининг 74,2, маҳсулот яратмайдиган тармоқларда эса 25,8 фоизи машғул эди².

Ўзбекистон сингари меҳнат ресурслари ортиқча бўлган ўлка шароитида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йирик иқтисодий ҳамда ижтимоий муаммо ҳисобланади.

1970—1985 йилларда Ўзбекистон халқ хўжалигида машғул бўлган олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар сони 531 мингдан 1385 минг кишига, шу жумладан, олий маълумотли мутахассислар 252,5 мингдан 669,2 мингга, ўрта махсус маълумотлилар эса 278,6 мингдан 715,8 минг нафарга кўпайди³.

Халқ хўжалигининг мутахассислар билан таъминланганлиги жиҳатидан Ўзбекистон иттифоқдаги республикалар ичида олдинги ўринлардан бирини эгаллар эди. Бироқ бундай кўрсаткичга асосан ижтимоий соҳадаги олий ва ўрта маълумотли ходимлар ҳисобига эришилган. 1970—1985 йиллар мобайнида Ўзбекистонда олий маълумотли мутахассислар ўртасида муҳандислар 19,3 фоиздан атиги 23,6 фоизга кўтарилди⁴. Ўрта махсус техника маълумотига эга мутахассислар хусусида ҳам худди шундай ҳолни кузатиш мумкин.

Узоқ давр мобайнида демографик вазиятга етарли эътибор берилмади. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлаштирилиши сиёсатига ўзгартиришлар киритиш бўйича умумдавлат доирасида республикада бирмунча ишлар олиб борилди, бироқ бу ишлар пала-партиш, миллий манфаатларга мос келмайдиган ва охиригача етказилмасдан юзаки олиб борилди. Шу билан бирга турли миллат вакилларининг иш билан таъминланган-

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году, 208-бет.

² Зиедullaев С. К. Ўзбекистон экономикасининг регионал проблемалари, 25-бет.

³ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году, 209-бет.

⁴ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году, 210-бет.

лик соҳалари бўйича тадқиқот деформацияланганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан, саноатда меҳнатга қобилиятли бутун аҳолининг 12 фоиздан камроғини ташкил этувчи ўзбеклар ишлар эди¹. Шу боисдан ҳам маҳаллий аҳоли орасидан ишчилар тайёрлашнинг сифатини яхшилаш, миқёсини кенгайтириш зарурати етилиб турган долзарб масалалардан бири эди.

70-йилларнинг охири — 80-йилларнинг бошида индустрияда туб ерли миллатга мансуб ходимлар миқдорининг йиллик ўсиши унда банд бўлганларнинг умумий ўсишидан ортиқ бўлса, кейинчалик бу ижобий тенденция ривожланмади. Амалда саноатнинг барча тармоқларида ва республиканинг бутун ҳудудида станокда ишловчилар, мастерлар, муҳандислар гуруҳлари миллий кадрлар билан айниқса суст бутланмоқда эди.

Аҳоли таркибида ишчилар сони анчагина ўсганлигига қарамай республикамиз ана шу кўрсаткич бўйича шўролар республикалари ичида, 1979 йилги маълумотларга кўра 13-ўринда турар эди. Шунинг ҳам эътироф этиш керакки, Ўзбекистон айниқса ишчилар сафининг миллий кадрлари салмоғи жиҳатидан оқсамоқда эди. Кейинги йилларда ушбу муаммони оқилона ҳал қилиш йўллари бўйича анча жиддий тадбирлар кўрилди, тегишли қарорлар қабул қилинди. Айни пайтда эришилган ижобий ўзгаришларга қарамай, миллий кадрларни айрим тармоқлар бўйича тақсимлаш ниҳоятда нотекис бўлиб, бу ҳолни қониқарли деб бўлмас эди. Чунинчи, ишчилар орасидаги ўзбеклар: 1973—1983 йилларда саноатда — 51,1, қурилишда — 46,5, транспортда — 38,6, алоқада — 40,8 фоизга ўсган². Енгил саноат соҳасида ўзбек ишчилари бундан ҳам кўпроқ — 65,7 фоиз, озиқовқат саноатида — 59, нефть қазиб чиқаришда — 55,2 фоизни эгаллаган бўлса, рангли металлургияда — 31,4, машинасозлик ва металлни қайта ишлашда — 25,2, химия ва нефть химиясида — 24,9 фоизни ташкил этган³.

Вилоятлар саноат корхоналаридаги маҳаллий миллат вакилларида бўлган ишчилар салмоғи ҳам турлича эди. Масалан, Фарғона водийсидаги саноат корхонала-

¹ Миллатлараро муносабатлар маданияти ва байналмилал дунёқараш, 118-бет.

² Зоидов М. Ўзбекистон меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланайлик. «Ўзбекистон коммунисти», 1986, 10-сон, 12-бет.

³ Шистер Г. Ўзбекистон: кўп миллатли ишчилар синфининг шаклланиши ва ривожланиши. «Ўзбекистон коммунисти», 1985, 10-сон, 38-бет.

рида ўзбек ишчилари 40—60 фоизни ташкил қилган бўлса, Тошкент вилоятида эса бу 20—23 фоизни эгаллаган. Андижон механика заводида ўзбеклар 51 фоиз бўлса, Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида 19 фоизни ташкил этди¹.

Ўзбекистон ишчилари сафининг характерли хусусияти унинг кўп миллатлилигидир. 80-йиллар ўрталарида унинг сафларида 112 миллат ва элат вакиллари меҳнат қилар эди². Турли миллатлар ўртасида, меҳнат жамоаларида дўстлик ва ўзаро ёрдам муносабатлари таркиб топган эди. Масалан, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида 50 дан зиёд миллат ва элатларнинг, «Таштекстильмаш» заводида — 47, Олмалиқдаги кон-металлургия комбинатида 45, Тошкентдаги «Миконд» заводида — 44, Тошкент тўқимачилик комбинатида — 46 миллат ва элатлар вакиллари ишлайди³.

Айни пайтда саноат ишчилари таркибида маҳаллий аҳоли салмоғи етарли бўлмай, улар республика аҳолисининг таркибидаги ўзбеклар салмоғидан анча паст эди. 1983 йилги маълумотларга кўра (кейинги йилларники эълон қилинмаган) ўзбеклар республика ишчиларининг 45,7 фоизини, айни пайтда унинг улуши жами аҳолининг 68,7 фоизини ташкил этар эди⁴.

Республика саноатини ривожлантириш соҳасида йўл кўйилган жиддий камчиликлар ҳам миллий ишчи кадрлар тайёрлаш ишига салбий таъсир кўрсатди. Азаллий саноат хунармандчилиги ҳамда меҳнатни ташкил қилиш шаклларида воз кечилиб хато қилинди. Чекланган тарздаги йирик шаҳарларда кўпроқ йирик, аҳоли учун мутлақо янги саноат қорхоналари жадал сурьатлар билан барпо қилинди. Жумладан, биргина Тошкент шаҳрининг ўзидагина 1971—1975 йиллар ичида 15 та қорхона қурилди⁵. 70-йилларнинг охирига келганда шаҳарда ҳаммаси бўлиб 400 дан ортиқ саноат қорхона ва бирлашмалари мавжуд бўлиб, улар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг тўртдан бир фоизини етказиб берар эди. Умуман олганда, республи-

¹ Таксанов А. Развитие промышленного рабочего класса на ссле. «Коммунист Узбекистана», 1987, 7-сон, 31-бет.

² «Правда», 1984 йил, 9 апрель.

³ Тошкент вилоят ҳоқимияти архиви, 1136-жамғарма, 8-рўйхат, 70-иш, 1-варақ.

⁴ КПСС XIX Бутуниттифоқ Конференцияси миллатлараро муносабатларни ривожлантириш тўғрисида. Ўзбекистон коммунисти, 1988, 11-сон, 46-бет.

⁵ «Вечерний Ташкент», 1976 йил 10 январь.

кадаги саноат корхоналарининг 50 фоизи Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудида жойлашган бўлиб, бу корхоналар ишчиларининг атиги учдан бир қисми туб миллат кишилари эдилар¹.

Саноатнинг замонавий тармоқларидаги меҳнатга ўзбек халқи гўё қодир эмаслиги ва шу муносабат билан кўп ишчилар ишсиз юрганлиги ҳақида айрим фикрлар мавжуд. Бу гапларни халқни ҳам, ҳақиқий аҳволни ҳам мутлақо билмайдиган кишилар айтиши мумкин. Республикамизда 1 миллионга яқин ишсизлар бор экан, бунинг боиси уларнинг ишлаш иштиёқи йўқлигида эмас, балки асосан Марказнинг йўналтирилган сиёсати туфайли ва қолаверса баъзи раҳбарлар, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг бугунги мутасаддилари уларни иш жойлари, турар жой, болалар боғчалари, ҳунар-техника билим юртлари билан таъминлаш имконини ярата олмаганидадир.

Ўзбекистонда миллий ишчи кадрларни шакллантириш — республиканинг иқтисодий жиҳатдан мустақиллигини таъминлашнинг муҳим шартидир. Акс ҳолда республика ижтимоий ишлаб чиқаришнинг умум-иттифоқ тизимида фақат хом ашё етказиб берувчига айланиб қолавериши мумкин эдики, бу ҳол маданий, маънавий соҳаларда ҳам кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши, айниқса миллатлараро муносабатлар муаммоларини янада мураккаблаштириши мумкин эди.

Кейинги йилларда мамлакатдаги, жумладан Кавказорти, Ўрта Осиё, Болтиқбўйи республикаларида, Молдавияда бўлиб ўтган миллатлараро муносабатлардаги зиддиятлар ва можаролар айнан ана шундай хатоликлар туфайли келиб чиқди. Ўн йиллар давомида халқларга нисбатан адолатсизликлар, айрим миллат ва элатларнинг иқтисодий манфаатлари назар-писанд қилинмаганлиги, улар ўртасида тенгсизликнинг сақланиб қолганлиги, бунинг устига, юқорида айтилганидек, миллий кадрлар тайёрлашга эътиборсизлик — буларнинг ҳаммаси нохуш ҳолатларни келтириб чиқармоқда эди. Миллий кадр ўз корхонасининг, элининг манфаатини кўпроқ ўйлайди, унинг янада равнақ топиши учун қайғуради. Ҳар бир миллатнинг ўз юртида ғурури, миллий ҳис-туйғулари бошқаларга нисбатан кучлироқ бўлади, у ўз элининг манфаатларини бошқалардан кўра

¹ *Ҳожимирзаев М.* Ўзбекистоннинг ишчилар синфи: ривожланиш муаммолари. «Инсон ва сиёсат», 1991, 9-сон, 20-бет.

кўпроқ ҳимоя қилади. Бироқ мустабид тузум сиёсати ва айрим мутасадди раҳбарлар миллий кадр тайёрлашдек муҳим ижтимоий муаммони ҳал этиш ишига етарли баҳо бермадилар. Натижада миллий кадрлар салмоғи баъзи корхоналарда жуда камайиб кетди. Жумладан, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида кадрлар масаласида ишга қабул қилинаётганларнинг миллий таркибига умуман аҳамият берилмас эди. Тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, 1985 йилнинг январида ишлаб чиқариш бирлашмасининг умумий ишчилар сонининг 26,3 фоизигина миллий кадрлар экан. Муҳандис-техник ходимлар атиги 8,5 фоизни, хизматчилар эса 9,4 фоизни, хизмат кўрсатувчи кичик ходимлар 64 фоизни ташкил этар экан¹.

Республикада аҳолининг табиий ўсиши иттифоқ ўр-тача даражасидан анча юқори бўлиб, тез кўпайиб бормоқда эди. Ана шуларни ҳисобга олиб, меҳнатга лаёқатли аҳоли орасидан миллий кадрлар етиштиришни кўпайтириш, бу ишга жиддий ёндашиш талаб этилар эди. Бироқ бу муаммога эътибор берилмади, ҳаракатлар жуда сусткашлик билан олиб борилди.

Маҳаллий аҳоли орасида ишчиларнинг кам сонлилиги, улар профессионал билими даражаси пастигининг асосий сабаби — қишлоқда индустриал тармоқлар ва ижтимоий инфраструктуранинг етарли даражада ривожланмаганлигидадир. Бу муаммони ҳал қилиш учун ишчи қадрини ошириш, дастлаб меҳнат самарадорлигини юксалтириш ва шунга яраша ойлик иш ҳақини кўпайтиришга эришишни таъминлаш, моддий рағбатлантиришнинг турли шаклларида фойдаланиш: индустриал ишлаб чиқариш ходимларига ер томорқалари ажратиб бериб, боғдорчилик ширкатларини ташкил этиш: умумтаълим мактабларининг юқори синфларида ёшларни касбга йўллашни, мактабда касбга тайёрлашни яхшилаш — буларнинг бари қишлоқ аҳлини саноат корхоналарига ишга жалб этишда ижобий натижалар беради.

Ўзбекистон Республика Фаолар Академияси Иқтисодиёт институти олимлари: ўтказган (аҳоли зич яшайдиган Наманган ва меҳнат қилувчилар етишмайдиган Жиззах вилоятларида) социологик тадқиқотлар шуни

¹ Каримов М. Х. Производственный коллектив в интернациональном воспитании трудящихся: сравнительный анализ (по социологическим исследованиям в РСФСР и Узбекской ССР). Национальные отношения и национальные процессы в СССР: Вопросы истории. Сборник научных трудов. М., 1990, 203-бет.

кўрсатадики, туб ерли миллатга мансуб кишилардан 8 ва 10-синф ўқувчиларининг атиги 3 фоизигина мактабни тугатганидан кейин саноатда ишлашни, салкам 5 фоизи — қурилишда, 10,4 фоизи — транспорт ва алоқада меҳнат қилишни мўлжаллайди¹. Шундан кўриниб турибдики, туб ерли миллат ёшлари орасида индустриал соҳага қизиқтириш ишлари яхши йўлга қўйилмаган.

Қишлоқ аҳлини, айниқса ёшларни индустриал меҳнатга фаол жалб этишга уларнинг кам ҳаракатчанлиги ҳам тўсқинлик қиларди. Эрта турмуш қуриш, одатда, эркакни яшаш жойига боғлаб кўярди, уни бошқа жойларга бориб, ишчи касбини эгаллаш имконидан маҳрум этарди, чунки қишлоқда у бунга эриша олмади.

Индустриал соҳада маҳаллий миллат ёшлари кам эканлигининг яна бир асосий сабаби бор. У ҳам бўлса тил масаласидир. Саноат корхоналарида, умуман шаҳар шароитида рус тилининг устун мавқеда эканлиги, бу эса рус тилини яхши билмайдиган, қишлоқдан келган йигит ва қизларнинг индустриал касбларни эгаллашларида қўшимча қийинчиликлар туғдирар эди. Завод ва фабрикаларда ишчилар учун қўлланмалар фақат рус тилида чоп этилган бўлиб, қишлоқдан келганлар ва шаҳарлик ёшларнинг ҳам миллий мактабларини битирганлари рус тилини мукаммал билмаганликлари, ишлаб чиқаришда кадрларни ўқитиш-ўргатиш асосан рус тилида олиб борилиши, қолаверса мураббийларнинг ҳам фақат рус тилида муомала қилишлари ёшларни бу ерга кириб ишлашдан чўчитар эди. Айниқса, дарсликларнинг рус тилида нашр этилганлиги, иш юритишлар, технологик чизмалар ва бошқа ҳужжатлар ҳам фақат рус тилида олиб борилганлиги туб ерли миллат кишиларидан ҳунар-техника билим юртларида малакали ишчи кадрлар тайёрлаш ишига салбий таъсир кўрсатаётган эди.

Республикада таркиб топган мавжуд ҳунар-техника таълими тизими зарур миқдордаги малакали ишчиларнинг бешдан бир қисминигина таъминлаб келди. Бу ерда ёш ишчилар авлодини тайёрлаш турларини кенгайтириш ва сифатини оширишга унчалик аҳамият берилмади. Мураккаб ва кўшилиб кетган бир неча касб-

¹ *Убайдуллаева Р.* Ўзбекистоннинг меҳнат потенциалидан яхшироқ фойдаланайлик. «Ўзбекистон коммунисти», 1987, 10-сон, 27-бет.

лар бўйича малакали ишчилар тайёрлашга қодир ихтисослаштирилган билим юртларини (биринчи навбатда йирик шахарларда) барпо этиш ишига жиддий киришилмади.

Малакали ишчиларни режалаштириш ва устун даражада янги техника ва технология учун тайёрлашга, афсуски, зарур эътибор қаратилмади. Ҳунар-техника таълими тизимида кўпроқ тракторчи-машинист, гишт терувчи, бўёқчи, сартарош, тикувчи, тўқувчи, слесарь, пойафзалчи сингари «барқарор» касблар ўргатилади. Мазкур тизимнинг халқ ҳўжалигининг ижтимоий зарур эҳтиёжларидаги ўзгаришларга ўз вақтида жавоб беролмаслиги туфайли текширув ўлчов асбоблари ва автоматлари, программа асосида бошқариладиган станоклар ва манипуляторлар, автомат линияси ва агрегат станоклари созловчилари, автомат ва ярим автомат линиялари, станок ва қурилмалар, электрон ҳисоблаш машиналари операторлари жуда кам тайёрланди, ҳолбуки, уларга эҳтиёж жуда катта эди.

Айниқса, ҳунар-техника таълими тизимида маҳаллий миллат вакилларида ишчи кадрларни тайёрлашнинг аҳволи жуда ачинарли эди. Бу ерда анъанавий касбларни ўрганишда маҳаллий миллат вакиллари бир оз устун ўринни эгаллаб турган бўлса-да, айтиб бериш вақтда республика халқ ҳўжалиги, жумладан, машина-созлик, электрон-ҳисоблаш, автоматлашган корхоналар янги илғор ва истиқболли ихтисосдаги юқори малакали туб аҳоли ишчи кадрларига муҳтож эди.

Ишчилар сафларини туб ерли миллат кишилари ҳисобига ўстириш бизнинг республика учун ижтимоий адолат нуқтаи назаридан ҳам жуда катта аҳамиятга эга эди. Бу жараён ёш ишчи кадрлар тайёрлайдиган ҳунар-техника билим юртларида жуда суст борди. Масалан, 1985 йили Тошкент шаҳрида билим юртига қабул қилинганларнинг 45 фоизи бошқа жойлардан келган ёшлар эди. Шу билан бирга ўқувчилар умумий сонидан саноат ва қурилиш ишчилари мутахассислиги бўйича туб миллат вакиллари 17 фоизни эгаллар эди¹.

Туб миллат вакилларида ишчи кадрлар тайёрлаш ишлари республиканинг бошқа жойларида ҳам шундай аҳволда эди. Масалан, 70-йилларнинг охирига келиб Ўзбекистондаги ҳунар-техника билим юртларида ҳар 10 минг кишидан 69 та ўзбек ишчиси тайёрланган бўлса,

¹ Таксанов А. Социальная политика и рабочий класс, 94-бет.

Россияда худди шунча аҳолидан 109 та рус ишчиси тайёрланган¹.

Индустриянинг етакчи тармоқларига кадрлар етиштириб берувчи хунар-техника билим юртларига, одатда маҳаллий миллат ёшлари ҳам киради. Бу масала республикада бир неча бор ўртага қўйилди. Вилоят ва шаҳар раҳбарлари йиғилишларида ҳам кадрлар масаласи энг ўткир муаммолардан эканлиги таъкидланди. Бироқ, бир озгина силжиш бўлганлигини ҳисобга олмаганда, бу масала муаммолигича қолаверди.

Республиканинг энг йирик индустриал маркази бўлган Тошкент шаҳридаги йирик бирлашма ва заводларда фан-техника тараққиётини белгилаб берадиган тармоқларда, ишлаб чиқариш соҳаларида малакали маҳаллий миллат ишчилари камчиликни ташкил этар эди. Масалан, 1986 йилда машинасозликда ўзбек ишчилари 25,2 фоизни ташкил этган бўлса, енгил саноат тармоғида 67,7 фоизни ташкил этар эди².

Ишлаб чиқариш соҳасининг мавжуд таркибига ҳар қайси тармоқда тарихий таркиб топган ишда бандлик анъана ва кўникмалари ҳам тўғридан-тўғри таъсир кўрсатди. Лекин муаммонинг сабаби фақат шунда деб бўлмайди. Бунинг бошқа сабаблари ҳам мавжуд бўлиб, улардан бири европаликларга мансуб халқлар яшайдиган йирик шаҳарларда катта-катта саноат корхоналарининг йиғилиб қолганлигидир. Ўзбеклар салмоғи 30 фоизга ҳам етмайдиган бундай шаҳарларда ўзбек ишчиларининг ҳам кам бўлиши табиий ҳолдир. Буни Тошкент шаҳри мисолида яққол кўриш мумкин³. Андижон шаҳрида эса ўзбеклар салмоғи анча юқори даражада эди. Агар биз бу шаҳарлардаги умумий ишчилар сонига нисбатан ўзбек ишчиларининг тутган ўрнини солиштирсак улар ўртасидаги фарқнинг анчагина катта эканлигини кўрамыз. Мисол учун, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ўзбек ишчилари 21,0 фоизни, Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида — 19,0 фоизни, Тошкент трактор заводида — 18,0 фоизни ташкил этса, Андижон шаҳридаги Ремонт-механика заводида — 30,0 фоизни, Консерва заводида — 57,0 фоизни, Электр аппарати заво-

¹ Социально-культурный облик советских наций. По материалам этно-социологического исследования. М., Наука, 1986, 77—78-бетлар.

² Таксанов А. Перестройка и некоторые проблемы развития национальных кадров индустриального рабочего класса, 22-бет.

³ Максакова Л. Миграция населения Узбекистана. Т., «Узбекистан», 1986, 189-бет.

дида — 63,0 фоизни эгаллар эди. Бундан кўриниб турибдики, ўзбек ишчилари салмоғи Андижон шаҳрида республикамиз пойтахтидагига нисбатан 2—3 баравар ортиқ¹. Бу нарса саноатнинг бошқа тармоқларига ҳам бирдай тегишли. Шунинг учун ҳам миллий ишчи кадрлар етиштириш муаммосини ҳал этишда масаланинг бу томонига ҳам эътиборни қаратиш, яъни ўзбеклар салмоғи катта бўлган жойларда саноат корхоналари ва шу билан бирга етук ишчи кадрлар тайёрлайдиган ҳунар-техника билим юртлирини жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Индустриал тармоқда миллий кадрлар камлигининг бошқа сабаблари ҳам бор. Улардан бири кадрларни уч йил ўқитиш давомида ўрта ҳисобда ойлик маоши 120 сўмдан ошмайдиган 2—3 разряд бериб келинганлигидир². Қолаверса, саноат ишлаб чиқаришида иш ҳақи даражаси етарлича эмаслиги ҳам муаммони янада чуқурлаштиради. Индустриал ишлаб чиқаришда афзалликлар, имтиёзларнинг йўқлиги, уй-жойнинг етишмаслиги ва инфраструктуранинг яхши ривожланмаганлиги кўпинча қишлоқ аҳолисини шаҳар саноат корхоналарига жалб этишга тўсқинлик қилди.

Агар яқин вақтларгача шаҳарларда малакали ишчи кучларининг етишмаслиги туфайли улар қишлоқлардан ва бошқа минтақалардан келтирилган бўлса, кейинги йилларда шаҳарнинг ўзида ортиқча ишчи мавжудлиги кузатилди. Маълумотларга қараганда, республика саноат корхоналарида 50—55 минг ишчи кучи етишмайди. Айтиш керакки, дунёнинг кўпгина мамлакатларида бундан аллақачон воз кечилган. Бизда эса бу йўл ишчилар сафини тўлдиришнинг асосий йўли бўлиб келди. 1985 йилда, масалан, шу йўл билан иккинчи касб ва мутахассисликларга 239,6 минг киши тайёрланди, республика ҳунар-техника билим юртлирида эса 166,2 минг киши тайёрланди³.

Республика иқтисодиётининг ривожланиши кўп жиҳатдан туб миллатдан ишчиларни шакллантириш муаммоси билан боғлиқ. Ишчиларни бевосита ишлаб чиқаришнинг ўзида тайёрлаш масаласи хусусида шуни айтиш керакки, дунёнинг кўпгина мамлакатларида бундан аллақачон воз кечилган. Бизда эса бу йўл ишчилар сафини тўлдиришнинг асосий йўли бўлиб келди. 1985 йилда, масалан, шу йўл билан иккинчи касб ва мутахассисликларга 239,6 минг киши тайёрланди, республика ҳунар-техника билим юртлирида эса 166,2 минг киши тайёрланди³.

¹ Таксанов А. К. Перестройка и некоторые проблемы развития национальных кадров индустриального рабочего класса, 23-бет.

² Ишчи кадрлар: муаммолар ва ечимлар, 29-бет.

³ ЎзР Тошкент вилоят ҳокимияти архиви, 1136-жамғарма, 12-рўйхат, 77-иш, 40—41-варақлар.

Бизнингча, кадрларни бевосита ишлаб чиқаришда тайёрлаш ўзини шунинг учун ҳам оқламаяптики, у ишчиларга зарур билим ва кўникма бермаяпти, улар ўзлари ўрганаётган касбларининг назарий асосларини билмайдилар, савиялари эса ниҳоятда паст. Корхонанинг кундалик эҳтиёжларини қондириш мақсадларидагина улар фақат бир ихтисосга ўргатиб келинди. Бундай ишчиларда ўз қобилиятларини намойиш этиш ва такомиллаштириш имкониятлари чекланган бўлади, бу эса уларнинг кайфиятига, ишга бўлган муносабатига, ишлаб чиқараётган маҳсулоти сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Масалан, 70-йилларда Тошкент тўқимачилик комбинатида ёш ишчи кадрларнинг 40 фоизигина хунар-техника билим юртларида, қолган қисми эса бевосита ишлаб чиқаришда тайёрланмоқда эди. Бевосита ишлаб чиқаришда тайёрланган кадрларнинг асосий қисми иш режасини йиғирув цехида 15—16 фоизга, тўқув цехларида 12—14 фоизгагина етказиб бажармоқда эдилар. Бундай ишчиларда билим ва кўникманинг пастлиги (16 фоиз), иш шароитининг оғирлиги (11,6 фоиз), уй-жой олиш муаммоси (15,5 фоиз) ва шу каби сабаблар ишга бўлган қизиқишни камайтиради. Оқибатда ишга келганларнинг кўпчилиги 2 йил ҳам ишлаганасдан бўшаб кетар эдилар. Натижада комбинатда 1976 йилда бўш иш ўринлари 26,7 фоизни ташкил этди¹.

Шунинг учун ҳам ишчи кадрларни тайёрлашда асосий эътибор хунар-техника билим юртлари ва техникумларига қаратилиши керак эди, уларни энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, энг яхши мураббийлар билан таъминлаш зарур эди. Республикада бу соҳада анчагина ишлар қилинди. Хунар-техника билим юртлари сони йилдан-йилга ортиб борди, уларнинг моддий-техника базасини яхшилашга эътибор берилди. Жумладан, 1975-1976 йилларда 41 та ўқув ишлаб чиқариш устахонаси ташкил этилди. Улар керакли машина ва механизмлар, технологик асбоб-ускуналар билан таъминланди². Бундан ташқари айрим йирик корхоналар ҳам бундай ишларга ўз ҳиссаларини кўшдилар. Масалан, Тошкентдаги «Юлдуз» тикувчилик фирмаси қошида ташкил этилган 5-хунар-техника билим юртида 150 нафар ўқувчининг назарий ва ишлаб чиқариш

¹ ЎзР ТВХА, 1136-жамгарма, 12-рўйхат, 77-иш, 40—41-парақлар.

² Мамарайимов К. Подготовка рабочих кадров в системе профтехобразования УзССР в годы девятой пятилетки, 41-бет.

бўйича билим олишлари учун етарли даражада шароит яратиб берилган. Ўқув-ишлаб чиқариш базасига 41 та тикув дастгоҳи ўрнатилди. Уларни жиҳозлаш ва ремонт ишларининг барчасини тикувчилик фирмаси ўз ҳисобидан бажарди.

Самарқанддаги «Пахтачилик машинасозлиги» заводи 32-хунар-техника билим юрти билан, 8 март номли тикувчилик бирлашмаси 62-хунар-техника билим юрти билан яқин алоқа ўрнатган. 1972 йили 8 март номли тикувчилик бирлашмаси 62-хунар-техника билим юртининг ремонт ишлари ва ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарини жиҳозлаш учун 82,6 минг сўм ажратди¹. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бироқ, хунар-техника билим юртларини кенгайтириш ва жиҳозлашга доир анчагина ишлар бажарилганига қарамасдан қилиниши лозим бўлган кўпгина ишлар мавжудлигини билим юртлари моддий-техника базасининг ниҳоятда ғариб эканлигидан ҳам кўриш мумкин. Масалан, 80-йилларнинг охирида мавжуд 460 та кундузги хунар-техника билим юртларининг ҳар учтасидан биригина тўла ўқув комплексига эга² эди. Уларнинг таълим мақсадлари учун замонавий машина-ускуналарга бўлган эҳтиёжини база корхоналари жуда қониқарсиз таъминламоқда эди.

Корхоналар ва хунар-техника билим юртларининг шартнома тизимига ўтиши ишчи кадрлар тайёрлаш кўламининг кескин қисқариб кетишига олиб келди, унингсиз ҳам хунар-техника билим юртлари республиканинг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қаноатлантира олмаётган эди. Бу аҳвол фақат иқтисодий вазифаларни ҳал қилишдагина эмас, шу билан бирга ёшларга, айниқса, туб миллатларга мансуб ёшларга касб ўргатишни ташкил этишда мутасадди раҳбарлар йўл қўйган нуқсонларнинг натижасидир.

Индустриал соҳада ўзбек ишчиларининг салмоғи 1979 йилда умумий ишчилар салмоғининг 50 фоизини ташкил этар эди. Буни бошқа республикалар кўрсаткичи билан солиштирганда бизнинг республикада туб миллатга мансуб ишчилар салмоғи камлигини кўрамиз. Масалан, арман ишчиларининг салмоғи ўз республикаларида 1979 йилда 62 фоизга тенг бўлган, латишлар — 58, белоруслар — 59,0 фоизни ташкил этганлар. Ҳатто

¹ ЎЗР МДА, Р-737-жамгарма, 5-рўйхат, 722-иш, 73-варақ.

² «Тошкент оқшоми», 1989 йил 25 ноябрь.

Ўрта Осиё республикаларида ҳам Ўзбекистондагига нисбатан бу кўрсаткич анча юқори эди: қозоқлар — 64, қирғизлар — 56, тожиклар — 55 фоизни ташкил этар эди¹. Ўзбек ишчиларининг салмоғида умумий аҳоли таркибига нисбатан ҳам шундай манзарани кўриш мумкин. Мана шуларнинг ўзидан ҳам ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришда, туб аҳолидан ишчи ва мутахассис кадрлар тайёрлашда маҳаллий маъмурларнинг нотўғри йўл туганлиги оқибатида ушбу муаммо янада чуқурлашган деб хулоса чиқариш мумкин.

Айниқса бундай оғир иш шароитларида ишлаш аёллар учун жуда катта қийинчиликлар туедирар эди. Улар ишчилар сафини тўлдиришнинг асосий манбаи бўлиб, республика аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил этардилар. 1970 йили аёллар ишчи ва хизматчилар умумий сонининг 41 фоизини ташкил этган бўлса, 1985 йилда 43 фоизга етди². Уларнинг 53 фоизи шаҳар саноатида банд эди. Ўзбек аёллари эса уларнинг 21,3 фоизини ташкил этарди. Енгил саноатда айниқса ўзбек аёлларининг салмоғи катта эди, жумладан, Наманган ипак ва костюмбоп газламалар комбинатида улар 60 фоизни эгаллар эдилар³.

Ўзбек аёлларининг ишчи ва хизматчилари орасидаги сони 80-йиллар ўргаларига келганда ўтган ўн йил ичида деярли 2 баравар ортди⁴. Бунинг асосий сабаби 1975—1985 йилларда 570 дан зиёд йирик ишлаб чиқаришлар, корхоналарнинг қишлоқ жойлари ва посёлкаларида цех ва филиалларининг очилиши бўлди.

Шу билан бирга республикада ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли кишилар миқдори анча эди. Унинг 80 фоиздан кўпроғини хотин-қизлар, ярмига яқинини — 15—29 ёшдаги ёшлар ташкил этарди. Бироқ бу кўрсаткичларнинг анчагина қисмини уй-рўзгор иши билан банд бўлган кўп болали аёллар эгаллар эди. Уларни ҳам ижтимоий банд аёллар қаторига киритиш мумкин. Лекин ишлаб чиқаришда банд бўлган аёлларнинг эркаклар билан бир сафда ишлашлари учун етарли даражада шарт-шароитлар яратилган эмас эди. Турғунлик кўринишлари аёллар ҳаётининг барча соҳаларига ўзининг салбий таъсирини ўтказди. Кейинги йилларда жамиятимиз аёлларининг ўша

¹ Таксанов А. Социальная политика и рабочий класс, 87—88-бетлар.

² Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году, 202-бет.

³ ЎЗР МДА, 15-жамғарма, 37-рўйхат, 132-иш, 3-варақ.

⁴ «Правда Востока», 1989 йил 8 март.

йиллардаги оғир аҳволи ҳақида очик айтилмоқда. Уларнинг турмуш ва меҳнати ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш, ижтимоий соҳани тубдан яхшилаш ишларининг бориши қониқарли даражада эмас эди. Аёллар бўш вақти кўпроқ бўлиб, асосан оилада, болалар тарбияси билан шуғулланишлари учун шароит яратиб берилиши кераклиги ва аёллар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича бизда сўнгги йилларда 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий актлар қабул қилинди, бироқ булар биронта натижа бермади.

1975 йили республикада ҳар 1000 аёлнинг 210 таси халқ хўжалигида банд эди¹. Агар биз илгари халқ хўжалигида банд кишиларнинг ярмидан ортигини аёллар ташкил этишидан мағрурланган бўлсак, бугун бу нарсанинг қанчалик йўқотишлар эвазига бўлгани тушунарли. Аёллар эришган муваффақиятлар қатори уларнинг ўз ҳуқуқларидан фойдаланишга кўп жиҳатдан ҳалақит бераётган муаммолар ҳали ҳам ҳал этилмаган.

Аёлларнинг касб маҳоратларини ошириш билан бир қаторда ҳозирги шароитда уларни оғир жисмоний меҳнат ва зарарли ишлардан озод этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун кейинги йилларда анча ишлар қилинди. Бироқ, 80-йиллар ўрталаригача бўлган маълумотларга кўра, республикада 145 минг иш жойи меҳнатни муҳофаза қилиш нормаларига тўғри келмайди. 112,5 минг аёл кучли шовқинда, чанг ва газланган, ёмон ёритилган, ҳарорат режими ноқулай шароитда, 43,8 минг аёл эса тунги сменада ишламоқда эди².

Республика саноати, қурилиши, қишлоқ хўжалигида қўл меҳнати билан машғул аёллар улуши мамлакатдаги ўртача даражадан анча юқори эди. Республика саноатида қўл меҳнати салмоғи ўртача 35—36 фоизни ташкил этган бўлса, аёллар орасида 42,5 фоиздан иборат бўлди³. Шунинг учун ҳам хотин-қизлардан малакали кадрлар тайёрлаш билан жиддий шуғулланиш, улар учун етарли иш шароитлари яратиб бериш талаб этилар эди. Шуни ҳам унутмаслик керакки, улар ишлаб чиқаришда ишлаш билан бирга, оила, рўзғор ишларини ҳам бажаради. Шу муносабат билан аёлларнинг ўртача иш ҳақини сақлаб қолган ҳолда уларнинг ишдаги вақтини 1—2 соат камайтириш лозим эди.

¹ Социально-экономические проблемы использования женского труда в Узбекской ССР. Т., «Фан», 1980, 41-бет.

² «Правда Востока», 1988 йил 24 июнь.

³ «Правда Востока». 1989 йил 8 март.

Кейинги йилларда республикада кўп болали ўзбек аёлларининг уйда ишлаши ўзининг юксак ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини исботламоқда. Шунинг учун ҳам аёлларнинг уйда ишлашларини ривожлантириш ҳамда уларга тўлиқсиз иш куни, тўлиқсиз ҳафта ишлаш ҳуқуқи берилиши жуда муҳимдир. Масалан, Марғилон фабрикасидаги ишчиларнинг 46 фоизини, Косонсой комбинати ишчиларининг 25 фоизини уйда ишлайдиган аёллар ташкил этарди¹. Мана шундай йўл билан республикадаги ўн минглаб аёлларни (асосан кўп болалиларни) ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилиш мумкин.

Кам малакали, оғир, бунинг устига кам ҳақ тўланадиган меҳнат жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожини секинлаштиради. Зеро, у ишлайдиганларни ўзидан бегоналаштиради, шу билан бирга уларда ўз болаларини бундай оғир меҳнатдан ҳар қандай йўллар билан эҳтиёт қилишга интилишни кучайтиради.

Республика саноат маҳсулоти умумий ҳажмининг 60 фоиздан кўпроғи хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган, кўп меҳнат талаб қилмайдиган корхоналар улушига тўғри келадики, шўролар ҳукмронлиги давридаги маъмурий-буйруқбозлик тизими таъсирида юз берган бундай аҳволни ўзгартириш лозим. Бугунги мустақиллигимиз шароитида Ўзбекистонда маҳаллий ресурслардан фойдаланилган ҳолда юксак даражада тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган, кўп меҳнат талаб қиладиган ва илм-фан ечимлари билан иш кўрадиган корхоналарни устун даражада ривожлантириш ҳамда мумкин қадар уларни қишлоққа олиб кириш юзасидан катта тадбирларни амалга ошириш талаб қилинади.

Шу билан бирга малакали кадрлар тайёрлайдиган хунар-техника билим юртлари тармоғини кенгайтириш ва оқилона ҳудудий тақсимлашга эришиш, ижтимоий ва ишлаб чиқарувчи инфраструктуранинг ривожлантириш, меҳнат ресурсларининг сифати ва маданий-техника даражасини ўстириш, ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштиришнинг юксак даражасини таъминлайдиган вазифаларини ҳал этиш талаб этилади.

¹ *Максакова Л. П.* Демографические проблемы занятости в Узбекской ССР. Т., «Ўзбекистан», 1989, 32-бет.

Бугунги кунда миллий ишчи кадрлар салмоғини ошириш муҳим аҳамиятга эга иқтисодий вазифагина бўлмай, балки жуда зарур сиёсий вазифа ҳамдир. Миллий ишчи кадрлар тайёрлаш муаммоси республикамиздаги ижтимоий-сиёсий вазият билан бевосита алоқадор. Маданият, тил, ўзбек халқининг урф-одатлари, қадриятларимиз қайта тикланмоқда. Лекин миллий кадрлар, асосан оммавий ишчи касби ривожланмас экан, миллий тараққиётда юқори сифат поғонасига кўтарилиб бўлмайди.

Ишчилар сафида миллий кадрларни кўпайтириш воситасида барча миллат ва элатлар меҳнаткашлари кенг оммаси билан алоқани мустаҳкамлаш вазифаси анча муваффақиятли ҳал этилади. Биз бунга қанчалик тез эришсак, ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги, халқ турмуши, билим даражаси, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишдаги ҳамда, энг асосийси, ижтимоий адолат ўрнатишдаги ва шу билан бирга миллатлараро муносабатлар муаммоларини бартараф этиш ишидаги муваффақиятларимиз шунчалик сезиларли бўлади.

ХУЛОСА

Бир неча ўн йиллар давомидаги, айниқса 70—80-йиллар босқичидаги турғунликка олиб келган ташаббуссизлик ва ишга ҳалақит берувчи ҳолатлар миллатлараро муносабатларни ўрганишда ҳам муайян қийинчиликларни юзага келтирди ва чуқурлаштириб юборди. Лекин бу камчиликлар ва қийинчиликлар тўғрисида лом-лим дейилмас эди. Бу ҳол ўта салбий оқибатларга олиб келди.

Мустақиллигимиз шарофати билан бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, биз босиб ўтилган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб олиб янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз керак. Бу эса миллий ва миллатлараро муносабатларнинг ҳам назарий, ҳам амалий масалалари билан ғоят асосли равишда шуғулланишни тақозо этади.

Шундай экан, ижтимоий турмушимиздаги энг муҳим муаммолардан бири бўлган миллатлараро муносабатларнинг кескинлашувига йўл қўймаслик учун ўз миллатининг шаклланиш тарихини билиш билангина чекланмасдан, балки республикадаги миллатлараро муносабатлар ривожига, такомиллашувига ҳалақит бераётган муаммоларни аниқ белгилаб олиш, мавжуд хато ва камчиликларни ҳар томонлама ўрганиш, бугунги кун нуқтаи назаридан чуқур таҳлил этиш ҳамда уларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқиш ҳам лозим. Ўз навбатида бу маънавий жиҳатдан мукамал ривожланган инсонни тарбиялаш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш ишига хизмат қилишга йўналтирилиши керак. Бунинг учун ўқитувчи олдига миллатлараро муносабатларнинг турли томонларини, жумладан ижтимоий-иқтисодий жиҳатлардаги мавжуд зиддиятлар ва қийинчиликларни ўрганишга алоҳида масъулият билан ёндашиш вазифаси қўйилади.

Халқимиз ҳаётига четдан зўравонлик билан жорий этилган совет социалистик давлати ҳукмронлиги давридаги миллатлар ва элатлар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётидаги тенгсизлик, режалаштиришдаги оғишлар, иқтисодиёт бошқарувидаги ҳаддан ташқари марказлаштириш, иқтисодий ислохотларнинг самарасизлиги, ижтимоий адолат ва кадрлар сиёсатининг бузилиши сўзсиз равишда

айрим халқлар вакиллари ўртасида ишончсизликнинг кучайишига олиб келди.

Миллатлараро муносабатлардаги мавжуд муаммолар ҳақиқий ижтимоий жараёнларга етарли баҳо бера билмаслик, марказий идоралар ва вазирликлар томонидан маъмурий-буйруқбозлик асосида айрим миллат ва элатлар манфаатларини назар-писанд этмаслик каби салбий ҳолатлар билан кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини бугунги кун кўрсатиб турибди.

Миллий соҳадаги зиддиятли жараёнларни, Ўзбекистоннинг кўпмиллатли аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий аҳолидаги ана шундай муаммоли жиҳатларни ҳар томонлама тадқиқ қилиш миллий ва ижтимоий-иқтисодий сиёсатдаги ҳалокатли бузилишлар ва қинғирликларни чуқур таҳлил қилиш бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларини қўллашнинг зарарли эканлигини, миллий қурилиш соҳасидаги шўро андозасининг назарий жиҳатдан асоссизлигини ҳар томонлама кўрсатиш, Ўзбекистон миллий мустақилликни қўлга киритиш арафасида унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ва миллатлараро муносабатлардаги ўзгаришлар ҳақида чуқур тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Миллий истиқлол йўлидан	6
Миллатлараро муносабатлар муаммоларининг мавжудлиги	14
Миллатлараро муносабатларнинг иқтисодий асослари	23
Қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш ва унинг оқибатлари	60
Иқтисодий муносабатлар муаммолари	86
Аҳолини иш билан таъминлаш	103
Демографик жараёнлар ва уларнинг миллатлараро муносабатларга таъсири	111
Аҳоли миграцияси ва унинг миллатлараро муносабатлар ривожига таъсири	123
Миллий ишчи ва мутахассис кадрлар тайёрлаш	141
Хулоса	157

Д. БОБОЖОНОВА

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий
муносабатлар (70—80-йиллар мисолида)

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
Бош таҳририяти
Тошкент — 1999

Муҳаррир *И. Шоймардонов*
Бадий муҳаррир *М. Самойлов*
Техник муҳаррир *Е. Лукьянова*
Мусаҳҳиҳ *Ю. Бизаатова*

Босмахонага берилди 05.08.99 й. Босишга рухсат этилди 21.09.99.
Бичими 84x108^{1/32}. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма
табоғи 8,40. Нашр босма табоғи 8,36. Адади 5000 дона. Буюртма
№ 4457. Баҳоси келишилган нарҳда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси,
700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.**